



ЛУИЗА Л. ХЕЙ
барчага саломатлик тилайди

МОНА ЛИЗА ШУЛЬЦ

ҲАММАСИ ЯХШИ БЎЛАДИ



Сиз бугунгача касалликнинг олдини олиш, даволаниш, саломатлигингизни тиклаш ва мустаҳкамлашда тиббиёт ҳамда идрок-иродангизга таяниб келдингиз. Энди эса ихтиёргизда бу масалаларда сизга яқиндан ёрдам берадиган Луиза Хейнинг ижобий кайфият дастури мазмун-моҳияти ёритилган китоб бор.

Мазкур китобдаги ғоялар тиббиёт олимлари томонидан эътироф этилган ва миллионлаб кишилар ижобий кайфият дастуридан фойдаланиб дардларига даво топганлар. Ишончимиз комил, сиз ҳам саломатлигингизни тиклаш ва мустаҳкамлашда, умуман ҳаётда баҳтли яшаш учун ушбу китобдаги тавсиялардан унумли фойдаланасиз.

Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Рус тилидан Малика Убайдуллаева таржимаси.

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.

“DAVR PRESS” нашиёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиши, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4742-6

© “DAVR PRESS” НМУ, 2017

1-БОБ**ДАВОЛОВЧИ УСУЛЛАР БИРЛАШУВИ**

Яхши кайфият ва ўзини-ўзи ишонтириш йўли (ижобий психологик дастур), тиббиёт ҳамда ички ҳиссиёт ёрдамида руҳият ва тананинг соғломлашуви — бу соҳа юзасидан узлуксиз ўттиз йил давомида тадқиқот ўтказилган. Бу соҳани биринчи текширганлар орасида ёрқин иқтидорли ва қобилиятли одамлар кўп бўлса ҳам, соҳанинг биринчи ўрганувчиси айнан Луиза Хей эканлигига шубҳа қилинарди. Бу харакат ўтган асрнинг 80-йиллари ичидаги оммавий тус олган эди. Айнан ўша пайтда унинг ҳаворанг муқовали “Ўз танангни давола. Тана касалликларининг психологик сабаблари ва уларнинг енгишнинг метафизик усуслари” номли кичик китоби кўлма-кўл бўлган эди. Айнан шу китобда саломатликдаги муаммолар асосида, бизнинг — ҳар биримизнинг фикр юритиш тарзимиз ётиши ёритилган.

Бу китоб чиққандан кейин ҳаётимизда ҳамма нарса ўзгариб кетишини ким ҳам ўйлаганди? Аммо у тўғри маънода ҳамма нарсани ўзгартириб юборди. Китоб ёрдамида мен шахсий тиббиёт амалиётимга тугалланган шакл бердим, унинг асосида ётган назария эса bemорларимни даволашда ва шахсий саломатлигимни мустаҳкамлашга имкон берди. “Hay House” нашриёти Луиза Хей билан ҳаммуаллифликда китоб ёзишни таклиф қилганида, мендаги ҳайратни, ҳаяжон ва ундан ҳам ортигини

тасаввур қила оласизми, у ерда ички ҳиссиётнинг кучли даволовчи хусусияти, яхши кайфият ва тиббиёт бирлиги ҳамда унга кўра анъанавий Фарб тиббиёти ва худди шундай унга зид альтернатив даволаш усуллари ёзилиши керак эди. Ахир ундан даволаниш ва соғломлашишнинг комплекс тизими пайдо бўлади. Бундай материал устида иш олиб бориш... Яна Луиза билан ҳамкорликда! **Наҳотки мен эътиroz билдира олсан!**

Ҳали тиббиёт коллежида ўқиб юрган пайтимда ўзим билан доимо “Ўз танангни давола” китобини олиб юрар эдим, кейин узоқ йиллар давомида: диссертация ҳимоясига тайёргарлик пайтида, мияни ўрганиш билан шугулланаётганимда, тиббиёт ва фан соҳасида таълим олаётганимда, қийин ва омадли дақиқаларда ундан маънавий мадад топа олганман.

Масалан, мен йиғламаётганимда, кучли тумов ва мия оғриқларидан азият чекаётганимда, китобни олиб, ундаги аниқ фикрлаш тизими билан хасталик сабаблирини излаб топардим — бу димоғ тумови, “ички йифи” дейилади. Мен ўқиши пулини тұлаш учун бир талабалик кредитидан иккинчисига үтар эканман, жуда ташвишланганимдан қуймуч соҳаси асабида оғриқ пайдо бўлди, оддий қилиб айтганида ишиас. Умуртқа поғонасининг пастки соҳасида ҳам муаммолар юзага келди. Шунда мен яна ардоқли ҳаворанг китобчани очдим ва аниқлашимча, ишиас “пул муаммоси ва келажакдан қўрқув билан боғлиқ” лигини англатар экан.

* * *

Мен китоб мазмунидаги таъкидларнинг асосланганлиги ва тўғрилигига мунтазам рашида иқрор бўлардим. Аммо мен бундай тушунчалар Луизада қаердан пайдо бўлганлигига ҳеч тушуна олмасдим.

Деярли 35 йил аввал нимага таяниб, у ўзининг “клиник назорат олиб бориш бўйича тадқиқот”ига — одамнинг фикрлаши ва унинг саломатлиги орасидаги боғлиқликни ўрганишга киришди?

Ҳеч қандай илмий базага ёки тиббий тайёргарликка эга бўлмаган аёл бир бемор кетидан бошқасини кузатиб, уларнинг фикрлари ва саломатлиги орасидаги боғлиқликни англай олди ва ҳаммасини якунлаш учун ҳиссиётлар ва касалликлар орасидаги барча ассоциациялар (бир-бирини эслатадиган ўзаро ўхшашлик)ни аниқ баён қилган китоб ёза олди.

Интуиция (ички ҳис)нинг муҳимлиги

1991 йилдаёқ мен тиббиёт мактабининг икки йиллик босқичини тугатдим, яна фан номзоди даражасини олгунча яна уч йил ўқидим. Мен резидентурадаги касалхонага ишга қайтишимга тўғри келди. Оқ халатга ўраниб, стетоскоп ва яна кўпгина тиббий брошюралар билан қуролланиб олиб, ўша пайлар Бостон шаҳар касалхонаси деб номланган гумбаз остида иш бошладим.

Энг биринчи куни олдимга резидентлар каторидаги кураторим келди, менга биринчи bemorimning исми, ёшини айтди ва оддий маслаҳат бериб: “Яхшилаб текшир!” – деди. Ҳаммаси шу билан чекланди. Даҳшатга тушдим. Мен фақатгина исми



ва ёшинигина билсам, унинг ҳолати сабабини қандай биламан?

“Тез ёрдам” бўлимнинг қабулхонаси йўлида лифтда жуда ҳам асабийлашдим. Мен фақат беморнинг жисмоний асослари кўригини билардим, бўйнимда осигулик турган стетоскопдан фойдаланишни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Бир дақиқа ёпиқ лифт кабинасида бўлганимда, кўлимда ёзиш учун кисқичли пластинкани ушлаб туриб, ўзимни қопқонга тушган сичқондек ҳис қилдим. Тусатдан бир сонияда кўз ўнгимда ташхис қўйишим керак бўлган бўлгуси bemorim гавдаланди. Бу ўртacha даражали семизликдаги, сариқ яшил тусдаги кийимда, ёпишиб турган тор иштон кийган аёл киши, кўли билан қорнининг чап томонини ушлаб олиб: “Доктор, доктор! Ўт пуфаги билан нима бўлган, даҳшат!” – деб қичқиради.

“Ана холос! – ўйладим мен. – Агар кўрикдан ўтиши керак бўлган bemorimning ўт пуфаги билан муаммо ҳақиқатан ҳам бўлса, касалликни қандай қилиб аниқлайман?” Токи лифт қаватлар бўйлаб имиллаб кўтарилар экан, мен чўнтакларимга тикиб олган, кўплаб тиббий брошюралардан тиришиб-тортишиб, ўт пуфаги билан оғриган bemorни кўрикдан ўтказиш ва ташхис қўйиш бўйича тавсияларни топишга ҳаракат қилдим. Қайдлар учун тахтачада мен ўт пуфаги ташхиси бўйича классик муолажани — жигарнинг ультратовуш кўриги, жигар коэнзимасига таҳлил олиш ва bemor кўзининг оқини дикқат билан кўриб чиқиши кераклигини белгилаб олдим.

Лифт эшиги очилди. Мен кабинадан сакраб чиқдим ва “Тез ёрдам” бўлимнинг қабулхонасига шошиб югурдим. Каравот устидаги пардани шиддат билан суриб қўйдим ва ... у ерда, менинг катта ҳайратимга кўра, каталкада семиз, сариқ яшил кўйлак, тор

иштон кийган аёл ётар ва “Доктор, доктор, менинг ўт пуфагимга нимадир бўлган?” деб додлар эди.

Бу тасодиф бўлса керак, тўғрими?

Иш кунимнинг эртаси куни касалхонадаги куратор менга яна беморимнинг исми ва ёшини айтиб “акиллади”, “Тез ёрдам” қабулхонасига тушишини буюрди. Мен бу сафар қовуғида инфекцияси бор беморни кўз олдимга келтирдим. Манзилгача йўлда мен қовуқдаги инфекцияга ташхис қўйиш ва уни даволаш учун нима қилишим кераклигини режалаштирудим.

Ўзингиз тасаввур қилинг, бу ҳақиқатан ҳам қовуқдаги инфекция бўлиб чиқди! Учинчи куни ҳаммаси такрорланди ва менинг таассуротларим ноодатий аниқлиги билан ажralиб турарди. Уч кун ўтиб тушундимки, менинг миям ишида, аввал тасаввуримда, кейин эса шифокорнинг тажрибали назари билан ҳақиқатан ҳам бир неча қават пастда, олдиндан кўра олган, кўриқдан ўтказиб, даволашим керак бўлган беморни хаёлимда кўра олишим ўртасида фаройиб нарса борлигини англадим. Кейин мен беморни кўриқдан ўтказища ва ташхис қўйища ички ҳиссиётимнинг қанчалик фойдали эканлигини тушундим.

Тез орада эса, менга ички ҳиссиёт бошида тасаввур қилганимдан ҳам муҳим аҳамиятга эгалиги етиб борди.

Тана интуицияси

Инсон танаси — бу ажойиб механизм. Ҳар қандай механизм каби у ҳам тўхтаб қолмасдан ишлаши учун парвариш ва таъмирга муҳтож.

Тана дардга йўлиқиши ва инсон “кўчириб тушиши” учун кўплаб сабаблар бор. Бу ирсий мойиллик



ҳам, экологик шароит ҳам, нотўғри овқатланиш ҳам, бошқа кўп нарса бўлиши мумкин. Бошқалардан фарқли равища, Луиза ҳар бир касаллик ривожланишига ҳаётнинг эмоционал (ҳиссий) омиллари таъсир қилишини аниқлади ва уларнинг таҳдиллари асосида “Ўз танангни давола” китобини нашр қилдириди. Луиза томонидан берилган маълумотлар ва унинг хуносалари нашр қилинганидан ўн йиллар ўтгач ҳам илмий кенгаш унинг ҳақ эканлигини бир неча бор таъкидлади.

Тадқиқотлар бўйича қўрқув, ғазаб, ғам, севги, қувонч каби ҳиссий ҳолатлар организм ва инсон танасига ўзига хос таъсир кўрсатар экан. Ғазабдан мушаклар қисқариши томирлар сиқилишига, у эса қон босимининг кўтарилиши ва томирларнинг ригидланиши (қайишқоқлиги камайиши қон оқимининг тезлашуви) бизга маълум. Қувонч ва муҳаббат, одатда тескари таъсир — ижобий таъсир қилишини — фойда беришини кардиология асослаб берган.

Агар “ҳаворангли” китобга қарасак, у ерда юрак хуружи ва юракнинг бошқа касалликларида “инсондан қувонч оқиб кетаётгандек”, “юрак сиқилади” ва ҳаёт қувончларидан маҳрум бўлиб, тошга айланади. Луиза шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилиш учун қандай тавсиялар беради? “Мен ўз юрагимда яна қувонч уйғотишига ҳаракат қиламан”. “Мен ўтмиш билан қувонч билан хайрлашман. Мен мамнунман ва хотиржамман”.

Фикрларнинг аниқ нуқтаи назари жисмоний ҳолатга аниқ тарзда таъсир кўрсатади ва ҳар бир ҳиссиётга организмда жавобан кимёвий моддалар ажralиб чиқади. Агарда узоқ вақт давомида сизлар қўрқувни кўпроқ ҳис қилсангиз, қонга доимий тарзда стрессдаги, масалан, кортизол қўйилади ва ўзига хос “домино самарасини” беради: қачонки,

қон оқимига юрак-қон касалларында асос бүләдиган моддалар қуиши, ортиқча вазн ва тушкун кайфият ривожланишига боғлиқ равища келиб чиқади.

Күркүв билан боғлиқ ҳолат каби бошқа фикр ва ҳиссиётлар бирор вазиятта бүләди — организмга тасвири тушади ва касаллик шаклини олади.

Тиббий амалиёт жараёнида, мен ҳис қилинаётгандың ҳиссиётлар организмга бутунлигича таъсир қиласа-да, бизнинг ҳаётимизда бүлаётгандарга боғлиқ бүлиб, улар организмнинг тегишли аъзоларига таъсири турли бүлишига ишонч ҳосил қилдим.

Мана шу пайтда ички сезги ёрдамга келади.

Баъзида, агар биз яқин ва қадрли инсонларимизнинг бошидан кечираётгандар ҳақида билмасак ёки ўзимизнинг шахсий ҳиссий ҳолатимизни англамасак, унда бу маълумотни ички ҳисларимиз орқали оламиз. Табиатан бизларда бешта сезиш ҳислари бор — кўриш, эшитиш, сезиш, ҳид билиш ва маза билиш. Булардан ташқари биз бешта параллель “ички туйфулар” — олдиндан билиш (кўриш аналоги), олдиндан эшитиш (эшитиш аналоги), олдиндан сезиш (тегиб сезиш аналоги), олдиндан ҳид сезиш (ҳид сезиш аналоги) бор. Биз олдиндан маза билиш (маза билиш аналоги) ёрдамида ҳам аниқ қўшимча маълумот оламиз.

Масалан, олдиндан сезиш, интуитив кўриш, дүстингиз бахтсизликка учрагани “ногаҳон эсга келиши” сизда хавотир ҳисси пайдо қилади. Ёки сизнинг тасаввурингизда эшитган телефон кўнфиригининг ўзида, бирданига тушунтириб бўлмайдиган кўркүв эгалласа, беш дақиқадан сўнг сизга қўнфироқ қилиб, яқин одамингизнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги оғир хабарни беришади. Кимдир ҳаром ишни таклиф қилишидан олдин, бирданига оғзингизда

ёкимсиз маза пайдо бўлади ёки шубҳали ҳид таъкиб қиласди. Ёки юрагингиз сиқилади, оғрийди, ёки қорнингизда ёкимсиз ҳис пайдо бўлади — организмингиздаги бу белгилар сизни келажақдаги мулоқотдаги жиддий муаммолар пайдо бўлишини огоҳлантирипти.

* * *

Интуиция (ички ҳиссиёт) — кенг тарқалган ва тушунарли ҳодиса, кўпинча унга объектив маълумот етишмаган вазиятларда таянамиз. Масалан, менга интуиция медицина соҳасида бир неча бор ёрдамга келган. Ундан ташқари ички интуицияга бизнинг танамиз ҳам эгалик қиласди.

Агар биз бутунлай даволанишни истасак, биз интуициямиз юбораётган сигналларга ҳам аҳамият беришимиз керак. Аммо шу билан бир қаторда, ҳаёт тарзимиздаги айнан қандай номувофикалик саломатлигимизга таъсир кўрсатаётганига мантиқ ва далиллар излашимиз керак. Велосипедда юриш учун шина камералари яхшилаб шиширилган бўлиши шарт, бир томондан ҳиссиёт ва интуиция (ички сезги) орасида, бошқа томондан мантиқ ва далиллар ўртасидаги муносабат тўғри бўлиши керак. Ички ҳиссиётга эътибор бермасдан мантиққа астойдил таяниш ёки худди шундай, ички ҳиссиётга берилиб, мантиққа суюнмаслик фожиали оқибатлар келтириб чиқариши мумкин. Соғлом бўлиш учун, биз идрок килишнинг иккала усулидан фойдалана олишимиз ва маълумотларни баҳолай билишимиз зарур. Бу китоб ёрдами билан бунга қандай эришиш мумкинлагини тушунишга ҳаракат қиласмиш ва тўрт ёндашувга дикқатимизни жамлаймиз.

1. Шахсий ҳиссиётларимизга ва яқин одамларимизнинг ҳис туйғуларига, қўркув, ғазаб ёки қайғу нимани билдира олишига дикқатимизни жамлашга ҳаракат қилиш.

2. Миямида айланадиган у ёки бу ўхшаш ҳистий туйғуларнинг орасидаги ўзаро боғланишни аниқлашга ҳаракат қилиш.

3. Оғир касаллик ёки бирор аъзо фаолияти бузилишининг белгиларини аниқлаш ва унинг организмда бор-йўқлигини топиш.

4. Касаллик аломатлари асосида ётадиган интуитив-эмоционал (ички сезги-ҳис туйғулари) фикр юритиш тарзини аниқлаб олиш ва ҳар бир касаллик кўп жихатдан овқатланиш хусусияти, атроф муҳит шароити, ирсий мойиллик ва бошидан кечирган жароҳатларига боғлик равища келиб чиққанлигини тушуниш.

Ички ҳис билан сезиш шошилинч идрок қилишининг асбоб-ускуна панели

Худди шундай тарзда бизлар у ердан берилаётган маълумотни ўқишимиз ва тўғри талқин қилишимиз учун шахсий организмимизнинг интуицияси (ички сезги) асосларини тушуниб олишимиз мумкинми?

Ўз танангизни автомобиль асбоб-ускуна панели билан таққослаб кўринг-чи. Унинг қисмларида, сизнинг ҳаётингизнинг аниқ соҳасидаги кўнгилсизликни бир қатор тезкор огоҳлантирувчи сигнал лампалари ёниб, дарҳол хавфни етказади. Ким бирор марта бўлса ҳам, бу асабни қўзғатадиган газ каби ёруғликни кўрмаган? У ҳар доимгидек энг нокулай вақтда ёнади ва бу хавф сигнали бизга разбланти-



Рұвнұ таъсир күрсатади, сиз машинанғизни ҳайдаб, тоқи бензин бакида бензин қолмагунича, шахсий ҳиссиёт “бұғларингизда” юрасиз. Айнан худди шундай, агар ҳаётингизнинг бир соҳасида жуда ҳам бўм-бўш ёки бирор нима жуда кўп бўлса, унда организмнинг аниқ қисми бу ҳақида шама қиласи ва пичирлаб, сўнгра касалликдан “додлай” бошлиди.

* * *

Еттита хавф сигналы мавжуд бўлиб, ҳар бири аниқ аъзолар гуруҳига тегишилидир. Ҳар бир бундай гуруҳдаги аъзолар ҳолати аниқ фикр юритиш тарзи ва хатти-ҳаракатга боғлиқ бўлади.

Масалан, бу оламда суяқ тизими, иммун тизими, қон, тери бевосита ҳимояланган ва хавфсизликни ҳис қилиш билан боғлиқ бўлади. Агар сиз ўзингизни ҳимоясиз, заиф ҳис қилсангиз ундей ҳолда юқорида санаб ўтилган аъзолар тизимида, унга ўхшаш ташвишлари йўқ пайтидан кўра касалликлардан бирининг ривожланиш эҳтимоли бор. Биз бундай аъзолар гуруҳларини “ҳиссиёт марказлари” деб атаемиз, чунки уларнинг ҳолатлари бевосита ҳаётнинг ҳиссий томони билан боғлиқ.

Бу китобда ҳар бир бўлим ҳиссиёт марказининг бири билан боғлиқ аъзоларнинг соғломлик ҳолатига бағишенланган. Масалан, тўртингчи бобда биринчи эмоционал марказга тегишили аъзолар кўриб чиқилган. Бу суяқ тизими, қон, иммун тизими аъзолари ва тери. Бу бўлимда муаллифлар у ёки бу аъзодаги касаллик борлиги нима билдиришини китобхонларга тўғри талқин қилишларига ёрдам бермоқчи бўладилар. Улар сизнинг ҳаётингиздаги юз берган

балансни, ҳиссиёт, күрсатилган аъзолар билан чамбарчас тарзда боғлиқлигини кўриб чиқишиади.

Аслини олганида, агар сизда хавфсизлик ва ҳимоя ҳиссиёти мавжуд бўлмаса, бу соҳада дисбаланс бор ва айнан биринчи ҳиссиёт маркази аъзоларида касаллик ривожланиш имконияти баландроқ.

* * *

Биз саломатлигимизни сақлаб қолишимиз учун тўғри овқатланиш талаб қилинади, аммо севги, баҳтимиз, ҳимояланганимиз, эртанги кунимизга ишонч билан қарашимиз ҳам муҳимдир. Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига — оила, молиявий аҳвол, иш, атрофдагилар билан муносабатлар, муомала, таълим ва маънавий оламилизга гайрат билан киришар эканмиз, биз жисмонан ва руҳан бақувват бўламиз.

Бу китобдан қандай фойдаланиши керак?

Биз Луиза билан қандай қилиб максимал даражада фойдали китоб ёзишни муҳокама қилаётганимизда, олдинига маълумотни етказиб бериш тузилишини аниқлаб олдик. Шундай қарор қилдик: китобхон бемалол топа олиши учун ўша бўлимда танаси қисмидаги аъзосида ҳаммаси бошқача, касаллик ин курган ва шу ердан бошлаб, худди “Ўз танангни давола” китобидек даволаш йўлларини излаш керак. Бироқ, одам бу турлича бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган, аъзоларнинг гаройиб мажмуи эканлигини ёдда тутиш зарур. Шу боис бир аъзо қисмини заралаган касаллик, албатта организмнинг бошқа қисмida, бошқа аъзо ҳолатида ҳам акс этади. Хавфсизлик



на онлайдаги ҳимоя борасидаги (биринчи ҳиссий марказ) хавотир ҳислари, албатта, ўзига баҳо беришда ҳам кўринади (учинчи ҳиссий марказ). Бутунлай тузалиб кетиш учун сиз ўз ҳаётингизга бутунлиги-ча назар ташланг, кўпроқ сизни безовта қилаётган аъзоларингизга ва касалликка кучлироқ эътибор беринг. Дарров, сиз китобнинг соғлиғингиздаги шахсий муаммонгиз кўриб чиқилган бўлимига мурожаат қилишдан уялманг. Агар китобнинг бошидан охиригача ўқиб чиқсангиз, ҳаётингиздаги бошқа номутаносиблик ҳақида ҳам маълумот оласиз.

Шундай тарзда организмингизнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида тўла-текис тасаввурга эга бўлиб, ҳамма ҳиссиёт марказларига оид узоқ муддатли соғлом ҳаёт режасини тузишга ёрдам оласиз.

Китобни қандай ўқишингизга қараб, ҳиссиёт маркази ҳар бир аъзога сингиб борадиган, тана интуицияси масалаларини тушуниб олишингизга ёрдам беради. Шу тарзда сиз шахсий организмингиз юбораётган маълумотни тушуна оласиз. Аммо унуманг, танангиз нима деяётгани ҳақида қарорни сиз чиқарасиз.

* * *

*Бу китоб реал амалиётга мос келадиган
ва илмий далиллар билан мустаҳкамланган
маълумотлардан иборат умумий қўлланма.*

Организмингиз сизга нима дейишга ҳаракат қиласёттанини белгилаб, биз — Луиза билан мен сизга соғломлаштирувчи услугуб танлашга ёрдам берамиз, унинг ёрдамида кўплаб касаллик сабабларини бартараф этиш мумкин.

Биз бу китобда сизга мукаммал тиббий тавсиялар бермоқчи эмасмиз, чунки яхши шифокор маслаҳа-

ти индивидуал бўлиши ва аниқ беморга йўналтирилиши шарт. Шунга қарамасдан биз сизга, қўллашдан аввал ўйлаб кўриш керак бўлган, асосий тиббий тадбирлар ва аралашувлар амалиётидаги турли вазиятларни тасвирлаб берамиз. Энг мухими, биз китобхонларга кун давомида чексиз такрорлашингиз керак бўлган ижобий йўл-йўриқлар берамиз ҳамда тезда сизнинг ҳаёт тарзингизнинг ажралмас қисмига айланадиган, соғломлашув вариантларининг хатти-ҳаракатларини тавсия этамиз. Шундай услублар ёрдамида сиз фикрлашингизни ва одатларингизни даволовчига ўзгартиришингиз мумкин.

Яна бир тиббий амалиёт воқеалари ҳолатларига тегишли тавсиямиз бор. Мисол келтирилган воқеалар, энг аввало, асосан бир ҳиссиёт марказида муаммоси бор одамларнинг экстремал ҳолатларига тегишли.

Аммо шуни ёдда тутиш керакки, кўпчилик одамларда факт бир ҳиссиёт марказидагина муаммо бўлмайди. Уларда кўплаб муаммолар: бепуштлик, артрит, доимий чарчоқ синдроми ёки турли қасалликларнинг бирикмаси мавжуд. Даволовчи амалиётнинг биз ўрганиб чиқсан, аниқ ҳолатларидан биргина ҳиссий марказ билан боғлик қандайдир битта тиббий муаммоси борларга тўхталиб ўтдик. Организмдаги дисбаланснинг ҳамма ҳодисаларини ва алоҳида одамнинг ҳамма муаммоларини кўриб чиқиш учун биз жуда қалин энциклопедик масштабда китоб ёзишимиз мумкин эди, лекин у биз нашр қилган китобдай, ҳаммабоп бўлмасди. Шунинг учун бу нашрда ўзингизнинг ҳолатингиз ва ёзиб ўтилган вазиятлар орасидаги ўхшашликни бир неча бор учратсангиз ажабланманг.

Ўқишингизга қараб сизнинг ички сезгингиз шунчаки “додлайди” ёки секин чийиллаши мумкин. Асосийси, юз берадётганига қулоқ тутинг ва унинг устида ишлаши бошлиш керак.

Ўзимнинг узоқ йиллик шифокорлик фаолиётимда, амалда таъсир кўрсатадиган бир неча муҳим принципларни ўзлаштириб олдим.

Биринчиси, ҳар биримиз қандай ноёб бўлмайлик, қандай қизиқ одатларимиз билан ажралиб турмайлик, қандай ахлоқий ёки жисмоний дардларни бошдан кечирган бўлмайлик, саломатлигимизни мустахкамлай оламиз. Иккинчи принцип, биз ҳар қандай даволаниш имконияти учун очик бўлсан, унинг ёрдамида соғлом ва баҳтли бўламиз. Дармондори препаратларини ва қўшимча овқатлар, доривор ўсимликлар ва дори-дармонлар, жарроҳлик даволаниш, медитация, ижобий ўзини-ўзи ишонтириш — психотерапия — буларнинг ҳаммаси тажрибали, сиз ишонадиган, моҳир касб устаси раҳбарлигига амалий фойда беради.

“Ҳаммаси яхши бўлади” китобида сиз ўзингизга мос келадиган услублар бирлигини танлаб олишингиз мумкин.



2-БОБ

“ҲАММАСИ ЖОЙ-ЖОЙИДАМИ?”
САВОЛНОМАСИ БҮЙИЧА АНИҚЛАШ



Биз Луиза билан минглаб одамлар билан мулоқот қилганимиздан кейин ишимизнинг муҳим жиҳати мижоз билан танишиш ва унинг аҳволини тӯғри баҳолаш эканлигига амин бўлдик. Бу мижознинг айни вақтдаги ҳолатига қараб, унга қандай ёрдам бериш мумкинлигини анкета саволлари орқали аниқлашимизга тӯғри келди, бу ишнинг муҳим таркибларидан бири — бемор ҳолатини баҳолашдир ёки бемор билан танишиш дейиш мумкин. Биз беморнинг шу дамдаги саломатлиги ва эмоционал кайфиятини баҳолай олсак, унга қандай яхшироқ ёрдам беришимизни аниқ биламиз.

* * *

Бу бобда биз анкета ёки саволнома ўтказмиз. Сиз унинг ёрдамида худди баҳолашни ўтказишингиз мумкин. Тугаган пайтда соганиши учун нима қилиш кераклигини, бу йўлда биринчи қадамингиз қандай бўлиши лозимлигини тасаввур қиласиз.

Анкетада еттига бўлим бор. Буларда жисмоний хасталиклар билан бирга ҳаёт тарзи ва одатий қилиқларни ҳам ўз ичига олади. Ҳар бир саволга “Ҳа” ёки “Йўқ” деб жавоб бериш керак. Анкета охирида жисмоний ва ҳиссий ҳолатни объектив баҳолаш шкаласи берилган. Сўнг дўстингиз анкетангизни сизнинг номингиздан тўлдирсин, бир-бiri билан солиштириңг. Баъзида ўзингизга четдан қарааш ҳам фойдали, чунки биз шахсий ҳаётимизни англаб олишимизга кўпинча қодир бўлмаймиз.

Анкета

Биринчи бўлим

Жисмоний аҳволингиз ҳақида саволлар:

1. Артрит билан азият чекасизми (бўғимларингиз яллиғланганми)?
2. Сизда умуртқа погонаси, унинг дисклари билан муаммо, сколиоз борми?
3. Остеопороз билан касалланганмисиз?
4. Бахтсиз ҳодисага учраганмисиз, мушаклар тортиши ёки сурункали оғриқлар борми?
5. Камқонлик, қон айланишдаги муаммолар, вирусли инфекцияга ёки чарчоққа қаршилигингиз пайсанганими?
6. Псориаз, экзема, қандайдир бошқа тери касалликлари сизда борми?

Ҳаёт тарзи ҳақида саволлар:

1. Сиз олишдан кўра, кўпроқ беришга мойилмисиз?
2. Агар сизни мустакил, ўзига тўқ одам севса, сиз хавотирланасизми?
3. Сиз бошқа одам жисмоний азоб чекаётганида, унга ёрдамга келишингиз лозим деб ҳисоблайсизми?
4. Сиз ёмон мослашасизми, жамоада ўзингизни нокулай сезасизми ёки сиз шунчаки одамовимисиз, мулоқотга истамай киришасизми?
5. Болалигингизда сизга қўпол муомала қилишганми?
6. Ҳозирги ҳаётингизда сизга қўполлик қилишадими?
7. Сизда йил фаслларига боғлиқ ўзгаришларга қараб, аҳволингиз ўзгарадими?
8. Ҳаётдаги юз берәётган ўзгаришлардан асабийлашасизми?
9. Сизнинг кайфиятингиз ва бошқа одам кайфияти орасидаги тўсиқни енгиш осонми?

10. Сизни оилада тирраки бузоқ деб хисоблашганми ёки ҳозир ҳисоблашадими?

11. Атрофдагилар уларда қандайдир муаммо бўлса, сиздан bemalol ёрдам сўрашадими?

12. Жуда кескин жанжаллардан сўнг бир инсон билан буткул муносабатларни узиб ташлай олишга мойилмисиз, яъни “кўприк”ни ёқасизми?

Иккинчи бўлим

Жисмоний аҳволингиз ҳақида саволлар:

1. Аёлларнинг репродуктив аъзолари билан боғлиқ, масалан, бачадон, тухумдонлари билан боғлиқ муаммолар сизни безовта қиласидими?

2. Вагинит ёки қиннинг турли касалликлари билан оғриганимисиз?

3. Сизда эркакларнинг жинсий аъзолари билан боғлиқ — простата безида ёки яна нимадир муаммолар борми?

4. Сизда импотенция ёки жинсий алоқалар билан муаммолар бўладими?

Хаёт тарзи ҳақида саволлар:

1. Агар яқин одамингизга қарз берсангиз, сиз учун фоизига бериш қийинми?

2. Таътил вақтида сиз қарзга кириб кетасизми?

3. Атрофдагилар билан рақибликни яхши кўрасизми ва шафқатсиз курашда бойиб борасизми ёки атрофдагилар сизни фақат озгина ракобатга мойил деб ўйлашадими?

4. Амалпарастлик мақсадларини кўзлаб бир марта бўлса ҳам яқинларингиз ёки танишларингиз билан муносабатларингизни узганимисиз?

5. Сиз кўп ўқиб юборганман ёки ишни чала қолдираман деб фараз қиласизми?

Учинчи бўлим

Жисмоний аҳволингиз ҳақида саволлар:

1. Овқат ҳазм қилиш билан, масалан, ошқозон ярасига боғлиқ муаммо борми?



2. Қандайдир ўйга тобеликдан азият чекасизми?

3. Сизда семиэлик ёки ортиқча вазн билан бөгликті муаммо борми?

4. Анерексия ёки булимия билан азият чекасизми? (овқат емаслик ёки тұхтосыз ейиш)

Хәёт тарзи ҳақида саволлар:

1. Сиз юз терисини торттиришни фактада үзиге бино қўйиш учун қилдиришади деб ҳисоблайсизми?

2. Аниқ бирор нарсага тобе кишилар сиз томонға интилишадими?

3. Сиз биқинингиз, белингиз ва сонингиздаги ёғатламларининг қалинлиги қанчалигини аниқ биласизми?

4. Импульсив интилишларингиз, масалан, дүконларга тұхтосыз қатнаш ёки овқат еявериш асабий зўриқишини оладими?

5. Сизнинг стилингиз замонавийми — кийиниш услугубингиз, хатти-харакатингиз, гапириш услугубингиз ёки замондан орқада қолиб кетганмисиз?

Тўртингчи бўлим

Жисмоний аҳволингиз ҳақида саволлар:

1. Сизда артериал ёки умумий қон айланиш бузилишлари борми?

2. Атеросклероз билан оғриганмисиз?

3. Гипертензияга йўлиқмаганмисиз?

4. Қонингизда холестерин миқдори ошганми?

5. Битта бўлса ҳам инфарктми ёки юрак хуружини ўтказганмисиз?

6. Астма касалингиз борми?

7. Сут безлари томонидан қандайдир бузилишлар борми?

Хәёт тарзи ҳақида саволлар:

1. Атрофдагилар сизга кайфиятингиз ҳақида кўп гапиришадими?

2. Сизга қачонлардир ортиқча таъсиричансиз дејишишганми?

3. Сизнинг кайфиятингиз об-ҳаво ва йил фасларига боғлиқми?

4. Иш жойида йиғлашингизга түғри келганми?

5. Йиғлаб юборишингиз осонми?

6. Яхши кўрган одамингиздан жаҳлингиз чиқиши қийинми?

7. Сизни мувозанатдан чиқаришга эришиш осонми?

8. Сизни ҳиссиётлар тўлдириб юбориши туфайли уйда кўпинча ёлғиз қоласизми?

Бешинчи бўлим

Жисмоний аҳволингиз ҳақида саволлар:

1. Жағ суяги билан сизда муаммолар борми?

2. Қалқонсимон безлар билан муаммоларингиз борми?

3. Умуртқа погонаси бўйин қисми муаммоси билан азобланасизми?

4. Томоғингиз кўп оғрийдими?

5. Хиқилдоғингиз билан боғлиқ муаммоларингиз борми?

Ҳаёт тарзи ҳақида саволлар:

1. Ёшлик пайтингизда кўпинча катталарнинг айтганини қилмаганмисиз?

2. Шунга ўхшаш муаммо ҳозир ҳам борми, масалан, раҳбарларнинг айтганини қилмаслик?

3. Сизнинг паришонхотирлигингиз туфайли телефон ёки микрофон олдида фикрингизни жамлай олиш қийинми?

4. Электрон почта орқали дўстларингиз ёки яқинларингиз билан гаплашаётганингизда узоқ вақт тушунолмай қолган пайтлар кўп бўладими?

5. Баҳс охирида гап қайтаришни шунчаки тўхатиш учун чекинасизми?

6. Сиз нутқ камчиликларидан, дудукланишдан, катта аудитория олдида чиқишдан, чет тилларни ўзлаштиришдан қийналасизми?

7. Одамлардан кўра ҳайвонлар билан мулоқот қилиш осонроқми?

8. Бошқа одамлар сиздан шахсий манфаатлари учун қўп фойдаланишадими, масалан, оловдан улар учун каштанлар ташишга мажбур қилишадими?

Олтинчи бўлим

Жисмоний аҳволингиз ҳақида саволлар:

1. Уйқусизликдан азият чекасизми?
2. Сизда мигрень хуружлари бўладими?
3. Сиз қарий бошлаганингиз ва қарироқ кўринишингиздан ташвишланасизми?
4. Сиз Альцгеймер касаллиги билан қийналасизми?
5. Сизда катаракта борми?
6. Бош айланиш хуружи ва кўнглингиз бехузур бўладими?

Ҳаёт тарзи ҳақида саволлар:

1. Иншо ёзганингизда ёки ёзма ишда тўғри гап тузишдан қийналасизми?
2. Кўплаб жавоби аниқ сўровномаларга жавоб беришга қийналасизми?
3. Ҳар доим ҳам сиз осмонларда учиб юрасизми?
4. Янги технологияларни ўзлаштиришга қийналасизми?
5. Сиз қачонлардир оғир шикастланганмисиз ёки сизга зўравонлик қилишганми?
6. Баъзида сизда, ҳали дунёни кўрмагандай ҳаяжонланиш бўладими?

Еттинчи бўлим

Жисмоний аҳволингиз ҳақида саволлар:

1. Сизда сурункали касалликлар борми?
2. Сизда дарди бедаво касаллигига ташхис кўйилганми?
3. Сиз саратон касалига йўлиқканмисиз?

4. Сиз гүр ёқасида турғандек, саломатлигингиз ёмон ахвoldами?

Хаёт тарзи ҳақида саволлар:

1. Сизнинг феъл-авторингиз ҳақиқатан ҳам жиловлаб бўлмайдиган даражада қайсарми?

2. Сиз узлуксиз ишлайсизми, ҳатто касаллик ва рақаси бўйича кетмайсизми?

3. Хаётнинг мазмуни нимадалигини тушунмай, тўлиқ саросимага тушиб қоласизми?

4. Хаётнинг инқирозли вазиятларга ва соғлигиниз ёмонлашувига мойилми?

5. Дўст ва яқин одамларингиз сиздан узокроқда юришин афзал кўришадими ва сизни тинч қўйишни исташадими?

Баҳолаш шкаласи

Сўровнома натижаларини баҳолаш учун, сиз ҳар бир бўлимда неча марта тасдиқлаганингизни ҳисоблаб чиқишингиз керак бўлади.

Биринчи бўлим

Биз — оила — биринчи ҳиссиёт маркази. Бу суюк тизими, бўғимлар, қон айланиш, иммун тизими ва тери.

Агар “Ҳа” деб жавоб берган бўлсангиз:

0 дан 6 гача. Сиз ўзингизни аъло ҳис қиляпсиз, сизнинг суюкларингиз, бўғим, қон, иммун тизимингиз ростакамига соғлом. Сизда бошқа соҳаларда муаммо пайдо бўлиши мумкин.

7 дан 10 гача. Баъзида оиласизда муаммолар пайдо бўлади ва у ҳақида бўғимдаги ўткир оғриқ, теридаги тошмалар ва иммун тизими ишида бузилиш бўлади. Шу боис яхшигина ҳафсала қилиб, бу муаммолар бирор жиддий нарсага айланмагунича назоратингиз остида ушлаб туринг.

11 дан 18 гача. Ўзингизни кўлга олинг! Ўзингизнинг оила аъзоларингиз билан муносабатларингизни

ўзгартириш, улар ва атрофдагилардан ёрдам олиш пайти келди. Сизга дархол ҳаёtingиз хавфсиз булиши учун, биринчи ҳиссиёт марказига тегишли аъзоларингиз саломатлиги ҳолатини жамлашингиз зарур. Суяк тизими, бўғим, қон айланиш, иммун тизими, тери муаммоларидан қутулиш учун, айнан нимани ўзгартириш кераклигини тушунишингиз учун 4-бобни кўриб чиқинг.

Иккинчи бўлим

Мувозанат зарур. Иккинчи ҳиссиёт маркази — қовуқ, репродуктив аъзолар, умуртқа погонасининг пастки қисми бўғимлари ва тос суяги билан сон суягини боғлайдиган бўғим киради.

Агар “Ха”деб жавоб берган бўлсангиз:

0 дан 2 гача. Сиз ҳақиқий ҳаёт ва молиявий, романтик режада событқадам харакат қилувчи, қувватли двигателсиз. Сизнинг иқтидорингиз билан пул ва муҳаббат соғлик ўртасидаги мувозанатни ушлаб турмасангиз, бошқа аъзоларда муаммо пайдо бўлади.

3 дан 5 гача. Муҳаббат ва молиявий ишларингиз сизда ўзгарувчан муваффақият билан бормоқда. Доимий гормонал тўлқинлар ёки умуртқа погонасининг пастки қисмидаги оғриқ ўзаро мулоқотдаги ёки молиявий ишлардаги бекарорликни кўрсатади. Асосийси доимо огоҳ ва ўз кучингизда событ бўлинг.

6 дан 9 гача. Сизнинг ҳаёtingиз молиявий ва шахсий муносабатлардаги мустақиллик учун курашдан иборат. Гормонал соҳадаги бузилишлар, умуртқа соҳасининг пастки қисмидаги, тос суяги ва сон орасидаги бўғимдаги оғриқлар ҳамда қовукдаги муаммолар сизнинг интуициянгизга, муҳаббат ва пул орасида баланс топишингиз кераклигини айтяпти. Шундай балансга эришиш учун 5-бобга қаранг.

Учинчи бүлім

Янги муносабатлар — учинчи ҳиссиёт маркази — овқат ҳазм қилиш тизими, вазн, буйрак усти, ошқозон ости безлари, хаддан ортиқ берилғанлик ва тобелик.

Агар “Ха” деб жавоб берган бұлсангиз:

0 дан 2 гача. Демак, сиз ички сезигінә эгасиз, сизни севиш, сизни ёқтириш мүмкін, үзингизнинг шахсий өхтиёжларингизда жамланған оласиз, үз ишиңгизни ва атрофдагилар олдидағы барча бурчларингизни бажариш учун, сиз масъулиятли ва тартибливисиз. Бизнинг табригимизни қабул қилинг. Бу жуда кам учрайди. Сизнинг иқтидорингиз саломатлық ва шахсий фазилатлар балансини таъминлады, соғлигингиздаги әнг катта муаммолар организмингизнинг бошқа соҳаларида пайдо бұлади.

3 дан 5 гача. Ишдаги ва үзиге юқори баҳо бериш билан бөглиқ, вақти-вақти билан бұлиб турадиган келишмовчиликлар туфайли алохіда ҳолларда ошқозон-ичак трактида, ич қотиши, доимий ичакларнинг бұшашида ҳамда ортиқча вазн билан бөглиқ муаммолар пайдо бұлади. Шунга огох бүлинг ва бу соҳалардаги бузилишларга вақтида әтибор беришга ҳаракат қилинг.

6 дан 9 гача. Сизге маълумки, үзингизга баҳо бериш бүйіча муаммоларингиз бор. Ҳаётингиз да-вомида сизни баланд мартабага эришиш иштиёқи үтә худбинлик ҳамда мағрурлик билан биргалик-да шартли равищда овқат ҳазм қилиш, буйрак ҳамда ортиқча вазн ва заарарлы одатлар билан бөглиқ касалликлар пайдо бұлади. Олтинчи бобда, бу ҳиссиёт марказига тегишли аъзоларингизни соғломлаштириш учун мұхым нарсалар ҳақида билингиз мүмкін ва улар ёрдамида үз шахсий фикр ҳамда хатти-харакатларингизни үзгартыра оласиз.

Тұртингчи бүлім

Ёқимли хиссиёт — тұртингчи хиссиёт маркази — юрак, үпка ва сут безлари.

Агар “Ха” деб жавоб берган бұлсангиз:

0 дан 4 гача. Сиз болангиз, яқинларингизга фамхұрлық күрсатадиган ноёб, соғлом фикрлайдиган одамсиз. Туғилганингиздан буён руҳий ва хиссий үйғунликда яшаб келяпсиз. Бу билан сизни табрикласа бүлади!

5 дан 10 гача. Юрак, нафас олиш аъзолари ёки сут безларининг нохуш ахволи, хавотирли ҳолат, фамгинлик, құнғил қолиши ва бола ёки шеригингиз билан жанжалдан маъюс бүлиш ҳақида сигнал беради. Аммо бу ҳолат узок құзилмайды. Сиз вазиятни тұғри баҳолайсиз ва муаммони ҳал этиш чорасини топасиз

11 дан 15 гача. Эхтиёт бүлинг! Бутун умр давомида, тұхтамасдан үз муносабатларингиздаги хиссиёттарни назорат қилиш туфайли сизнинг ҳаёtingиз сериал ёки ёмон құйилған шоуга үхшаб қолган. Баъзида сиз ҳаммасини ташлаб овлоқ бир жойга қочиб кетгингиз келади. Аммо соғлиғингиз ҳолати үз құлингизда. 7-бобни үқинг, сиз қандай қилиб саломатлигингизни мустаҳкамлаш ҳамда даволаниши билиб оласиз.

Бешинчи бүлім

Нима ҳақида гапиришга мавзу бор — бешинчи хиссиёт маркази — оғиз бүшлиғи, бүйин, қалқонсимон без.

Агар “Ха” деб жавоб берган бұлсангиз:

0 дан 4 гача. Ишонтириб мулокот қила олганингиз учун табригимизни қабул қилинг. Сиз атрофдагиларнинг нұқтаи назарини диққат билан тинглаб, шахсий эхтиёжларингизни намоён қила олар экансиз. Сиз мушкүл ахвoldа қолган одам үрнига үзингизни қўйиб, унга фамхұрлық күрсата оласиз. Бунинг учун сизга ташаккур!

5 дан 8 гача. Сизда факат баъзи пайтлардагина дўстларингиз, болаларингиз, шерикларингиз, ота-онангиз билан келишмовчиликлар бўлиб турди. Сиз кўпинча курашга киришишингизга, шундай йўсиндаги низоларга киришсангиз-да, улар узоқ давом этмайди, улар умуртқа погонаси бўйин қисми, қалқонсимон без, жағ ва оғиз бўшлиғидаги оғриқдай қисқа оғриқ сезасиз. Сиз мулоқот ўрната олмаганингизда бўйин соҳаси ёки ияқ, тишларингиз оғрий бошлайди. Бу сизга тезда вазиятни янгича баҳолаб, мулоқотни яхшилашга ёрдам беради.

9 дан 13 гача. Сиз биздан айнан шу ҳақида эшитишни истамайсиз, аммо сиз бутун умр атрофдагилар сизни эшитишлари ва тушунишлари учун ўз гапингизда туриб олгансиз. Худди шундай мулоқотда ҳам муаммолар бўлган, атрофдагиларни эшитишни билмагансиз. Мухими сиз муомала қилишни ўрганяпсиз, вазиятни ҳамма жихатларини англаб — тинч ва хотиржам ўз нуқтаи назарингизни айтиб, шу билан бирга бошқаларни ҳам тингляяпсиз. Саккизинчи бобда сиз хулқингизни қандай тўғри тутиш қоидаларини ўрганасиз.

Олтинчи бўлим

Бирдан зехн очилиши — олтинчи хиссиёт маркази — мия, кўз ва қулоқлар.

Агар “Ха” деб жавоб берган бўлсангиз.

0 дан 3 гача. Бунга қандай эришасиз? Сиз туғилгандан бошлаб мақсадга йўналган, тўғри фикр юритадиган ноёб одамлардансиз ва синалмаган нарсалар билан кураш олиб боришга мойил эмассиз.

Бу “ишонч” деб атала қосин. Ёки бу ҳаёт бўйича автопилотда саёҳат деб ҳисобланг. Бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Сиз низо ва курашлардан қочиб, ҳаётнинг ўзгарувчанлигига назокат билан



мослашасиз. Сизда мия, кўриш ва эшитиш ёмонлашви билан муаммолар бўлмаса керак.

4 дан 8 гача. Баъзи ҳоллардагина тушкунликка тушиш, келажакка умидсизлик, гохида сиз тўқнашишингизга тўғри келадиган ҳолатлардир. Ички овоз сизга бу сизнинг дардингиз дейди. Бош оғриклари, кўз сокқасининг қуриши, кўнгил айниши ва бош айланиши сизда тушкунлик хуруж қилганида пайдо бўлади, келажакда ўзингизни соғлом ҳис қилишингиз учун сизни тез орада дадилроқ атроф муҳитни идрок этишга мажбур қилишади.

9 дан 12 гача. Чукур нафас олинг. Сизнинг муаммонгиз илдизи ҳаётингиз давомида ҳақиқий оламни тўғри кўринища қабул қилишга интилишингиздадир. Ақлингиз ўткир, ўзингизнинг идрокингиз чегарасини кентгайтириш ва ҳозирги шароитга осон мослашадиган бўлади. Жўшқин ҳаёт оқимига очиқ бўлинг, орзу қилган келажакка ўз умидларингизни очинг ва шунда сизнинг кўриш, эшитиш ва миянгиз соғломлашади. Бу ҳақида батафсил 9-бобда ўқийсиз.

Еттинчи бўлим

Ўзгаришлар — еттинчи ҳиссиёт маркази — индивидуал, сурункали ва дегенератив бузилишлар ҳамда хавфли касалликлар.

Агар “Ҳа” деб жавоб берган бўлсангиз:

0 дан 2 гача. Ҳаётингиз барқарор ҳолатда. Сизнинг яқин танишларингиз оғир касал бўлишган, ўзингиз эса касалликка чалинмагансиз. Бизнинг табригимизни қабул қилинг, шундай яшашда давом этинг!

3 дан 5 гача. Камдан-кам ҳолларда соғлифингиз билан муаммолар бўлган. Сизнинг соғлифингиз касаллик учун бардошли, факат шифокорнинг текшируви-

нинг ваҳимали натижаларини олганингизда синовга йўлиққансиз. Шундай вазият ҳаётингизда рўй берган экан, сизнинг организмингиз юбораётган сигналларни қўйиб юбормаслик учун, вазиятни аянчли қилмаслик учун “қўлингизни пульс устида” ушлаб туринг.

6 дан 9 гача. Хавотир олманг. Сиз ёлғиз эмасиз. Бир неча вақтдан буён сизга ёрдам кераклигини тушуниб этгансиз. Сиз дуо қиласиз. Медитация ўтказиб, кўплаб медицина ходимлари ўзингизга яқинлашиб келаётган хавфдан ҳимоялаб ёрдам беришлари учун атрофингизни ўраб олишларини истайсиз. Лекин қувватингиз кам, организмингиз кучсизланиб қолган. Ҳаётингизни яхшилаш учун илоҳий кучга ишониб ўзгаришингиз зарурлигини тушунишингиз лозим.

Бизнинг бунга эришишга бўлган маслаҳатларимизга кўшилинг ва у ҳақида 10-бобда билиб оласиз. Мана энди, саломатлигингизни мустаҳкамлаш учун вазиятни баҳолаймиз.



З-БОБ

ДОРИ-ДАРМОНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ



Баъзи китобхонларни, эҳтимол, организмни соғломлаштириш учун анъанавий замонавий тиббиётта ўхшаш имконият топиш қизиктираётгандир.

Бу балки тиббий усуллар самара бермаётгани ёки замонавий медицина хизматига ишончнинг йўклигидандир. Ҳар ҳолда, шахсий тажриба ва беморларнинг тажрибаси асосига кура мен замонавий тиббиётнинг тузилиши — бу ҳаёт тенгламасининг муҳим элементи эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдим.

Бутун дунёда, бир неча йиллар давомида, соғликни сақлаш тизими ҳақиқий сейсмик характердаги ўзгаришларни бошидан кечирди. Одамлар даволанишга келганида юз йиллар, баъзида минг йиллар давомида туш таъбири ва ички хиссиётга таянадиган услубларни кўллайдиган моҳир табибларни ёллашарди. Бугунги кунда мавжуд бўлган замонавий технология ўшанда уларда бўлмагани сабабли, улар файритабиий кўникмалар ёрдамида орзу қилган мақсадларига — тузалиб кетишга умид қилишган. Масалан, қадимги Юнонистонда магнит резонанс ёки компьютер томографияси бўйича мутахассисни чақириш ўрнига, қадимги табиблар уйқу трансига ўхшаб четлашиб, интуиция йўли билан беморнинг соғлиғи ҳолати ва касаллиги ҳақида маълумот олишарди. Ўшанда даволаш одамни бутунлигича идрок қилишни тақозо қилган ва беморни даволаш учун организмдаги мувозанатни тиклашга уринишган.

Охирги йилларда беморларга бир бутундек қараш, илмий ёндошув туфайли ички баланс ҳисобига тикланиши ва соғайиши ошди. Диагностик тестлар,

дори воситалари, мутахассислар иши ва күплаб илмий техника ютуқлари туфайли дунё соғломроқ бўлди. Ҳаётнинг ўртача умр кўриш вақти узайди. Туғиши пайтидаги оналар ўлими кескин пасайди. Эндиликда эрта ўлимга олиб келадиган касалликларни даволай оладиган дорилар бор. Европада XIV аср ўрталарида қандай алғов-далғовлар хукм сурганини ўйлаб кўринг. Ўша тарихий даврда “қора ажал” ёки вабо туфайли Европа мамлакатларининг 30 дан 60 фойизгача аҳолиси кирилиб кетарди. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг? Вабо ҳалигача бутунлай йўқолганича йўқ, бироқ унинг даҳшатли оқибатлари антибиотиктерапия ёрдамида минимум дараражага олиб келинди. Албаттага, замонавий тиббиёт ҳайратланарли муваффакиятларга эришган.

* * *

Шифокор ва табиб сифатида даволаниш жараёнида тиббиёт мухимлигига паст баҳо бера олмайман. Агар сиз касал бўлсангиз, албаттаги амалиётдаги шифокорга учрашингиз шарт. Ўз ишининг мутахассислари сизнинг саломатлигиниз мустаҳкамланиши учун ўзларидаги бор ҳамма кўникма, билим ва янги технологияларни қўллашади. Улар ноёб даволаниш услугларини қўллайди ва дориларни сизда кузатилган касалликнинг белгиларига қараб ёзив бершиади. Аммо медицина имкониятлари чексиз эмаслигини ёдда тутиш керак. Айнан шунинг учун шу китобни ёзишига қарор қилдик.

Бугун тиббиётга алоҳида нарсага ургу берилади. Кўпчилик одамлар гайритабиий нарсаларга ишонмай қўйишган. Тиббиётдаги техник ривожланиш

аниқ ва мукаммал қарорлар таклиф қилиниши оқибатида ҳайратланарли даражада даволанишга имкон беряпти. Аммо айтиш жоизки, ҳатто технологик ёндошувда ҳам хатолар бүлади. Кон таҳлили ва ҳомиладорликка тест үтказишида ҳам күпинча шифокорлар ва bemorлар ижобий ёки салбий натижалар олишади. Ҳамма дори воситаларининг акс таъсири мавжуд. Баъзида нотўғри даволашади.

* * *

Шундай қилиб, айнан нимани таъкидламоқчимиз? Технологиянинг чексиз имконияти ҳақидаги масаввур — бу бемаънилик. Биргина интуицияга таяниш — бу ҳам ақлсизлик. Ҳаётда саломатликни тиклаш учун биз турли мутахассисларни жалб қилишимизга тўғри келади. Амалда менинг ҳаётим — бу тиббиёт, интуиция ва ижобий қайфият сизни даволаши ва ҳаётингизни ўзгартириб юбортириши мумкин.

Узоқ 1972 йилда, менинг 12 ёшимда, оиласминг молиявий аҳволи жуда оғир даражада эди. Биз деярли доимо пул ҳақида гаплашардик. Уч ойдан сўнг сколиоз умуртқа поғонамни қийшайтириб қўйди, бу оғир аҳвол тезкор жарроҳлик аралашувини талаб қиласарди. Шикастланган елкам туфайли юрагим кенгайиб кетди, ўпканинг нафас ҳажми пасайди. Жарроҳлик аралашуви оғир бўлди, лекин кутқариб қолди, шундан сўнг металл қобиқقا винтлаб қўйилдим.

Мени операция қилишларидан илгари, Бостондаги Лонгвуд-авенюси бўйлаб юрганимда, бу жуда баланд биноли тиббиёт муассасаларига қараб, мени эшитаётганларга қаратса: “Качондир мен қайтиб ке-

либ, албатта тиббиётни ўрганаман ва илм билан шуғулланаман", дегандим. Жарроҳлик ёрдамида шифокорлар ҳаётимни асраб қолишга муваффак бўлишиди. Жарроҳлик операцияси бутун ҳаётимни, келажагимни ўзгартириб юборди. Тиббиёт туфайли менинг ҳаётим қутқариб қолинди. Оқибатда мен, одамлар ҳаётини асраб қолиш учун шифокор ва олим бўлдим.

Аммо ҳаётнинг, афсуски, ўзига хос хусусияти бор — ҳаммаси ҳам айнан биз кутганимиздек бўлмайди. Ҳали тиббиёт факультетига тайёрлов бўлимидаёқ менда нарколепсия — тўсатдан қисқа вактли уйқу хуружи (бош мия касаллигининг турли шароитида пайдо бўладиган) туфайли мен жинни бўлиб қолай дедим. Доим ҳам дарс пайтларида уйғоқ ҳолда бўлмасдим. Келажакдаги шифокорлик ва илмий иш тўғрисида ўйламаса ҳам бўларди. Орзуларим рӯёбга ошиши насиб этармикин? Мен агар дарс пайтида уйғоқ бўлмасам, асло имтиҳонларни топшира олмасдим.

Ва яна тиббиётга мурожаат қилишга тўғри келди. Шунда яна шифокорлар ёрдамга келишиди. Улар мен маъруза пайтида ухлаб қолмаслигим учун дорилар топишиди. Улардан ҳаёт учун хатарли акс таъсири бўлгани учун воз кечишимга тўғри келди. Афсуски, тиббиёт менга бошқа ҳеч қандай ёрдам бера олмасди.

Воқеаларнинг бундай бурилиши менинг даволанишнинг бошқа услубларига — ноанъанавий тиббиётга мурожаат қилишимга сабаб бўлди. Мен бирининг кетидан кейингиси қилиб — кўплаб аралаш соҳалардаги услубларни қўлладим. Ҳитой ўтлари, игна муолажаси ва ҳатто уч йил давомида макробиотокли пархезда бўлдим. Бу услубларнинг барчаси қайсиdir даражада ёрдам берди. Аммо ҳеч бири

нарколепсия хуружидан бутунлай қутулишимга ёрдам бера олмади.

Аммо буларнинг ҳаммасидан ажойиби ўз тажрибаларимдан, даволаш услубларини интуитив танлови туфайли ўз аклиминг интуитив имкониятини англаб етдим. Мушкул аҳволдалигим туфайли ҳатто шаманга ҳам мурожаат қилишимга түғри келди. У ҳам менга, қачонки интуицияни ишга солсамгина, саломатлигим ва ҳолатим яхшиланишини айтди.

Бу ҳамма насиҳатлар мени ҳаддан зиёд узокқа олиб кетиши мумкин эди. Мен яна ҳали ишлатиб кўрмаган ҳолатнинг бир томони — ҳиссиёт қолган эди.

* * *

*Мен аниқ қонуниятни пайқай бошладим.
Ғазаблансан ёки кимданdir жаҳлим чиқса,
агар атрофимда даргазаб одамлар бўлса, ме-
нинг нарколепсиям дарров ўзи ҳақида маълум
қиласди, яқинлашаётган бир-икки суткада бе-
ихтиёр хуруж бошланади ва мен “уйқу”га
кетаман.*

Менга ишонсангиз бўлади, чунки ҳақиқий хронометраж (вақтни аниқ ўлчаш) билан шуғуллана бошладим. Ҳаммаси 24–48 соат ичиди юз берарди. Мен шахсий ғазабим ёки ёмон кайфиятим, атрофимдаги агрессия касаллик хуружига олиб келишини аниқ билиб олдим, мен уйқучаликни сеза бошладим. Ҳаммаси барбод бўларди! Агарда одамлар ғамгин ёки тушкун кайфиятда бўлсалар ҳам шундай бўларди.

Бир куни мен китоб дўконига бордим ва Луиза Хейнинг ҳаворанг муқовали кичик китобчасини кўриб қолдим. Маълум ҳатти-ҳаракат ва алоҳида

одамлар атрофида булишим касаллик хуружини келтириб чиқаришини англасам ҳам, саломатлигимни тиклаш учун менинг билганларимдан қандай фойдаланиш кераклигини билмасдим, факат айрим кимсалар ёки вазиятлардан қочишни билардим, охир-оқибати эса ҳар доим ҳам ижобий эмасди. Аммо Луиза Хейнинг китобида, саломатлигимдаги муаммоларни келтириб чиқарадиган, фикрларнинг ёмон таъсиридан кутулиш воситасини қидириб топдим — ижобий психологик күрсатмалар!

Мен буни синааб кўришпимга арзирди. Оддий, ноанъянавий, альтернатив тиббиёт озроқ ёрдам берди, аммо охиригача эмас. Менинг бегона ҳиссиётлардан қочишим ёки ўзимнинг кайфиятимни назорат қилишим жуда чарчатарди. Шундай қилиб, мен шунчаки ўқишдан тўхтаб, дафтар олдим ва рангли ручкаларда, менинг касалимга ўхшаш бўлиб кўринган, аниқ йўл-йўриқларни ёзиб ола бошладим.

* * *

“Мен ҳаётга абадий ва қувончили ҳодиса деб қарай бошладим. Мен ўзимга қандай бўлсам, шундайлигимча ёқаман. Мен ўзимга қандай бўлсам, шундайлигимча ёқаман”.

Мен, Мона Лиза, илоҳий тақдир ва донишмандликка ишонаман, мени ҳамма вақт ҳимоя қилади. Мен тўлиқ хавфсизликдаман. Буларнинг ҳаммаси Луизанинг “хей-изм” классикасидан мисоллар эди.

Мен уларни қайта ва қайта таъкидлардим. Секин-аста уйку хуружи камроқ бўла бошлади. Мен тиббиёт мактабига кирдим ва сертификат олиб тугатдим. Ижобий йўл-йўриқсиз мен унга ҳеч қачон эриша олмасдим.



Кўп йиллар давомида менинг кайфиятим гоҳ яхшиланарди, гоҳ ёмонлашарди ва ҳар сафар зўрайганида мен интегратив оддий тиббиётга мурожаат қиласадим. Ундан ташқари Луиза Хей китобчасини олардим ва организмдаги баланс бузилишини аниқлаш учун “тиббий” интуицияни ишга солардим. Бу услублар аралашмаси ҳар доим кор қилди.

Шундай тарзда мен соғлом бўлиб қолдим. Тиббиёт, интуиция ва ижобий психологик йўл-йўриқлар — мен бу воситалардан бошқа одамларга ёрдам бериш учун ҳам фойдаланаман.

Менда ўтган йили 12 ёшимда касалланган, сколиоз билан боғлиқ муаммо кучайди. Мен худди йикилаётган “Пиза” минораси каби букчайиб қолдим. 70 градус бурчакда деярли бурним ерга тегиб турарди. Аризона штатидаги феникслик жарроҳлар 40 йил илгари сколиозга доир кенг жарроҳлик амалиёти — “умуртқа поғонасини чўзиш синдроми” оқибати эканлигини айтишди. Мен узоқ вақт юра олмасдим ва қўлимни ҳам кўтаролмасдим. Интуициям ҳаётимнинг тартибини баҳолаш зарурлигини ва мен умид қила оладиган мададга суюниш имумкинлигини айтди. Мен шундай қилдим ҳам. Ўз мақсадимга маънавий маслаҳатчиларим ва дўстларим ёрдамида қарадим. Мен хитой игна муолажаси мутахассиси ҳамда цигун устози билан ишладим. Аммо бу амалиётлар кўзлаган мақсадимга етказмади.

Менинг юргим келарди. Жарроҳнинг гапларига қараганида, менга жарроҳлик операцияси керак эди ёки инвалидлик аравачасида қолардим. Шунинг учун мен 2012 йил 13 февралда жарроҳлик столига ётдим. Ўлишимга бир баҳя қолди. Жарроҳлик пайтида венам ёрилиб кетди. Яна тиббиёт менинг ҳаётимни кутқариб қолди. Жарроҳ кон кетишини тўхтатди, сунъий нафас олдирди, умуртқани уч

дюмга чўзди. Хеч бир муболагасиз у менга ҳаётни совға қилди.

Шубҳасиз, сизга таъкидлашим жоизки, тиббиётнинг якка ўзи стерил ва рационаллиги билан Худонинг марҳамати эди. Мен интенсив терапия бўлимида икки ҳафтадан кўпроқ, касалхонада тўрт ҳафта ётдим.

Тузалишим машаққатли бўлди, десам бўлади. Аммо ҳозир мен ўзимни олдингидан яхшироқ сезяпман. Ҳаётга мени нима қайтарди экан? Албатта, касалхонада бўлган пайтимда шифокорлар мени даволашди. Бир вақтнинг ўзида мен организмни мустаҳкамлаш ва ҳаётда мувозанатга эришиш учун интуициядан фойдаландим. Фикрларим тарзини ўзгартириш учун ижобий психологик йўл-йўриқларга умид қилдим. Менга ишонсангиз бўлади — уни ўзгартириш зарур эди. Шундай тарзда одамни бутунлигича даволаш мумкин. **Саломатликни узоқ йиллар давомида қандай асрар мумкин?** Бунга биргина тиббиёт, яхши кайфият ёки биргина интуициянинг ўзи ёрдам бериши мумкин эмас. Бу учала муолажа биргаликда қўлланилса муваффакиятта эришилади.



4-БОБ БИЗ — ОИЛАМИЗ



*Биринчи ҳиссиёт маркази —
сүяк тизими, бўғимлар, қон айланishi,
иммун тизими, тери...*

Биринчи ҳиссиёт маркази билан боғлиқ аъзоларнинг соғломлик ҳолати — бу оламда ўзини хавфсиз сезишга боғлиқ. Агар сизнинг яхши яшингиз учун оилангиз ва дўстларингиз ёрдам бериб туришмаса, сизнинг ҳимоянгиз бўшлиги дарров қон айланishi, иммун тизими, сүяк тўқимаси, бўғим ва тери ҳолати орқали билиниб қолади.

* * *

Бу марказ аъзоларининг мустаҳкам соглиги шахсий эҳтиёжлар ва сизнинг ҳаётингиздаги муҳим роль ўйнайдиган ижтимоий гуруҳлар талаблари орасида баланс бўлиши билан боғлиқ.

Оила аъзолари, дўстларингизга, ўзингиз аъзо бўлган ташкилот учун кўп вақт ва кўп куч сарф килиш керак бўлади. Аммо улардан ҳам сиз жавоб оласиз — дўстлик, хавфсизлик, қатъийлик, сиз ҳам бу ҳаётда кимгadir керак эканлигинги англайсиз. Одамлар бошқа одамлар ва ижтимоий гуруҳлар билан мулоқот қилишининг асосий сабаби ана шунда. Аммо бундай гуруҳларнинг талаблари, ўзингизнинг шахсий эҳтиёжларингизни тўсиб қўйишига йўл қўймаслигинги керак. Айниқса, гап соғлиқ тўғрисида кетаётганида.

Сиз жуда кўп вактингизни сарфлайдиган ўзаро мулоқотдан ёки фаолиятингиздан истаганингизни ололмасангиз, тана ва ақлингиз бу ҳақида сизга хабар берди. Биринчи нохушликнинг белгиси оддий чарчоқ, бўғимлардаги оғриқ ва теридаги тошмалар булиши мумкин. “Рельс”дан чиққанингиз ҳақида олдиндан дарак берувчи, биринчи ҳиссиёт марказиға тегишли аъзолардаги дармонсизлик ҳам сигнал ҳисобланади. Бундай дармонсизликка беписандлик қилсангиз, жиддий оқибатлар — сурункали чарчоқ белгилари, фибромиалгия, остеоартрит, ревматоид артрити, Эпштейн-Барр вирусини юқтириш, гепатит А, В, С ва Лайма касаллиги, турли аллергиялар сизга ёпишади. Тошмалар, бўғим оғриқлари, псoriasis ва жуда тез чарчаш, тери силининг турлари, аутоиммун тизимининг бузилиши сингари касалликларга олиб келади. Уларнинг ҳаммаси биринчи ҳиссиёт маркази аъзолари ишидаги дисбаланс туфайли юз беради.

Дармонсизлик белгиси тананинг бирор қисми ҳимоя қилинмаганлиги туфайли пайдо бўлади.

Масалан, агар сиз оила мажбуриятларига муккасидан кетиб, шахсий эҳтиёжларингизни кейинга қолдириб юбораверадиган бўлсангиз, сиздаги ишончсизлик келажакда суюклардаги оғриқ сифатида пайдо бўлади. Умидсизлик ва ҳимоясизликда қон кетиши кузатилади. Ёлғиз яшаш ва ўз оиласидан бегоналашиб кетиш албатта иммун тизимида касаллик чақиради. Шу боис атрофдагилар билан мулоқот қилишда мақбул масофани сақлашингиз керак.

Имкон қадар ҳар бир соҳа ҳиссиёт маркази ва уларнинг ўзига хос жиҳатларига тўхталамиз. Ҳозирча ўз танангиз сигналларига қулоқ тутишингиз ва зарурий ҳаракатларни қўллаш кераклигини ёдда тутишингиз муҳим. Нимага айнан сизда хавф-



сизлик ва ҳимоя ҳиссиёти йўқлигини, фикрингизни жамлаб ўзингизнинг ҳаёт тарзингиз ва фикрларингизни ўзгартиришингиз мумкин. Балки улар касалликни чукурлаштираётгандир.

Биринчи ҳиссиёт маркази учун ижобий йўл-йўриқлар

Ижобий йўл-йўриқларнинг муҳимлиги нимада? Сиз агар ҳақиқатан ҳам мадад, моддий ёрдам, дустона кўмак олишингизга ишонмасангиз, унда ўз касалингизни дорилар ёрдамида тузата оласиз. Биринчи галда, сиз эътиқоди ёмонлиги асосида ётиб қолганлар билан шуғулланишингиз зарур, шунинг ўзи сизни касалликка олиб келган. Конингиз, иммун тизими, суюк тўқимаси, бўғимларингиз ёки терингиз ёмон аҳволда бўлса, сизни эҳтимол, шундай фикрлар безовта қилаётгандир:

“Мен ўзимни боқишга қодир эмасман”;
 “Менинг ёрдам берадиган кимсан ўйқ”;
 “Мен тушкунлик, умидсизлик, ҳимоясизлик ва
 меланхолия ҳолатидаман”;
 “Мени ҳеч ким севмайди ва мен ёлгизман”.

Мана шу ернинг ўзида ижобий йўл-йўриқ зарур: айнан улар ёрдамида сиз салбий фикрлардан кутулишингиз мумкин. Агар сиз салбий фикр, қўркув ва шубҳалардан қутулиш учун ижобий фикрлардан фойдалансангиз, тез орада оддий дорилар ёрдамида соғлифингизда, шу жумладан ҳиссий соҳада ҳам катта даражадаги ўзгаришларни сезасиз.

Агар сиз касалликларни даволаш учун биринчи ҳиссиёт марказидаги аъзоларингизга боғлиқ ижобий кўрсатмаларга қарасангиз, мадад қидириш ҳаётга, хавфсизликка ишонч, пухталик, оила, ҳаракатга те-

гишилигини ҳис қилганингизни тушунасиз. Сизнинг суюк тизимингиз, қандай яшашингизни, атрофдагилар билан муомалангизни, ҳаётингизнинг умумий кўриниши ва характеристерини бутунлигича намоён қиласиди.

* * *

Агарда сиз мұхаббат ва мадад олаётган бүлсангиз үмуртқангиз мустаҳкам ва қашшықоқ бүлади. Аксинча сиз мадад йүқлиги ва заифлик ҳиссиётидан қийналлаётган бүлсангиз, сиз күпроқ остеопороз ва суюк синишига мойил бүласиз.

Ҳимоясизлик ҳиссиёти атрофдагилар ва бу одамлар билан муомалангизга чамбарчас боғлиқ эмас. У ўзи билан ўзининг орасидаги бузилиш сабабли бўлиши мумкин. Луиза ўзининг ижобий йўриқномасида таъкидлашича, ўзи ҳақида ғамхўрлик қила олмаслик, кўпинчча вирусли инфекцияларга бериувчан заиф иммун тизими туфайли Эпштейн-Барр ҳамда мононуклеоз касалликларига олиб келади. У бу ҳақида “ички ахлоқий мадад оқиб кетаётган тешик” дейди. Бу кўринишнинг биологик асосига қарасак, руҳи тушган иммун тизими қўп ҳолларда, сизнинг янги қон ҳужайраларингизни ҳосил қилишга жавоб берувчи, иликнинг муаммоларига олиб келишини ҳамда иммун тизимини ушлаб турувчи, лимфатик тизимнинг асосий компоненти ҳисобланishiни кўрасиз.

Фан руҳий ва тана саломатлиги билан яхши кайфият орасидаги боғлиқлик ҳақида нима дейди?

Тана саломатлиги учун оила, сиз керак эканлигингиз туйғуси жуда мұхим.

Ўзаро ижтимоий муносабатларда бизларнинг ҳамма аъзоларимиз ўз тизимини, кундалик ишларини тартибга солиши алоҳида ўрин тутади.

Агар сиз ўзингизни бундан маҳрум этсангиз, муроқотларда метаболизмни тартибга келтириб турувчи кучни олиб ташлаган бўласиз.

Сизнинг мавжудлигинги, сизнингча ҳаётингиз умуман қулаб тушаётгандек кўринса, биринчи ҳиссият марказининг аъзолари саломатлигига салбий таъсир қиласи.

* * *

Тадқиқотлар натижаларига кўра, биологик хусусиятлари, маълум даражада биологик озиқлантирувчи модда бир одамдан иккинчи одамга улар бирга яшаётганларида ўтиши исботланган.

Бу модда таъсирида аниқ физик ва метаболик оқибатлари бор. Бизнинг организмимиз ҳамма ритмлари уйқу, овқатланиш, тасаввур, гормонлар, иммунитет, кортизол даражаси, юрак частотаси, эндокрин тизими ишига алоқаси бор — буларнинг ҳаммасини метаболизмни тартибга солувчилар бошқаради. Бу одамлар бирга яшаганида биоритмларни тартибга келтириб, бир-бирига мослашади. Бу шаклда, одатда оилада бўладигандек, доимий яқин яшаш, бирга овқатланиш, ухлаш, гаплашиш, ўйнаш, ишлаш уларнинг биологик соатларини ҳам мослаштиради. Турли бомбардимончи самолёт экипажи аъзоларини тадқиқот қилишганида стресс гормонлар даражаси бир хил чиқкан, айниқса улар парвозда биргаликда бўлсалар.

Сиз бу озиқлантирувчи хусусиятли моддани йўқотсангиз, ёлғизлик ва ажралиб қолганлик, аҳамиятга эга муносабатларнинг йўклиги натижасида умидсизлик, ҳимоясизлик ва чорасизлик пайдо бўлади. Айнан бу ҳислар жисмоний аҳволнинг ёмонлашувини келтириб чиқаради. Тушкунлик пайтида сиз-

нинг иммун тизимингиз тўғри маънода яллиғланади. Умидсизлик узоқ вақт давом этса, йўқотиш, қайфу аста-секин кучли сурункали тушкунликка айланади, натижада иммун тизими яллиғланиш ўчоқлари пайдо бўлади, унда кортизол, IL1, IL6 ва TNF-альфа каби яллиғлантирувчи моддалар ҳосил бўлади. Организмда уларнинг циркуляцияси туфайли сизнинг бўғимларингиз оғрийди, кучли чарчоқ, худди гриппдагидек лоҳаслик кузатилади. Сўнг суюк аппарати, бўғимлар, қон айланиш тизими ва қон кетиши ҳамда иммун тизимидағи сурункали касалликларнинг келиб чиқиши хавфи ошади.

Яна йўқотиш ҳиссининг саломатликка алоқадорлигининг заарли таъсири, одатда ота-онасини эрта йўқотган ёки доимий тушкун ҳолда бўлган она қўлида катта бўлган болаларда тасдиқланган. Бундай шароитда катта бўлган одамларда сурункали тушкунлик ва иммун тизими дисфункцияси кузатилган. Барвақт ва оғрикли йўқотиш туфайли улар бу оламда ёлғизлик туйғусидан тўлиқ қутула олмаганлар. Улар жуда кўп вақт келтириб чиқарган ҳиссиётли, энергетик ва биологик — ташлаб кетилган одамнинг дастлабки ёки синалган вазиятларида пайдо бўлишган. Улар ноодатий, тежамкор ва жуда ёлғиз ҳаёт тарзини кечирадилар, бенаволик туйғуси уйғонади. Бу бутун умри давомида бошидан кечирган умидсизлик эса онкологик касалликлар келтириб чиқариш эҳтимолини кучайтирган.

Заифлик туйғуси кучли шокдан сўнг пайдо бўлиши мумкин: севимли оила аъзоларидан бирини йўқотиш, ҳаётдаги кескин ва оғрикли ўзгаришлар ёки бошқа нарсадан сиз паришонхотир бўлиб қоласиз — худди дараҳт ва ўсимликни илдизи билан тортиб олинганидек, одамни ҳам иссиқ қулай уйидан тортиб олиб, бегона узоқ юртга юборгандаридек.



Илмий маълумотлар бундай дақиқаларда биз табиятдан берилган илдизларни — соchlаримизни йўқотамиз. Оила аъзолари муносабатларида муросаи мадора бўлмаса, одамлар тез кал бўлиб қолишлари, псoriasis ва бошқа тери касалликларига чалиниши мумкин.

Шунинг учун кўриб турганингиздек, атрофдаги одамларингиз билан ташқи алоқалар жуда муҳим; бу саломатлигингиз учун жуда керак. Социал интеграция — кенг ижтимоий тармоқларда ва ижтимоий мадад олганларнинг иммун тизимини мустахкамлашини илмий маълумотлар тасдиқлашади. Тадқиқотлар кўрсатишича, одамлар орасидаги муносабатлар қанчалик яхши бўлса, организмда инфекциялар билан курашадиган лейкоцитлар сонини кўтариб, организмнинг умумий қаршилигини ошириб, сизни кўп сонли касалликлардан, шу қаторида артрит, депрессия, ВИЧ, сил кабилардан сақлаб қолади. Жамиятда интеграция килиш ҳам дори воситасига бўлган талабни пасайтиради ва касалликдан кейинги соғломлашиш жараёнини кучайтиради.

* * *

Бир қатор тадқиқотлар жараённада кимдаки мулоқот икки ёки учта одам билан чекланса, кўпроқ шамоллайди ва кенг доирада мулоқот қиласиганлар эса вируслар таъсирига камроқ берилади. Тахминан олти ёки ундан кўп таниши бўлган одамлар камроқ касал бўладилар. Агар шамолласалар ҳам осонроқ кечади ва симптомлари ҳам унчалик кучли кўринмайди.

Ахир сиз бошқа нарсани кутган эдингиз, тўғрими? Сиз балки одамнинг дўстлари қанчалик кўп бўлса, кўпроқ турли вирусларга берилувчан бўлади

деб ўйларсиз, шундан күпроқ шамолласа керак десандын керак. Аммо вирусологик назария одамлар нима учун шамоллаш ва вирусларга берилади, деган саволга қатъий жавоб бера олмайды. Дүстлари йўқ, ёлғиз одамлар, эҳтимол, кўпинча шамоллаб, грипп бўлишади, чунки доимий ёлғизлиқ ва руҳий мадад йўқлигидан ҳаяжон-хавотир сезадилар. Стресс ҳолатида буйрак усти безлари қонга кўплаб микдорда норадреналин ташлайди ва иммун тизимини чарчатади. Дўстона муносабатлари йўқ, ёлғиз одамлар саломатлик билан боғлиқ турли муаммоларга, қашандалик ёки семизликтан азият чекадиганлардан кўпроқ йўлиқадилар. Уларда кортикостероидлар, иммуносупрессив моддалар даражаси юқори бўлиб, бу чарчоқ, сурункали чарчоқ синдроми, фибромиология, ревматоид артрит, тери сили турлари, иммунотанқислик, кўп шамоллаш ва инфекцияларга берилувчанлик ҳамда остеопорозни келтириб чиқаради.

Кудратли салбий потенциал депрессив фикрлаш тарзида ҳам яширган бўлади. Депрессияда остеопороз ривожланиш хавфининг ошиши чекиш ёки кальций микдорининг тушиб кетиши пайти билан тенг, кўзингиз кальцийли қўшимчалар рекламасига тушганида, муаммонгизни ҳал этиш учун бошқа нарсалар қаторида, одатий ҳаёт тарзингизни ва кайфиятингизни яхши томонга ўзгартириш ҳақида ҳам ўйлаб кўринг.

* * *

Агарда сизни атрофдагиларингиз ёқтиришмаса, соционатликтан қийналсангиз, яъни жамиятда бўлишдан қўрқсангиз ёки салбий ҳаёт тарзини кечирсангиз, демак, тезда қиззин суръатда ва қатъий равишда уни ўзгартиринг, одамлардан ажралиб қолиш сабабларини йўқотинг, суюк тўқима ҳолати,

бүгим, қон, тери, иммун тизими бундай ҳаёт сизнинг соглигингиз учун заарарли эканлигини маълум қиласди.

Балки илмий ва тиббий мавзулардаги бу эзмалик сизларга етар. Сиз даволаниш учун нимадан фойдаланишингиз керак?

Суяк ва бўғим касалликлари

Одатда суяк ва бўғим касалликлари, масалан, артрит, синишлар, остеопороз, умуртқадаги оғриклилар, чурра, бўғим оғриклилари билан оғриганлар мунтазам равишда оила, дўстлари тўғрисида фамхўрлик қилишади. Доимо уларнинг ташвишларини биринчи ўринга қўйишади-да, ўзларини унтишади. Ўз яқинларига фамхўрлик қилишга астойдил киришиб кетганларидан, ўз саломатликларини эсдан чиқариб юборишади. Агар сиз бўғим ва суякларида муаммолари бор миллионлар қаторида бўлсангиз, мени диққат билан тингланг. Сиз яқинларингиз, оила аъзоларингиз, дўстларингиз билан мулоқот ўрнатиб, сизни нима безовта қилиши, нимага сиз ўзингизни нозик ёки химоясиз ҳис қилишингизни тушунасиз. Агар сиз ҳақиқатан ҳам даволанмоқчи бўлсангиз, ўз эътиқод ва хатти-ҳаракатларингизга эътибор беришингиз керак.

Биринчи ҳиссиёт марказига тегишли аъзолар касаллиги билан оғриганларда умид бор. Тиббиёт, ижобий психологик йўриқнома ҳамда организмингиздаги бузилишлар ҳақида интуициянгиз ёрдамида белгиларини аниқлаб, сиз организмингизни мустаҳкамлаб соғайтира оласиз. Шифокор сизнинг касаллигингиз ҳақида тавсиялар берса-да, сиз касаллик аста ривожланиш пайтида тўплаб олган салбий фикрлаш тарзингизни ўзгартиргунингизча,

организмга узоқ вакт даволаш түрлесидаги бирорта мулажаси кор қилмайды.

Суяклари ва бўғимлари касал бўлган одамларга: “Мен ўтмиш билан муҳаббат ила хайрлашаман, уларнинг ҳаммаси эркин ва мен ҳам эркинман. Мен ўзимга ўзим хўжайинман. Мен ўзимга ёқаман, мен ўз ҳаракатларимни маъқуллайман. Ҳаёт яхши. Менинг қалбимда шодлик ва хотиржамлик”, дейиш дастури тўғри келади.

Ууман, биринчи ҳиссиёт марказига тегишли суяк ва бўғимлар оғриганида ижобий дастурлар оила, сизнинг бошқа ижтимоий гуруҳларда эканлигингида, сизга ҳимоя тарзида йўналтирилган, аммо ҳар бири аник, қайси аъзодаги касалликка мўлжалланган, бу касалликнинг авж нуқтаси қаерда, бўғим ва суянинг қаери оғриганига боғлиқ равишда берилади. Масалан, агар сизнинг умуртқа поғонангиз бутунлигича оғриса, демак, сизда оиласидаги умумий қувватлашда муаммо бор. Лекин оғриқ айрим қисмida бўлса, сизнинг ижобий дастурингиз аникроқ шаклни олади. Сиз умуртқа поғонасининг пастки қисмida сурункали оғриклардан қийналсангиз, молиявий қийинчиликлардан қўрқасиз. Умуртқа поғонасининг юқори қисмida оғрикларда сиз ёлғизлик ва ҳис-туйгули ёрдам йўқлигидан ташвиш чекмоқдасиз.

Луиза бўғим ва суяк тўқимасига зарар келтирадиган касалликларга эътиборини қаратади. Уларга ҳам турли ижобий дастурлар орқали таъсир кўрсатади. Артрит оила аъзоларининг касалга нисбатан берилган нодўстона танқидий фикрлари билан боғлиқ. Нотинч оиласидаги артрит касаллари учун Луиза қуидагича дастурни тавсия этади: “Мен

муҳаббатнинг ўзиман. Мен севгини танлайман, бундан буён менга қилаётган ишларимнинг ҳаммаси ёқади. Бошқаларни ҳам муҳаббат ила қабул қиласман".

* * *

Сиз ўз фикрларингизни согломроғига ўзгартиришингизга қараб, ўзингизга ташқаридан қаранг, ўзингизнинг талабларингиз ва яқинларингизни бошқа ижтимоий гуруҳдагилар талаблари билан солиштириңг.

Бу одамларга сиздан устун келиб, ўзингиздан фойдаланишларига йўл қўйиб бермадингизми? Нима учун ўз қизиқишиларингизни ҳимоя қилмайсиз? Сизга дўстларингиз ва яқинларингизга олганингиздан кўпроқ нарса бераётгандек туюлмайдими? Атрофдагиларнинг хавфсизлиги ва яхши яшашини ўйлашдан ташқари, ўзингизни хавфсиз ҳис килиш учун ўзингизни қандай ҳимоя қилишни ҳам ёдда тутинг. Доимо ёдда тутинг: бошқалар учун сиз ягона кўмакчи ёки қувват манбаи эмассиз. Улар ёрдам ва маслаҳат учун бошқа одамларга ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Агар сизда шахсий режадаги, масалан, кўнглингиз жуда бўш бўлса, иккинчи ролларда бўлишга ўрганган бўлсангиз — маҳсус гуруҳларга ёрдам сўраб мурожаат қилинг. Масалан, аноним ёрдам гуруҳлари бор. Улар сизга ўз талабларингиз ва бошқа одамларнинг эҳтиёжлари орасида мувозанатни топишга ёрдам беришади.

Шунинг учун ёдда тутинг — ўз оиласингизни севинг, аммо ўзингизни ҳам! Дўстларингиз устида қайфуришингиз ва ғамхўрлик қилишингиз керак, аммо вақтингизни ўз ҳаётингиз таҳлили ва ижобий ўзгаришлари учун ишлатинг. Ўзингиз ҳақингизда дўстингиздек ўйланг ва бу муносабатларга менси-

май қараманг. Ҳар биримизда шундай дақиқалар бүладики, ўз шахсий эҳтиёжларимизни унугиб қўя-
миз. Асосийси — жиддий муаммолар пайдо бўли-
шидан илгари бу ҳаракатларингизни англаб, яхши-
сига ўзгартиринг.

**Клиник амалиётдан иммун
тизимининг касалликлари
ҳолатларининг тадқиқотига**

Андреа, эндиликда у 17 ёшда, саккиз ёшидан бошлаб бешта кичик ука ва сингиллари ҳақида қайфуришига тўғри келган. Ота-оналари кўпинча бўлмасдилар. Шунинг учун Андреа болаларга ши-
нам уй шароитини яратиб беришга бор кучи билан ҳаракат қиласарди. Аммо ука-сингиллари учун ку-
лайлик яратиш Андреа учун жуда қимматга тушди.
У шахсий вакти ва қизиқишлигини курбон қи-
ларди. Унда беғубор болалик гаштини суриш ёки мустақил шахсини ривожлантириш учун ҳеч қандай имконият йўқ эди.

Андреа кўп болали она вазифасини бажариш учун жуда ёшлик қиласарди, шу асносида эрта болаликдан унда соғлиғи билан муаммолар пайдо бўлди. Умуртқа поғонаси жудаям қийшайган ва маҳсус тирговичлардан фойдаланиши керак эди. Оиладаги стресс ҳолати чидаб бўлмас даражага етганида, унинг бўғимлари ва бели қаттиқ оғрий бошларди. Ота-онасининг ўлимидан сўнг бели ва бўғимларидағи оғриқлар чидаб бўлмас даражада азобли бўла бошлади, Андреада капалак шаклидаги тошма пайдо бўлди ва шифокорга мурожаат қилишига тўғри келди. Шифокор тери сили ташхисини қўйди. Кўп йиллар давомида унда бўғим хамда суяклардаги оғриқнинг хавотирли аломатлари ку-

затилди. Аммо у уларга эътибор бермади. Ахир у ҳамма вакт ука-сингиллари тақдири, соғлиги, хотиржамлиги устида қайфурар эди.

Бошланишига тери силини тасдиқлаш учун, ўзига хос специфик тест таклиф қилдик. У терапевт олдига бориб, қонда ANA DS антитела борлигини текшириш учун қон таҳлили топширди. Тери силида бу антигенлар организмда кўпайиб, ҳар қандай аъзонинг ҳужайраларини зааррлай олар экан. Касаллик енгил шаклда (иситма кўтарилиши, суюклар, тери, қалқонсимон безлар зааррланиши) пайдо бўлади, худди шундай ўткир шаклда (ўпка, буйрак ёки мия касалликлари) ҳам бўлиши мумкин.

Биз таҳлил натижаларини олдик. Улар ижобий бўлиб чиқди. Энди оғриқлар сабаби тери сили эканлигини аниқ билдик. Бундан ташқари қоннинг умумий таҳлили ҳам ўтказилди.

Кўп аутоиммун касалликларида бўлганидек, қизил тери силида ҳам касалликнинг кучайишида бўғимлар қаттиқ оғрийди, терида тошма пайдо бўлади, нафас олиш аъзолари заарланади, чарчок кучаяди ва пасайиш даврида эса оғриқлар пасаяди. Биз Андреа касалини пасайтириш даврига ўтказишга ҳаракат қилдик. Гап антитела ривожланаётган ҳужайралар ҳолатининг назорати ҳақида, бу ҳужайраларни режа бўйича “ухлатиб” қўйиш керак эди.

Тиббиёт бригадаси таркибидаги кўп мутахассислар қаторида, Андреа учун маҳсус стратегияни, касалликнинг турли вариантлари билан шуғулланишни режалаштириб қўйдик. Тери сили Андреада кучли бўлмагани учун унга преднизон — жуда кучли таъсир қилувчи дори буюрдик. Унинг акс таъсиrlари ҳам кўп эди. Бу дорининг акс таъсирини пасайтириш учун игна муолажаси ва гиёҳлар бўйича мутахассисга мурожаат қилдик. Кальций, магний, Д витаминни ва бошқа қўшимчаларни таклиф қилдик. Улардан

ташқари заарлантан ҳужайраларни тиклаш, иммун тизимини мустаҳкамлаш учун *Tripterygium wilfordii* илдизлари дамламасидан ичди.

Ниҳоят, Андреага фикрлари ва ҳаракатлари унинг касаллиги ривожланишига таъсир қилмаслиги учун психологик ижобий дастур тайёрлаб бердик.

“Мен ўзим учун ўзим әркин ва хотиржам гапира оламан. Мен ўзимни кучли ҳис қиляпман. Мен ўзимга ўзим ёқаман”. Суяк ҳолати учун: “Мен әркинман ва хавфсизликдаман. Мен ўз оламимда ўзимга хұжайинман. Мен ўзим истаганимча хаёл сураман. Менда ҳаммаси ёзиб қўйилган ва ҳаммаси мувофиқлашган”. Сколиоз учун: “Мен барча қўрқувлардан ҳоли бўламан. Мен учун ҳаёт нима эканлигини биламан”. Бўғимлардаги оғриклиар учун: “Мен ўзгаришлар билан бирга осон ҳаракатлана оламан. Мени Илохий куч бошқаряпти. Мен ҳар доим тўғри йўналишда ҳаракат қиласман”. Тошмага қарши: “Мен қувончли ва тинч хаёллар билан химоя қилинаман. Ўтмишни афв этиб, унутганиман. Ҳозирги пайтда озодман. Мен ўзимни хавфсиз ва яхши ҳис қиляпман”.

Андреа, бу бўлим бошида берган маслаҳатларимизга қулоқ тутиб, ахволини сезиларли даражада яхшилаб олди. У ўз манфаатларини оила аъзолариники билан солиштиришни ўрганди. Аноним психологик ёрдам жамиятига қатнай бошлади. Ўзи билан мулоқот қилаётганларга талабларини ҳам айта оладиган бўлди. Бир неча ойдан сўнг унинг жисмоний ахволи ва кайфияти яхшиланди. Биз энди у қийин муаммоларни ҳал эта олишини тушундик.

Қон айланиши ва қон кетиши мувоффиклари

Анемия, гематома пайдо бўлишига мойил, қон кетиши ёки бошқа қон билан боғлиқ касали бор

одамлар ўзларини худди энг тубан жойда — жуда ёлғиз, оила ёки дўстлар кўмагисиз қолиб кетган, деб ҳисобладилар. Улар шунчалик бекарорларки, ҳеч кимга ишонмайдилар, алғов-далғов яшайдилар. Агар айтилганлар сизнинг кайфиятингизга ўхашса, унда сизнинг саломатлигингиз ўзингизни шу тўлиқ умидсизлик жарининг тубидан олиб чиқиб, ҳаётингизда тартиб ва мутаносиблик яратишингизга боғлиқ.

Қон айланиши ва қон йўқотиш соҳасидаги бузилиш ҳолатининг кенг спектри: анемиядан бошлаб, ўткир лейкемиягача олиб боради. Бу касалликларнинг баъзилари ҳаётга хавф солмайди, тўлиқ даволанади. Бошқалари, масалан, баъзи анемия, ўткир лейкомия, баъзи лимфомалар оғир патология ҳисобланади, жиддийроқ касалликларни келтириб чиқаради ва ҳаёт учун хавфли.

Касалликни келиб чиқишини аниқлаш қийинчилик туғдиради, чунки у ё биринчи ҳиссиёт маркази, ё туртинчисидаги баланснинг бузилишига боғлиқ бўлади.

* * *

Ҳиссиётга тўла бўлмаслик, тўртингчи ҳиссиёт маркази муаммоси бўлиб, қон айланувчи юракдан артерия ва веналаргача таъсир қиласди.

Шундай қилиб муаммо тўртингчи ҳиссиёт марказида, қонда эмас. Қон босими юқори ва томиртиқинларига келсак, унга тўғри келадиган бобни ўқинг. Бу бобнинг мақсади, одамни ёмон фикрлардан, пессимистик ҳаракатлардан халос бўлишга ёрдам бериш, улар биринчи ҳиссиёт марказига тўғри келадиган аъзоларнинг қон айланишига зарар келтиради.

Бу йўлдаги биринчи қадам, сизнинг танангизга саллик сабаби тўғрисида юбораётган маълумотни аниклаш ва яхши кайфият ёрдамида саломатлини тиклашдан иборат. Масалан, анемияни кувончсиз ҳаёт ёки ҳаёт олдидағи қўркув ҳосил қиласди. Бу яна ҳаётингизда яхши нарсанинг ўзи йўқлигига ишонч орқали янада чукурлашади. Бу шахсий хавфсизлигига ва шодликсиз ҳаётга қарши туриш учун ижобий психологик қўрсатмамиз шундай: “Мен ҳаётимдаги ҳеч нимадан қувонишдан қўрқмайман. Мен ҳаётни севаман”. Гематомалар ҳосил бўлишига мойил ҳаётнинг муҳим бўлмаган тўсиқларидан ўтиш муаммолари олдида ўзини-ўзи кечириш ўрнига ўзини жазолаши билан боғлиқ бўлади. Ёдингизда тутинг сиз севги ва кечиришга лойиқсиз. Такрорланг: “Мен сени яхши кўраман. Мен сенга ғамхўрлик қиласман. Мен меҳрибонман ва ўзимга нисбатан жуда мулоҳимман. Ҳаммаси яхши бўлади”. Кон кетиши билан муаммоларга шундай қараш мумкин — бу биздан шодлик оқиб кетяпти. Кон кетишида разаб ёки нафрат бўлади. Агар бу сизнинг аҳволингизга ўхшаш бўлса, тинчланишга харакат қилинг, фазабингизни босинг, ҳаётга қувонч ва яхши кайфиятда бўлинг: “Мен ўзим ҳаётнинг қувончиман ва мукаммал яшашни маъқул кўраман”. Тромблар ҳосил бўлиши ҳаётда қувонч йўқлиги билан боғлиқ. Агар туйгуларингизни ёпиб қўйган бўлсангиз, такрорлашга урининг: “Мен ўзимнинг ичимда янги ҳаёт уйғотаман. Мен яшнамоқдаман”.

* * *

“Кон мамлакатида”ги саломатлик билан муаммолар фақатгина шахсий туйгуларингиз билангина эмас, атрофингиздаги тартибсизликка ҳам боғлиқ, у нотинч оила ҳаёти ёки одамлар

билин ёмон муносабатингиз ёки раҳбарнинг асоссиз айблаверишидан ҳам намоён бўлади.

Сизнинг танангиз интуицияси, айниқса қонингиз сизга мадад кераклигини билдиради. Яхшилаб илдиз отиш учун қўлингиздан келганича ҳамма нарсани қилишингиз керак. Ҳатто сизга нокулай бўлса ҳам, атрофингиздаги одамларга талабчан бўлинг. Биринчи ҳиссиёт марказидаги саломатликни мустаҳкамлаш учун оиласа, дўстларга ҳамда жамоага суюна олиш жуда муҳим роль ўйнайди. Бу узок давом этадиган жараён. Камидан бошланг. Майдо-чўйдаларда сизга ёрдам беришларини сўранг, катта илтифот кўрсатишларидан бошламант. Омадингиз келса, аниқ вазиятдан бошлаб аста-секин атрофдагилар билан ўзаро муносабатларда ишонч билан киришиб кета оласиз. Агарда кимдир сизга панд бериб кўйса, унга муносабатингизни ўзгартирасиз. Сизнинг мақсадингиз атрофдагилар ичидан ишончли одамларни топиш, сунг ўзингиз ва ғамхўрлигингиз ўртасида мувозанатни белгилаб, розилик билан бошқалардан ёрдам олишингизда ифодаланади.

Клиник амалиётдан қон қасалликлари ҳолатларининг тадқиқотларига

Дениза болалигида отасининг қимор ўйинларига берилгани учун жойдан-жойга кўчиб юришига тўғри келган. Оиласи отасига қарз берган кўплаб судхўрлардан бекинишга мажбур бўларди. Овқатга ҳеч қачон пуллари етмаган, Дениза укалари билан мактабга доим корни оч кетарди.

Йигирма ёшлигига уни бир йигит қаттиқ дўп послаган. У калтакдан кўкарган жойларини отаонасидан яширган. Бир куни эрталаб уйғонганида оёғида зўрға турганидан даҳшатга тушган. Зўрға телефон ёнига келиб, ёрдам чақирган. Денизага оғир анемия ташхисини кўйишиди.

Дениза билан сұхбатдан сўнг унинг жисмоний ва туйғу кучларининг чегарасига етиб келганини билиш мумкин эди. Унга оила қўмаги зарур, у бундан маҳрум эди. Унинг яқин одамлари ичидагамхўрлари бўлмагани учун, бошқа жойдан бундай меҳрибонликни кутмаган эди. Дунё Денизага қўрқинчли ва бўм-бўш бўлиб кўринарди, ҳатто энг яқин дўстларига ҳам ишона олмасди. Дўстлари ва яқинлари унга ҳамдардлик билдиради. Улар унга ўз муаммолари билан ёрдам сўраб мурожаат қилишарди. У ҳақиқий губкага ўхшаб таъсирчанлигидан бошқаларнинг оғриғи унга ўтарди. Бу кўп йиллар давом этгани учун ундаги қўрқувлар ҳеч қаерга чиқиб кетмаган ва доимий стресс соғлиғида таъсир кўрсата бошлади. Дениза том маънода ҳам ҳиссий, ҳам жисмоний жиҳатдан қонсизланиб қолганди. Ундаги энергетик ва гематологик йўқотиш каналларини аниқлаш муҳим эди. Интуитив — тиббий таҳлил унинг ҳаёт қуввати ўз йигити ва қариндошлари билан ёмон муносабатига сарф бўлганини аниқлади. Кейинги босқичда организмнинг айнан қайси жойидан жисмоний кучлари кетиб қолганини аниқланиши зарур эди. Нимага қизил қон таначалари кам ва нимага анемия ривожланганигини билиш зарур бўлгани учун шифокорга бориб, қон таҳлилини ўтказиши буюрдим. Бу таҳлил анемия сабабларини ва қоннинг таркибини аниқлаб берди.

* * *

Кўп шифокорлар беморларга темир препаратини ёзib бериб даволайдилар. Агар бу қасаллик асосида ётган сабаблар аниқланмаса, ундан жiddий муаммолар келиб чиқади.

Одатда анемия учта асосий сабабга кўра ривожланади:



1. Қизил қон таначалари — эритроцитларни йўқотиши туфайли. Баъзида шикастланиш оқибатида, ошқозон ярасида, менструация пайтида кўп қон кетиши, сийдик билан ажралиши ва ички жароҳатлар туфайли қон кетишида ҳам.

2. Организмда етарли даражада эритроцитлар хосил бўлмаслиги натижасида. Бунинг асосида темир моддасининг етишмовчилиги(шунинг учун шифокорлар темир препарати буюришади), наслий мойиллик, кўп дорилар ичиш ёки гиёхванд моддалар қабул қилиш ва хоказо. Масалан, гипотиреоз, гормонлар сесрецияси пасайиши, сурункали сарик касаллиги, В₁₂ витамини ва фолатлар етишмаслигидан келиб чиқади.

3. Эритроцитларнинг қондаги бузилиши. Талоқнинг катталашиши, қизил тери силининг пайдо бўлишига олиб келади, ундан ташқари пенициллин ёки сульфаниламид препаратларининг акс таъсири, мононуклеоз асоратлари ва бошқа вирусли инфекциялар оқибатида.

Агар Денизанинг ёшини инобатга олсак, ундаги менструациядан кўп қон кетиши анемияга боғлиқ деб кўпчилик ўйлаши мумкин. Агар шу тўғри бўлса, темир моддаси ёрдам беради. Бироқ қон таҳлили етилмаган қизил қон таначалари(ретикулоцит) жуда паст эканлигини аниқлади. Унинг эритроцитлари жуда кам эди. Темир моддасининг камлиги, менструацияда қон йўқотишнинг бу ерда аҳамияти йўқ эди. Қизда қоннинг кам учрайдиган касаллиги — макроцитар анемия борлиги билинди. Бу шартли равища B₁₂ витамини етишмаслигидан келиб чиқадиган касаллик бўлиб, узоқ давом этган стресслар оқибатида ва антацид препаратлар қабул қилганидан ошқозон бу витаминни ёмон ўзлаштирган.

Тиббиёт ҳамширалари Денизага B₁₂ витаминини инъекция орқали юбориши. Кейин унга В витамини жамланмасидан иборат дорилар берилди.

Мунтазам анализ олиниб, организмга таъсири текширилиб турилди.

Уни яхши ўзлаштирилиши учун хитой игна муолажаси ва шифобахш ўтлар билан даволовчи табибларга мурожаат қилдик. Бу жигилдон қайнаши ва хавотирни олиши керак эди. Психологик маслаҳатлар билан бир қаторда шериги билан муносабатларидағи стрессни йўқотиш учун *Attractylodis macrocephalaе* илдизпояли ўсимликлар ва *Codonopsis pilosulae* бошқа санаб ўтиш қийин гиёҳлар дамламаларини қабул қилди.

Ижобий аутотренинг машғулотлари қон айланиш тизими ишларини соғломлаштириди. Анемия учун ижобий кўрсатма: “Ҳар бир ҳаёт жабҳаси ва танангнинг ҳар бир ҳужайрасида қувончни сезишнинг ҳеч бир ҳавфли томони йўқ. Мен ҳаётни жуда севаман”. Чарчоққа қарши: “Ҳаётта нисбатан файратим тұлиб-тошган, қувонч ва қувватга тұламан”. Фикр тарзини ўзгартиришга олиб борилган ишлар Денизанинг ҳаётига шодлик олиб келди, ўз қадри ва кераклигини англаб, қўркувлардан халос бўлди. Ярим йил ўтгач, анемия ўтиб кетди.

Иммун тизими ишидаги бузилишлар

Турли иммун бузилишлари, масалан, озиқ-овқат турларига аллергия, ёки атроф мухитдаги бирор нарсага тез шамоллайдиган, ёки грипп ёки оғирроқ аутоиммун касалликларига чалинган одамлар кўпинча ўзларини ёлғиз ҳис қиласидар. Улар оддий ҳаётта қўшила олмайдигандек кўринадилар. Бундай одамлар ёлғизликка мойиллар, кўпинча уларнинг талаблари атрофдагиларникига мос келмайди деб ҳисобладилар, шунга ҳар қандай му-

лоқотни ортиқчадек қабул қиласылар. Бундай ўта таъсирчан одамлар билан ҳатто бирга-бир мулоқот қилолмайдилар. Шунинг учун уларда хавфсизлик ва ҳимоя қиласыган түйфуни үйғота оладиганлар билан ҳам муносабатларини ушлаб туролмайдилар. Ўз хоҳишлирига күра бегоналашган бўлсалар ҳам, уларга бутун олам қаршидек кўринади.

* * *

Агар сизда аллергия ёки иммун тизими қасаллиги бўлса, сабр қилинг, бардошли бўлинг. Стресс иммун тизими фаолиятининг бузилиши натижасида пайдо бўлади. Бу йўлдаги биринчи қадам — саломатлик билан боғлиқ ҳамма муаммолардаги эмоционал таркибий қисмларини аниқлаш ҳамда доимий асосда шифобахиш ижобий кўрсатмадан фойдаланиш. Бу саломатликни керакли даражага етказиш ва ушлаб туриши учун мухим. Барча ҳолатлар билан курашиб учун зарур умумий нарса — бу ишонч, хавфсизлик ва ўзига бўлган мухаббат.

Бошқа соҳалардаги каби ижобий кўрсатмалар фикр тарзи, хатти-харакатлар ва касаллик характеристига кўра фарқ қиласи. Масалан, аллергия билан оғриган беморлар умуман ўз ҳаётларини бошқармаймиз, деб ишонадилар. Бундай салбий фикрларни қўйидаги кўрсатма билан ўзгартирса бўлади: “Олам дўстона муносабатда ва мен хавфсизман. Мен ҳам хавфсизликдаман. Мен ҳаётта кўнганимман”.

Бошқа томондан агарда сиз инфекция билан зарарланган бўлсангиз, соғлом инсон эмаслигиниздан, бошқалардан ёмонроқ эканлигиниздан одатда кўркув сезасиз. Сизга худди ҳаёт қувватингиз туғаётгандек, ички суюнчинизни йўқотгандек, бошқа-

ларнинг ғамхўрлиги ва меҳридан маҳрум бўлгандек туюлади. Бундай фикр тарзини ўзгартириш учун Луиза мана бундай ижобий таъкидларни таклиф қиласди: “Мен одамларнинг гуруҳида эмасман ва вактдан ташқаридаман. Мен оломондан ва ҳар қандай таъсирдан мустақилман”. Мононуклеоз билан касал одамларда салбий фикрлар ғазаб ва севгининг йўқлиги билан бирга келади. Куйидаги таъкидлар шифо самарасини беради: “Мен ўзимга ёқаман, мен ўзимни қадрлайман ва ўзим ҳақимда ғамхўрлик қилоламан. Мен бойман”.

Кундалик ҳаётингизга ҳам эътибор қаратишингиз муҳим. Сиз атайлаб одамлардан ўзингизни олиб қочасизми? Сиз мени ҳеч ким тушунмайди деб ўйлайсизми? Биз қилишимиз керак бўлган биринчи иш — сиз айнан қандай воқеа ва одамлардан қайғуга ботиб, ғамгин бўлиб қолишингизни аниқланг. Қачон ўзингизни қийнай бошлайсиз? Баъзида одамлар ўзларини ножӯя тутиб, қўпол гаплашадилар, аммо улар кўпинча шу тарзда энг муҳим эҳтиёжларини намоён қиласдилар. Уларнинг муомаласидаги ортиқча ҳис-туйғуларига бепарво бўлишга ҳаракат қилинг ва илтимоснинг маъносига эътибор беринг. Балки бу сиз ёқмайдиган гап ва воқеалардан холи бўлишга, сизнинг ички ва ташқи бепарво бўлишингизга ёрдам бўлади. Оқ қон таначаларининг қондаги бегона объектларга ҳужум қилишдаги антагонистик фаоллиги, сизнинг хатти-ҳаракатингизга ўхшаш бўлади. Шунинг учун ҳис-туйғуларга бепарво бўлиш устида олиб борилган ишлар организмдаги сабрли бўлишни кучайтиради, иммунитетни оширади ва мустаҳкам иммун тизимини яратади.

* * *

Ўз ҳатти-ҳаракатидаги бошқача муҳим ўзгаришлар — одамлар орасида бўлишга мажбур қиласди. Олдин эслатиб ўтганимиздек, оздан бошланг. Ҳеч бўлмаса бир ҳафтада бир марта бошқа одамлар олдида қандайдир иш жараёни билан шугулланинг. Одамлар билан осонроқ муносабатлар bogланг. Шунда ҳаммаси секин-аста ўз йўлини топади.

Ҳар қандай фаолиятни синаб кўриш мумкин — спорт клублари, оила байрамлари факат олам сизга нисбатан душманчилик муносабатда эмаслигини тушунсангиз бас.

Саломатликнинг икки муҳим йўналиши (жисмоний ва ҳиссиётли) билан сиз дунёга қарайсиз. Кайфиятингиз ҳам барқорорлашади, сиз ҳаётдан мамнун бўласиз. Атрофдагиларнинг душманчилиги ва сотқинлигини кўриш ўрнига, сиз гуруҳ талабини шахсий талаблардек қабул қиласиз. Қийин вазифаларни кайфиятингизга мос равишда осон ҳал этасиз. Сиз бошқа одамлардан хавфсизликни ҳис этасиз, уларда қадрли нарса топасиз. Ва ниҳоят, сиз ўзингизга, оилангизга, дўстларингиз ва ҳамкасларга бўлган мажбурий муносабатларингизда мувозанатга эришасиз. Бундай мувозанат — биринчи ҳиссиёт марказидаги соғломлик қалити.

Клиник амалиётдан иммун тизими касалликлари ҳолатларининг таҳлилларига

Ларри, ҳозир ўттиз икки ёшда бўлса ҳам, уятчан ва бесўнақай бўлиб ўсган ёш йигитчя. У доимо ёлғизликни афзал кўрган. Ҳатто унинг акалари ҳам уни ғалати деб ҳисоблашар ва ўз оиласида ҳам ўзини эътибордан қолган деб ўйларди. Ҳатто

ёлғиз қолганида ҳам үзини яхшироқ ҳис қилмасди. Ишда ҳаммадан бегонасираб турарди ва тез орада одамови, писмиқ одам деган ном олди.

Кичик ёшидан аллергиядан қийналган. Ёши үсган сари иммун муаммолари чуқурлашди ва иммун тизимидағи оғир бузилишлар ривожлана бошлади. Бир күн Ларри баланд иситма билан уйига келди. У чарчаган, күчсизланган, титрар ва бутун бадани оғриреди. Унинг социофобияси аниқ ҳимоя механизміда — иммун тизими аъзоларіда, оқ қон ҳужайраларіда үзини күрсатді. Аллергия түрли күринишларда пайдо бўлади — тери тошмалари, қишишиш, кўз ачишиши, тумов, ичаклар қўзғалиши ва кўпгина бошқа белгилар иммун бузилиш категориясига киради, улар оқ қон таначаларининг бегона заррага нисбатан реакциясига боғлиқ бўлган симптомлари ҳисобланади.

* * *

Мана нима юз беради: организм бегона жисмлар борлигини ҳис қиласди, уни хавфли деб ҳисоблаб, жойдаги жисмни йўқотиш учун лейкоцитлар юборади. Бу ҳужайралар қўзгатадиган моддалардан халос қиласди, масалан гистамин, лейкотриен ва простагландинлар аллергенни йўқотишга ҳаракат қиласди. Кимёвий моддаларни қонга тушиши кучли бўлгани учун яллигланиш жараёнига олиб келади, бу кўз ёшлари, тумов, аксириш, қишишиш, ачишишиш ва овқат ҳазм қилишининг бузилиши кўринишида бўлади.

Соғлом, мустаҳкам иммун тизимида организм аллерген мавжудлигига кучли жавобли яллигланиш реакциясини кўрсатмасдан, очик белги кўринишилиз, чидашга қодир бўлади.

Ларрида кўплаб аллергияси бўлгани учун унда стандарт тиббий даволаниш вариантлари бор эди.



Чеклов. Услубнинг моҳияти, унга мувофиқ симптомларни келтириб чиқарадиган аллергенлардан узоқроқда бўлиш. Менга эса Ларрига бу ишида омад тилаш қолди. Кўпчилик одамлар учун бу вақтингчалик қарор. Бир ойча ўзини яхшироқ ҳис қилади, сўнг йўтал, аксириш ва қичишиш янги куч билан пайдо бўлади. Ундан ташқари аллергия уйғотадиган моддалар билан доимий тўқнашмагани учун иммун тизимини янада кучсизлантиради. Бу эса организмнинг чидамлилигини сусайтиради. Бу йўлни давом эттирса, касалликнинг таъсири остида қолаверади.

Медикаментоз воситалар. Аптекада аллергия реакциясини даволаш учун кўплаб доривор препаралар сотилади. Чеклаш услублари каби бу услуб ҳам бутунлай аллергия сабабларини бартараф этмайди. Улар факат касаллик белгиларини пасайтиради. Енгил шаклда ўтадиган аллергияга антигистамин препаратлари, бенадрил, кларинекс, атаракс, аллегра ва бошқалар ёрдам беради. Бу препаратлар биринчи галда лейкоцитлар озод қилган гистаминларга таъсир қилади. Антигистамин препаратлари 70 ёшдан ошганларга тавсия этилмайди. Чунки хотирани ёмонлаштиради ва сийиш билан ҳам муаммолар келтириб чиқаради. Оғир кечадиган аллергия ҳолатларига стероидлар ва ингаляция қолади. Аллергияга қарши кўп воситалар яллиғланишнинг олдини олади, гистамин ва лейкотриенларнинг кўпайишига қаршилик қўрсатади. Стероидлар организмда кимёвий моддалар пайдо бўлишига ва сингишига тўсқинлик қиладиган радикал самара беради. Стероидларнинг организмга айнан жуда кучли таъсири туфайли уларни чексиз қабул қилиб бўлмайди, остеопороз, ошқозон яраси ва иммунитетнинг жабрланишига олиб келади. Балки Ларрида Эпштейн-Барр вируси билан борлиқ инфекция

ривожланган ва мононуклеоз иммун тизимининг бузилиши туфайли рўй берган.

Иммунотерапия. Даволашнинг бу услуби, сизнинг лейкоцидларингизни жавобан яллиғланиш реакциясини бермасликка ўргатиш учун аллергенни организмга микродозада олиб киришади. Аллерген инъекцияси бир неча ой давомида ҳафтада бир-икки марта қилиш тавсия қилинади. Бундай даво усули оғир шаклдаги аллергия ёки белгилари уч ой давомида сақланиб турадиган касалларга тавсия этилади.

Ларри йиллаб стероидлар қабул қилгани учун, биринчи галда ундан қутулишни ўргатишга ҳаракат қилдик. Организмнинг қаршилиги ва иммун тизимининг вируслар билан курашиб қобилиятини ошириш учун ва бир вақтнинг ўзида атрофдаги олами хотиржам қабул қилиши учун Ларрига гиёҳлар ва игна муолажа хизматидан фойдаланишни тавсия қилдик. Бошқа шифобахш ўтлар каби Wu Cha Seng қондаги лейкоцитлар функцияйий ҳолатини, айниқса узоқ давом этган кимёвий терапиядан сўнг яхшилайди. Ундан ташқари Ларри парҳезшуносга кўп миқдорда тўқ баргли сабзавотлар ёрдамида овқатлашишни баланслашириш ва тўлақонли бўлиши учун мурожаат қилди. Поливитаминалар — таркибида С витамини, магний, рух ва В гуруҳидаги витаминлар бор комплексини буюрдик. Щунингдек, занжабил, куркума, ДНА қабул қилди, булар организмга Эпштейн-Барр инфекциясида яхши таъсир қиласи.

Дори схемаларидан ташқари аутотренинг билан шуғулланувчи докторлар бригадаси ижобий қайдлар билан шуғулланди. Яллиғланишга қарши: “Мен хотиржамман, мен тинчлик ва муҳаббатнинг тимсолиман”. Мононуклеозга қарши: “Мен ўзимга ёқаман, қадрлайман ва ўз саломатлигим устида қайғураман. Мен бойман”. Эпштейн-Барр вируси-

га қарши: “Мен хотиржамман, мен ўз қадримни ва мухим үрнимни биламан. Мен етарлича яхшиман. Ҳаёт осон ва қувиоқ”. Бу таъкидлар унга касалликнинг ёпиқ айланасидан, салбий фикрларидан чиқиб кетишга ёрдам берди. Одамлар билан мулоқот қилмаса бўлмайдиган вазиятларда бўлишга катта куч сарф қилди. Бу қилинган ишларнинг барчаси Ларрини соғлом ҳаётга қайтарди.

Тери касалликлари

Сизда псориаз, экзема, (гуш) эшакеми, акне каби тери муаммолари борми? Агар бу саволни тасдиқласангиз, турли ўзгаришларга муносабатларингизни кўриб чиқишингизга тўғри келади. Тери касалликларига дучор бўлганлар сиртдан фикри-хаёlinи бир жойга тўплаб юрсалар ҳам, буни жуда жиддий назорат эвазига амалга оширадилар. Бундай одамлар қоя каби мустаҳкам. Аммо ҳеч нима ўзгармас экан тобе бўлиб қолаверадилар. Бутун умрлари эскиликка, фақат эскиликка бориб тақалади, эскилик эса энди хавфсиз. Ахир реал ҳаёт доим ҳам хавфсиз ва олдиндан айтиб бўладиган эмас-ку. Айнан шунинг учун бундай одамларнинг ҳаётларида муаммолар пайдо бўлади. Ҳаётнинг табиий оқими бостириб келиши ва орқага қайтиши бундай одамларда кучли хавотир уйғотади ва ўз навбатида тери муаммолари бошланади.

* * *

Кизиқ, ҳиссиёт ва интилиш тери муаммолари билан боғлиқ жан. Масалан, ҳаёт ўзгаришларига мослаша олмасликка, ундан ташқари суюк тизимининг кўп касалликларига алоқаси бор. Бир дард иккинчиси билан кўпинча боғлиқ ривожланади. Тери касалликлари бор жойда суюк тўқимасида ҳам касаллик бўлади.

Шундай экан, даставвал дикқат билан саломатликка тегишли маслахатларни күриб чықамиз. Биринчидан, сизнинг организмингиз юбораётган сигналларни англаш, иккинчидан эса ижобий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам берадиган яхши кайфият, ўз навбатида терини тозалашга олиб келди, у ташқи томондан силлик ва ичидан порлагандай туради. Ўзгаришлар билан боғлиқ қўрқув ва хавотирни умумий психологик ижобий кўрсатмалар енгишга ёрдам беради. Улар бундай янграйди: “Мен ўзимни ушалмаган севги, баҳт ва армонли хотиралардан қалқон билан ҳимоя қиласман. Ва айни пайтда мен озодман”.

Тери касалликлари турли шаклда бўлади. Шунинг учун даво самарасини берадиган кўрсатмалар ҳам турлича. Ҳар бир дардга даво ҳар хил. Агар сизда акне бўлса, биринчи галда ўзингизга бўлган ёмон муносабат билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун ижобий кўрсатма: “Мен ўзимни яхши кўраман ва ўзимни айнан ҳозирги пайтдагидек қабул қиласман”. Экзема одатда антагонизм ва яширин туйфуларнинг чиқиши билан боғлиқ. Бундай туйфуларни нейтраллаштириш учун қуидаги кўрсатма: “Мени тинчлик ва уйғунлик, шодлик ва мухаббат ўраб олган. Улар атрофимда ва вужудимда. Мен хавфсизман ва бенуқсонман”. Эшакеми одатда қалб тагидаги майда қўрқув билан ҳамда пашшадан фил ясашга мойилликка боғлиқ бўлади. Тошма ва эшакемида қуидаги кўрсатмаларни такрорласа бўлади: “Мен оламни ҳаётимнинг ҳар бир бурчагига олиб кираман”. Тошма воқеа кутилмаган йўналиш олса ва асабийлашиш билан боғлиқ бўлади. Шундай ҳолатда қуидаги психологик кўрсатмадан фойдаланилади: “Мен ўзимни севаман, ўзимга ижобий баҳо бераман. Мен жўшқин оқаётган ҳаёт билан тотувликдаман”. Агар сизда псориаз бўлса,



сизни хафа қилишларидан кўрксангиз, ўзингизга ўз ҳиссиётларингиз устидан масъулиятни олишни истамайсиз. Бундай ҳолат учун кўрсатма: “Мен борлиқнинг ҳамма хурсандчилкларига тез жавоб бераман. Мен ҳаётда энг яхши нарсаларга лойикман ва энг яхшиларини қабул қиласман. Мен ўзимга ёқаман ва ўзимга ижобий баҳо бераман”. Китобнинг кейинги бетларида ҳам касаллигинизга мос келадиган кўрсатмалар бор.

* * *

Тери касалликларини келтириб чиқарадиган ҳиссиётли масалалардан баъзиларини ҳал қилиш учун бўлаётган ўзгаришларга мослашиш қобилятигини ривожлантириш керак. Айтганларидек, ўзгаришлар ҳаётдаги доимий ҳолат.

Нима қила оласиз? Балки ҳолатингизни тўғрилашнинг осон йўли — ҳамма эскиликлардан кутулиш. Бу интуициянгизга зид бўлса ҳам мақсадга йўналтириб, ўз-ўзидан жиндек бир нарсаларни пайдо қилсангиз-чи. Баъзида ҳаётнинг ўзи бошлаётган жойга боришга вақт топинг. Масалан, бир соат вақтни пиёда сайд қилишга сарфланг. Нимага рўпара келишингизни кўринг. Ҳаётингизга озгина ранг-баранглик киритасиз. Унинг ёрдамида ҳаёт майда-чуйдалари ёзиб қўйилган, аниқ тузилган режалардан иборат эмаслигини тушунасиз — бу унчалик кўрқинчли нарса эмас. Маълум бир жойдаги муаммони ҳал этиш учун аниқ вазифани зиммангизга олинг. Ўзингизни назорат қилолмайдиган вазиятга кўйиб кўринг. Болалар уйида ёки болалар боғчасида ишлашга боринг. Ким билади, нима бўлишини?

Афтидан, сиз ўтириб ва ўз кун тартибингизни кўриб чиқиб, ҳаётингизда ўз назоратингизни озгина пасайтирадиган қандайдир соҳа борлигини аниқлар-

сиз. Балки, сиз ошхона ёки меҳмонхона ҳокимиятини қўлдан бергингиз келмайди, аммо шунинг ёрдамида болангизга қарашга кўпроқ бўш вақт пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу таклифлардан мақсад, сизда уддабуроликни шакллантириш. Уддабуро бўлсангиз, ўзгаришларни осонрок ўзлаштирасиз. Бу ишонч бирор қобилиятли одам билан рақобат қилмасдан, у билан ҳамкорликда ишлаб, ҳар куни бошингиздан кечираётган зўриқиши ва хавотирни енгишга ёрдам беради.

Клиник амалиётдан тери касалликлари ҳолатларининг таҳлилига

Эллик икки ёшли Карл оила бошлиғи эди. У илфор тадбиркор, жамият ҳаётида ҳам фаол иштирок этар, кўпинча турли шаҳар ва оила тадбирларида хайрия тарқатиш мақсадида қатнашарди. Атрофдаги олам учун оила ва дўстларини қўшиб ҳисоблаганида, у жуда бой ва ишончли одам — жамият аркони бўлган.

Аммо Карл қалбидаги ёпишқоқ фикрлардан қийналарди ва янгиликларни ёмон кўрадиган консерватив одам эди. Токи ҳамма нарса унинг назоратида экан, у ўзини хавфсиз сезар ва компанияни ушлаб турарди, оиласи, дўстлари жамият учун дилкаш бўла оларди.

Кўп йиллар давомида ўзини жиддий назорат қилиши натижасида Карл танасида қичишадиган тошма ва бўғим букиладиган жойларда қипиқсимон қоплама пайдо бўлди. Карл дерматолог ҳузурига борганида, псориазнинг жуда ўткир шакли билан касал бўлганини билди.

Псориаз — бу тери касаллиги бўлса-да, иммун тизимидағи муаммолардан дарак беради, у эса ўз навбатида диабет, юрак касаллиги, депрессия, ошқо-



зон касали, артрит, тери саратони, лимфома билан боғлиқ бүләди. Кўпинча псориаз билан биргаликда оқсил ривожланиши, хужайраларнинг жуда тез ўсиши билан боғлиқ “оқсил некрози” учрайди. Нимага? Буни ҳеч ким билмайди. Биз Карлни яхши терапевт унинг юраги, овқат ҳазм қилиш тизими ҳамда бўғимларини текшириб чиқишини истадик. Карлга ҳар бир пункти бўйича скрининг текшириш қилдиришга юбордик.

Карл терисини доимий даволаши, қичишишнинг олдини олиши ёки енгиллаштириши керак эди. Да-воланишнинг еттита услуби бор: тери устки қатлами учун крем ва мазлар; чироқ билан даволаш ёки фототерапия, бунда тери ультрабинафша чироқ билан доимо ишлов берилади ва касаллик билан боғлиқ хужайраларнинг ўсиши пасаяди; ичиш учун — циклоспорин, метотрексат, ацитретин; анъанавий хитой тиббиёти ва парҳез.

Карл псориазга қарши рецептсиз сотиладиган ҳамма дори воситаларини синааб кўрди, аммо на-тижага эришмади. Унга тери устига суртиладиган, стероидлар озгина ёрдам берди, аммо атайлаб қилганидек теридаги қипиқлар кўпая бошлади. Шунга Карлни тажрибали дерматолог олдига фототерапия курсини ўтказиш учун юбордик. Хитой табиби ва игна муолажаси мутахассисларига боришни таклиф қилдик. Табиб уни кальций сульфат, реманий, шувок, форсатий ва бошқа гиёҳлар билан даволади. Парҳезшунос псориазни айнан қайси маҳсулотлар кучайтиришини аниқлади. Бу помидор экан. Ундан ташқари Карл ДНА қабул қилди.

Шунингдек, ҳаётига ўз-ўзидан пайдо бўлайдиган озгина тартибсизликларни олиб кира бошлади. Яна у ўз фикрлаш тарзини тери касалликлари учун мўлжалланган, ижобий психологик кўрсатмалар ёрдамида ўзгартиришга ҳаракат қилди: “Мен

ўзимни хавфсизликда сезаман". Карл умумий касалликлар учун: "Мен ўзимга ишонаман", тे-рига хос умумий муаммолар учун: "Мен ўзимни мұхаббат билан ҳимоя қиласам, менинг фикр-ларимда фақат қувонч ва тинчлик. Ўтмишни унудим ва бутунлай эсдан чиқариб юбораман", тошмани йүқотиш учун: "Мен ўзимни мұхаббат билан ҳимоя қиласам, фикрларим қувончта тұла, хотиржамман", псориаз учун: "Мен тирикман ва ҳаётдан хурсандман. Мен әнг яхши ҳаётта лойиқ-ман. Мен ўзимга ўзим ёқаман ва ўз ҳаракатла-римни маъқуллайман" каби мос күрсатмаларни такрорлади ва унинг териси псориаз доғларидан тозаланди. У тұлық ҳайратда әди.

Биринчи ҳиссиёт марказида ҳамmasи жойида.

* * *

Демек, сиз иммун тизими, суяқ мушак тизими ва тери касаллукларини тиббиёт, интуиция ва ижобий фикрлар ердамида даволай олар экансиз. Қачонки, сиз салбий фикр ва ҳаракатларингизни аңглай бошласангиз (улар жисмоний муаммолар асосида етади), аъзоларга тегишли бүлган маълумотни түрги тушунсангиз, биринчи ҳиссиёт марказидаги-дек, сиз тузалиш учун ўз ийүлингизни топган ҳисобланасиз.

Луиза тавсия қылған янги фикрлаш тарзи күр-сатмаларини ўзлаштириб, касаллик зұрайишига олиб келадиган хатты-ҳаракатларингизни ўзгартириш учун ўз шахсий әхтиёжларингизни оила, дүстлар ва жамият талабларига солиширишни ўр-гантанынгизда сиз катта күчта зәга бүласиз. Дунё — хавфсиз ва дүстона жой. Ҳамmasи жуда яхши!

5-БОБ
ЗАРУРИЙ МУВОЗАНАТ



*Иккинчи ҳиссиёт маркази — қовук,
репродуктив аъзолар, умуртқа
погонасининг пастки қисми,
сон бўғимлари ва суяклар*

Иккинчи ҳиссиёт маркази пул ва муҳаббат ташвиши билан боғлиқ. Агар сиз ўз ҳаётингизнинг икки соҳаси ўртасида мувозанат ўрната олмаётган бўлсангиз, унда сизда саломатлик билан боғлиқ турли муаммоларнинг ўткирлашишига мойиллик пайдо бўлади: қовук, репродуктив аъзолар, умуртқа погонасининг пастки қисми ҳамда тос сон бўғимлари билан боғлиқ муаммолар. Шунинг учун бу ҳиссиёт марказида саломатликни мустаҳкамлаш хаёт қувончларини қурбон қилмасдан молияни бошқаришни ўрганишдан иборат ва тескариси. Етарлича осон, тўғрими? Нотўғри! Бунга табиатан берилган иқтидор туфайли кам одам эриша олади, келинг бу масалани кўриб чиқамиз! Иккинчи ҳиссиёт марказидаги муаммоларга мувофиқ равишда барча одамларни уч гурухга бўлса бўлади: пулга қизиқмайдиганлар, лекин муҳаббатта тийиб бўлмас иштиёқлилар; муҳаббат ва пулга нисбатан масъулиятли муносабатда бўла олмайдиганлар; бойликка ёки эҳтиросга бўлган иштиёқлилар.

Биз ҳаммаси ҳақида аниқ ва батафсил кўриб чиқамиз, шунга кўра тананинг турли қисмларини муҳокама қиласиз. Бошқа ҳиссиёт марказлари каби касал бўлган тана қисмингиз сизнинг фикрлаш тар-

зингизга ёки хатти-ҳаракатларингизга боғлиқ бўлади. Ҳаётингизнинг бу соҳаси мувозанат бузилгани билан боғлиқ.

Бироқ исталган вазиятда организмга қулок солиш зарур. Сизнинг организмингиз — бу асосий интуитив машина ва албатта саломатлик муаммосига жисмоний белгилар воситасида диққатингизни жалб қилишни ёдингизда сақланг.

* * *

Салбий хаёллар иккинчи ҳиссиёт марказидаги муаммолар, жинсий аъзо ва шахсий сексуаллик борасидаги хавотир, газаб ёки қайгу ҳамда одамлар билан ўзаро муносабатлардаги курашлар ва молиявий ташвишлар билан боғлиқ.

Бу бемаънилик эмас, чунки биз хавфсиз оила бошпанасини ташлаб кетганимизда, қўрқиб ва таваккал қилиб, ташқи оламга отланамиз. Бундай шароитда одам дуч келадиган биринчи ва энг қийин вазифа — бу пул, севги, шахсий ва молиявий ўзаро муносабатлар.

Сизнинг йўлингизда нималар турибди? Саломатлигинизни мустаҳкамлаш учун молиявий ҳолатингиз ва ўзаро муносабатлар характеристини ўзгартиришга нима халақит беради? Сиз қайсалик билан ҳамкорингизни ёмон кўрасизми? Сиз бошқа нарсаларни афзал кўриб, пулли масалаларни жуда тез унутасизми? Пулга масъулиятсиз муносабатда бўласизми? Сиз бўғилиб қолаётганингизни сезяпсизми?

Бу фақат туйғуларнинг бир неча типи ва хатти-ҳаракатлар иккинчи ҳиссиёт марказидаги касаллик муаммоларини чуқурлаштиради. Агар сиз фикрлаштарзини саломатлик муаммоси асосида ётгани билан тенглаштира олсангиз, қовук, репродуктив аъзолар,



умуртқа поғонасинг пастки қисми ва сон бўғимида ҳиссиётли, хатти-харакатли ва жисмоний зарур ўзгаришлар қила оласиз. Биринчи қадам — асосий сабабни топиш. Кейинги қадам — бу салбий фикр ва ҳаракатларни соғлиқни мустаҳкамлаш учун янги фикр тарзига алмаштиринг.

Иккинчи ҳиссиёт маркази — назария ва амалиёт тасдиғи

Иккинчи ҳиссиёт марказига тегишли саломатликка оид сезилар-сезилмас фарқлар мавжудлигини ҳисобга олиб, Луиза Хей бошқа касалликлардек ижобий кайфият назариясини ишлаб чиқди. Масалан, нормал ҳайз кўриш, аменореянинг, дисменорея ёки фиброманинг бўлмаслиги аёл ўзининг аёл эканини тўғри қабул қилишига боғлиқ. Аёллик назоқатининг инкор қилиниши — бу салбий фикрлаш тарзи, умумий жинсий соҳа муаммолари билан боғлиқ. Жинсий алоқадан уялиш ва шеригига нисбатан фазабланиш, одатда вагинит ва қовуқ инфекцияси касалликлари билан боғлиқ бўлади.

Эркакларда ўша масала юзасидан простата ва унинг касалликлари берилган. Айбдорлик ҳисси ва жинсий соҳадаги босим ҳамда одамнинг қаришига муносабати простатанинг касалланишига олиб келади. Жинслар ўртасидаги муносабатларда биринчилик учун кураш жинсий касалликларга сабаб бўлади. Гап гонорея (сўзак), герпес (учук), сифилис (захм) каби бошқа венерик касалликлар ва уларнинг пайдо бўлиши бевосита одамнинг жинсий аъзолари ифлос, гуноҳли аъзолар эканига ишонч билан муносабатда бўлиш, бу алоқа учун ўзини айбдор ҳис қилиш ва бунинг учун жазога тортилишни сезиш билан боғлиқ. Жинсий алоқа гуноҳлигига



ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛАДИ

ишенч ва ундан тийилиш импотенцияни келтириб чиқарадиган фикрлар тарзига боғлиқ бўлади.

Аёлда ҳомиладор бўлиш билан муаммолар бўлса, бу умуман бола туғиш керакми деган шубҳалар билан боғлиқ бўлади.

Ва ниҳоят, молиявий муаммолари билан қайфураётган одамнинг қайси бирида умуртқа поғонаси пастки қисмида оғриқ бўлмаган? Умидсизлик ва келажак олдидағи кўркув — бу умуртқа поғонаси пастки қисмидаги оғриқ ва ишиас билан бирлашиб келади.

Фан мия ва тана орасидаги алоқа, иккинчи ҳиссиёт марказига тегишли ҳамма аъзоларга таъсир килувчи салбий фикрлаш тарзи, ёмон ҳиссиётлар ҳақида нима дейди?

* * *

Тадқиқотлар давомида бепуштлик ва ҳайз кўришининг бир маромда бўлишининг бузилиши, келажакда оналик борасида ва жисмоний ўзгаришларга боғлиқ ички зиддиятлари бор аёлларда кўпроқ бўлиши аниқланди.

Аёллар жамият томонидан психологик босимни сезади, улар оналикка чорлайди, оналик ҳаётий режасига мос келмаслиги мумкин. Бу асосда юзага келадиган қондаги кортизол ошиши ва протестерон камайиши бачадонда ҳомиланинг мұваффақиятли уланишига халақит беради. Қонда окситоцин миқдори камайиб, норадреналин ва адреналин даражаси кўтарилади. Буларнинг ҳаммаси жинсий гормонлар ишлаб чиқаришга халақит беради ва ҳомила пайдо бўлишига тўсқинлик қиласи.

* * *

Агарда эркакларга доимо психологик босим ўтказилаверса, ҳис қилаётган хавотири туфайли организмида антителалар пайдо бўлади, улар импотенцияга олиб келади. Стресс ва умидсизлик таъсири остида буйрак усти бези ҳамда тухумдонларда кортизол кўпроқ, тестостерон камроқ пайдо бўлади, бу иккала муаммо баъзи ҳолларда бепуштиликка олиб келади.

Жуда кўп илмий адабиётларда одамлар орасидаги муносабатлар кичик тос аъзолари саломатлигига таъсири қилиши тушунтирилган. Психологик шикаст билан боғлиқ депрессия ва хавотир туфайли аёл организми репродуктив тизими учун салбий оқибатлари аниқланган — буйрак усти безлари кўпроқ стероидлар ишлаб чиқаради. Бу организмда кортизол, эстрадиол ҳамда тестостерон микдорининг ўзгаришига олиб келади. Учала гормон орасидаги номутаносиблик оддий дарфазабликдан фибромалардаги оғриқларгача ва тухумдонлардаги кистага олиб келиши мумкин, вазн ошиши ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Қатор тадқиқотларда бу борадаги зўравонлик ва кичик тос соҳасидаги сурункали касалликлар орасида боғлиқлик борлиги исботланган. Болаликда бошдан кечирган бу қисмдаги шикастланиш сийдик трактидаги оғриқлар пайдо бўлишига ҳамда учинчи ҳиссиёт марказидаги овқатланишнинг бузилиши, кўп овқат ейиш, семириб кетиш каби психологик шартли муаммолар пайдо бўлишига олиб келади.

Дисплазия ёки бачадон бўйинининг саратони бор аёллар ёш пайтида контактда бўлганлар, никоҳдан олдин ҳамда никоҳдан ташқари алоқалари бор аёл-

ларда бүлади, одатда улар бир неча бор турмушга чиқишиган ва ажралишган. Бу аёлларнинг ярмидан кўпи отаси йўқ оиласарда катта бўлишган. Моҳиятнан улар болалигига ота меҳридан маҳрум бўлишган. Бутун аёллик ҳаёти — илк болаликда маҳрум бўлган муҳаббатни олишга бўлган ноладир. Зарурий тажриба ва муҳаббат ҳақидаги тасаввурга эга бўлмагани учун улар доимо ички бўшлиқни турғун бўлмаган ўзаро муносабатлар билан тўлдиришга ҳаракат қилиди. Кўпинча бу аёллар бундай алоқадан лаззат оладилар, аммо жисмонан ва хиссиётда улар ихтиёрий равишда ўз эҳтиёжларидан воз кечиб, шеригига ёқадиган ишларни бажаришади.

* * *

Молиявий низоларнинг таъсирি, яшашибун кураш, қониқарсиз ҳолатни оғир юқдек қарашиб, уларни одамлар ўзлари билан кўтариб юрадилар, буни тўғри маънода тушунниш мумкин. Тадқиқотлар давомида умуртқадаги оғриқлар ва мушаклардаги зўриқишилар одамлар депрессия бўлганиларида ёки ўз молиялари ҳақида қайгураётганларида, яна улар шахсий ишларини ёмон кўришиларида пайдо бўлади.

Масалан, бир тадқиқот давомида ишидан қониқ маслик деярли етти марта умуртқада оғриқ пайдо бўлишига сабаб бўлди. АҚШ аҳолиси орасида умуртқа поғонаси соҳасидаги оғриқлар энг кўп тарқалган меҳнатга лаёқатсизлик ҳисобланади, у фақат юқ ташувчилар орасидагина эмас, “оқ ёқалар” деб аталадиганлар орасида ҳам тарқалган. Яхши шароитларда ҳам бу ҳолатлар яхшиланмайди. Сиз балки гап нимада эканини биларсиз. Бу ёстиқчалар ва турли мосламалар компанияларда орқангизни ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқилган.

* * *

Умуртқа погонасининг пастки қисмидаги оғриқлар доимо шахсий муносабатлардаги муаммолар билан bogлиқ бўлади. Ўзаро муносабатларнинг яхшиланиши, масалан, умуртқа нинг пастки қисмida сурункали оғриқни камайтириши кузатилган.

Кимdir умуртқа погонасидаги оғриқлардан ёки никоҳдаги муаммолардан қийналса, шериги билан оилатерапия курсини ўтади, ҳеч қандай жарроҳлик ва дори-дармон амалиётисиз пастки бўлимидаги оғриқлар кўпинча анча камаяди.

Мана энди сиз Луиза Хейнинг ижобий кайфиyat назариясини тасдиқлайдиган илмий тадқиқотларнинг асослари билан танишганингизда, сиз бу касалликларни қандай даволайсиз?

Қовуқ билан боғлиқ муаммолар

Қовуқ билан касалланган одамлар одатда ҳиссиётлари жуда таъсирчан, гап ўзаро муносабатларга келганида, бу молиявий мустақилликка эришиши мураккаблаштиради. Улар ҳақиқий муҳаббат муносабатларини ушлаб туришга шу қадар эътибор беришадики, молиявий масалаларни ҳал этиш маҳорати, одатда иш билан боғлиқ шартномалар ва қандайдир битимларга умуман бепарволик билан қўлланилади ёки бир тартибда амалга оширилади.

Бундай одамлар молиявий ишларни ҳал қилишни анча кейинга қолдиришга мойиллар ёки ўз муаммоларини бировнинг елкасига ағдариб қўя қоладилар. Шунга қарамай бундай харакатлар кўпинча қовуқ касалининг кучайишига олиб келади, чунки ўзига молиявий жавобгарликни олишни талаб қилиб,

ғазаб ва ёқимсизликка сабаб бўлади ёки одамни ўзидан бойроқ одамга қарам қилиб қўядилар.

Шундай экан, севги ва молиявий ҳаётга қўпроқ мувозанат олиб киришни буюрадиган рецептга қарайлик. Келинг, дарров ижобий кўрсатмаларни кўриб чиқищдан бошлаймиз, улар қовуқ билан муаммоларни келтириб чиқаришга сабаб бўладиган, салбий фикрлар тарзини ўзгартиришга ёрдам беради. Таносил аъзолар тизими инфекциялари цистит бўладими ёки буйракнинг оғир инфекцияларими, одатда одам шеригига нисбатан ҳис қиласидан газбланиш ёки атрофдагиларни ҳамма нарсада айблашидан келиб чиқади. Қуйидаги кўрсатма таносил аъзолари инфекциясига қарши курашда яхши самара беради: “**Хаёлимда бу жараёнга сабаб бўлган фикрлар характеристини тасаввур қиляпман. Мен ўзгариш истаги билан лиммо-лимман. Мен ўзимга ёқаман ва ўзимнинг хатти-ҳаракатларимни тўлиқ маъқуллайман**”. Сийдикни ушлаб туролмаслик, қовуқдан сийдикни тўғри оқиб кетиши ҳиссиётларни ушлаб туриш ва уларни узоқ вақт назорат қилишга ўхшайди. Даволаниш учун қуйидаги ижобий кўрсатмани такрорлаш керак: “**Мен ҳис қилишни истайман. Мен учун ўз шахсий ҳиссиётларимни очиқ изҳор қилишнинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Мен ўзимга ёқаман**”. Психологик кўрсатма аниқ вазиятга қараб ўзгариди. Айнан сизнинг касаллигинизга қўлланиладиган аниқ кўрсатмаларни китобнинг бошқа бетларидан топишингиз мумкин.

Пулга нисбатан ўзингизнинг олдинги муносабатларингизни таҳлил қилинг. Сиз кимdir билан жуда ҳам қизиқиб қолиб, ҳаётингизнинг молиявий томонига эътибор бермай қўйган воқеа бўлганми? Сиз яқин одам билан муносабатга киришганингизда, ўз пулларингиз устидан назоратни шеригингизга топ-



шириб күйганимисиз? Гап пул ҳақида кетаётганида ўзингизни ожиз ҳисоблайсизми? Агар сиз берилган саволлардан бирига ижобий жавоб берган бўлсангиз, унда сиз қовуқ касаллигининг ривожланишига гирифтор бўлгансиз.

Агар бу сизга тааллуқли бўлса, сиз шуғуланишингиз керак бўлган нарса бу пулга нисбатан ўз муносабатларингизни ҳамда унинг ҳаётдаги муҳимлигини қайта кўриб чиқишидир. Бу жуда осон бўлмайди. Муҳаббат ва молиявий масалаларда балансга эришиш учун оздан бошлаш керак.

Агар ҳозирги пайтда сиз молиявий мустақилликка эга бўлмасангиз, унга эришиш услубларини топинг. Масалан, коммунал тўловларни тўлашни ўз назоратингизга олинг. Шунчаки бир неча сўм тўланг. Сиз ўзингизни кучли деб ҳисобласангиз ва етарлича таваккалчи бўлсангиз, ўз қизиқишиларингизга қараб ярим ставка иш топинг. Энг асосийси — ўзингизни қандайдир молиявий ишга хос тутинг. Сиз пулнинг тили ва фойдали кучи билан танишинг. Бу сизнинг шеригингиздан тобелигингизни камайтиради, агар сиз тўлиқ бошқасининг назорати остида бўлсангиз, ёки аксинча бу жиддий молиявий масалаларни келтириши мумкин бўлган кўнгилсизлик ва хавотирни йўқотишга ёрдам беради. Бунда сиз қанчалик бир-бирингизни севишингиз ва ишонишингизнинг аҳамияти йўқ. Сиз доимо шахсий пул маблағларингизни ўзингиз бошқаришингиз керак.

Агар молиявий мустақиллик ҳаракати осонликча бўлмаётган бўлса, “пулли масалаларда ҳеч қандай маънавий томон йўқ, пул ёмонлик илдизи, моддият устида қайпуриш сизни куруқ, майда одам ва материалистга айлантиради” деган фикрга ишонч туфайли муаммо бўлиши мумкин. Мен сизга айтаманки, тезроқ ўзингизни кўлга олинг. Замонавий жамият қатлам-

ларида пул ҳаётдаги сув ва овқатдек заруратдир. Гарчанд пули ва ҳокимиятга эга бўлганлар тез-тез уларни суистеъмол қилсалар-да, табиатан бундай ёмон ҳулқ-автор уларга берилмаган. Сиз англашингиз зарур, молиявий жавобгарлик соғлом мустақилликни билдиради. Бундан кўпи эмас. Ундан ками ҳам.

Мақсад — пул ва севгини мувозанатлашириш усулини топиш. Ўз молиявий аҳволингиз устидан назоратни ҳатто муҳим муносабатлар учун ҳам қурбон қилманг. Молиявий аҳволингизни назоратнингизга олинг, шундай тарзда ўзингизга бўлган хурматни кўрсатасиз ва атрофдагилар ҳам сизни хурмат қиласидар.

***Клиник амалиётдан қовуқ
касалликларининг ҳолатларини ўрганиш
бўйича тадқиқотга***

Элиза ҳозир эллик беш ёшда, унинг гапларига караганда эри билан бирга яшаган йигирма йил ичида бахтли ҳаёт кечирмаган экан. У ўз касбига берилиб кетган, бизнес мактабга машғулотларга қатнар ва қўшимчасига ҳисобчилик қиласиди. У ҳаётида муҳим бир нарса етишмаслигини тушунарди. Жеральд билан учрашганларида атрофида ҳамма нарса кескин ўзгариб кетди. Улар бир-бирларини дарров севиб қолдилар ва турмуш қурдилар. Элиза ниҳоятда тинчланди. Унинг режаси мартабасини кўтариш эди, шунинг учун Жеральднинг ҳамма молиявий ишларини бажаарарди, ишдан кетиб, бутун оила ҳақида оналарча фамхўрлик қиласидиган, тўлиқ уй бекасига айланди.

Узоқ вақт давомида у бахтли ва мамнун эди. Жеральдни ишдан бўшатишгунича шундай давом этди. Эри ўзининг кутилмагандага нафақага чиқишига тез



мослашди, аммо Элизада бу ўзгариш осон кечмади. Хеч қандай молиявий мажбуриятларсиз, деярли йигирма йиллик оиланинг онаси сифатидаги уйдаги ҳаётдан сўнг, оиласда қўшимча даромад бўлсин деб хисобчи вазифасига ишга қайтишига тўғри келди.

Элиза ишлай бошлаганидан сўнг улар Жеральд билан тез-тез пул масаласида тортишадиган бўлишди. Уни салбий туйгулар тўлдирарди, баъзида хафа бўларди, баъзида эса ғазабланарди. Шундай вақтлар бўлганки, у ишидан мамнун бўларди, аммо энди у ўзгаргани ва ҳаётдан қолиб кетганини таъкидларди. Унда соғлиги билан муаммолар пайдо бўлди. Аввалига касаллик белгилари менопаузаникига ўхшади, қовуғи бўшашиб қолди, ҳайз кўриш цикли ўзгарди ва қовукда инфекция бошланди. Узок давом этган, антибиотикотерапия таъсир қилмайдиган қовук инфекцион касаллигидан кейин у бизнинг клиникамизга келди.

Биз Элизанинг қовуғини даволашни бошлаганимизда биринчи қадамимиз, шу қовук билан боғлиқ сирларни очиш бўлди. Мен Элизага сийдик чиқариш тизими одамда икки буйрак, икки сийдик нуқтаси ва битта қовуқдан иборатлигини тушунтиридим. Буйраклар қонни фильтрлайди. Уни токсинлардан тозалайди, организмда сув-туз балансини таъминлайди, сўнг сийдик ҳосил қиласди, у сийдик нуқталари орқали қовукка бориб қуилади, сўнг ташқарига чиқиб кетади. Сийдик йўли орқа тешикка яқин жойлашгани учун у ерда бактериялар кўп бўлади ва сийдик йўлига ўтиб, бутун сийдик тизимига тарқалиб кетиши мумкин. Сизнинг иммунитетингиз паст бўлса, диабет ёки қандайдир мойил омиллар бўлса, бактериялар буйраккача кўтарилиб, хавфли касаллик туғдиради.

Элизага унинг сийдик тизими қандай ишлашини тушунтириб, уни сийдик анализи учун лабораторияга

юбордик, унда сийдик тизимида инфекция борлигини тасдиқламоқчи эди. Қовуқ ва сийдикда инфекция бўлса, лейкоцитлар ҳам кўп микдорда учрайди. Аслида қовуқда ҳар доим ҳам бактериялар бор бўлади. Аммо инфекция тушганида тез кўпайиб кетади. Элизада лейкоцитлар йўқ, бактериялар кам эди. Унинг қовуғида жиддий инфекция бўлмагани учун, у ҳис қилаётган оғриқ қаердан экан?

Қовуқ — бу мушакли аъзо бўлиб, сийдик парда (пуфак) оралиғида жойлашган бўлади. Сизнинг сийгингиз қистаганида, сийганингизда озгина сийдик чиқса, демак, сийдик чиқариш каналида яллиғланиш ёки қўзғалиш жараёни бор. Элизада айнан шундай бўлган. Нимага эканлигини аниқлашимиз зарур эди. Учта сабаби бўлиши мумкин:

Бачадон жарроҳлик йўли билан олиб ташлаганда, сийдик ажралишини назорат қилувчи, қовуқдаги асаб толаларининг заарarlаниши сийдикни тутиб туролмасликка олиб келади.

Бачадон фибромаси: агар аёл бачадонида кисталар катта бўлса, ёнида жойлашган қовукни босиб турари, натижада тез-тез сийдик қистайди, ҳатто кам бўлганида ҳам.

Сийдик йўлининг деворлари қуруқ ва ингичкалашганида қўзғалади. Менопауза даврида экстрогенлар камаяди, натижада деворлар ингичкалашиб, яллиғланишга мойил бўлиб қолади. Бунинг белгилари ҳам, қовуқ инфекциясига ўхшаш бўлади. Аммо инфекциялар йўқ. Шунчаки тез-тез сийгиси қистаб, сияётганида оғриқ сезади.

Элизада жарроҳлик аралашуви бўлмагани учун гинеколог қабулига жўнатдик. Ундан Элиза бачадонида иккита фибромадан бири қовуқ деворларида жойлашганини билдиқ. Элизада бу вактга келиб фибромаларга қарши ҳаракатларнинг нисбатан ик-

кита варианти бор эди. Жаррохга учрашиб олдириб ташлаш ва шунчаки кутиш. Менопауза охирида гормонлар миқдори кескин камаяди, бу фибромаларнинг бужмайиб қуриб қолишига олиб келади. Шунга кўра қовукка босим пасаяди. Биз оғриқнинг учинчи сабабини ҳам аниқлашга ҳаракат қилдик: сийдик чиқариш йўлининг қуруқлиги ва шиллик қаватининг қўзғалиши. Элиза жарроҳлик операциясини рад этди, унинг ўрнига шиллик пардан даволаб, қувукдаги муаммоларни ҳал қилмоқчи бўлдик. Уларни камайтириш учун беморимизга тўғри келадиган суртма дориларни кўриб чиқдик. Муаммони бартараф этиш учун табиий воситалар ва дори-дармонларни ўргандик. Элиза ўсимликдан синаб кўришга қарор қилди — попуксимон клопогон (кандалага қарши ишлатиладиган доривор ўт) шиллиқни қуюлтириш ва шу тарзда бу соҳада қичишишни камайтириши. Коки ўтнинг барглари ва сулини сийдик чиқариш частотасини пасайтириш учун танлади.

Афсуски, у қутганидек ёрдам бермади. Биз эстриолли крем таклиф қилдик ҳамда таркибида тестостерон бор крем бердик. Бу сийдик йўли соҳасидаги ачишишни бартараф этиши керак эди.

Элизани, шунингдек, хитой доривор ўсимликлари билан даволовчи табиб ва игна мулажасини ўтказувчи мутахассис билан учраштиридик. Liu Wei Di Huang Wan хандориси (таркибида ремания ва кокосга ўхшаш пория бор) буюрдик.

Муаммоларни чуқурлаштирмаслик учун ҳаратлари ва фикрлаш тарзи билан ҳам шуғуллана бошлади. Ижобий қўрсатмалар: “Мен хотиржамман ва ўтмиш билан осон хайрлашаман, менинг ҳаётимдаги янгиликни қувонч билан кутиб оламан. Мен хавфсизликдаман”. Инфекцияларга қарши Луизада тавсия этилган қўрсатмалар: “Мен қасаллик туғдирган фикр тарзидан халос бўламан.

Мен ўзгаришларга интиlamан. Мен ўзимга ёқаман ва ўзимга ижобий баҳо бераман". Ҳаммадан ҳам у пулларга бўлган муносабатини ўзgartирди. Пулларнинг ҳаётда тутган мухим ролини англаб, ўз фазаб ва нафратини бартараф қилиш учун фикр тарзини ўзgartирди ва секин-аста даволанди.

Репродуктив аъзолар

Репродуктив аъзолар билан касал бўлган одамлар одатда мақсадларига ҳар қандай усулда эришадиган, ғайратли, тиришқоқ ва креатив характерда бўладилар. Яратувчанлик ғоясига муккасидан кетган — ҳамма вақт бирор нарса қиласидилар, қилаверадилар, хоҳ уйда ёки хоҳ ишда. Уларнинг ҳаёт маъноси ишдан иборат бўлади. Муносабатлардаги меҳрибонлик ва севги улар учун истаган нарсларига эришиш учун, болалар, китоб, пьесалар, техник маълумотлар ва нима истасангиз. Ҳаётнинг ҳамма томонларини жиддий назорат қилишга астойдил берилганлик, факат тартибли инсонларга хос. Бу ҳаммасига эътибор бериш ва ўз назорати остида ушлаб туриш қобилияти пул ва тижоратнинг ташки оламида яққол кўринади — у ерда одам одамга бўри, шундай бўлса ҳам ҳаммага маълумки, бола тўла уйни бошқариш учун ёки турли лойиҳаларни олиб бориш ёки уй ҳайвонларини парваришлаш ҳам тартибли бўлишни талаб этади. Аёл молиявий ишлар билан бандлигидан қатъи назар унга уй хўжалигини юритишдек оғир юкни афдаришган, баъзида бундай аёл ёки эркаклар табиатдан берилган ҳиссиётларни тийиб юришларига тўғри келади. Агар сиз ҳаддан зиёд яратувчанлик фаолиятига мойил бўлсангиз, бу сизда репродуктив соҳада муаммо туғдириши мумкин.

* * *

Репродуктив саломатликка эришиш учун аёл ва эркаклар ўз қарашларини қайта кўриб чиқишилари — уларнинг асосида ётадиган фибромалар, бепуштилик, простата бези. муаммолари ва бошқа репродуктив касалликларни келтириб чиқарадиган маслаклардан халос бўлишингиизга тўғри келади.

Аёллар муаммоларини одатда ижобий кўрсатмалар ёрдамида бирмунча енгиллаштириши мумкин: “Мени шахсий назокатим қувонтиради. Менга аёл бўлиш ёқади. Менга танам ёқади”. Бачадон фибромалари шеригидан олган унutilmas шикастдан пайдо бўлади. Бунда кайфиятни қуидаги кўрсатма ёрдамида яхшилаш мумкин: “Мен салбий тажрибам билан боғлиқ қалбимдаги жойлашиб олган ёмон фикрлаш тарзидан халос бўламан. Мен ҳаётимда фақат яхшиликни яратаман”. Бу жинсий муносабатларда ҳар қандай кўнгилсизликларни бартараф этишга боғлиқ.

Менопауза даврида улар қарисалар ҳеч кимга ёқмай қолишиларидан, улар илгаридек чиройли бўлмасликларидан хавотир оладилар. Кўрсатма: “Менинг ичимда осойишталик ва ўзгаришларда рухан мувозанат бор. Мен ўз суюкли баданимга шукроналар айтаман”.

Эркакларда биринчи белгилар аниқ кўринмайди — гап фақат жинсий иштиёқнинг пасайиши ҳамда қондаги гормонлар дисбаланси кузатилади. Агар бу биринчи белгиларга эътибор берилмаса, жиддий муаммоларга айланиб кетиши мумкин.

Салбий фикрлаш ва жинсий муносабатлардаги нохушликлар бу безларнинг касалланишига олиб келади, ўз довюраклиги, қариши, сексуал босим

ҳамда айбдорлик ҳисси билан боғлиқ. Күрсатмалар: “Мен ўз мардлигимни қувониб маъқул кўраман. Мен ўзимга ўзим ёқаман ва ҳаракатларимга ижобий баҳо бераман. Қалбан доимо ёш бўлиб қолавераман”.

Иккала жинс вакилларидағи бепуштлик бевосита кўркувга, ҳаёт жараёнини қабул қиласлик, фарзанд туғилиши ва тарбиялашни истамасликка боғлиқ. Бу холларда даволовчи восита бўлиб қуидаги кўрсатмалар хизмат қиласди: “Мен ичимдаги болани яхши кўраман ва ардоқлайман. Мен ўзими севаман ва ҳайратланаман. Мен ҳаётдаги энг муҳим одамман. Ҳаммаси яхши ва мен хавфсизликдаман”.

Бошқа ҳаётий аъзо ва тизимлар каби кўрсатмалар аниқ касаллик ўчогига қаратилган. Китобнинг бошқа бетларида ҳам мавзуга оид кўрсатмалар бор.

Ижобий кўрсатмалардан ташқари репродуктив саломатлигингиз учун жойингиздан қўзғалиб, ўз ҳаракатларингизни ўзгартириш ҳақида ўйланг, ўзаро муносабатлар ва молиявий муваффақият. Ҳамма ишда баравар нима бўлса ҳам илгор бўлишга ҳаракат қилманг. Агар одатда сиз ўзингизни оилада молиявий масалаларга масъул деб ҳисобласангиз ҳам вақтинча пул ҳисоб-китобини эрингиз ёки шерингизга топширинг. Бу унчалик осон иш бўлмаса-да, сизда яхши чиқишини аниқ билсангиз ҳам бардошли бўлинг. Болаларингиз бўлса, уларга овқат тайёрлашга рухсат беринг, сиздек яхши чиқмаса ҳам. Ҳаммадан муҳими — ҳамма нарсанинг ўз назоратингиз остида бўлишидан қутулиш.

Максад кундалик ҳаёtingизга муҳаббат ва қувончни қайтариш, ҳаёт оқимида ҳаракат қилишни ўрганиш. Озгина ором олиш, атрофдагиларга қандайдир ишни топшириш ва шунда ҳам ҳаётда ҳамма ишда улгуриш



мумкин. Дунёда сен бор кучинг билан меҳнат қилишингдан ташқари бошқа мукофотлар ҳам бор. Ўзингизга хотиржам, бир маромда яшайдиган таниш ва дўстлар топинг. Уларга дикқат билан қаранг ва ўзингизга улар ҳамма нарсада илфор бўлишган деб ҳисоблайсанми, деган савол беринг. “Омад” тушунчасини бошқатдан баҳолашга тўғри келиши истисно эмас.

Ҳаётдан лаззатланишини қайта татиб кўринг. Бирор нарсани батафсил дўстларингиз билан муҳокама қилинг. Орзу ва ўз ҳиссиётларингиз ҳакида гаплашинг. Дам олишга ва ўйлаб кўришга вақтингизни ажратинг. Унданам яхшиси медитация ўтказинг ва жуда бўлмаса, тинч жойда жим ўтиринг. Бу эътиборингизни шу дамда кейин нима қилиш кераклиги ҳақидаги битмас-туганмас фикрлар оқимидан узади. Максад эса, айни вақт билан тўлақонли яшаш ва ўзингизни ўраб турган нарсаларни қадрлашга ўргатиш. Эски нақл: “Шошилма, атиргуллар ифоридан лаззатлан”да чуқур маъно бор. Ҳозир ҳаётингизда бор гўзал нарсани кўришни ўрганинг. Тез орада сиз баҳт бу тўхтамасдан бирор нарса кетидан қувиш ва ҳамма нарсани назорат қилишда эмаслигини тушунасиз. Сиз адреналинни жўшқин ҳаётда эмас, қалб хотиржамлиги ва осойишталикда ҳам сочасиз, шу туфайли соғлом ҳаётдан баҳра оласиз.

Клиник амалиётдан репродуктив аъзолар касалликлари ҳолатларини ўрганишга

Жита ҳозир йигирма тўққиз ёшда, болалиқдан бу ҳаётда нимага эришмоқчилигини биларди, қаерда яшайди, қандай касбда, кимга турмушга чиқади ва ҳатто боласи нечта бўлиши кераклигини биларди. Буларнинг ҳаммасига эришиш учун иш бошла-

ди. Умумтаълим мактабида Жита ўзига юқори йўл танлади. Жамоат ишларида ҳам фаоллар гурухида эди. Мактаб ҳафталик деворий газетасини чиқарар ҳамда бошланғич синфдан юқори синфгача синфи-нинг президенти бўлган.

Коллежда ҳам ўз иззатига содик қолди. Тўлиқ ўқишидан ташқари ярим ставка иши ва кичик шахсий бизнеси ҳам бор эди. Диплом ёқлаш пайтига келиб, у тиббиёт факультети тайёрлов курси талабаси билан унаштирилганди ва “Ишбилармон маъмуриятчиликда магистр” дастурига қабул қилинди.

Унинг қўлидан келмаган ишнинг ўзи йўқ эди. У яратувчанлик гоясига муккасидан кетган — доимо бирор нарса қилиши, яратиши, ижод қилиши, ғоялар, пуллар, товарлар ва бошқа нарсалар. Рўйхатда бола туғиш қолганди. Аммо унинг танаси хоинларча панд берди. Ўттиз ёшга борганида ҳомиладор бўлмоқчи эди. Охирги уринишидан сўнг шифокорга мурожаат қилиб, анализлар топшириди. Анализ натижалари унинг энг қўрккан нарсасини кўрсатди — унда овуляция йўқ эди. У ўзини вайрон бўлгандек ҳис қилас, организмини хоинлик қилган деб ҳисобларди.

Унинг ҳомиладор бўлолмаслиги, ҳаётидаги кўп йўналишларнинг баланси тўғри ё нотўғри эканлигини кўриб чиқиши учун белги бўлди.

Биз Житанинг муаммоларини бошқа бурчак остидан кўриб чиқдик, мантиқан олганда у ҳеч қандай нотўғри йўл тутмаган. Вақтида тўғри овқатланган, ўз саломатлигини назорат қилган, Афсус, ҳомиладор бўлиш шароити оддий соғлом аёл ҳаётидан фарқ қиласиди. Аввалига Жита билан айбдорлик хисси ва уятдан халос қилиш устида иш олиб бориш керак бўлди. Кўп аёлларда, дугоналари оила аъзолари сонини кўпайтирса-ю, у ҳомиладор бўлол-

маса, шундай ҳиссиётлар пайдо бўлади. Жита шу уят туйғусида бирор нарсани нотўғри қилгани, ўзини ёмон тутганида деб билди. У ўзини тўлақонли эканлигига асоссиз шубҳаланди.

Кейинги босқич, қандай жисмоний тўсик борлиги ни аниқлашдан иборат. Жита жуда озғин эканлигига эътибор бердик. Жуда озғин аёлларда менструация тўхтаб қолади (Организмида озиклантирувчи моддалар етишмаслигидан). Житанинг рациони (таомномаси) билан шуғулландик.

Буни мухокама килаётганимизда Жита вазн ортишини истамаслигини билдик. У яхши жисмоний кўринишга эга бўлиши учун кўп ҳаракат қилар экан. Яна бир муаммо пайдо бўлди, ахир ҳомиладорликда чиройли қоматни сақлаш мумкин эмас-ку. Агар аёл семириб кетиши ва танасининг шаклини ўзгаришини ойнада кўрса, камроқ овқат ейишга ўтиши мумкин, бу ҳомиланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай фикрлаш тарзидан халос бўлиш учун Жита икки йўналишда ҳаракат қила бошлади. У аёлларнинг умумий касаллигига кўлланадиган кўрсатмалардан фойдалачди: “Мен аёл бўлганимдан хурсандман. Менга аёл бўлиш ёқади. Менга ўз қоматим ёқади”. Тухумдонлар касаллигига қарши кўрсатмалар: “Менинг яратувчилик фаолиятим баланслаштирилди”, ҳайз кўриш циклига: “Мен ўз кучимни аёлдек қабул қилишга тайёрман ва организмда кечётган жараёнларни нормал ва табийдек қабул қиласман”. Аменорея учун: “Мен ўзимга ёқаман. Мен ҳаётнинг гўзал тимсолиман, у менинг жисмимда битмас оқим билан истаган пайтда оқади”, бепуштликка қарши: “Мен бўлажак фарзандимни севаман ва ардоқлайман. Мен ўзимга ёқаман ва ҳайратланаман. Мен — ўз ҳаётимда энг мухим мавжудотман”.

Улардан ташқари Жита психотерапевт қабулига қатнади. У хавотирлардан: семириб кетиш ҳақидағи ёпишқоқ фикрлардан қутулишга ва ўз вазнини күзатиш имкониятига эга бўлди. Улар Житага овуляция жараёнини меъёрга келтирувчи тавсия беришиди.

Жита медитация билан шуғулланиб, кун тартибиға онгли равишда риоя қила бошлади. Ҳар куни атрофдаги оламни кузата бошлади ва алоҳида ўзи бажарадиган ишларни яқинларига топширди. Рацион, фикрлаш тарзи ва хатти-харакатлари ўзгарганидан кейин ва ниҳоят Жита соғлом ўғилнинг онасиға айланди.

Умуртқа поғонаси пастки қисми ва тос-сон бўғимларидаги оғриқлар

Умуртқа поғонасининг пастки қисми ва тос-сон бўғимларидаги оғриқлар пул ҳамда исталган бошқа соҳаларда ишончсизликка хос бўлади. Оила томонидан моддий ёрдам кўрсатилса-да, нима иш қилсалар ҳам молиявий томондан ва одамлар билан муносабатларда қийинчиликлар туғилаверади. Кўпинча бу атрофдаги одамларнинг билимга эга эканликлари ва яхши ниятда бўлишларига ишончсизлик оқибатидир. Улар яна қандайdir омадсизликка дучор бўлсалар, ўзларининг айби билан шундай бўлганини тан олмайдилар. Ҳамма муваффакиятсизликларда бировларни айблашни аъло даражада дўндирадилар. Бир молиявий инқироз кетидан иккинчиси юз бераверганидан сўнг бундай одамлар ҳокимиятни қўлларига оладилар. Одамлар билан муносабатларда ҳамда молиявий келишувларда қарорларни жамоавий чиқариш бир онда учиб кетади, улар бошқаларнинг қарашлари ва фикрларига кулоқ тутиб ўтиrmайдилар. Доимий кўнгил совишига жавобан реакция — ёлғизлик, молиявий танглик, олдинга, олға интилишга укувсизлик.



Агар сизнинг умуртқа поғонангиз пастки қисмидаги оғриқ пайдо бўлса, сизда шундай ёмон фикрлар ва харакатлар бўлса, сизга нима кераклиги ва унга қандай эришиш мумкинлигини ўйлаб кўринг. Сиз саломатлигингизни асраб қолмоқчи ва мустаҳкамламоқчи, оғриқлардан халос бўлмоқчи бўлсангиз, ўз кучингизни ва бошқаларнинг ёрдамини хис қилиб, ёмон фикрларга ижобий психологик кўрсатмалар ёрдамида қарши тура оласиз: **“Мен ҳаёт оқимиға умид боғлайман. Менга керак бўлган ҳамма нарса ҳақида ғамхўрлик қилишади. Мен тўлиқ хавфсизликдаман”.**

Аниқ кўрсатмалар даволаниш жараёнини янги босқичга кўтаришга ёрдам беради. Умуртқа поғонасининг пастки қисмидаги оғриқ ва ишиас (куймуч нервининг яллиғланиши) пул масалаларидағи қўрқув билан, тос-сон бўғимларидаги оғриқлар олдинга қараб интилишдан қўрқувни эслатади.

Агарда умуртқа поғонаси ёки тос-сон бўғими билан муаммолар бўлса, ўзингизнинг фикрлаш тарзингизни нафақат аниқлаш, балки амалиётда ижобий фикрларни қўллашингиз керак. Масалан, жиддий қарорлар чиқаришдан илгари сизнинг сонингиз оғриса, қуйидаги ижобий кўрсатмани қўлланг: **“Менда ҳаммаси тенглаштирилган. Мен ҳаёт бўйлаб шод ва эркин олдинга интилмоқдаман ва ҳар қуниmdан, ўз ёшимдан лаззатланмоқдаман”.**

Ишиасда кучли оғриқ ўзини танқид ва келажак олдирадиги қўрқувдан, қуйидаги кўрсатмани айтиш керак: **“Мен энг яхши нарсага яқинлашиб келмоқдаман. Бу яхшилик ҳамма жойда. Мен тўлиқ хавфсизман ва мен бенуқсонман”.**

Гап ҳар бир аъзо саломатлиги ҳақида борганида, фикр ва ишда мувозанат бўлиши foятда муҳим. Агар белингиз ёки сонингиз оғриса, атрофдагилар

билан ва ўзингизга бўлган муносабатлар ҳақида ўйлаб кўришингиз керак бўлади. Ўз ҳаётингизни баҳолаб, керакли ўзгартиришлар киритиш зарур. Сизга оиласизми, бошқалар билан мулоқот даркор, улардан ёрдам оласизми? Сизни қўллаб юборишган пайтларга эътиборли бўлинг ва миннатдорлик билдиринг. Ўйлаб кўринг, бирор нима яхши кетмаса, бошқаларни айблашга мойилмисиз? Муаммони чуқурлаштиришга бирон нима қилмаяпсизми, тушуниб олиш учун воқеани кўз олдингизга келтириб кўринг. Гап молиявий масалалар ҳақида кетаётганида ўзингиз устингиздан назоратни йўқотадиган вазиятлар бўладими? Истаган молиявий муваффакиятсизликка қаранг ва қачон вазият яхшидан ёмон томонга ўзгарганини таҳлил қилиб кўринг.

* * *

Сизнинг мақсадингиз айнан нима ёмон эканлигини аниқлаш учун оламга янгича қарашдан иборат. Атрофдагилар билан муносабатларингиз ва молиявий ишларингизга, иккала соҳада юз берган ҳолатларга кенгроқ қаранг. Буни бажариш учун ўзингизни қўлга олишингиз, ҳиссиётларга берилмаслигингиз, муаммони аниқлашга уринишингиз, у билан шугулланишингиз керак.

Ҳаётда балансни ўзгартириш учун бундай ҳолатларда қўллашга энг қулай ва кучли самара берадигани — бу медитация ва диққатни жамлаштириб. Кимки репродуктив тизими касалликларига мойил бўлса, ҳаётнинг шиддатли ритмини секинлаштириб, атрофдаги олам гўзаллигини кўриши, агар бел мушагида ва тос суюги билан сон суюгини туташтирган бўғимда оғриқлар бўлса, ҳиссиётларингизни тийиб туриши керак. Медитация сиз ҳис қилаётган ўз туй-



гуларингизни баҳолаш ва муҳокама қилишни эмас, кузатиш ва кўрганларингизни аниқ ифодалашни ўргатади. Сиз тезда ҳиссиётлар — бу реаллик эмаслигини ва сиз уларнинг ихтиёрида эмаслигингизни тушунасиз. Аста-секин дикқатингизни жамлаб ва медитация билан шуғулланиб, сиз ўз туйғуларингизни четдан қабул қила оласиз, шу тарзда олам, одамлар ва ҳаётингиз ҳақида ҳар томонлама тасаввурга эга бўласиз. Одамларга ҳурмат билан муомалада бўлишни бошласангиз молиявий ва шахсий ҳаёт соҳасида соғломлашасиз.

Яна бир муҳим қадам, гап бел умуртқаси пастки қисми ва тос-сон бўғимидағи оғриқ ҳақида — вақт топиб оиласандан ва яқинларингиздан ташқари ўзгалар билан ҳам мулоқот қилишга ҳаракат қилинг. Сизга ёрдам берадиганлар доирасини кенгайтиринг. Ҳафтада бир неча соатга бўлса ҳам қаерларгадир чиқиб кетинг ва ҳаётни бошқа кўринишда кўринг. Масалан, нотижорат ташкилотида ихтиёрий бўлиб ишлаб кўринг. Бундай грух ишига ўзингизни етакчи ёки команда аъзоси сифатида таклиф қилинг. Бу сизга ўз фикрингизни бошқа одамларни билан солиширишга ёрдам беради.

Ижобий кайфият ва зарурий кўрсатмаларни қўллаганда, хатти-ҳаракатларингизни ўзгартирганингизда молиявий фаровон ҳаёт кечиришингиз мумкин. Бу ҳиссиётларингизга ҳам тегишли.

Клиник амалиётдан бел умуртқаси ва tos-сон бўғимидағи оғриқлар ҳолатларининг таҳлилига

Хелен оила аъзоларининг маслаҳатига кўра, бизга эллик ёшга тўлганида мурожаат қилди. У хукуқшунос ёрдамчиси бўлиб ишларди, унинг икки нафар соғлом ва бўйи етган фарзандлари бор эди.

Уларни жони-дили билан яхши күрарди. Икки марта ажрашган. Эрлари ёшроғини топиб олишган, бу ажралишларга боғлик тартибсиз ҳаёти туфайли у үзини ёлғиз сезар, катта қарзга ботиб кетган эди.

Хелен ўз шахсий ҳаётини тартибга солиб, одаттый маромга келтирмоқчи бўларди, аммо бирорта эркак унинг талабларига мос тушмасди. Унинг дугоналари эса бирин-кетин тенгини топиб кетардилар. Хелен саросимага тушди. Унда нима бошқача? Нега унда ҳеч нарса ўхшамаяпти?

Хелен депрессияга тушди. Бир куни у бел умуртқаси ва тос-сон соҳасидаги кучли оғриқдан ўйғониб кетди. Оғриқ туфайли компьютер ёнида ўтиrolmas, ҳатто бир неча қадам босолмас эди. Хирург-ортопед унга МРТ белгилади, умуртқа пофонасининг пастки қисмида арзимас даражада диски чиқиб кетган эди-ю, ногиронлик даражасида эмасди.

Белдаги оғриқ қаердан келиб чиқяпти? Одатда бу умуртқалар орасидаги мушаклар пайининг, бўғимларнинг ҳаддан зиёд зўриқиши, семизлик, нотӯғри харакат ёки шикастланиш туфайли келиб чиқади. Қайта ҳаракатлар дисклар орасидаги юмшоқ тўқималарни едиради ва чурра ёки умуртқа тушиши пайдо бўлади. Вибрация кучайса, орқа томондан таянчнинг йўқлиги туфайли дисклар уланган жойда яллигланиш бошланади ва бўғимлар тараашланди дейилган касаллик келиб чиқади. Яллигланиш сувъ фрагментларининг артритини келтириб чиқаради, улар нервларни сиқиб қўяди, оёқ, белда тортишишларга сабаб бўлади, мушаклар бўшашиб, уюшади.

Афсуски, умуртқанинг пастки қисмидаги оғриқларни бошқа муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Депрессия вақтида бўладиган ўзгаришлар оғриқларни кучайтиради. Сколиоз, умуртқа қийшайиши ёки умуртқа дискларининг олдинга чиқиб кетишида ҳам шундай оғриқ беради.

Агар менопауза пайтида экстроген ва прогестерон пасайса ҳам асабийлашган вақтда серотонин ва прогестерон оғриқларни, увишишларни кучайтириши мүмкин.

Хелен бу ҳамма омилларни билиб олганидан кейин ўз муаммолари билан шифокорлар командаси ёрдамида шуғуллана бошлади. У ҳаётига күпроқ ҳаракатлар киритиш учун идорасига филдиракли кресло сотиб олди. Мушаклар тонусини сақлаш ва артрит пайдо бўлишининг олдини олиш учун соатига бир неча бор туриб, ўтирди. Сўнг фаол равища депрессиясини даволади. У машқдан бошлади, ўзини яхшироқ ҳис қиласа-да, бел ва тосдаги оғриқлар қолиб, депрессияни камайтирди, аммо умуртқанинг ҳолати аввалгидек эди. Унга веллбутрин буюрдик ва умуртқадаги оғриқлар қолди.

Энди файрати икки марта ошибб, физиотерапевт назорати остида гимнастика залига шуғулланишга қатнай бошлади. Асосий мақсад — орқа мушакларни тиклашдан иборат эди. Вақти-вақти билан “Биофриз” кремидан фойдаланди. Игна муолажаси ва хитой тиббиётидаги цигун нафас олиш тизими билан шуғулланди. Булардан ташқари Хелен нейромушак терапия усулини танлади, у “Ямуна” деб номланади — танани айлантириш, бунда қовун ўлчамидаги коптоқдан фойдаланасиз, умуртқанинг бел соҳасига тегишли пайлар тортишишини бартараф этади.

Бу соҳага оғриқ чакирган бошқа сабаблардан бири оёқ ‘кийими бўлиб чиқди. Хелен супинатор ва таянчсиз арzon туфли кийиб юради, биз қимматроқ ва сифатли туфли сотиб олишни таклиф қилдик.

Вақт ўтиши билан жисмоний машқлар ва физиотерапия туфайли Хелен ўн фунтга озганини сезди, шу умуртқадаги оғирликни камайтирди. Жар-

роҳлар баҳолаши бўйича 10 фунт (5 кг) ортиқча вазн бўғимларга босимни 40 фунтга оширади. Хелен шифокорлар бригадаси маслаҳатларига қулоқ солиб 25 фут йўқотди, дарров фарқни сезди ва ўз кўзларига ишонмади. Сўнг шифокор унга доимо йога билан шуғулланишга рухсат этди. Бу унинг умуртқа поғонасини эгилувчан ва мустаҳкам қилди.

Биз яна Хелен билан ҳаракатлари ва фикрлаш тарзида ниманидир ўзгартириш мумкинлиги ҳақида ишладик. Умуртқада оғриқ пайдо қилаётган омиллар рўйхатини тузиб чиқдик. Генетик мойиллиги ва ёшини ўзгартира олмаганимиз учун кундалик фаолияти ва одатларига эътиборни қаратдик.

Биз чекишдан воз кечиш, депрессияни даволаш каби муҳим масалаларни муҳокама қилдик. У черковда ишлайдиган ихтиёрийлар гуруҳига қўшилишга қарор қилди. Болаларга ошхонада шўрва тарқата бошлади. У ҳаётидаги тартибсизликни режалаشتариш мақсадида кундалик тутишни бошлади. Қандай фикрлар саломатлигига зарар келтиришини билиш учун у бел ва тос-сон соҳаси учун ижобий дастурлардан фойдаланди. Орқа соҳасининг умумий ҳолатини яхшилашга оид кўрсатма: “Мен ҳаёт доим менга мадад беришини биламан”. Белдаги муаммоларга: “Мен ҳаётта ишончли муносабатда бўламан. Мен зарур бўлган ҳамма нарсани оламан. Мен тўлиқ хавфсизликдаман”. Тос-сон соҳасидаги умумий аҳволни яхшилашга: “Белимда қувват бор бўлсин! Ҳар кун — қувонч пайти! Мен хотиржам ва эркинман”. Тос-сон бўғимларидаги касалликларни даволаш учун: “Мен бутунлай хотиржамман. Ҳаёт сари осон ва қувонч билан истаган ёшда бораман”. Умуртқа диски тушиши ёки ёпишиб қолишида: “Ҳаёт менинг ҳамма фикрларимни тасдиқлайди. Шунинг учун мен ўзимга ёқаман, ўз ҳаракатларимни кўллайман ва ҳаммаси жой-жойида”.

Хелен санаб ўтилган услубларни комплекс ба-
жарди ва оқибатда ўз ҳаётини яхшилади ва оғриқ-
дан халос бўлди.

Иккинчи ҳиссиёт марказидаги ҳаммаси яхши

Ковуқдаги муаммоларда, репродуктив тизимдаги касалликларда, умуртқанинг пастки қисмидаги ва тос-сон бўғимлардаги оғриқларда bemорлар дори воситалари ичишга ёки жарроҳлик амалиётига рози бўлишади. Алоҳида оғир ҳолатларда, касаллик авжига чиққанида ва чуқурлашганида бу тўғри ёндошув. Аммо сурункали касалликларда даволашнинг бошқа турларини танлаш зарур.

Бу бобда биз иккинчи ҳиссиёт марказидаги саломатликни мустаҳкамлаш ёки даволаш учун тибиёт, интуитив ёндашув ва ижобий кайфият биргаликда олиб борилишини кўрсатдик.

Дикқатни ойда, аъзолари, пуллар ва одамлар билан бўладиган муносабатларга тўғри тақсимлаб, сиз организмнинг бу соҳасидаги касалликни зўрайтирувчи стресс факторлардан халос бўласиз. Жинслар аро муносабатларга, хулқ-атвор, молиявий фаровонлик, муҳаббат ва бошқа кундалик муносабатларга салбий ҳиссиётлар таъсир этишини тан олиш керак. Луиза Хей ишлаб чиқкан ижобий кайфият дастурларидан ёмон хаёллардан халос бўлиш учун фойдаланинг. Улар юқорида ёзилган ҳамма ҳолатларга тегишли. Ўзингизни янгича тутинг ва бошқача фикрланг, медитация қилинг, қуидаги ибораларни такрорланг: “Мен шиддатли ҳаёт оқимиға ишонч билан муносабатда бўламан. Мен ҳаётда доимо қўллашларига ва мен ҳақимда қайғуришларига ишонаман. Мен севтига лойикман ва севаман. Ҳамма севигига лойик. Ҳаммаси жой-жойида”.

6-БОБ

ЯНГИ МУНОСАБАТЛАР



**Учинчи ҳиссиёт маркази — овқат ҳазм
қилиш тизими, вазн, буйрак усти ва
ошқозон ости безлари, ҳаддан ортиқ
берилиганлик ва тобелик**

Учинчи ҳиссиёт марказининг аъзолари саломатлиги ҳақида гапиргандга, биз асосан ўзини ҳурмат қилиш ва ўзига юқори баҳо беришга эътибор берамиз. Бу бобда биз учинчи ҳиссиёт марказидаги хасталикларнинг кўплаб хилларини кўриб чиқамиз. Муҳокама асосан аниқ аъзоларда, масалан, овқат ҳазм қилиш ҳамда буйрак ости ва ошқозон остки безлари бўлади, уларнинг ҳар бири организмнинг қанд микдори ва муҳим гормонларини тартибга солади. Бу ерда биз, яна вазн билан боғлиқ муаммолар ва тобеликнинг турлари ҳақида гаплашамиз. Бошқа ҳиссиёт марказлари каби сиз азият чекаётган хасталик, сизнинг фикрлаш тарзингиз ва уларга оид хатти-ҳаракатларга боғлиқ бўлади.

Баъзи пайтда учинчи ҳиссиёт марказида, тизим ва аъзоларда муаммолари борлар тўртта категорияга бўлинади: ўз манфаатидан воз кечиш ва бошқаларнинг эҳтиёжларига муккасидан кетганлар; ўзига юқори баҳо берадиган, мавқе ва бойликни мақсад қилиб олувлчилар; ўз иродасига ишонмай, илохий кучларга мурожаат қиласиганлар; ўзи ҳақида умуман ўйламайдиганлар ва яхши кайфият ёрдамида ўзларининг ахволларини яхшилашга ҳаракат қиласиганлар. Бу бир-бирига ўхшамайдиган тоифалар овқат ҳазм қи-



лиш тизими, вазни ва бошқа аъзоларига ҳар хил нарсалар таъсир кўрсатиши мумкин. Учинчи ҳиссиёт марказидаги аъзоларнинг аниқ касалликлари ҳақида батафсил гаплашамиз.

* * *

Учинчи ҳиссиёт марказидаги аъзолар соглом бўлиши учун ўзини англаш ва ўзини қабул қилиш муҳим ҳисобланади.

Агарда сиз ўзингизга етарлича яхши баҳо бермасангиз, бошқаларга ғамхўрлик қилиш вақтини тўғри тақсимламасангиз ва ўзингиз ҳақида қайфурмасангиз, сизда кўнгил айнаши, жигилдон қайнаши, ошқозон яраси, қабзият, ич кетиши ва буйрак касалликлари ривожланиши мумкин. Сиз ортиқча вазнга қарши курашишингиз, ўзингизга ёмон муносабатда бўлишдан ва заарли одатлардан қутулишга ҳаракат қилишингиз керак. Бу муаммоларнинг бўлиши — сиз томондан кўрилган чоралар самарализигидан дарак беради.

Учинчи ҳиссиёт марказига тегишли йўл-йўриқлар ва фан

Луиза Хей яратган яхши кайфият назариясига кўра, ўзингизни мос келмаган ёки малол келиш хавотиридан қийналишни ҳис қилганингиздаги вазиятлар туфайли пайдо бўладиган фикрлар овқат ҳазм қилиш, жигар, ўт пуфаги ҳамда буйрак касалликларини келтириб чиқаради.

Масалан, овқат ҳазм қилишдаги ҳамма бузилишлар қандайдир янги нарсаларни қабул қилишда тажриба етишмаслигидан келиб чиқади.

Аниқроқ айтганда, йўғон ичак қўзғалишида ёки шилимшиқ қулунжи билан оғриган bemорлар, одатда келаётган хатарни олдиндан сезишади. Қулунж

бўшашишдан қўркув, йўғон ичак касалликлари эса одамнинг ўтмишда яшаш истаги билан боғлиқ.

Тана вазнининг муаммолари ҳимояланмаганлик ва ҳимояга олиш истаги билан боғлиқ. Ҳар қандай тобелик яхлитлигича — ҳиссиётларни бошқара олмасликдан таъсирланиш натижаси. Луиза буни “ўзидан қочиш” деб атайди.

Модда алмашинувининг, хусусан қондаги қанд алмашинувининг бузилиши, масъулият ва ҳаётнинг оғир кечиши билан боғлиқ. Гипоклиемия (қонда қанд камайиши) ҳаёт ташвишлари билан қийналиб, “ҳаммаси бефойда” лигини туғдирувчи туйгулардан тушкунликка тушиб қолишидир.

Учинчи ҳиссиёт марказидаги касаллик ўзига юкори баҳо бериш ва ўзини даволашнинг зарурати йўқ деб ҳисоблашдан, гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш ёки бошқа тобеликдан келиб чиқади. Соғлом ошқозон, ичак тракти, нормал вазн ва тана ўзи ҳақида түғри тасаввурга эга бўлиши ўзимизнинг иш ва жавобгарликка бўлган түғри муносабатимизга боғлиқ.

Келинг, фан учинчи ҳиссиёт маркази аъзолари ва тизимидағи касалликларни даволашнинг бундай ёндашиш самараси ҳақида нима дейишини кўриб чиқайлик.

* * *

Илмий маълумотларнинг хулосасига кўра, салбий ҳиссиётлар — қўркув, гам ёки газаб касалликларни қўзғайди, мухаббат ва қувонч эса тинчлантирувчи, даволовчи таъсир кўрсатади.

Биз қанчалик хавотирлансак, бу шунчалик ошқозон-ичак трактида жиддий касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.



Келинг, мисол тариқасида ошқозон ярасини күриб чиқамиз. Олимлар ошқозон ва ичакларниң нормал микрофлораси бўлган Helicobaktor pylori фаоллашуви таъсири остида пайдо бўлишини тасдиқлашади. Бироқ уларнинг ҳаддан ташқари кўпайиши, кўп нарсаларни бошидан кечиргани ва кучли асабийлашадиган одамларда кузатилади. Балки бу овқат ҳазм қилиш трактидаги иммун тизимининг берган жуда фаол жавобидир.

Рухий зарба ва ташвишлар кўпроқ даражада ишдаги кучли рақобатнинг қатор омилларига боғлиқ бўлади. Илмий изланишлар натижасига кўра ҳар куни рухий зарба оладиган ва кучли асабийлашадиганларда ошқозон яраси пайдо бўлади. Бу ҳайвонот дунёсига ҳам тегишли. Тадқиқотлар кўрсатишича, кемирувчилар овқат ёки жуфт талашадиган шароитда яшаса уларда ошқозон яраси ҳосил бўлар экан.

Ҳамма нарсада бекаму кўстлик ва комилликка интилиш билан ошқозон, ичак муаммолари ўртасида боғлиқлик бор. Бу шахснинг хусусиятида доимий норасолик ва ўзига бўлган ишончсизликни келтириб чиқаради. Натижаларга кўра бизнинг ўзимизга берган салбий баҳо қонда сомастин деган гормоннинг камайишига олиб келар экан. У гормон бошқа кўпгина гормонлар ишлаб чиқарилишини йўқотади. Агарда гормонал дисбаланс бўлса, ошқозон ҳамда ичаклар ҳам нормал ишлай олмайди. Бу эса ўз-ӯзидан ошқозон яраси ва йўғон ичакнинг қўзғалишига сабаб бўлади. Ярали қулунж ва ичакнинг сурункали яллиғланишлари, баъзи одамларда комилликка бўлган интилиш туфайли бўлади.

Стрессли ҳолатлардан қоча олмайдиган ва умидсизликка тушган одамларда ҳам қонда стресс гормонлар кўпайиб кетади. Илмий тадқиқотлар хulosалари

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛЛАДИ
жисмоний зўравонлик бўлган, доимо уриш-жанжалли
оилаларда вояга етган болаларнинг ошқозон ичак-
ларида яралар ва бузилишлар бўлишини кўрсатади.

* * *

*Стресс (руҳий зўриқиши) ортиқча вазн
ёки семириб кетишга сабаб бўлади. Илмий
тадқиқот натижалари доимий стресс одам-
нинг модда алмашинувига, овқатни тўғри
ўзлаштириши ва парчаланишига таъсир қи-
лишини тасдиқлайди.*

Ишдаги жуда кучли рақобатда курашишга тўғри келганида, душманчилик шароитида меҳнат қилганда кўп овқатланишимизга тўғри келади, бу эса танамиз вазнининг ошиб кетишга сабаб бўлади. Биз баъзан қизғин иш кунларида нонуштасиз ва тушликсиз ишлаганмиз, сўнг кечки овқатни тўйиб еганмиз? Афсуски, бундай қисқартириш вариантилари ҳеч қанақасига вазнимизни камайтиrmайди. Аксинча қорин атрофида ёғ қатламлари кўпаяди.

Салбий хиссиётлар — экстремал ҳаётий вазиятлар ва юқори жавобгарлик ҳам қанд парчаланиши ва диабетнинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Хиссий зўриқиши яллиғланиш жараёнини кучайтиради ва қондаги кортизол даражасини, демакки, ўз ўрнида инсулин даражасини кўтаради, озиқ моддаларининг катта қисми организмда ёғ қатлами кўринишида тўпланади. Тадқиқотчилар хулосасига кўра, депрессия ва хавотирга берилган одамларда нейропептид боғланишлари бузилади, у хиссиётларга ҳамда овқат ҳазм қилишга таъсир қиласи. Яхши кайфият, хиссий соҳани яхшилаш имконини берувчи фикрлар ёрдамида озиш мумкин.



Күплаб тадқиқотлар натижалари үзига паст баҳо бериш ва турли зарарли одатлар ўргасида боғлиқлик мавжуд бўлишини кўрсатади. Яна ва яна илмий маълумотлар кўп овқат ейиш, чекиш, ичкилиқбозлиқ ва бошқа нарсаларга тобелик бу факат муаммолардан қочиш, хавотир, депрессия ғазаб ҳиссиётларини эсдан чиқариш ва тийиш истагининг кўринишларидир. Бу бор-йўғи үзини алаҳситувчи тактика, одамлар уни қўллаганларида маъно бордек кўринади. Алкоголь — бу антидепрессант, уни ёқимсиз ҳиссиётларни йўқотиш учун, унугаш ва ҳақиқатнинг кўзига қарамаслик учун, үзини тўғри маънода кўрмаслик учун кўплар истеъмол қилишади. Никотин саломатлик учун зарарли бўлса-да, у ғазаб, чидамсизлик, сабрсизлик пайтида тинчлантиради. Вақтинча бўлса ҳам үзини баҳтли сезишга ва бўшашишга ёрдам беради. Бу бошқа маҳсулотлар — шоколад ва углеводларга ҳам тегишли.

* * *

Ўзини англаш — учинчи ҳиссиёт маркази — бизларга стрессдан, умидсизлик туйгуси ва ноҷорликдан қочиш билан биргаликда уларни ёнгишга ҳам ёрдам беради. Ахир бу хавотирлар овқат ҳазм қилиш бузилишининг ривожланишишга, семиришишга, зарарли одатларга, хуллас, юқорида таъкидлаб ўтилган нарсаларга олиб келади.

Яхши кайфият назарияси ва илмий хулосалар ҳақида билиб олдик. Савол эса қолди: қандай қилиб учинчи ҳиссиёт марказида саломатликка эришиш мумкин?

Овқат ҳазм қилишдаги мұаммолар

Овқат ҳазм қилиш трактига — оғиз, ҳалқум, ошқозон, ингичка ичак, йүғон ичак, түғри ичак, орқа чиқарув тешиги киради. Аъзолар күп экан тарқалган касалликлар спектри ҳам катта: овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ касалликларга 70 миллионга яқин одам дучор бўлган.

Бу бузилишлар ҳамма соҳада доимо фақат катта нарсага эришмоқчи бўлган одамларга хос. Ҳаддан зиёд рағбатлантиради ва биз адреналинда яшаймиз, чунки унинг юқори даражаси бизларни юқори даражада бўлишимизга ёрдам беради, одамлар ҳеч нарсага қарамай бу пойгода иштирок этишга шошиладилар. Улар жуда күп ишлайдилар, толиктирадиган кечаларда ҳам тиним билмайдилар, ерга қулаб тушмагулларича, шунчаки ҳаракат қиласверадилар. Улар маънавий бўшлиқни тўлдириш учун бойлик тўплайдилар, катта ва каттароқ ҳукмронликка интиладилар. Четдан қараганда, шундай одамларнинг ҳамма нарсаси етарли, аммо тийиб бўлмайдиган иштаҳалари ўзига паст баҳо беради, мияси носоғлом фикрларга тўла. Улар ўзларини борича қабул қилишга ва ўзларидан мамнун бўлишга ўрганишлари керак. Уларнинг бутун ҳаётлари ташқи фаровонликка мўлжалланган — ўз нафсониятлари деб, қимматли, улкан уйлар ва автомобилларга интиладилар, шундагина ўзларини буюк ва яхшироқ кўринишларига ишонадилар. Аммо күп бўлиши ҳар доим ҳам яхши эмас. Одам ўз ички дунёсини ҳам тўлдириб, ўзига соғлом баҳо бера олиши керак.

Овқат ҳазм қилиш тизимини даволаш учун турли медикаментоз воситалар бор. Овқат ҳазм қилиш аъзоларининг бузилишига жигифлодон қайнази, яралар,

қорин дам бўлиши, Крон касаллиги ҳамда йўғон ичакнинг қўзғалиши кабилар киради. Аммо медикаментоз воситалар (дорилар) касаллик кўринишини йўқотади, касаллик сабаби илдизини йўқотолмайди. Агарда сизда овқат ҳазм қилиш аъзоларингизда жиддий касалликлар бўлса, фикрлаш тарзи ва бу касаллик асосида ётадиган хатти-ҳаракатларингиз билан машғул бўлинг.

* * *

Овқат ҳазм қилишдаги ҳамма муаммолар бир ҳиссиеётга — қўрқувга асосланади. Масалан, ошқозон касалликлари билан азият чекаётганлар ҳаётда юз берадиган мушкул аҳволдан қутулиш учун қодир эмасман деб ўйлайдилар, омилкор эмаслар ёки янгиликлардан қўрқишишади. Улар кўпинча ўзига ишонмаганинидан, қўрқув ва хавотирдан руҳлари тушган бўладилар. Бу сизга таниш бўлса ва янги тажриба қўрқувларидан халос бўлишини истасангиз дадил интилинг.

Мана сизга ижобий қоида: “Мен ҳаётим биланtotув яшайман. Ҳар дамда қайсиdir янгиликни қабул қиласман. Ҳамма ишлар жойида”.

Агар сиз овқат ҳазм қилишдаги касалликлардан қийналаётган бўлсангиз, уни, қўрқувга боғлиқ салбий фикрлар келтириб чиқарган. Сизга мададкор ижобий қоида: “Мен ўзимга ёқаман. Мен ўз ҳаракатларимни қўллайман. Мен хотиржамман. Менинг кўнглим тўқ”.

Кулунж (ичак шилимшиқ пардасининг яллиғланиши) ўз хавфсизлиги ва ўз кучига шубҳа билан қараган одамларда бўлади. Бу ҳолатда уларга мос қоидаларга амал қилиш тавсия этилади:

“Мен ўзимга ёқаман. Мен ўз ҳаракатларимни күллайман, кучим етганича ҳаммасини қиласман. Мен мардман. Ман хотиржамман”. Аниқ ижобий қоидада касалликнинг ўзига боғлиқ, касалликлар учун қоидалар турлича бўлади.

Ижобий қоидалардан ташқари сиз ўз ҳаётингизни қайта баҳолашингиз керак. Бўлиб ўтган вазиятни таҳлил қилиб кўринг. Сиз доим шундай ўта фаолмисиз? Сиз доимо жуда кучли рақобатда яшашингиз ва ишлашингизга тўғри келадими? Сиз ишингиздан бошқа шароитларга кўнишиб кетиши учун ҳаракат қиласизми? Бу саволларга жавоб ҳаётингиздаги дисбаланс нимадан эканини тушунтириб берувчи ва топишга ёрдам берувчи калит вазифасини бажаради. Агар тўлалигича ишга шўнғиб кетган бўлсангиз, сиз ўйин учун вақт топишингиз керак. Сиз учун муҳими тезлик бўлса, ҳаётингиз ритмини пасайтиринг. Одам танаси бутун умр давомида кучли бўлмайди. Балки сиз жангга отлангандирсиз, бу пайт организмингизга кўп микдорда адреналин қуйилади, мураккаб муаммога дуч келганингизда шундай ҳолат бўлади. Аммо тезда танангиз сизга тинчлик кераклигини ҳис қила бошлиди. Бунинг ҳаммаси ошқозон касалликлари билан боғлиқ, организмингиз сизга бундай шиддатли ҳаётни ҳазм қилолмаслигини тушунтиряпти. Сизнинг танангиз бу ҳақда додламоқда, дам олгиси ва бўшашибиси келяпти.

Овқат ҳазм қилиш тизимидағи муаммоларни кучайтиришга сабаб бўлган фикрлаш тарзингиз ва хатти-ҳаракатларингиз ўзгаришини таҳлил қилиб, сиз қилишингиз керак бўлган энг муҳим нарса — туғма раҳмдиллигингизга мурожаат этиш. Ўзингизнинг қадрингизга етишингизни билишингиз. Ўзига паст баҳо бериш одамни олдинга қараб ҳаракатлан-

тираверади ва харакатлантираверади, токи оғриқ пайдо бўлгунига қадар. Ўзингиз ҳақингизда фикрни ўзгартириш қийин-у, аммо мумкин.

Ўз ҳаётингизга холис назар ташлашга ҳаракат қилинг. Сизга моддий бойликлар чиндан ҳам қувонч келтирадими ёки бу ташки оламнинг кўнгилсизликларидан ҳимоя қилувчи шунчаки ҳимоя қобифи деб ҳисоблайсизми? Ўзингизнинг эҳтиёжларингизни назорат остига олинг. Ҳафтада бир кунни ўзингиз учун дам олиш куни деб белгиланг, яъни ҳеч нарса ҳарид қилманг. Пулларингизни узоққа, олишингиз қийин бўлган жойга яшириб қўйинг, умуман ўша куни молиявий ишлар билан шуғулланманг. Куннинг охирида бундай кунда ҳолатингиз қандай бўлганини аниқланг.

Ҳафтада бир кун ясанманг. Макияж қилманг. Ҳеч қандай усулда соч турмакламанг. Кўринг-чи, кун давомида кайфиятингиз қандай бўлар экан? Агар кайфиятингиз яхшиланса, бу сизга ташки кўринишингиз, унинг ортида яширган моҳиятнинг муҳимлигини тушунишга калит бўлади.

Ўз кун тартибингиздан янги иш билан шуғулланиш учун вакт топинг. Бойиб кетиш, ақллироқ бўлиш ёки жозибадор бўлиш учун эмас, шунчаки ҳузур бағишлийдиган бирорта машфулот топинг. Бундан мақсад ўзингизга баҳони кўтариш, ўзингизнинг шахсингиз муҳимроқ эканини тушуниш. Бунга ҳафтада бир кун ёки ҳар куни бир оз вакт ажратиш мумкин. Энг асосийси — ўзингиз билан бир муддат ёлғиз қолиш, атрофга эътибор бермаслик. Ўз шахсий фикрларингизни қабул қилишга мослашинг. Сиз ўзингиз чиндан ким эканингизни билиб олишга ҳаракат қилинг. Бу ўзингизни яхшироқ баҳолашга, учинчи ҳиссиёт марказидаги аъзолар саломатлигини тиклашга ёрдам беради.

Клиник амалиётдан овқат ҳазм қилиши бузилишининг тадқиқотига

Мен Кен билан танишганимда, ковбойлар этигини ишлаб чиқариш бўйича тадбиркор, йигирма етти ёшда ёшда эди. У тўғри маънода жўшқин ҳаёт кечиради. Унинг Нэшвиллда уйи ва шаҳар ташқарисида фермаси бор эди. У пул сарфлашдан лаззатланар эди: овқат, ичкилик, автомобилни катта тезликда ҳайдаш, аёллар кетидан юриш... Бундай файриоддий ҳаёт кечириш ва қўпчилик аёлларни ҳайратга солиш учун аччиқ кофедан тетикланиб олиб, кечаю кундуз тинмай ишлар эди. Унинг ҳаётий шиори: “Ҳаддан ортиқлик”. Бу тўлақонли муваффакият келтирмайди.

Бундай ҳаёт тарзи Кенга кўп йиллар мос келди, аммо менга мурожаат қилганида қўлларидан ҳамма нарса тушиб кетарди. У тўловларни тўлашдан қайгуарди. Ҳамма нарсадан руҳий зарба ва хавотир оларди: ундан ҳам кўпроқ ошқозони қайгуарди. Молиявий денгизда сувганида стресс доимо кекириш орқали кўринарди, буни даволаш учун антацид препаратлар ёрдамида харакат қиласарди. Кен файриодатий ҳаёт кечиришни, пули бўлмаса-да уларни совуришни давом эттиради.

Оқибатда “Тез ёрдам” бўлими уни диафрагма рефлюкси, гастрит ҳамда қонаётган ошқозон яраси билан касалхонага олиб келди.

Биз Кен билан гаплашганимизда, антацид препаратлари умуман жигилдон қайнашидан ҳалос қилмаганини тушунмаганини айтди. Ошқозонини жойига келтириш ва ошқозон-ичак трактидаги муаммоларни ҳал этиш учун энг аввал ҳалқум, ошқозон ва секреция кислотасини текшириш керак эди.



Биз овқатни ютаётганимизда у ҳалқумга тушади, мушаклар уни ошқозонга итариб туширади. Ошқозонда улар таркибида кислота бўлган ферментлар ёрдамида парчаланади. Ҳалқум ва ошқозон ўртасида бир томонга очиладиган клапан бор. Шунинг учун кислота ҳалқумга ҳам, оғиз бўшлиғига ҳам тушмайди ва жифилдан қайнатмайди ёки шиллиқ пардада эрозия ҳосил қилмайди. Бу тез-тез такрорланса, гастроэзофагал рефлюкс ёки ошқозон-ҳалқум рефлюксси ташхиси қўйилади. Бу Кеннинг асосий муаммоси эди.

Яна бир муаммоси ошқозонида яра борлиги эди. Одамларнинг ошқозони оғриганида ошқозон сокидаги кислотани пасайтириш учун антацид ичишади, аммо шиллиқ пардани ҳимоялаш учун бошқа воситалардан, масалан, бикарбонат даражасини кўтариш, қон билан таъминлаш, мос келадиган бактериялар ошқозон трактига ҳимоявий таъсир кўрсатишига шароит яратиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди, бундай ёндашув шиллиқ пардани яра бўлишдан ҳимоя қиласди.

Кен ошқозон-ичак муаммоларини йўқотиши учун овқат порцияларини камайтириши ва 10 килограммга озиши керак эди, доимий иш формасини киймаслиги керак эди, у торлигидан бел қисми, ичакларни итариб, қизилўнгачнинг остки қисмини сиқиб қўяди. У яна чекишини ташлаши керак эди. Бундан ташқари биз унинг кислотали мухитга эга озиқ-овқатлар емаслигини назорат қилдик. Унга шоколад, помидор ва таркибида кофеин бор ичимликлардан, ёғли овқатлар, цитрус, пиёз, ялпиз ва алкоголь ичимликлардан воз кечишини буюрдик. Ҳар ҳолда бирмунча муддатга. Унинг яраси битганида кунига бир қадаҳ алкоголь ичимлигини ичишни ўзига маъқул кўрди. Биз шунингдек, Кенга алоҳи-

да овқатланиш режимини белгиладик, каравотининг бош томонини баланд қилиб ётишни тавсия қилдик, шундай қилганида ошқозон шираси ва хлорид кислотаси ҳалқумга қайтмайды. Уйқудан камида уч соат олдин овқат ейиш кераклигини тавсия қилдик. Шунда овқатни тұлиқ ҳазм қила оларди. Одам ётганида, кислота ошқозонга кучлироқ куйилади. Биз бошини баланд қилиб, юқори ёстиқларға бош құйиши кераклигини таъкидладик.

Булар билан чекланиб қолмадик, уни оёққа турғазиши учун таъсирлироқ чоралар күришга қарор қилдик. Кен яраларни ҳосил қилувчи *Helicobacter pylori* бактериялар даражасини пасайтириш учун антибиотиклар қабул қила бошлади. Уч турли доривор терапияни унга таклиф этдик: антацид препараттар (маалокс, миланта, родаидс ёки тумс) хлорид кислотасини нейтраллаштиради. Н₂ блокаторлари (аксид, пепсид, тагамет, зантак) хлорид кислотасининг ажралиб чиқишини пасайтиради, ингибиторлар (нексиум, превасид, прилосек, зегеред) ошқозон ва ҳалқум шиллик пардаларидаги яралар битишига ёрдам беради. Бу доривор воситаларнинг ёмон таъсир қиладиган жиҳати бор. Масалан, 50 ёшдан кейин ингибиторлар узоқ қабул қилинса, бел, билак ёки умуртқа погонасининг синишига олиб келади.

Зарарлы таъсирлардан химоялаш учун хитой табобати ва нина билан даволашни тавсия қилдик. *Shu Gan Wan* (Шу Гань Вань) оғриқ қолдирувчи, антибактериал ва спазмолитик самара беришини айтди.

Хатти-харакатларға келганида, Кенга ўз ҳаёти ҳақида ўйлаб күришни тавсия этдик. У буни амалға ошириш учун таътил олди. Ундан чарчоқ ва хавотирини йүкотиши мақсадида күйидаги шиорға амал қилишини сұрадык: “Мен ортиқча нарса-

ларсиз илғор бүлоламан". Бу иш, ортиқча овқатланиш, ичкилик ва чекишиг тегишли эканлигини айтдик. Ҳар куни ярим соатдан аэробика билан шуғулланишини тавсия этдик, бу ортиқча энергиянинг чиқиб кетишига ёрдам беради, массаж, ароматерапия ва психотерапия тавсия қилдик.

Касаллик асосидаги фикрларни ижобийга алмаштириш учун қуйидаги ижтимоий дастурларни тавсия этдик: ошқозон ҳолатига: "Мен бу ҳаётни осон ўзлаштираман". Умумий ошқозон касаллуклариға: "Мен ҳаётни яхши қабул қиласман, Ҳар бир куннинг янги онларини қабул қиласман. Ҳаммаси жойида". Ошқозон ярасини даволаш учун: "Мен ўзимга ёқаман ва ўз хатти-харакатларими ни маъқуллайман. Мен хотиржамман. Мен тинчман. Ҳаммаси муваффақиятли тарзда". Хавотирга қарши: "Мен ўзимга ёқаман, ўз ҳаракатларимни маъқуллайман, шиддатли ҳаёт оқимига ишонч билан қарайман. Мен хавфсизликдаман".

Бу тавсиялар Кенниңг бутунлай соғайиб кетишига ёрдам берди. Унинг ҳаёти ва овқат ҳазм қилиш органи жиддий равишда яхшиланди.

Вазн мұаммолари ва ўзингиз ҳақингиздаги масаввурларингиз

Тананиң ортиқча вазни ва ўзи ҳақидаги нотұғри фикрлар одамларда сероб бүлади. Бу ижобий хусусиятга үхшайды. Учинчи ҳиссиёт марказидаги касаллик мұаммолар, жумладан ортиқча вазн, шу билан боғлиқ қийинчиликлар — күпинча күркүв ва ўзига паст баҳо бериш билан боғлиқ бүлади. Улар ўзларининг бутун энергияларини бошқаларга сарфлайды. Ўзлари учун кам қолдиради. Уларнинг ҳаёти бошқалар учун қанча яхшилик қилишларига боғлиқ.

Тана вазнининг ортиб ёки камайиб кетиши саломатликда муаммо борлиги билан боғлиқ, бу қалқонсизмон без фаолиятининг бузилиши ёки гормонал дисбаланс бўлиши мумкин. Аммо улар ўзича муаммо сабаби бўлолмайди, масалан, юрак касалликлари. Шунинг учун ортиқча вазн билан боғлиқ жисмоний муаммолар кўплаб таъсиirlардан келиб чиқиши мумкин. Бу муаммолардан жиддийроғини назоратингиз остига олинг.

Яна бир марта қайтараман, ҳамма гап баланслаштиришда. Мен сизга яхшилик қилманг, атрофдагиларга ёрдам берманг, худбин бўлинг деяётганим йўқ. Асосийси — бошқаларга ёрдам бериш учун нимага сиз жонингизни жабборга берасиз-у, нимага ўзингизнинг шахсий эҳтиёжларингиз эътиборсиз қолиши керак. Сиз фикрлашни ва саломатлигингизни ёмонлаштирадиган ҳаракатларингизни ўзгартиришингиз зарур. Сиз танангиз нима шипшиганига кулоқ солинг.

* * *

Луиза Хей шакллантирган яхши кайфият назарияси одамнинг вазни ўзини қабул қилишга боғлиқ эканини кўрсатади. Масалан, семириш ёки кучли иштаҳа ўзига паст баҳо бериш оқибатида ҳамда ўз ҳиссиётларига объектив қараашдан қўрқиши туфайли келиб чиқиши мумкин.

Луиза Хейнинг назариясига кўра, ёғ — жуда сезгир ва таъсирчан одамлар учун ўзини ҳимоя қиласидиган ҳимоя қобириди. Бу қобиқдан қутулишга ёрдам бериш учун қуйидагини такрорланг: “**Мен ўз ҳиссиётларим билан уйғунман. Мен турган жойимда хавфсизликдаман. Мен ўз хавфсизлигимни ўзим таъминлайман. Мен ўзимга ёқаман ва ҳаракатларимни қўллайман**”.

Жуда кучли күркүв ва ўзига бўлган нафратга бевосита анорексиянинг алоқаси бор. Сизга қуидаги психологик қоида ёрдам беради: “Мен ўзимга ўзим ёқаман ва ўз ҳаракатларимни қўллайман. Мен тўлик хавфсизликдаман. Ҳаёт хавфсиз ва қувончга тўла”.

Булимия — бу ҳамма нарсани кетма-кет ейиш ва уни турли йўллар билан организмдан чиқариб ташлаш, ўзига бўлган нафрат, умидсизлик ва даҳшат билан боғлиқ. Бу ҳолатга шифоловчи дастур: “Мени ҳаёт эъзозлайди, мен мадад оламан ва қувватланаман. Ҳаёт менга ҳеч нимаси билан хавф солмайди”.

Луиза Хей тавсия қилган ижобий қоидалар фикрлаш тарзи билан ҳамда қайси аъзо қандай касаллик билан оғриганига боғлиқ. Масалан, қоринда ёғ тўпланиши сиз овқатдан қисилиб қолганингиздаги ғазабдан бўлади. Тосдаги ёғ қатлами отага бўлган болаликдаги нафратdir.

Эски ёмон фикрларни йўқотиш — бу вазни ортиқча бўлган одамлар учун муҳим қадам. Ўзига паст баҳо бериш дилни вайрон қиласидиган ҳиссиётлар оқимиdir. Бу фикрларни ижобийсига ўзгартиринг: “Менинг муҳаббатимда донолик бор. Мен бошқаларни, руҳлантириб озиқлантирганимдек, ўзимни ҳам руҳлантириб озиқлантираман”.

Сахий бўлсангиз, раҳмдил ва ҳамдард дўст бўлсангиз сиз учун яхшироқ. Аммо ёдингизда турсин, ўзингизнинг шахсий қизиқишлигинги ҳам содик бўлишингиз шарт. Ўз эҳтиёжларингиз, ўз ташки кўринишингиз, ўз баҳтингизга фикрингизни жамласангиз — бу худбинлик эмас. Ҳақиқатда бундай ҳаракатлар — ҳақиқий дўст, шерик ва ота-она бўлишнинг ягона услубидир. Агар ўзингиз ҳақингизда, ўзингиз ғамхўрлик қилмасангиз, шундай вақт

келадики, сизнинг ҳеч нарсангиз қолмайди. Шундай экан нима учун ўзингизни қурбон қилиб, бошқалар ҳақида ўйлашингизни күриб чиқинг.

Сиз ҳақиқатан ҳам бошқалар бирор нарсага мұхтож бұлсалар, нимага мен уларга керакман деб ўйлайсиз? Бундай фикрда эканингизда ўзаро мұносабатлар ва вазиятлар ҳақида ўйлай оласизми? Синааб күринг-чи, нимага бошқа нарсани әмас шуни хис қиляпсиз?

Бу ёлғон ишончга қаршилик күрсатиши учун ортиқча ғамхұрлыklардан таътилга чиқинг. Ҳеч бұл маса, бир ойда бир күн ҳеч ким учун ҳеч нарса қилманг. Бу вақт сиз учун хаёлингизни жамлашингиз учун керак. Ўзингизга қызиқарли иш топинг. Ичингизда ўзингизга хос қадрият борлигини, ўзингиз ҳақингизда ғамхұрлык қила олмаслигингизга сабаб доимо бошқалар ҳақида ўйлашингиз эканини тушунинг. Агар ҳозирги фикрлаш тарзини ўзgartирмасангиз, сизнинг танангизда вазн масаласида муаммо пайдо бұлади.

Клиник амалиётдан вазн бузилишларини ўрганишга

Йигирма саккиз ёшида Исидора чаққон ва файратли, умумий фаровонлик иши учун бор кучини сарфлашга тайёр эди. Ҳамма семиз одамларға ўхшаб, у ҳам атрофдагиларға ёрдам берарди. Исидоранинг сұzlарига қараганда, бу унинг ҳәётда мақсадини белгиларди. Аммо унинг қылган яхши ишларига қарамай, ўзига жуда паст баҳо берарди, ҳатто күзгуга қарай олмасди ҳам.

Исидоранинг икки синглиси құшиқчи эди ва ташқи күриниш улар учун бағоят мұхим аҳамиятта эга. Исидора уларға пардоз ва соч турмакларини қиласынды. У сингилларини концерт пайтида қандай

гўзалга айлантира олганидан фурурланар эди. Ўзининг “овозсиз” опа бўлишга ҳеч қандай қаршилиги йўқ эди. Унга сингилларининг муваффақияти етарди. Аммо Исидорага қараб табиатан стилист ва сартарош-пардозчи эканига ишониш қийин эди. Исидора модани эмас, қулайликни афзал кўрарди. Турмакланмаган соч, бейсболка кийиб, ҳеч қандай пардозсиз юрарди. Мен уни кўрганимда ортиқча 80 фунт ($1 \text{ фунт} \approx 0,409 \text{ кг}$) вазнга эга эди. У шуғулланиш машқларини ташлаб қўйганини тан олди.

Биз семиз кишилар билан ишлаётганимизда, тибиёт, овқат, атроф олам ва гормонал бузилишлари йўналишларини кўриб чиқаётганимизда, ҳар бирида ўзига яраша ғаройиб сабаблари борлигини аниклардик. Биз режани тузганимизда, бу сабабларни ўзгартиришга, вазнни эса камайтиришга ҳаракат қиласмиш.

- Энг кўп тарқалгани вазн ортиши дори воситаларининг зарарли таъсирларидан бўлади. Контрапцептивлар (таблетка шаклида), таркибида стероидлар бор дорилар, трициклик антидепрессантлар, масалан, эвалил, паксил, золофт, ципрекс, депакот, диабетга қарши дори воситаси, кекиришга қарши нексиум, превацид. Ҳаммаси ҳам вазнни оширмасада, бу ҳолатлар кўп учрайди.

- Семиришга бўлган сабаблардан бири овқатланиш соҳасидаги одатлар: қачон ва нима ейиш, вазнни қанча оширишини ўйлаш.

- Кун давомида қанча вақт ва қанча ҳаракат қиласиз, атрофингизда кимлар бор. Буларнинг ҳаммаси сизнинг вазнингизга таъсир кўрсатади.

- Сиз доимо стресс, стресс ва яна стресс ҳолатида бўлсангиз, қанча кўп жисмоний машқлар қилманг, қанчалик парҳез қилманг, бари бир ёф тўплайсиз. Қайфу, депрессия ва хавотир оғирликни орттиради.

Вазн оширадиган сабабларидан бири ғазаб ҳисобланади. Умидсизликка тушганда ва ғазабланганда буйрак усти безлари кортизол гормонини чиқаради, у эса инсулин ишлаб чиқаради ва вазн ошади.

Исидорани ўрганганимизда у доимо учта доривор препарат қабул қилишини билиб олдик, учаласи вазн орттириш хусусиятига эга. Нексиум, превацидни ошқозон фаолиятини яхшилаш учун күп қабул қилган. Исидора ногүри овқатланган, кун бүйи иссиқ овқат ўрнига турли зарарли таомлар еган, фақат кечки соат 8 ларда күп микдорда углеводи бор овқат истеъмол қилган. Оқсил ва углеводлар балансланганда қанд микдори даражаси нормал бўлиб, очлик қондириларди.

Экологик фактор — идорадаги ишнинг ёмон шароити унинг кайфиятига таъсир кўрсатарди. У кун бүйи иккинчи қаватда ишласа ҳам ҳеч қачон зинапоядан фойдаланмас эди. Кун бүйи стол ёнида ўтиради. Фақат ҳожатхонага бориш ва конфет олиш учун турарди. Хонаси мажлислар зали ёнида бўлгани учун столида печеньелар ва ходимлар учун пишириклар турарди. Ундан ташқари истаган вақтда ичиш мумкин бўлган газли сув автомати ҳам бор эди. Вазндан ташқари, унинг жуда бандлигига қарамасдан кучли стрессларни, умидсизлик ва хавотирни назорат қила олмасди. Кўриниши ўзига ҳеч ҳам ёқмасди. Бу унда уят ва ғазаб уйғотарди. Бу туйгулар оловга ёғ қўйгандек эди.

Ўз ҳаёти ва вазнини назорати бўйича шифокор олдига маслаҳат олиш учун юбордик. Дори воситаларидан семиртирадиганини алмаштиридик. Хавотир туфайли кислота ошқозондан ҳалқумга тушар экан. У нексиум ва превациддан воз кечди. Лимон бальзамидан фойдаланишини тавсия қилдик.



Сүнг экологик муаммолар устида иш олиб бордик. Навбатчидан конфет солинган ликопчани олиб ташлашни сүрадик. Билагига “озғин” деб ёзилган резинка тақиб юришни бошлади, текин овқат ва газли сув ёнига борганида фикридан қайтарди. Исидора күпроқ ҳаракат қиласы, зинапоядан пиёда чиқиб-түшди ва аёллар фитнес клубига қатнади. У ерда ҳафтасында беш марта аэробика билан шуғулланди.

Даволаш самарасини ошириш учун, салбий кайфиятдан, семиз бўлишдан қутулиш учун мазкур психологик қоидани такрорлади: “**Мени Илохий муҳаббат ҳимоя қиласы**. Мен доимо хавфсизликдаман, ўзимни доимо ҳимояланган деб ҳисоблайман. Мен ўз ҳаётимга масъулият билан қарашни истайман. Мен бошқаларни кечираман ва ўзим ҳаётимни белгилайман, ўзим истаганимдек яшайман. Менга ҳеч нима хавф солмайди”, семиришга қарши яна бир психологияга оид қоида: “Мен ўзим ва туйгуларим билан тотувликда яшайман. Мен бўлган жойимда хавфсизликдаман. Мен ўзимнинг хавфсизлигимни таъминлайман. Мен ўзимга ёқаман ва ўз ҳаракатларимни тўлиқ маъқуллайман”.

Навбатдаги энг охирги ишим Исидорага ширин ва яхши озиқ бўладиган фойдали пархез таомларни тайёрлашни ўргатиш бўлди. Овқат тайёрлаш қизиқарли булиши учун у сингилларига биргаликда бўлишга таклиф қилиб. Шундай қилиб, опа-сингиллар ўртасида ҳам илиқ муносабатлар мустаҳкамланди.

У диққат марказини бошқалардан ўзига ўтказди ва ўзини қадрлай бошлади. У янада кўпроқ ўзига ғамхўрлик қўрсатиш учун таътилга чиқди. Янги дунёқараш ёрдамида у яхшигина озди ва баҳтлирок, соғломроқ бўлди.

Буйрак усти ва ошқозон ости безлари

Одатда буйрак усти ва ошқозон ости безларида қанд миқдори билан боғлиқ муаммолари бор одамларни ҳиссиётлар қамраб олади, умуман ўзларини унугиб кўйиб, доимо бошқаларга ёрдам бераб юрадилар. Бундай одамларнинг ўзини ҳис этиши, кўриниши, вазн ва ишидан кўра, руҳий оламига эътибор қаратади. Маънавияти орқали улар ўзига баҳо ва муҳаббат беради.

Шундай қилиб, улар тўғри маънода ўзларининг яшаш тарзини аниқлаб оладилар. Бу тенденция орқали улар ўзларига эътибор бермай қўядилар, ошқозон-ичак тизими тўсатдан ёмонлашиб, қондаги қанд миқдори муаммоси ва чарчоқ бошланади. Улар учун маънавият — бу бутун бир коинотдир. Шунинг учун амал пиллапояларидан кўтарилиш ёки ташқи кўриниш ҳақида ўйлаш улар учун аҳамиятсиз.

Агар сиз буйрак усти ва ошқозон ости безлари ёки қонида қанд миқдори касали бор миллионлаб одамлардан бири бўлсангиз, биринчи ўринда шифокорга учрашинг. Аммо бу ҳиссиётларга боғлиқ бузилишлар бўлгани учун тиббиёт фақат ўткир кўринишида ёрдам бера олади.

* * *

Сурункали касалликларни даволаш учун нозик ёндашиш керак. Сиз ўзингизни ҳурмат қилишингизни, ўзингизга юқори баҳо бериш ва атрофдагилар олдида масъулияtingизни намоён қилишингиз керак.

Агар ақлингиз сиз унга қодир эмассиз ёки лойиқ эмассиз деяётган бўлса, ўзингизга нотўғри баҳо беряпсиз ёки ўзингизни вайрон қилиш билан

шүгүлланыпсиз. Бундай ёмон фикрлар ва ҳаракатлар қондаги кортизол микдорини күпайтиради, бу эса буйрак усти касалликлари, хусусан Күшинг касалини көлтириб чиқаради. Адисон касали, аксинча, организмда кортизол етишмаслиги туфайли, жуда кучли хиссиёт орқали пайдо бўлади. Лекин иккала ҳолат ҳам салбий фикрлар туфайли туғилади, Ижобий қайфият назарияси фикрлаш тарзи ва хатти-ҳаракатларни ўзгариши учун керак: “Мен ўзимга ёқаман, мен ўз ҳаракатларимни маъқуллайман, менга ўз устимда қайфуришим умуман хавфсиз”.

* * *

Ошқозон ости безларининг бузилиши ва ошқозон ости бези саратони кўпинча афсуланиш туйгуси орқали пайдо бўлади.

Агарда сизнинг қонингизда қанд микдори билан боғлиқ муаммолар, масалан, диабет бўлса, сиз узоқ муддатли мақсадларингизни ўйлаб умидсизликка тушасиз ёки нимадандир хавотир ола бошлайсиз. Бундай ҳоллар учун психологик қоида: “Бу онлар қувончга тўла. Энди бугунги кунни қувончга тўлдириш учун ҳаракат қиласман”.

Буйрак усти безлари бузилиши ёки қондаги қанд микдорининг күпайиши кортизол микдорини оширади, чунки ошқозон ости бези инсулинни бир хилда ишлаб чиқармайди, танангиз ички сезгиси ўз ҳаракатларингизни қайта баҳолашингиз кераклиги тўғрисида шивирлайди. Агарда сизга огоҳлантирувчи сигналлар керак бўлмаса, кортизол ва инсулин ишлаб чиқишдаги бузилишлар бошқа ҳолатларнинг ривожланиши, масалан, холестерин даражасининг ошиши ёки қон босими, юрак касаллиги, ортиқча

вазн, оғриқли сурункали синдром, диабет, буйракларнинг яхши ишламаслиги, инсультни келтириб чиқаради.

Салбий фикрлаш тарзидан воз кечиш — оғриқли ва ўзини вайрон қилувчи ҳиссиётларни йўқотиши учун қалитдир. Аммо узоқ давом этган жараёнларни ўзгартириш, бу жуда фидойилик ҳамда сабр талаб этиладиган саёҳат. Ўзингизнинг руҳий ва жисмоний ҳаётингиз ўртасида баланс топинг. Ярмингиз маънавият булутларида парвоз қилсин, бу билан биргаликда ерликчасига ўз ташки кўринишингиз билан шуғулланинг.

Келинг, танангиз вазни ва ўзингизга паст баҳо беришингиз билан шуғулланишдан бошлаймиз. Биз бу китобни ўз эҳтиёжларингизни қондириш билан шуғулланиш орқали сиз қачон худбинга айланиб қолмаслигинизни билдириш учун ёздик. Ўзингизни эркалатишга уриниб кўринг. Шундай экан ўзингизга қаранг. Маникюр қилинг. Сартарошга боринг ва сочингизни турмаклассиришинг. Ўқишига китоб олинг. Дўконларни айланишга боринг. Сизга яхши жисмоний куч берадиган ишлар билан банд бўлинг. Рақс, йога билан шуғулланинг. Бу қизиқишлиар сизни яна ерга олиб тушиб қўяди.

Биз бошқа одамларнинг эҳтиёжларини қондириш кераклигини билсак ҳам буни суистеъмол қилиш керак эмас. Агар сиз буни жудаям хоҳласангиз ҳам. Бошқа одамларга ёрдам бериб, сиз шодлини ҳис қиласиз. Аммо бу сизни жуда чарчатади. Шунинг учун бошқа одамларга сарфлайдиган вақтингизни чегараланг. Агар ўз хоҳишингиз бўйича ёрдам қўлини чўзган бўлсангиз, буни кўп вақт қилманг — хафтада бир неча соатгина ишланг. Бу сизни бошқаларга ёрдам бериш кувончидан маҳрум қилмайди, шу билан бирга ўзингиз учун ҳам вақт

қолади. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси сизга ўзингизнинг шахсингиз ҳақида тасаввур пайдо қиласди ва бошдан кечирмаганларни ўйлаб чўкиб кетишингизга йўл қўймайди.

Биз илгари ҳам таъкидлаганимиздек, сизнинг ички салоҳиятингиз манбаи ерда ҳам, осмонда ҳам бор. Сиз севимли ва қадрлисиз, буни ўзингизга ҳар куни эслатиб туришингиз керак, шунда жисмоний саломатликка эришасиз. Ижобий таъкидингиз шундай жарангласин: “Мен жудаям мамнунман ва атрофимга шодлик таратаман”.

Клиник амалиётдан буйрак усти ва ошқозон ости безлари касалликлари таҳлилига

Ҳали ўспиринлик йилларидаёқ Лоринда, ўзи учун шарқий динни кашф қилди ва ҳайратда қолди. У буддизм, даосизм, христианликни ўрганарди. Ҳозир у эллик етти ёшда. Жуда ёшлигидан динни қабул қилган эди, бу уни хотиржам қиласди ва ҳаяжонлантиради ҳам.

Лоринда коллежни битирган, христианлик миститизми ва биологиядан иккита диплом олган. У машҳур физик олимга турмушга чиққан ва тўртта фарзандли бўлган.

Лоринда жуда ақлли ва ўқимишли эди. Ӯн йиллик никоҳи давомида эри учун илҳом манбаи бўлди, унга бир нечта китобларини ёзишга ёрдам берди. Унинг оилавий ҳаёти ва муносабатлари маълум дараҷада бахтли, мазмунга бой эди. Аммо Лоринда ўз иззат-нафси, ақлий ҳаёти ва қизиқишларини қурбон қилди, у деярли ўзига эътибор бермасди, кучли кўркув ва хавотирда яшарди. Бу саломатлик учун жуда зарарли эди ва тез орада организмидан ўзга-

ришлар вақти келди деган сигналлар ола бошлади. Бутун танаси кучли чарчоқни сезарди. Секин юрарди, секин үйларди, доимий оғир түйфу уни чарчатыб юборди. Конидаги кортизол даражаси ва инсулин нормадан ошиб кетди.

Буйрак усти ошқозон ости безлари кортизол ва инсулин ишлаб чиқарилишини бир маромда сақлайди — күп олимлар учун бу топишмоқ. Одамларда буйрак усти безлари иккита бүлади. Күз ўнгингизга иккита апельсинни келтириңг. Ичидағи юмшоқ қисми адреналин, кофесимон модда, стимулятор, у сиз күп энергия сарфлаганингизда организмингизда ишлаб чиқыладиган модда. Буйрак усти безларининг — апельсин пүстлөфининг ташқи қобиғи ёғ қатламидаги энергетик захирасидан, күплаб турли гормонлар ишлаб чиқара бошлайди. Буларнинг энг ташвиш келтирүвчиси кортизол. Бирок буйрак усти безлари бошқа гормонлар: прогестерон, дегидроизо-андростерон, тестостерон ҳамда ёғ қатламидан экстрогенларни ҳам ишлаб чиқаради.

Агарда сиз бирданига хавф остида эканингиздан хавотирга тушсангиз ёки кимдандир қаттиқ ғазаблансангиз миянгиз танангизни тұла жанговар ҳолға келтириш учун гипофиз орқали буйрак усти безларига адреналин, кортизол ва бошқа гормонларни ишлаб чиқышни күпайтириш ҳақида буйруқ беради. Хавф қайтганида ва сиз тинчланганингизда, буйрак усти безлари бу гормонларни шиддат билан ишлаб чиқаришини тұхтатади. Бирок сиз бу хавотирлар ис-канжасида қолсангиз, келәттан хатар ва құрқувни доимо: “Хеч қандай умид йўқ!”, “Менинг ҳаётим — тұлық омадсизлик!”, “Хаммаси үзгача бўлиши керак” ва “Бу адолатдан эмас”, деб унута олмайсиз.

Унда сизнинг буйрак усти безларингиз ортиқча микдорда кортизол ва эстроген ишлаб чиқара

бошлайди. Бу инсулинни кўплаб миқдорда ажралиб чиқишига олиб келади ва сизда “буйрак устининг қуриб қолиши” деб аталадиган симптомлар пайдо бўлади.

Буйрак устининг қуриб қолиши — бу жуда айёр касаллик, чунки сизда кортизол кўпми ёки камми билиб бўлмайди. Бироқ белгилари ва қон-сийдик таҳлили натижасига кўра, буйрак усти безлари гормонлари баланси қай миқдорда ишлаб чиқаётганини аниқлаш мумкин.

Буни билиш ниҳоятда мухим. Чунки нотўғри ташхис қўйилиб, дори кабул қилинса, ахволингизни яхшилаш ўрнига ёмонлаштириб қўясиз.

Шунинг учун Лоринданга ташхис қўйишдан олдин биз унинг белгиларини аниқлаб олишимиз керак эди. Кортизолнинг камайиш даражаси **белгиларига**: енгил толиқиши, бурун атрофидаги бурмаларнинг дөф ёки рангпар бўлиши, қайт қилиш, ич кетиш, қанд миқдорининг пасайиб кетиши ҳамда қон босимининг тушиши киради. Булар етарли даражада **салбий** ҳолатлардир.

Кортизолнинг ортиқчалиги тана вазнининг ошиб кетишига, қондаги қанд миқдорининг сакраши, қон босимининг ошиши, одатдан ташқари жойларда туклар ўсиши, депрессия, жаҳлдорлик, мушакларнинг бўшлиги, суюкларнинг ингичкалашиб кетиши, ҳайз қўришнинг бузилишига олиб келади.

Шифокорга учраганидан кейин Лоринда қайтиб келиб, бизга жавобини айтди. Шифокор белгиларни қўриб чиқиб, унда жуда кўп миқдорда кортизол ишлаб чиқарилаётганини аниқлабди. Лоринданнинг бел ва қорин атрофи жуда семиз эди. Бошининг тепа қисмида соchlари камая бошлаган, лабининг устида ва бақбақасида туклар ўса бошлаганди. Қон босимининг юқориси 140, пасти 85,

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛДИН
қондаги қанд микдори 130, иккала күрсаткич ҳам жуда юқори.

Лориндада кортизол баландлигини аниқлаб, шифокор буйрак усти безларининг бузилиши, Кушинг йўқлиги бўйича таҳлиллар ўтказди. Баҳтига қон таҳлили яхши чиқди.

Охирида Лориндага эндокринологга учрашини тавсия қилдик. Эндокринолог текширувлари натижаси ҳам яхши чиқди. Демак, Лоринданинг буйрак усти безлари чарчаган.

Қандай қарор қабул қилдик? У буйрак устида “ортиқча маҳсулот”, қонда қанд микдори, қон босими ошиши ва тукларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлаётган кортизол ва бошқа гормонларни камайтириш учун озгина озиши керак эди.

Лоринданинг организмини унга зарур бўлган энергия билан озиқлантириш учун ҳаётини ўзгартириши мақсадида хромли дори воситасини қабул қилдиришдан бошладик. Бу уни энергия билан таъминлайди, қондаги қанд микдорини ҳам ўз маромида ушлаб туради. Унга аъло даражада энергия манбаи бўлган кўк чой экстратини, таркибида фолий, пантотен кислоталари, С витамини, темир, магний, рух бўлган поливитамин препаратини тавсия этдик, чунки витаминлар етишмовчилиги кучли чарчоқقا олиб келади.

Сўнг Лоринда доимо ҳис қиласидаган хавотир билан шуғулландик. У серотонин таркибли ҳеч қандай дори воситаларини қабул қилмагани учун, шифокордан 5НТРни озиқавий кўшимча сифатида қабул қилиши мумкинми деб сўрадим. Бу табиий маҳсулот бўлиб, унинг таркибида серotonin бор, у организмда хавотир симптоми туфайли жуда кўп даражада кортизол ишлаб чиқаришга қарши фойдаланилади. Ундан ташқари, бу хавотирнинг сабаби-



ни аниқлаш учун шифокор билан маслаҳатлашиши зарур эди.

Бошқа нарсалар билан бирга игна билан муолажа ҳамда хитой табиби қабулига қатнашни тавсия қилдик. Бир қатор гормонлар бузилишини нормаллаштирадиган доривор ўсимликлар мавжуд. *Astragalus glycyphyllos* (астрагал), лакрица, Сибирь женъшени, иммунитетни ошириш учун кордицепс, пушти родиола экстракти, банаби экстрати, сули, шизанда (хитой лимони). Тажрибали шифокор унга керакли түплемни танлашда ёрдам берди.

Лоринданинг озиши муҳим бўлса-да, унинг муаммоси фақатгина ногўри овқатланишда эмас эди. Баъзида у жуда кам овқат ерди. Аммо у оила ҳақида ғамхўрлик қиласарди ва дўстларига бўлган алоҳида вазифаларини бажаарди. Гап унинг табиатан овқатни кам ейиши ҳақида бормоқда. Биз унинг овқат рационига фикримизни жамладик, мажбуриятларини ўзгартириши учун зарурий парҳез буюрдик, энди у кун бўйи қариндош ва дўстларига ёрдам бермаслиги керак эди. Ундан дўст ва қариндошларига ғамхўрлик рационини кесиб ташладик. У доим эрининг мансабини биринчи ўринга қўярди, биз унга ўзи мансаб пиллапоясидан ўсишини тавсия қилдик. Мен бу ҳақида Лориндага гапирганимда юзини бужмайтирди. Аммо тавсияларимни бажара бошлади. Эндиликда эри учун бағишлайдиган ҳар соатини ўзи учун сарфлади.

Цигун тизими бўйича нафас машқлари ёрдам бергани учун Лоринда у билан шуғуллана бошлади.

Нихоясида салбий фикрлаш тарзини ўзгартириши учун ижобий қоидаларни ёзиб бердик: “Мен ўзимга ёқаман, ўз ҳаракатларимни маъқуллайман. Ўзим ҳақимда қайғуришимнинг қўрқинчли жойи йўқ”, чарчоқни босиш учун: “Мен ҳаётга иштиёқ-

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛДИ
ли муносабатда бўламан. Менда ҳиссиёт ва қувват манбай бор”, ошқозон ости бези учун: “Менинг ҳаётим ажойиб”.

Буйрак усти бези ишини нормаллаштиришга йўналтирилган харакатлар Лориндада ўз кучига ишончни уйғотди. У маънавийгина эмас, атроф оламдан ҳам таскин топа бошлади.

Носоғлом тобелик

Заарали одатларга мойил бўлган одамлар (қайси биримиз унга мойил эмасмиз, тўғрими?) ўзига хуш ёқадиган кучли хоҳишни кўпинча ҳис этади. Уларга шахсий ва ижодий қониқиши зарур, тинчлик ва осойишталик, аммо уларда парҳез қилиш учун, жисмоний машқлар бажариш учун, иш жадвалига амал қилиш учун тартиблилик етишмайди. Уларни лаззат келтирувчилар: хушхўр овқат, тийиб бўлмас кучли эҳтирос, алкоголь, тўхтовсиз ҳаридлар қамраб олади — ўзи ҳақида ҳам, бировлар ҳақида ҳам қайғурмайди, қизиқишилари ҳам йўқ. Ҳар бирининг заарали одатларини қондиришларига шахсий рецептлари бор. Ўзини ҳаммадан юқори кўйиш. Баъзан фоят даражада тўлқинлантирувчи машғулот қидиришади, аммо бу жуда толиқтиради ва кўпинча кўнглини қолдиради. Баъзида одам ўзининг масъулиятсизлиги ва соғлом ҳаёт кечира олмаслигидан руҳий зарба олади, хавотирга тушади. Бу кучли ҳиссиётларни олиб ташлаш учун биз кайфиятимизни ошириш ва ўзимизни яхши ҳис қилишимиз учун ичкилик, стимуляторлар қабул қилишга, қимор ўйинлари, баднафсликка бериламиз.

* * *

Бу зарарли одатларга қарши курашга қандай рецепт бор? Турмушнинг ҳалокатли тарзидан воз кечиш ва саломатликка жиддий зиён етказмаслик учун зарарли одатлар билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракат ва фикрларни ўзгартириш керак.

Ҳаммага яхши маълум бўлган восита — “саломатлик сари 12 қадам” дастури ҳамда психологик мададнинг бошқа тавсияларини синаб кўриш энг яхши усул. Кейинги босқич — саломатлик ҳолати ва ҳаракатларингиз ўртасидаги боғлиқлиқни мувоза-натлаш учун танангиз шипшишиларига қулоқ со-лишингиз керак. Муаммонинг асоси нимада ва уни қандай ҳиссиётлар уйғотганини аниқлаб, кундалик ҳаётда ижобий қоидалардан фойдаланишни бошлаш мумкин.

Луиза Хейнинг кайфиятни яхшилаш назариясига кўра, қўрқув ва ўзига паст баҳо бериш асосида зарарли одатлар пайдо бўлади. Аниқроқ гапиргани-мизда, зарарли одатларга берилган одамлар ўзларини қандай бўлсалар шундайлигича қабул қилишга ва ўзини яхши кўришга ҳаракат қилмайдилар, ак-синча бутун умр ўзларидан қочадилар. Бу ҳолатга энг яхши таъсир қилувчи қоида: “Мен ўзимнинг қанчалик гўзаллигимни англаяпман. Мен бундан буён ўзимга ёқишига ва ўзимнинг менимдан қувонишини ўрганаман”.

Айбдорлик туйғуси ва ўзини барбод қилиш биринчи галда алкоголь билан боғлиқ. Бу салбий туйғуларни енгиш ва ўзига нафратни муҳаббатга айлантириш учун Луиза қуидаги қоидалардан фойдаланади: “Мен ҳозирги кун билан яшайман. Ҳар бир дақиқа янги. Мен ўзимни ҳурмат қил-

япман. Мен ўзимга ёқаман ва ўзимнинг менимни қўллаб-кувватлайман”.

Ҳаммада ҳам носоғлом майл, ўзининг баҳосини ошириш ёки назоратга олиб бўлмайдиган салбий ҳиссиётларга қарши дори воситалари ёрдамида кураша бошлайдиган пайтлар бўлади. Кўпчиликка ҳаёт жуда мураккаблашиб кетгандай туюлиб, унга кучли оғрик бергани учун заарли одатларга ружу қўйиш кучаяди. Одамлар алкоголь, тамаки маҳсулотлари, интернет ёки компьютер ўйинларига ўрганиб қоладилар. Гиёхванд моддаларими, қимор ўйинларими ёки баднафслик бўладими, бу ҳамма иштиёқларда — қонга опиатлар тушади, улар руҳий ва жисмоний оғриқни босади. Бироқ бирмунча вақт ўтганидан кейин модда ўз таъсирини йўқотади ва бундай ҳаракатлар унутишга ёрдам бермай қолади, шунда ҳақиқат, яна у билан бирга оғриқ ҳам қайтади.

Сизда носоғлом тобелик бўлса, энг муҳими, шундай муаммонгиз борлигини тан олишингиз керак. Бу оддий эшитилади, аммо иқорингиз келгуси ўзгаришларга асос тайёрлайди. Агар сизда шундай муаммо борлигига ҳақиқатан ишонмасангиз, яқин дўстингиз ёки яқин одамларингиз билан маслаҳатлашинг. Уларнинг кўмаги ёрдамида қуйидаги саволларга жавоб беринг: сиз еган овқатингиз, ичкилик микдорини, қимор ўйинларига сарфлаган вақтингизни ҳисоблашга қодирмисиз? Бу тобелик учун ўзингизни айбдор ҳисоблайсизми? Соғлиғингизга хавф солаётганини билиб туриб, ўзингизни тўхтата оласизми? Бундай ҳаракатларингиз оила ва ишингизга таъсир кўрсатадими? Яқин одамларингиз ичида шундай тобеликка дучор бўлганлари борми? Кимдир сизга тўхташ даркорлигини айтганми? Сиз ўзингизнинг қиликларингизни оқлаш-



га ёки уни атрофдагилардан беркитишга ҳаракат қиласизми? Агарда сиз саволлардан иккитаси ёки күпрофига тасдиқ жавобини берган бўлсангиз, демак, ўзингизга ва ҳалокатли одатга диққат билан қаранг.

Носоғлом майлларга қарши кураш жуда оғирлигини ёдингизда тутиңг. Сиз мутахассисларга, дўстларингиз ва қариндошларингизга мурожаат қилишингиз мумкин. Тезда ёрдам олишга шошилинг. Ҳозирда ҳар қандай майлдан қутулиш учун биргаликда маҳсус гуруҳлар бор. Сизнинг муаммонгизга дахли бор одамларни топинг. Улар сизда ишонч уйғотишади ва зарур маслаҳат беришади, сиз ҳеч қачон ўйлаб кўрмаган нарсалар ҳақида тавсия айтишади. Мутахассис маслаҳатчи, дўстлар ёки маҳсус гуруҳ ёрдамида сиз ҳалокатли одатлардан қутуласиз. Улар муаммони енгиш ва ундан халос бўлиб, соғлом ҳаётга ўз қадрингизни билиб қайтишингиз учун муҳим мадад берадилар.

Сиз ҳалокатли иштиёқингиз ёрдамида босмоқчи бўлган умидсизлик туйғусидан қутулиш учун мустақил бажара оладиган бошқа турли нарсалар мавжуд.

Медитация амалиётидан фойдаланиб кўринг. Сиз ҳеч бўлмаса бир муддат тинч ва жим ўтирангиз, бу фикрларингиз ва ҳиссиётларингизни таҳлил қилишга ёрдам беради. Фикрлар келади ва кетади. Улар доимий эмас ва ўзгариши мумкин. У бор-йўғи миянгизда ўрнашиб олган муносабатдир. Бу мутлақ ҳақиқат эмас. Фикрингизга синчиклаб қаранг, сиз уларни ижобий қоидалар ёрдамида ўзгартира оласиз.

Сизда кундалик тутиш истаги пайдо бўлиши эҳтимоли бор. Баъзида оддий фикрларингиз баёни

ва уларни сўзларга айлантириш, нарсаларни янгича кўришга ёрдам беради.

* * *

Бу ҳаракатларингиздан энг муҳими сиз нимани тасаввур қилишингизда. Ичингиздаги захиралар ҳақида бирор нима билишга ҳаракат қилинг. Сайёрамиздаги турмуш тарзи ҳамманни яшаш учун курашга ўргатган. Сиз буни бошқа истаган бирор қилганидан яхши қила оласиз. Сиз буни англашингиз керак.

Клиник амалиётдан тобелик ҳолатининг тадқиқотига

Женни ҳозир қирқ тўққиз ёшда, жуда таъсирчан ва асабий. Болалик пайтида отаси тадбиркор бўлгани учун кўпинча ишлари бўйича сафарда бўларди. Женни ўзини ёлғиз ҳис қиласади. У жуда кўп овқат ея бошлади, овқат унинг меҳрибон дўстига айланди. Женнининг яна бир иштиёқи балет эди. Аммо у балет мактабига киришга борганида раккоса бўлиш учун жуда семизлигини айтишди. У озишини истаб, рақс тушишда давом этди ва кўпинча шикастланар эди. Бир кун тиззасини яхшигина шикастлаб олганида шифокор унга хавотирли ҳолатини йўқотиши учун ксанакс ва оксикодон дориларини ёзиб берди. Яра битганидан кейин ҳам оксикодон, ксанакс ва бошқа оғриқ қолдириувчи дориларни ичишни давом этаверди. Нихоят Женни балетни умуман ташлаб кўйди.

Вақти келганида Женни турмушга чиқди ва унинг ҳаёти ўз йўлига тушиб кетди. Баҳтли эди ва дорилардан қутулиши мумкин эди. Бироқ иккинчи фарзанди туғилгач, унинг хавотир ва депрессияси қайтди, шунда у стресс таъсирини енгиш учун

яна дори воситаларини қабул қила бошлади. Тез орада Женнида шундай белгилар пайдо бўлдики, шифокорлар турли ташхислар қўйиши: сурункали чарчоқдан тортиб йўғон ичакнинг қўзғалиши ёки дикқатнинг бузилишигача. У дориларни қабул қилиш ва дозасини оширишда давом этди. Бу босқичда шифокорлардан бири муаммони билиб қолди ва дори ёзишдан бош тортди. Женнига тобеликдан даволанишни буюрди.

Гиёҳванд моддаларга, кўп овқатланишга, қиморга, Женнига ўхшаб оғриқ қолдирувчиларни енгишга қодир бўлмаган ҳиссиётларни босиш учун қабул этиш, ҳар қандай ҳалокатли ҳолга олиб келиши мумкин. Бу — қайфу, хавотир, қаҳр, йўқотилган мухаббат, зерикиш ёки ўзига паст баҳо бериш, рўйхатни чексиз давом эттириш мумкин. Оғриқли ва саломатлик учун заарарли одатлар, биз эшитадиган интуитив маълумотни блокировка қиласиди. Ҳамма гиёҳванд моддалар руҳий бўшлиқни тўлдириш учун чиқарилган. Бу “Номсиз бўшлиқ”, ҳатто унинг мавжудлигига шубҳа ҳам қилмаганимиз.

Аммо носоғлом майллар бу фақатгина қандайдир воситаларни суистеъмол қилишгина эмас. Бу катта микдордаги суистеъмол бўлиб, ишда, ўқишида ва оилавий ҳаётда, бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларда муаммолар келтириб чиқаради. Сиз ҳалокатли иштиёқингиз туфайли доимо кеч қоласиз, ишга бормайсиз ёки ҳамманинг олдида вазифангизни бажара олмаганингиз туфайли ишдан бўшатишади. Баъзида ҳалокатли майл шу даражада кучайиб кетадики, жисмоний жиҳатдан хавфли бўлиб қолади ва баҳтсиз ҳодисаларга олиб келади ёки ундан баттари рўй беради. Аммо сиз ҳамма ёмон оқибатларга қарамай, ҳаракатларингизни тўхтата олмайсиз.

Женни ухлаш, хавотирдан кутулиш учун, оёғи ва умуртқа поғонасидағи балетдан орттирган шикастларни енгиш учун оксикодон ва қсанакс қабул қилишда давом этаверди. Шундай экан, биринчи қилган ишимиз унинг касали чарчоқ, йүғон ичак иши ҳамда дикқатни түплашнинг бузилиши — кучли доривор воситаларни қабул қилиш туфайли юз берганини тасдиқлаш бўлди.

Оксикодон қабул қилишнинг заарли таъсирига уйқучилик, чарчоқ, дикқатнинг ва хотиранинг бузилиши билан биргаликда, унга ич қотиши ҳам қўшилган. Қсанакс каби бензодиазепинлар дикқат ва хотирани ёмонлаштиради. Мен уйқу дориси ва бошқа оғриқ қолдирувчилар саломатликка муаммолар келтириб чиқариши ҳақидаги тахминимни айтганимда, Женни улар шунга арзиди деди. У оксикодонсиз оғриқни қандай қолдира олишини тушунмас эди, шифокорлар тавсиясига жуда менсимай қаради, мендан муаммо нимада эканини сўради. У анча тинчланганидан сўнг менга ҳётида инқирозли вакт келганини тушунтира бошлади. Маст ҳолатда машина ҳайдагани учун унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйишибди, доривор моддаларни суиистеъмол қилаётгани оиласвий ҳёти ва никоҳига путур етказгани учун эри ажрашиш ҳақида огоҳлантирибди.

Мен Женнига фақат у шундай эмаслиги ва бунинг уядиган жойи йўқлигини айтдим. Чунки опиатларни суиистеъмол қилиш муаммоси дунё бўйича кенг тарқалиб кетмоқда. Морфин, кодеин, дилаудид, демерон, героин ва оксикозон опиоид рецепторларга таъсир қиласи, ўша рецепторлар кайфият, қадр-қиммат, рухий мамнунлик, оғриқ сезгиси ва уйқуга жавоб беради. Агар сиз доимо шу препаратларни шифокор сизга тавсия этмаганига

қарамасдан ёки уни күчадан нолегал сотиб олиб қабул қылсанғиз сизде чидамсизлик пайдо бўлади, бу кўпроқ гиёҳванд моддалардай таъсир қиласди. Ксанакс, ативан, валиум ва клопонин бошқа рецепторлар — ГАМК (гамма аминокислота)га таъсир кўрсатади. Бу алкоголь таъсир қилувчи рецептор. Дори воситаларнинг кучи шундаки, одам уларни қабул қилишни тўхтата олмайди, тўхтатса, оғир касаллик ва ӯлимга олиб келади.

Мен Женинга оксикодон ва ксанаксга бўлган майлдан кутулиши учун ёрдам зарурлигини айтдим. Унинг организми зарур бўлган реабилитациядан ташқари гиёҳванд моддалардан аста-секин кутулиши, дам олиши, ўз хавотирини енгта олиши, уйқуни нормаллаштириши ва эски шикастларни эсдан чиқариши керак эди.

Женин менинг гапларимга ишонмаса ҳам бир ойдан кейин реабилитация бўлимига жўнади, у ерда оғриқ қолдирувчи ва антидепрессантлардан халос бўлишига ёрдам беришди. Шифокорлар тавсияга кўра аста-секин дори воситаларидан қутулиш, кучли юрак уришини нормаллаштириш учун клонидин қабул қила бошлади. Касалхонадан чиқиши олдидан, у яна оксикодонга ӯтириб қолмаслиги учун бир қатор дори воситалари тавсия қилинди.

Артрайтоздан кутулиши учун аскорбин кислотаси, узум данаги экстракти, глюкозамин сульфатни қабул қила бошлади. Кўшимча дармондориларни қабул қилишни йога машғулотлари ва нина муолажалари билан биргаликда олиб борди. Ямуна уқалаш усули танасининг табиий кучини қайтариш учун олиб борилди. Аҳволи ёмонлашса, метадон, левометадил, налтрексон ёки бупренорфин қабул қилиши мумкин эди.

Реабилитация бўлимида Женни гиёхванд модда ва дори воситаларига тобе бўлиб қолганлар учун маҳсус ишлаб чиқилган дастурда иштирок этди. ДПТ — бу психотерапевтик тренинг шакли бўлиб, унинг ёрдамида Женни хавотирларини назорат остида ушлашни ўрганди. У психиатрлар билан биргаликда ишлади, унга фармацевтика дорилари ва ёрдамчи тиббий пассифлора, лимон бальзами, 5НТР воситалар ҳам тавсия этилди.

Келажакда севимли иши балет билан шуғуллана олмаса-да, болалар учун балет мактаби очиши мумкинлиги ҳақида айтишди.

Ўзини баҳолаши ва англаши учун тегишли қоидаларни тақоррлади. Хавотирни енгиш учун: “Мен ўзимга ёқаман, ўз ҳаракатларимни маъқуллайман ва ўзимни хавфсизликда сезаман”, депрессияни енгиш учун: “Бундан буён begona чекловлар ва кўркувлар чегарасидан ташқарига чиқаман. Мен ўз ҳаётимни ўзим яратаман”, ваҳимани енгиш учун: “Мен қобилиятли ва кучлиман. Мен ҳар қандай ҳаётий вазиятларни енга оламан. Мен нима кўлишимни биламан. Мен хавфсизликдаман ва “Эркинман”, дори воситаларига мутелиқдан кутулиш учун: “Энди мен қанчалик ажойиблигимни биламан. Мен ўзимга ёқаман ва қувончни сеза бошладим”.

Бу муожаларни Женни терапевтик усуллар билан қўшиб олиб борди. Комплекс режа асосида даволанган Женни яна ўзлигини топди. Тобеликдан кутулди.

Учинчи ҳиссиёт марказида ҳаммаси жойида

Учинчи ҳиссиёт марказига овқат ҳазм қилиш, қондаги қанд миқдори бузилиши, тана вазни муаммолари, турли тобелик каби қатор касалликлар кира-



ди. Ҳаммасининг асосида ўзига паст баҳо бериш ва ташқи вазифалари билан ички эҳтиёжларини мувозанатлаштира олмаслик ётади. Сизга организмингиз жисмоний ва хиссий соғлиғингиз ҳақида бераётган сигналларга қулоқ тутинг. Дисбаланс бўлишига қандай стрессли омиллар сабаб бўлаётганини аниқланг. Организмингизнинг ўзи агар унга қулоқ солсангиз ва амал қилсангиз, бу ҳақида огоҳлантиради.

Саломатлигингиз йўлида турган салбий фикрларингиз ва ҳаракатларингизни ижобий томонга ўзгартиришингиз билан сиз саломатлигингизни мустаҳкамлашга эришасиз. Ўзингизнинг нозик томонларингиз, камчиликларингиз ҳақида ёдда тутинг ва уларда тўхтаб қолманг, уларни менсимасдан юрманг ҳам. Ўзингизнинг қадр-қимматингизни билинг, туғма раҳмдиллик борлигини эсда тутинг. Ўзингиз ҳақингиздаги салбий фикрлар учун психологоик қоида: “Мен етарли даражада яхшиман. Менга жон-жаҳдим билан ўзимнинг аҳамиятлигимни исботлашимга уриниш им шарт эмас”.

Ўзингизга муҳаббат билан муносабатда бўлинг ва ҳаммаси яхши бўлади.



7-БОБ

ЁҚИМЛИ ҲИССИЁТ



*Тўртинчи ҳиссиёт маркази — юрак,
ўпка ва сут безлари*

Тўртингчи ҳиссиёт маркази ўзингизнинг эҳтиёжларингиз ва сиз билан яқин муносабатда бўлган бошқа одамларнинг эҳтиёжлари орасидаги балансга боғлиқ бўлади. Агарда сиз бунинг уддасидан чиқмасангиз, танангиз ишларингиз яхшимаслиги ҳақида огоҳлантиради, юрак, ўпка ёки сут безларига тегишли муаммолар пайдо бўлади. Масалан, қонда холестерин кўпаяди, артериал қон босими кўтарилади, юрак хуружлари бошланади, кисталар пайдо бўлади, ҳатто саратон, зотилжам, астма ёки нафас қисиши келиб чиқади.

* * *

Тўртингчи ҳиссиёт марказидаги органлар саломатлигини асраш ўз туйгулари ва эҳтиёжларини намоён қилишини ўрганишга боғлиқ, бунда бошқа одамларнинг туйгу ва эҳтиёжларини ҳам эътиборга олиш керак. Бу ўзаро муроса ва келишувлар масаласи.

Бошқа ҳиссиёт марказлари каби тананинг латеган қисми ёки аъзоси ҳаракатлар ва салбий фикрлаш тарзига боғлиқ бўлади, муносабатлардаги келишмовчиликлар туйгулар мувозанатининг бузилишига олиб келади. Ўз ҳиссиётларини бошқара олмайдиганлар юрак касалликларига мойил бўладилар. Туйгулар чулғаб оладиган одамлар ўпкасида



ҳам муаммолар юзага келади. Фақат ижобий түйфу-лари намоён бўлса, сут безларидағи муаммоларидан қийналадилар. Куйида тананинг ҳар бир қисмидаги аъзолар ҳақида алоҳида гаплашамиз.

Салбий ҳаракатлар ва фикрлаш тўртингчи ҳиссиёт марказидаги аъзолар касаллигига сабаб бўла-ди, уларни хавотир, фазабланиш, депрессия, ҳиссиётларнинг узоқ давом этиши келтириб чиқаради. Одамларнинг тўртингчи ҳиссиёт марказидаги аъзо-лари саломатлигига муаммолар бўлса, улар ҳар нарсадан кўрқадилар ва яхшироқ ҳаётга лойик эканликларини ҳис қилмайдилар ҳам. Уларга кувонч етишмайди. Бошқа одамларга ҳаддан зиёд ғамхўрлик қиласидилар ва уларнинг ҳиссиётларини ўзлариникidan устун кўядилар.

Агарда сизда юрак, ўпка ёки сут безларида муаммолар бўлса — сиз ҳиссий саломатлигинизни қандай асрәётганингизни ва соғлом ҳиссиётли муно-сабатлардан қандай озиқлантираётганингизни кўриб чиқишингиз керак. Белгилари юрак хуружи, ин-фаркт ёки сут безларининг саратони каби қўрқинчли эмас. Улар зўрға кўринади. Масалан, бу сут безларини босгандга оғриқ, қон босимининг кўтарилиши ва ўпкада озгина сиқилиш бўлиши мумкин.

Биринчи қадам шундан иборатки, саломатлигин-гиздаги озгина ўзгаришларга эътибор беринг. Ҳар доимгидек жиддий муаммолар бўлса, шифокорга мурожаат қилиш керак, сизнинг вазифангиз — ўз ҳаракатларингиз ва фикрлаш тарзингизни ўзгартириб, бошқа одамларга ёрдам бериш учун сарфла-ётган кучингиз ва ўзингиз учун қанчалик файрат билан ҳаракат қилишингиз орасидаги оптимал ба-лансни топиш.

Түртинги ҳиссиёт маркази фан ва яхши кайфият назариясида

Луиза Хейнинг яхши кайфият назарияси түртинги ҳиссиёт марказидаги аъзолар саломатлигидаги озгина кўринган ҳиссий фарқларни тадқиқот қилади. Бу доирадаги саломатлик ўз ҳиссиётларингизни намоён қилишингизга боғлик бўлади, ўзингизда разаб, кўнгил совиши, хавотир каби салбий ҳиссиётларни бошдан кечиришга ва улар сизни қамраб олишига йўл қўйманг. Фазабдан кутулсангиз, яна кечириш, муҳаббат, қувончга йўл топилади. Сизни эгаллаган ҳисларни билиш, бошдан кечириш ва уни кўрсата олиш саломатлигингиз учун фойдали. Бу ҳиссиётлар сизнинг ҳаёт бўйлаб ҳаракат қилишингиз, Луизанинг гапи бўйича, юракдан қонни ҳайдаб, томирларга оқишига ёрдам беради. “Эмоция” сўзи лотин тилидан таржима қилинганда “ҳаракат” деган маънони билдиради.

Охириги мақсадимиз ижобий психологик қоидаларни қўллаш ёрдамида салбий ҳаракатларни ижобийга ўзгартириб, жисмоний ахволингизни яхшилаштирди, холестерин даражасини, қон босимини пасайтириш, астма белгиларини енгиллаштириш ёки гормон даражасини нормаллаштириш, унинг секрецияси кисталарни пайдо қиласди ва сут безларида бошқа муаммоларни келтириб чиқаради.

Юрак — қувонч ва организм учун “хавфсизлик маркази”. Шу сабабга кўра юрак касалликлари ва юқори қон босимининг ошиши узоқ вақт давом этган муаммолар ва шодликсиз яшашга боғлик бўлади.

* * *

Шунинг учун юрак касаллиги, аниқроқ айтганда қон босимининг ошиши холестерининг юқори даражасидан юзага келади, бу сизнинг ҳаётдан қувонишингиз ва қувончни аниқ ҳиссиётлар орқали акс эттиришишингизга боғлиқ.

Борлиқни тұғрилигича қабул қилолмаслик ва келажакка объектив қарашдан бош тортиш атеросклероз билан бирга келади — артериялар торайади ва эластиклигини йүқтөтади. Юракдаги озина қувончни пул топаман деб ҳайдаш юрак хуружлари ва инфарктта олиб келади. Нафас йүллари ва үпка касаллукларига Луиза Хейнинг шакллантирган призмаси орқали қараганда, агар нафас олишингиз қийин бұлса, демек, сиз ҳаётни борлигича қабул қилишдан құрқасиз. Бошқаларга жуда ҳам ғамхұрлық қилиш, шерикларнинг кайфиятини үзингизницидан устун қўйиш ва шахсий эҳтиёжларни қондиришни унтуши сут безлари касаллукларига, кистоз ва касалманд бўлишга олиб келиши мумкин.

Фан тана ва ақл, салбий фикр ва ҳаракатлар тұртингчи ҳиссиёт маркази ҳолатига боғлиқлиги ҳақида нима дейди? Фан ижобий қоидалар саломатликка, юрак ҳолатига, сут безлари ва үпкага таъсир қилишини тасдиқлайдими?

Ха, тасдиқлайди!

* * *

Биз хавотирни, умидсизлик, депрессия ва йүқотилган баҳт учун “юрак оғриғи”ни үзгартириб, юрак, үпка ва сут безлари саломатлигини тиклашимиз мумкин. Кўплаб тадқиқотлар тұртингчи ҳиссиёт марказига

тегишли аъзолар ва ҳиссиётларни ифодалаш орасидаги боғлиқликни аниқлаяпти.

Шунчаки юрак касаллуклари спектрига қараб, эркак ва аёллардаги юрак хуружлари қандай юз беришини кузатамиз. Аёллар юрак оғриғини эркакларга нисбатан бошқача ўтказадилар. Эркакларда юрак хуружида белгилар яққол кўриниб туради: классик белги — кўкракнинг чап томонидаги оғриқ жағ ва чап қўлга ҳам ўтади. Аёлларда бошқача манзара. Аёлларда юрак хуружида симптомлар бараварига бўлмайди. Уларда ошқозонда ҳазм қилиш бузилиши, кўкрак қафасида хавотир ва яна бир қатор симптомлар бўлиши мумкин.

* * *

Мия ва юрак ўртасида боғлиқлик борлиги илмий томондан исботланган. Шундай экан, эҳтимол эркак ва аёллардаги юрак хуружлари ва инфаркт симптомларидағи фарқлар мия тузилиши, нерв тизимиға сигналлар ўтишига ҳамда ўзига хос хусусиятларга боғлиқдир.

Биз инфарктнинг хусусиятларини кузатганимизда, улар миянинг борлиқни ҳиссиётлар орқали қабул қилиш характеристини намоён этади. Аёллар бутун ахборотни далиллар асосидагина эмас, худди шундай ҳиссиётлар орқали ҳам қабул қилишади. Уларда мия тузилиши бир бутун бўлиб бирлашган, шунинг учун улар туйғуларини сўзга кўчирадилар ва шу тарзда кўпроқ масалаларни муҳокама қила оладилар. Эркакларда бу жуда оғир кечади. Ҳиссиётлар уларда жисмоний ва физиологик реакцияларга ўтади. Тўсатдан юз бе-

радиган инфарктлар ёки кучли юрак хуружлари, хиссиётлар эркакларда қандайдыр тарзда түлиқ намоён бўлади. Мен билмайман... Фан ҳам аниқламаган. Аммо гап инфаркт ҳақида кетса, уни мана бундай ифодаласа бўлади: эркакларда юрак қайнайди, тулиб-тошади, аёлларда эса “паст оловда димланади”. Инфаркт ёки юрак хуружларининг симптомлари ва ҳис қилинаётган туйгулар тахминан шундай кўринади.

Юрак хуружи ва хиссиёт ўртасидаги муҳим борлиқлик борлиги илмий маълумотларда асосланган. Масалан, оғир йўқотиш, яқин кишисининг вафот этганига кўнига олмаган одам юрак хуружи ёки юрак касали билан биринчи қайгули йилнинг ўзидаёқ вафот этиши кузатилади. Кўпинча юрак хуружлари нафақага чиқиш ёки ишдаги муваффакиятсизлик туфайли юз беради. Бу ҳолатларда умидсизлик ва омадсизлик хиссиётлари ҳамроҳ бўлади, улар шу даражада кучлики, юрак саломатлигини ишдан чиқаради. Олимлар бундай воқеалар худди кетма-кет бир кути сигарет чекиши каби юрак учун хавфли эканини аниқлашди.

Бошқа тадқиқотлар юрак касалликлари ва юрак хуружлари ғазабланиш ва рақобатга мойил одамларда кўпроқ юз беришини тасдиқлади. Организмни бундай ҳолатда ушлаб туриш учун доимо стрессни гормонлар билан таъминлайди, улар артериал қон босимини оширади ва артерияларда туриб қолади. Ҳаёт тарзини ўзгартириш орқали юракни соғломлаштириш мумкин. Бир тадқиқот устида иш олиб боришаётган шифокорлар юрак хуружини ўтказган характер жиҳатидан шу гурухга тегишли эркакларни назорат қилишди. Мутахассислардан маслаҳат олган эркаклар ўз ҳаёт тарзи ва ҳаракатларини, айниқса ғазаб ва адоварни ўзгартирсалар, мутахас-

сислардан маслаҳат олмаганлар эркакларга кўра камроқ юрак хуружини бошидан кечирадилар.

Ундан ташқари олимлар рухий тушкунлик — хавотир, депрессия, ғазаб қон босимининг ошиши ва қон томирларининг эластиклиги пасайишига, гипертензия ривожланишига таъсир қилишини аниқлашган.

Депрессиядан гипертензияга олиб келадиган сабаблар нимадан иборат? Депрессияда мияда норадреналин ишлаб чиқлади, у буйрак устига оғирлик юклайди. Натижада кортизол қўпроқ ажralиб чиқади, яллигланишга ёрдам берадиган цитокинга ўхшаш кўплаб моддалар ажralиб чиқишини фаоллаштиради. Цитокин кислородни радикал моддаларга ажратиб юборади, бу холестерин қон томирларда қотиб қолишига ва артерия тагига ёпишиб олишига сабабчи бўлади. Натижада томирлардаги оқим ёпилиб қолади, томирларда босим ошади ва бу гипертензиягача олиб келади. Ҳаммаси шундай юз беради. Депрессиядан гипертензиягача бўлган ҳиссиётлар тўғри маънода юраккача боради. Шундай тарзда ўз туйгуларини эркин намоён қилиш қон оқими учун тўсиқقا айланади. Бундай яллигланувчи реакция сурункали фрустация (қониқ маслик ва умидсизлик ҳиссиёти)га дучор бўлган одамларда ҳам пайдо бўлади.

“Стрессли кардиомиопатия” ёки “юкли кардиомиопатия” (яна уни ёрилган юрак синдроми ҳам дейишида) симптомларини тадқиқ қилишаёттанида фамгин ҳиссиётлар ва қон томирлари саломатлиги орасидаги боғлиқликни аниқлашди. Бундай ҳолат турли стресслар, масалан, қайфу (яқин кишисининг ўлими), қўркув, кучли ғазаб, ҳаяжон таъсирида пайдо бўлади. Тадқиқотлар натижаларига кўра ғазабини тийиб, уни ташқарига чиқишига йўл

қўймайдиганларда қон томирларининг эластиклиги пасайади, у эса қон босимининг ошишига олиб келади ва юракка қон келишини камайтиради.

Умуман фан ҳиссиётларни тийиб туриш, айниқса хавотир, маъюслик ҳамда ғазаб қон босими билан боғлиқ эканини тасдиқлайди. Ҳиссиётларни намоён қилиш ва саломатлик ўртасидаги алоқа ўпкага ҳам тегишли. Тадқиқотлардан бирида астма касалига учраган беморга “эмоционал зиёлилик”ни сингдиришди, уни дикқат ва эътибор терапиясига ўргатишиди. У распиратор симптомларини енгиллаштиради. Шу дамда ҳис этаётган туйфуларни тўғри номлашни ўргатишиди, қандай воқеалар унинг ғазабини оширган ҳамда бу туйфуни кучсизлантириш учун соғлом ёндашув танлашни таклиф қилишиди. Бундай “эмоционал зиёлилик” амалиёти бронхиал астма ривожланишини камайтирди ва саломатлигини яхшилашга ёрдам берди.

Ҳиссиёт соҳасидаги илмий тадқиқотлар унинг сут безларига ҳам таъсир кўрсатишини аниқлади. Масалан, аёлларнинг ўзига паст баҳо бериши, болалар тарбиясидаги муаммолар билан сут безлари саратони ўртасида боғлиқлик бор.

Сут безларида муаммолари бор аёллар ўзининг шахсий ҳиссиётларини тийиб, кўпроқ бошқалар ҳакида қайфурадилар. Аммо бундай қурбонлик амалда ҳеч кимга фойда келтирмайди, лекин сут безлари ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Ғазаб, умидсизлик, хавотирнинг узок давом этиши кортизол деб номланган стресс гормони ишлаб чиқарилишини бузади, натижада организм иммун ҳимоясини пасайтиради ва саратонни ривожлантиради.

Тадқиқотлардан бирида сут безларида саратони бўлган аёлларнинг 75 фоизи ўзини қурбон қилишга

мойил экани, бошқалар ҳақида ўзларини аямасдан қайғуриши таъкидланган. Сут безларининг сараторига келсак, уни суюкли одамларининг қўллаши бошқа одамларга тортиқ қилган муҳаббати ва ғамхўрлиги каби мухим ўрин тутади.

Мана энди тўртингчи ҳиссиёт маркази учун қўлланадиган ижобий қайғият назарияси ва фан изоҳлари билан танишганингиздан кейин бу касалликлардан кутулиш учун қандай чоралар кўрасиз?

Юрак касалликлари

Аритмия, кўкрак атрофидаги оғриқ, қон босими-нинг юқорилиги, ўзини ёмон ҳис қилиш хуружлари ёки артериал томирларнинг атеросклерози каби юрак муаммолари бор одамлар ўз ҳиссиётларини намоён қилишга қийналадилар. Руҳи хуфтонлик тоши остида бўлиб, ташқарига отилиб чиқишни кутиб туради. Вақти-вақти билан бунинг уддасидан чиқади. Бу кучли ғазаб, умидсизлик ёки умуман тушунарсиз ҳолатда кўринади, кейин ўзи билан овора бўлиб, бирданига индамас бўлиб қолишини кузатиш мумкин. Қайғиятнинг тушиб кетиши, бир ҳолатдан иккинчисига ўтиши, тўлиқ бепарвоникдан жон-жаҳди билан иштиёқقا берилиш, атрофдаги одамлар билан мулоқот қилишни жуда мураккаблаштиради.

Юрак ишига тегишли ҳамма симптомлар — биринчи қараганда ҳатто беозор кўринса ҳам жиддий бўлиши мумкин. Шунинг учун юрак безовталанишининг биринчи белгилари кўриниши билан шифокорга учрашинг. Ҳаракат ва фикрлаш тарзини ўзгартириб, саломатликка узоқ вакт эътибор бериш зарур.

* * *

Доимо тананғиз юбораётган саломатлик асосидаги муаммолар билан боғлиқ сигналларга дикқат қилинг. Сүңг фикрлаш тарзингизни ижобий қоидалар ердамида ўзгартириңг.

Масалан, кардиологик муаммолар одамнинг феъл-атворидаги қахри қаттиқлик, қувонч ва баҳтдан маҳрум ҳиссиётларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун қалбингиҳизни очиб, унга қувонч киритишингиз керак. Бундай ҳолатда қуидаги дастурлар жуда таъсирли бўлади: “**Қувонч. Қувонч. Қувонч.** Мен ақлим, танам ва бутун ҳаётий тажрибамни шодлик қоплашини мұҳаббат билан кутмоқдаман”. Ёқимсиз кайфият, ўзгармайдиган калтафаҳмлик ва ҳаётдаги яхшиликни кўришни истамаслик артерия эластиклигини пасайтиради ёки атеросклероз пайдо қиласи. Агар сиз шунга ўхшаш муаммоларга рўпара келсангиз, қуидаги дастурни такрорланг: “**Мен ҳаёт ва қувонч учун тўлиқ очиқман. Мен ҳамма нарсага мұҳаббат билан қарайман**”. Кондаги холестерин даражасининг юқорилиги қўпинча келажакдан қўрқиш ёки баҳтни қабул қила олмасликка боғлиқ бўлади. Юқори даражали холестерин билан боғлиқ қувонч каналларини очиш учун психологик қоида: “**Мен ҳаётсеварликни танлайман. Менинг қалбимда шодлик каналлари очиқ. Қалбимга шодлик киритиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ**”. Кон босимининг ошиши билан боғлиқ ҳал қилинмаган ёки эски ҳиссиётли муаммоларни осонроқ енгиш учун: “**Мен ўз ўтмишим билан хурсанд бўлиб хайрлашаман. Мен хотиржамман**” дастуридан фойдаланинг. Мана бир неча кардиологик муаммоларга

тегишли дастурлар. Агар ижобий психологик дастурларни аниқроқ танлагингиз келса, Луиза Хей китобини ўқиб чиқинг.

Юрагингизни ҳимоя қилишингиз учун керак бўлган муҳим иш — бу ўз ҳиссиётларингизни бошқариш ва муаммони енгилроқ бошдан ўтказишингиз учун уни ифодалашнинг маъқулроқ йўлини топиш. Ўз ҳиссиётларингизга кераклича диққатингизни жамланг, бунинг учун ўзингизни айбламанг. Шунчаки ҳиссиётни айнан нима келтириб чиқарганини аниқланг. Мулоҳаза юритиш қобилиятингизни ишга солиб, уларнинг илдизини топинг ва характеристини баҳолаш учун ҳис қилаётган туйфуларингизни таҳлил қилинг, сиз муаммони ечишга жавоб берадиган чап ярим шарларни ва ҳиссиёт томонини бошқарадиган ўнг ярим шарларни бирлаштиринг. Бу сизга ўзингиз учун, сўнг атрофдагилар учун туйфуларингизни яхшироқ ифодалашга ёрдам беради Туйфуларингизга эътибор берсангиз, уларнинг ривожланишини графика тарзида тасаввур қиласиз. Агарда сиз атрофдагилар билан мулоқот қилишда қийналсангиз, балки сиз ваҳимага тушганингизни ёки алоҳида вазиятларда дарғазаб бўлганингизни эслагандирсиз. Бундай вазиятларга ҳиссиётларингиз тўлқинланиб кетмаслиги ва меланхолия хуружига тушиб қолмаслик учун аста-секин кириш лозим.

Эҳтимол, туйфуларингиз билан кундалик тутиб ёки медитация амалиёти ёрдамида шуғулланмоқчидирсиз. Интернетда маъно жиҳатдан турли ҳиссиётлар билан боғлиқ сўзлар рўйхати бор. Ҳатто атрофдаги одамлар фойдаланадиган сўзлар маъносини тушуниш ва аниқлаш орқали ҳам сиз ўзингизнинг ҳиссиёт билан боғлиқ бўлган атамалар заҳирасини кенгайтирасиз.

Ўз туйфуларингизни ифодалашни ўрганганингизда одамлар билан муносабатларни осонроқ йўлга қўясим. Бу эса жуда муҳим. Сиз кучингиз борича таркидунёчиликка қарши қурашинг. Ўз ишларингиз бўйича одамлар билан қандайдир мулоқот қилишни мўлжаллаб, бир хафта олдин режалаштиринг. Масалан, кўнгилли сифатида вақтингизнинг бир қисмини ўсмирлар билан муносабатда ўтказинг. Бу болалар сиз каби ўзаро фикр алмашиб кўникмаларини ривожлантиришни ўрганишади. Агар сиз уларнинг муваффақиятлари ва муваффақиятсизликларини кузатсангиз, кўп нарса ўрганасиз.

Агарда сиз ўз ҳиссиётларингизни бошқаришни ўргансангиз, фикрларингизни тўғри, конструктив, асосийси, соғлом тарзда ифодалашни билсангиз организмингизнинг юрак муаммоларига дучор бўлишини камайтирасиз. Акс ҳолда умидсизлик, фазаб, қайфу, фам ва ҳатто севги ичингизни кемиради ва холестерин микдори ошиб кетади, қон босими кўтарилади, юрак-қон томир касалиги пайдо бўлади.

Клиник амалиётдан юрак касали ҳолатларининг тадқиқотларига

Муҳандис, компьютерчи Пол қирқ етти ёшда, у оила доирасида, уйда ҳамда ишда ўзини яхши ҳис қиласди. Аммо агар унга ўзи ўрганган одатдаги шароитдан ташқарига чиқишни таклиф қилсангиз, коктейль кечасигами ёки ижтимоий тадбирларга боришни айтсангиз, у аввалига хавотирга тушади, сунг ўзи билан ўзи бўлиб қолади. У ҳаёт тарзида атрофдагилар билан жуда кам мулоқот қилган. Ҳатто уйда оила даврасида қол-

ганида ҳам кечқурунлари күп вақтини компьютер ёнида үтказарди.

То Полнинг фарзандлари вояга етиб, уйидан кетмагунича ҳаммаси ажойиб әди. Үша пайтларда хотини унинг эътибори ва туйфуларини ифода этишига мұхтож бўлмаган. Аммо энди Поль унинг меҳрига меҳр билан жавоб берадиган ҳолатда эмасди. У аввалгидан кўра анча хавотирли ва камгап бўлиб қолган эди. Тез орада қон босими кўтарилиб кетди, аритмия бошланди ва кўкрак атрофида оғриқлар пайдо бўлди. Унга коронар артерия тикини деган ташхис қўйиши.

Полга юраги ва томирларини даволаш режасини тузишга ёрдам бериш учун қон айланиш тизими ҳақида тушунча бердик.

Юрак бу мушак, у кислород билан тўйинган қонни артериялар бўйлаб барча тўқималарга ҳайдайди. Артерияларда холестерин тиқилиб қолса, атеросклероз туфайли қайишқоқлигини йўқотади, унда одамларда гипертензия ривожланади ёки қон босими кўтарилади. Организмдаги артериялар кенг тармоғида коронар артериялар, яъни юракнинг артерияси бор. Уларда юқори холестерин ва атеросклероз туфайли тиқилма пайдо бўлса, юракка кислород етишмайди, бу эса кўкрак қафасида оғриқ ёки стенокардия хуружини пайдо қиласи. Коронар артерия кучли ёпилиб қолса ва шикаст кенгроқ бўлса, унда юрак мушаги хуруж пайтида тўхтайди ёки инфаркт миокарди бўлади.

Шундай қилиб Полнинг биринчи муаммоси атеросклероз эди. Аммо бундан ташқари коронар артерия касалидан ҳам қийналар эди. Унинг битта коронар артерияси блокировка қилинган кўкрак қафасидаги стенокардия туфайли эди. Инфаркт миокарди бўлмагани унинг омади. Поль томирларининг

90 фоиз блокировкасини тозалаш учун юрак-қон томирларининг катеризациясини тезкор ўтказишга қарор қилди. Лекин ҳаёт тарзини ўзгартирмаса, бошқа коронар артерияларда ҳам тиқилма бўлади. Полнинг бахтига атеросклерозни даволашнинг кўп усуллари бор, масалан, холестерин даражасининг пасайтириш ва артериал томирлар деворларининг қайишқоқлигини ошириш ҳам коронар артерияларни даволашга мўлжалланган.

Полда кузатилган аритмия билан қандай йўл тутса бўлади? Полга юрак ритмининг бузилиши — “вентрикуляр тахикардия” ташхиси қўйилди. Юракнинг ўнг томонида асаб толаларининг мураккаб тармоғи мавжуд бўлиб, Пуркин толалари деб номланади, улар юрак қисқаришининг частота ва ритмини тартибга солади. Агар уларга яқин жойлашган артериялар тикилиб қолса, унда юрак уришининг нормал ритми бузилади, аритмия, масалан, тахикардия ёки фибрилляция ривожланади. Пол вазиятида у нафақат артерияларнинг орасини очиши, шу билан юрак ритми бузилишига сабаб бўлган, бирга зааралangan асаб тизимининг ишлашини йўлга қўйиши керак эди.

Полни аритмиядан халос этиш учун медикаментоз воситаларни қўллаш ва унинг ҳаёт тарзини ўзгартириш зарур эди. Полнинг кардиологи медикаментоз даволаш муолажасида қисқа муддат нитроглицерин таблеткасини тил тагида (фақат юрак оғриганида) сақлашни, болалар аспиринини, верапил деб номланадиган кальций блокаторини, битта бета блокатор ҳамда холестерин миқдорини пасайтириш учун липитор тавсия қилди.

Бу медикаментоз воситалар оғриқни камайтиради, у касал қайталанмаслиги учун носоғлом одатларини ўзгартириши зарур эди.

Биринчи навбатда у юқори даражадаги хавотирланиши устида ишлаши керак эди. У фаол даволаниш курсини ўташ учун чекиш одатини ташлаш ва қўркувни йўқотиш мақсадида мутахассислар билан маслаҳатлашди. Поль сигареталарни асабийлашишга қарши восита сифатида чекарди. Маслаҳатчи ёрдамида тузилган дастурда узоқ вақт диққатга тегишли машқлар бажариш, хавотирни олиб ташлаш, қон босимини тушириш ва чекиш одатини ташлаш учун когнитив хатти-ҳаракатлар терапиясидан фойдаланиш тавсия қилинди.

Пол озиши зарур эди. Семириш сиз билганингиздек, холестерин даражасини оширади ва шунга яраша муаммолар кетма-кет бошланади. Шунинг учун биз Пол ҳар куни бажара оладиган маҳсус гимнастика тавсия қилдик. Велотренажерда 20 дақиқадан 30 дақиқагача шуғулланиши натижасида 20 фунтга озди.

Парҳезшунос олдига борди ва у поливитамибли препарат ва таркибида фолий кислотаси бор антиоксидантлар, B_6 , B_{12} , С витаминлари, кальций, хром, мис, рух, селен ҳамда альфа токотриеноллар буюрди. Тажрибали мутахассис даволашнинг схемасини тузиши керак, чунки улар аниқ ахволга қараб, тавсияларни ўзгартириши ва шифокор рецептига кўра дориларни бериши мумкин. Юқори қон босими учун стевия, дўлана, момақаймоқ дамламаларини қабул қилди.

Қўшимча озиқлардан бири қизил ферментли гуруч. Ловастин холестерин микдорини пасайтириш учун препарат бўлиб, қизил ферментли гуручдан синтезланади.

Юқорида санаб ўтилганларга қўшимча қилиб, яна бир муҳим қўшимча Q10 коэнзимни ёзиб беришди. Бу қўшимчани қабул қилиш ҳаётий зарурат эди,



чунки Поль статин липитор қабул қиласы. Статинлар юрак касалліктері хавфини камайтиришга қодир бұлсада, улар худди шундай Q10 коэнзим даражасини ҳам пасайтиради. Бу модда организмда табиий йүл билан пайдо бўлади, ҳамма хужайраларнинг ҳаракат қилишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Айнан шунинг учун унинг захирасини тўлдириб бориш зарур.

Агар Полнинг кардиологи липитор қабул қилиш салбий оқибатлари жуда оғир деб ҳисоблаганида эди, у Полни табиийрок, даволовчи режимга ўтказар эди. Аслида ловастин холестириин миқдорини камайтирувчи кенг тарқалган дори воситасидир. Антиоксидант Astxanthin carotenoid лосось, форель, креветка, сув ўтлари таркибида бўлади, у ҳам қондаги холестеринни пасайтиради.

У бошқа нарсалар билан артериал мембраналарни стабилизация қилиш учун ҳамда кайфият учун ДНА (докозагексаен кислота) қабул қила бошлади. У юрак ва мия ҳимояси учун ацетил-L-карнитин қабул қилди. Нихоят Сибир жеңешенини юракни мустаҳкамлаш ва депрессияни енгиллаштириш учун ичди. Шифокорнинг рухсати билан хитой табиига мурожаат қилди ва у нина муолажаси билан шуғулланди. Бу эвкоммияга ўхшайди.

Нихоясида стресс ва томирлар гипертензияси қайталамаслиги учун гипертензия оксигенация варианти ҳам күриб чиқилди, у бундан бош тортди.

Дори воситалари жисмоний касаллигига таъсир қилған бұлса ҳам хатти-ҳаракатлари ва кайфияти унинг оғир ажволини янада чуқурлаштиради. Үнга умумий юрак мушаклари ва томирларини мустаҳкамлаш учун қуйидаги психологик қоидани тавсия этдик: “Менинг юрагим муҳаббатта тўла”,

юрак касаллигига қарши кураш учун: “**Қувонч. Қувонч. Мен шодлик миям, танам ва бутун ҳаёттій тажрибамни әгаллашини муҳаббат ила кутаман**”, артерияларни мустаҳкамлаш учун: “**Мени шодлик тұлдирмокда. У мен орқали ҳар бир юрак уришида оқади**”, хавотир ҳиссини олиш учун: “**Мен ўзимга ёқаман, ўз ҳаракатларимни қўллайман, мен тез оқар ҳаётта ишонаман. Мен хавфсизликдаман**”.

Пол ҳиссиётлар ҳақида кўпроқ ўрганишни истарди. У дикқат билан ҳиссиётларга тегишли сўзлар рўйхатини ўрганди. Аввалига ўз фикрларини изҳор қилишни энг яқин одамлари билан амалга ошириди. Ҳиссиётлар тўлиб-тошганида тўхтаб туришни, бўлаётган воқеалар жойидан қочиб қолмасдан туйфуларини айтмай, ғазабланмасдан кузатишни ўрганди.

Ўз фикр ва ҳаракатларини ўзгартириб, Пол ўзини соғлом ва бахтиёр одамлар қаторида кўрди. Ўз ҳиссиётларини баён этиш ва уни ўраб турганларни тинглашни ўрганди.

Ўпка касалликлари

Ўпка ва нафас олишда муаммоси бор одамлар кўпинча бронхит, зотилжам, бурун оқиши, йўтал ҳамда иситмалашдан қийналадилар. Улар тўлақонли ҳаёт кечира олмайдилар, чунки улар ҳиссиёт булутлари орасидан нафас олишга уринадилар. Уларнинг ҳиссиётли сезувчанлиги ва бекарорлиги шу қадар кучлики, бир зумда энг баланд даражадан энг пастига тушади, ҳиссиётларига атрофда бўладиган нарсалар таъсир кўрсатади. Ўпкасида муаммоси борлар ҳиссиётларга берилувчан ва туйфуларни сингдириб оладиган бўладилар. Шунинг учун жамиятда ва одамлар билан муносабатлар-



да уларни ҳиссиётлар тұлқинлантирмаслиги жуда қийин.

Сиз йұталиш, акса уриш ва бурун оқишида нима қиласиз? Бириңчидан, бундай касалликларда дарров шифокорға мурожаат қилиш зарур. Сизнинг организмингиз бераётган нозик белгиларга эътибор беринг.

Нафас олишда муаммоси борлар, одамлар билан мuloқотда үзини тута олиш қобилиятига эътибор бериши керак. Сиз жуда ҳам атрофдагиларнинг ҳиссиётларига, уларнинг құрқувларига, асабийлигига, қайғусига таъсирчан бүлсангиз, астма хуружларига, шамоллаш ва гриппга ёки нафас олиш аязолари шамоллашига берилувчан бұласиз.

Үпка касаллигыда ҳам биринчи навбатда сизнинг ҳаракатларингизда күриниб турған салбий фикрлаш тарзидан қутулишингиз керак. Луиза Хей таклиф этган ижобий дастурлар кенг маънода тұлақонли ҳаёт кечиришга мүлжалланған. Шамоллаш ва гриппга қарши курашиш учун: “Мен хавфсизликдаман. Менга үзимнинг ҳаётим ёқади”. Йұталға қарши: “Менга эътибор беришмөкда ва мени қадрлашади, менга ҳамма ижобий муносабатда. Мени севишади”.

Үпка касалланиши — қисман зотилжам, эмфизема ва сурункали үпка касаллиги депрессия, фамгинлик ва құрқувга алоқаси бўлади.

Бунга қарши қуйидаги дастурларни тавсия этилиз: “Мен ҳаётни тұлалигича қабул қилишга қодирман. Мен мұхаббат ва ҳаётни жуда тұлақонли даражада кечираман”. Үпка касаллиги үзини эплай олмайдиган кучли ҳиссиётларга тұла бўлган одамларда кенг тарқалған. Эмфиземага келсак, у билан оғриған одамлар нафас олишдан ҳам қўрқишиади. Улар овоз чиқариб, такрорлаши керак бўлган

психологик қоида: “Менга түғилганимда тұлық ва әркин ҳаёт кечириш ҳуқуқи берилған. Мен ҳаётни севаман. Мен ўзимни севаман ва ардоқлайман. Ҳаёт менга ҳам меҳрибон. Мен хавфсизликдан” . Зотилжам ҳаётдан чарчаş, умидсизлик ва битиши қийин яраларға боғлиқ бүлади. Ҳаммасини бошидан бошлаш учун, эски яралар битиши учун қуидагиларни тақорорланғ: “Мен нафас ва ҳаёт ифори билан тұлған илохий фикрларни әркин қабул қиласаман. Бу янги дақиқа”.

Астма қыйналиб нафас олишга, бұғилиш ёки умидсизликка боғлиқ бүлади. Агарда сизде астма ёки бұғилиш хуружлари бұлса, қуидаги сұзларни медитация қилинг: “Мен ўз ҳаётимни бемалол хавфсизликда бошқара оламан. Мен әркинликни танлайман”.

Сиз шундай тарзда янги нарсаларни идрок қилингиз, ижобий кайфият дастурларини билиб фойдаланғанингиздан кейин салбий фикрлаш тарзингиз ва ҳаракатларингиз ўзгара бошлайди. Бу сизнинг ҳаётингиздаги жиддий давр. Шунинг учун сабрли бўлинг. Эски одатлар шаклланишига анча йиллар керак бўлган. Уларни тарк этиш учун ҳам анча вақт керак. Аммо сиз уни уddeлай олишингизга ишонамиз.

Ўпкасида муаммоси бор одамлар ўзларининг ҳиссиятларини тийиб туришни ўрганишлари керак. Ўз ҳисларини тұлқынлантирасликлари ва бошқа одамларнинг түйғулари жуда кучли таъсир күрсатмаслиги учун күп нарсага ўрганишлари керак. Балки бу нотабиий кўринар, интуициянгизга қарши бўлса ҳам бунга эришишнинг ягона йўли шахсий ҳиссиятларингизга янгича муносабатда бўлишингиз ва уларга мослашиб керак. Амалиёт, масалан, медитация фикрларингизни тинчлантиришга кодир.



Үнинг ёрдамида шахсий хавотирларга хотиржам қарашни ўрганасиз. Ўз миянгизни қайта дастурлашингиз мумкин. Шу туфайли сиз ўз ҳиссиётларингизни назорат остида ушлаб турасиз ва улар пайдо бўлганда жўшиб таъсиранмайсиз.

Яна бир амалиёт — “тайм-аут” ёрдамида жўшкин ҳиссиётларни бошқара оласиз. Ўтмишдаги эмоционал чайқалишларга назар ташланг ва улар нима сабабдан юз берганини аниқлашга ҳаракат қилинг. Уларни нима қўзғатган? Пайдо бўлишига нима **сабаб** бўлган? Улар нимага асосланган? Агар сиз шундай шартли омилларни аниқлаб олишнинг удасидан чиқсангиз, организмингиз реакциясини олдиндан кўра оласиз ва таъсиранли юз беришига йўл қўймайсиз. Аввалига ўхшамайди. Аммо оқибатда ҳаммаси ўхшайди. Яқинлашаётган эмоционал портлаш белгиларини аниқлаб олишни ўргансангиз, уларга конструктив жавоб қайтарасиз. Хавфли, кескин тус олган вазиятдан нари кетиш ёки шунчаки ҳиссиётларни қизғинлигини пасайтириш учун, бефарқ идрок қилиш учун “тайм-аут” олинг. Психологик ҳолатингизга, ижобий фикрлашингизга эътиборли муносабатингиз кундалик одатларингизнинг бир қисмига айланади. Сиз ўз ҳиссиётларингиздан унчалик кўп узоклашмаслигингизни тушунасиз.

Мана шундай ҳаракатлар ва дастурлар сизни ҳиссиётли вазиятларда вазмин бўлишингизга ёрдам беради. Агарда сиз ўпкангиз соғлом бўлишини истасангиз, ўз туйфуларингизни босиклик ва вазминлик билан ифодалашни ўрганинг. Вазмин ва босик бўлиш, ҳамма нарсани назорат остида ушлаш ва бу ҳолатда ҳам жуда таъсиранлик ва сезгирилик — жамиятга керакли бўлишдир. Ўз ҳиссиётларингизни ҳаётингиз учун муҳим одамлар эҳтиёжларига

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛАДИ
мослаштиришни ўрганинг. Тўртингчи ҳиссиёт мар-
казидаги аъзоларнинг секин-аста ахволи яхшилани-
шини кузатинг.

Клиник амалиётдан ўпка касалликлари ҳолатларининг тадқиқотларига

Менинг беморим Мэри олтмиш ёшда, ўзини “одам ҳиссиётларининг қуюни” деб тасвирлайди. У доимо тегма нозик бўлган, кайфияти атрофда-
гилар билан муносабатларига, об-ҳаво ва банкдаги ҳисобларига боғлиқ бўлган. Унинг сўзларига қа-
раганда кулиб туриб, бирданига йиғлаб юбориши мумкин.

Ўзининг энг яхши онларида иштиёқлари тў-
либ-тошади ва ёмон пайтда — бекарорлик. Мэри ҳеч ниманинг ярмини қилмайди. Бунга ўзининг туйгуларини қанчалик чукур ҳис қилиши ҳам ки-
ради. Мэри кайфиятининг тушиб кетиши, дўст-
ларини толиктиради. Улар ҳеч қачон Мэридан қандай хатти-ҳаракатни кутишни билмасдилар.
Маълум бўлишича, у ҳар доим қандайдир янги драмани бошидан ўтказар экан. Мэри нима учун ҳиссиётларини назорат қилолмаслигини аниқлаш учун терапия курсини ўтказди. Бир психиатор 2-даражали биополяр бузилиш деган ташхисни, бошқаси эса шахснинг чегараси бузилган ташхиси-
ни қўйди. Ташхислар ҳам, даволаш вариантлари ҳам Мэрини турғун ўзаро муносабатларда муво-
занатни сақлашга ва иш жойини йўқотмасликка ёрдам бера олмади.

Мэри вояга етганидан бери астмадан қийналарди. Касаллик хуружларига қарши стероидлар қабул қилганида кайфияти ёмонлашини сезиб қолди. Ўсмирлик даврига келганида, ўпка учун зарарли



эканини билса ҳам Мэри чекишни бошлади, чунки кайфиятнинг тушиб кетишига қарши ягона чора деб ўйлади. Энг кучли хуружларда одатдагидан кўра кўпроқ чекарди. Бир куни кечаси йўтал хуружини тўхтата олмади ва натижада “Тез ёрдам” палатасига тушди. Даволовчи шифокор чекишни ташлаш тўғрисида огоҳлантирди. Унда эмфизема касаллигининг бошлангич босқичи ёки сурункали ўпка касалининг бузилиши бошланаётган эди.

Мэрида иккита тиббий муаммо — кайфият ва ўпканинг аҳволи бор эди. Ўпкасини мустаҳкамлаш учун олдин кескин тушиб кетадиган кайфияти билан шуғулланиш керак эди. Айнан биз шундан бошладик.

Мэри унинг кайфияти билан боғлиқ муаммоси қандай аталишини билишни истарди. Бу депресиянинг оғир шакли эдими? Иккинчи даражали биополяр бузилишми? Замонавий психиатрия бизнинг ахлоқий ташвишларимизни енгиллаштириш чораларини излаб топиш учун кўп иш қилган. Бошқа тиббий соҳалардан фарқли ўлароқ қон таҳлили, КТ сканирлаш, МТР ёки бошқа объектив усуслар ёрдамида аниқ ташхис қўйиш мумкин. Унинг ўрнига психиатор ҳамшира ёки бошқа тиббий ходим беморда бор белгиларни текшира бошлайди ва бу руҳий касалликлар белгилари билан солиштирилади. Қўйилган ташхисни инкор қилиш учун ҳеч қандай асослар қолмайди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда, Мэрига учта психиатор уч хил ташхис қўйди, унга кайфияти тушиб кетганида, шунга мос даволовчи чоралар мухим эди.

Оқибатда Мэри қўйилган ташхисга эътибор бермай, бутун бир бригада уни даволашига рози бўлди. Уларнинг асосий иши мақсадли режа тузишдан

иборат эди. Ўз маслаҳатчиси ёрдамида Мэри эмоционал белгилар рўйхатини тузиб чиқди.

Унда мана нималар ёзилди:

- Ҳар куни кайфияти тушиб кетади.
- Кайфияти атрофда бўлаётган нарсаларга боғлиқ равишда ўзгаради — омадли кун ёки ёмон характерли раҳбар билан учрашув, улар турғун бўлмаган ҳолатлар тоифасига киради.
- Мэри кўп овқат еб юборарди, узоқ ухлар, ўзига паст баҳо берар, чарчок, диққатини йиға олмас ҳамда умидсиз эди (депрессия, дистимия, сабабсиз кайфият бузилиши).
- “Йўлга оид фазаб”ларни ўз ичига оладиган, жўшқин ҳиссиётли хуружлар бўлиб турарди. Бир-икки марта ўзгалар билан муштлашиб кетган.
- Унинг белгиларига антидепрессантлар таъсир қиласлигини тушунган.
- Баъзида уни ташлаб кетгандарида оғир дамларни бошидан ўтказарди. Бундай дамларда ўз жонига суиқасд қилгиси келарди, аммо бу даҳшатли туйғулар тезда ўтиб кетарди.

Мэрини даволовчи бригада диалектик ҳаракатли терапия деб аталадиган усулдан фойдаланишини унга тез ўргатиши. Тибет буддизми ва диққатни жамлашга асосланган, кайфиятни бир маромда ушлаб турадиган кундалик ишини тартибга соладиган маҳсус усулларни ўрганди. Мэрида очофатлик ва уйқуга бўлган мойиллик камайди. Ўз фазабини босишни ва танқидий таҳлил ёрдамида ўткинчи фикрларни тутиб туришни ўрганди. Бу жараёнда нисбатан оғир ҳаётий вазиятларни ҳам тушунса бўладиган қисмларга бўлиш мумкинлигини билиб олди. Ҳар бирида тинчланишини ўрганди. Ҳар ҳафтада унга икки соатлик икки машғулот ва битта бир соатлик машғулот белгиланган эди. Машғулот-

лар таъсир қилувчи усууллар ёрдамида мураббий билан бирга ўтарди.

Эмоционал тренингдан ташқари у минимал миқдорда медикаментоз воситаларни аҳволини бир ма-ромда ушлаб туриш учун қабул қила бошлади. Мэри бунда топамакс, антидепрессантдан фойдаланди.

Сўнг ўпкаси билан боевлик касалликни даво-лашга ўтдик. Астмада трахея (бүғиз) ва бронх-лар қатор сабабларга кўра жуда ҳам таъсирчан бўлиб қолади: аллергия, дори воситалари акс таъсири, сигарет тутуни ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мэри аксирганида, бўғилиб қолганида, йўталганида классик стимуллаштирувчи восита альбутерол ёки вентолин деб номланувчи ингалятордан фойдаланаарди. Бир марта сепганида енгиллашарди. Енгиллашиш узоқ давом этмаса, шифокорлар сти-муллаштирувчи модда ва стероид дозасини оши-рарди, улар аллергик, астма асосида ётган ауто-иммун реакциясини пасайтиарди. Баъзида булар ҳам етарли бўлмасди.

Мэри каравоти бошида узоқ таъсир этувчи ингалятор мосламаси — небулайзер турарди. Шу нарса туфайли доривор восита нафас йўлларига чуқурроқ сингирди. Айниқса қийин пайтларда сте-роидларни аллергик реакцияни камайтириш мақсадида қабул қиласди. Тезда Мэри дори воситаларининг кайфият тушишига, остеопороз ҳамда семи-риб кетишига таъсири борлигини тушунди. Мэри лейкотриен ингибитори, хусусан сингулярни қабул қилди, астма симптомларини енгиллаштириши билан бирга иммун тизимиға кучли зарба берди. Бу дори воситаларининг акс таъсири бор, улардан фойдаланишдан бошқа йўл йўқ эди, улар ҳаётини сақлаб қолди.

Аммо кейинчалик Мэри терапевтик усулларга ижобий кайфият ва “ғамхұрлик” дастурини құшди. Шунга күра чекиши ташлади ва хотиржам бўла бошлади. Бу эса астма билан боғлиқ ўпка муаммоларини камайтирди.

Кейинги пайтларда Мэри ҳар ойда пульмонолог текширувига бора бошлади. Сұнг нина муолажаси мутахассиси ва ўт билан даволовчи хитой табибиға мурожаат қилди. Распириң экстрати, Smooth Andrijgrahis чой таблеткаларини бронхларни даволаш учун ва бошқа турли доривор ўтлар дамламаларини нафас муаммоларини йўлга қўйиш мақсадида ичди.

ДТП бўйича Мэри машғулотлари тугаган бўлса ҳам, у “ғамхұрлик” амалиётидан фойдаланаарди. Саломатликни умумий тиклаш учун ижобий психологик қоида: “Мен ҳаётни бор мувозанати бўйича қабул қиласман”. Ўпка муаммоларини даволаш учун: “Мен ҳаётни бор мувозанати бўйича қабул қиласман. Мен бутун ҳаётимни муҳаббат билан яшайман”. Эмфиземага қарши: “Мен туғилгандан бошлаб бор кучим билан эркин яшашга ҳақлиман. Мен ҳаётни тўлақонли ўзлашираман. Мен муҳаббат билан яшайман ва тўйиб нафас оламан”. Нафас олиш аъзолари шамоллашининг олдини олиш учун: “Мен муҳаббатга лойикман”.

Мэри тўлиқ тузалиб кетиш учун шундай муолажаларни бажарди. У ҳаёт тарзини ўзгартирди, камроқ хавотирланарди, салбий хаёлларини жиловлади ва натижада оғриқларсиз ҳаёт бошланди, нафас олишда муаммолари қолмади.

Сут безларининг касалликлари

Сут безлари, киста, мастопатия, шиш ва ҳатто саратон муаммоси бор эркак ва аёллар бошқаларга ғамхўрлик қилишга, ардоқлашга мойил бўлади. Бундай одамлар ўз муаммоларини эмас, бошқаларникини ҳал қиссалар ўзларини хотиржам сезадилар. Ўз ҳиссиётларини яширадилар ва қандай бўлмасин муносабатларни бир хилда ушлаб турадилар. Экстремал ҳолатларда ҳам ҳеч қачон хоинлик қилмайдилар, ҳеч қачон нолимайдилар, мингириламайдилар, ҳеч қачон шикоят қилмайдилар. Ҳар доим улар ташқаридан тўла-тўқис кўрина дилар.

Агарда сиз табиатан раҳмдил бўлсангиз, оғир аҳволда қолган одамга ғамхўрлик қилиш қийин бўлмайди. Биз сизга тезда кимлигингизни унугиб, суюкли, ғамхўр, раҳмдил одам бўлинг демаяпмиз. Аммо сиз ўзингиз ҳақингизда кам қайфураётганингизни, шижоат ва фидойиларча атрофдагилар устида қайфуришингиз ҳакида ўйлаб кўришингиз керак. Ўзингиз севадиган одамларга бошқа йўл билан ғамхўрлик қилишни ўйлаб кўрарсиз. Унда мувозанатли ҳаётнинг рецепти қандай?

Ҳар доимгидек, агар сизни сут безидаги шиш ёки оғриқ безовта қисса, айниқса яқин қариндошингиз шундай касал билан оғриган бўлса, тезда шифокорга учрашинг. Сиз сут безларингиз саломатлиги бўйича узоққа мўлжалланган режа тузишингиз керак. Бу сизнинг одатланган ҳаёт тарзингиз ва ҳаракатларингизни ўзгартириш демакдир.

Келинг, Луиза Хей яратган ижобий қайфият тизимига қайтамиз. Сут безлари бевосита ғамхўр бўлишингизга боғлиқ. Аммо ғамхўрлик икки томонлама — ҳам жисман, ҳам руҳан бўлиши керак. Руҳий мувозанатни тиклаш учун психологик қои-

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛАДИ
да: “Мен жисиммега идеал мувозанатланган тарзда
ёрдам бераман”.

Жумладан, сут безларида муаммоси бор одам-
лар ўзи ҳакида ғамхүрлик қилишдан бош тортиб,
доимо бошқа одамлар ҳакида ўйлайди. Бундай но-
мутаносибликни тузатиш учун психологик қоида:
“Мен эътиборли одамман. Мен аҳамиятта эгаман.
Мен ўзимни ўзим муҳаббат ва қувонч билан ҳис
қиламан. Мен бошқалар эркин бўлишига имкон
бераман. Бизнинг ҳаммамиз эркинимиз ва хавф-
сизликдамиз”.

* * *

Тўртинчи ҳиссиёт марказида мувозанат-
га эришиш вазифаси қисман маҳфий бўлган
фикрларни ифода этишдан иборат бўлади.
Бошқа одамлар сингари яхши кайфият ва
кайфият тушиши сизга ҳеч қандай муаммо
пайдо қилмайди, аммо қўрқув, қайгу, умид-
сизлик, чарчоқ, газаб ёки тушкунлик каби
салбий ҳиссиётларга қаршилик кўрсата ол-
майсиз.

Бу ҳиссиётларни қандай намоён этишни ўрганиш
керак? Асосийси, ишга шошилмасдан аста-секин
киришиш лозим. Яхшими-ёмонми ҳиссиётларни на-
моён қилиш — ҳаётий муҳим эҳтиёж, қутқарувчи
аҳамиятга эга, ҳозирги дақиқанинг ўзидаёқ ҳиссиёт
деворини бузишингиз мумкин. Бунга эришишнинг
икки характерли хусусияти бор: ҳаётингизда мав-
жуд бўлган, вақти-вақти билан ички моҳиятини
намоён қилиб турадиган одамларга нисбатан шах-
сий ҳиссиётларингизни баҳоланг, сўнг ўзингизга
“ҳиссиётли доя”ни топинг.



Кўпгина одамларда биринчи қадам мураккаблиги идроки билан боғлиқ бўлади. Шахсий ҳиссиётларингизни баҳолаш бошқалар билан бўлган реал ўзаро муносабатларни яхшироқ англашингизга ёрдам беради. Доимо баҳтли ҳолатда бўлишингиз — бу бошқа одамлар сизни яхши кўришлари учун сабаб эмас. Улар сизни шунчаки сиз бу сиз бўлганингиз учун яхши кўрадилар. Улар сизни ва сизнинг одамийлигингизни қабул қилишади. Дўстларингиз умидсизликка учрасалар, сиз уларга ёрдам бергингиз келади. Табиийки, улар худди шундай ғамхўрликни бошқа одамлар учун қилгилари кела-ди. Улар хафа бўлишганларида, сиз сабр билан бу туйгуларни қабул қиласиз. Агар сиз ғазаблансангиз ёки умидсизликка дучор бўлсангиз, улар ҳам сабр билан худди шундай тарзда муносабатда бўлиша-ди. Дўстларингиз ҳар доим идеал бўлмасангиз ҳам сиздан воз кечмайдилар. Ҳақиқатан ҳам туйгуларни очик ифода этиш ва эмоциялар тўлиқ спектри сизнинг ўзаро муносабатларингизни чукурроқ қиласи-ва мустаҳкамлайди.

“Ҳиссиётли доя”га келсак, бу тушунча остида кимнидир, психиатрими ёки дўстними топиш керак, у сизни салбий ҳиссиётларингизни ифодалаганда хавфсиз кўрфазга таклиф қиласи. Ундан сизни тинглашини сўранг. Сиз ўз қайфунгиз, нафратингиз, мавжуд вазиятдаги умидсизлигинги ҳақида гапиришни ўргансангиз, сиз тилдан унумли фойдалана бошлайсиз.

Шунчаки тушунинг, салбий ҳиссиётларни ифодалаш сизда нимагадир салбий муносабат бор де-гани эмас. Агар қонуний арз-шикоятларни сизни ўраб турганлар билан муҳокама қилсангиз, қолоқ қарашлари бор минfir-минfirга айланиб қолмай-сиз.

Шунинг учун ўз ҳаётингизда куйидаги соғлом психологик дастурдан фойдаланинг: “Мен ўз ҳиссиётларимни очик, чиройли ифодалаяпман”. Ўз туйгуларингизни ифодаланг ва тўртинчи ҳиссиёт марказингизда яхши ҳиссиётлар саломатлиги қарор топади.

Клиник амалиётдан сут безлари касалликлари ҳолатларининг тадқиқотларига

Ўттиз икки ёшли Нина ким унга муҳтоҷ бўлса, шунга она бўла оларди. Уйига бир арава меҳмонлар бостириб келса ҳам кутиб олишига ишонса бўларди ёки оғир кунларни бошидан ўтказаётган дўсти учун тансиқ таом тайёрлаши мумкин эди. Кўнгиллилар сифатида бошпанасизларга, болаларга ва муҳтоҷ аёлларга ёрдам берар, мамлакатга энди кириб келган муҳожирларга инглиз тили дарсларини ўтарди. Ҳатто оғир ва умидсиз дамларда ҳам Нина яхши кайфиятда бўларди.

Ижтимоий воситалар мулоқоти пайдо бўлишидан анча илгари ҳам Нина ҳаётининг ҳамма босқичларида дўстлари билан контактда бўларди. Ундан ташқари Нинанинг эри ва тўртта боласи бор эди. Кўпчилик унинг ҳаётдаги шунча қийинчиликларни қандай енгишига ақли етмасди. Мана кунлардан бир кун шифокорнинг оддий кўригида сут безида озгина қаттиқлашган жойни сезиб қолиб, унга бе-зарар фиброкиста касаллиги ташхиси қўйилди.

Сут безининг фиброкистози — бу саратон эмас. Бу ҳолатда сут безларининг биректирувчи тўкимаси баъзи жойларда қалинлашиб қолган бўлади. Кўп одамлар буни касаллик эмас деб ўйлади. Шунга қарамай Нина хавотирлана бошлади. Унинг



онаси кўқрак бези саратонидан вафот этган эди, шунинг учун у мендан сут безларини соғайтириш учун ёрдам сўради.

Мен қилган ишимнинг биринчиси — Нинага Христина Нортрупнинг “Аёл танаси, аёл донишмандлиги” деган китобини ўқиб чиқишини тавсия қилиш бўлди. Бу китобда сут бези саломатлигига бағишлиланган маҳсус бўлим бор. Мен соғломлаштиришнинг унга бағишлиланган маҳсус дастурини тузмоқчи эдим.

Мен Нина билан атрофидаги одамлар нима учун унга гирдикапалак бўлишга мойиллиги борлигини муҳокама қилмоқчи бўлдим. Сут безларининг қаттиқлашиши организмида нимадир носозлигини билдиради. Унинг интуицияси бошқа одамлар устида фамхўрлик ва умуман ҳаётдаги барча нарсага фидойиликни аллақачон тўхтатиш кераклигиги огоҳлантиради. Нинанинг ҳаёт тарзи буйрак усти безига қўшимча юклама бўларди, гормонлар балансининг бузилиши экстроген даражасини оширади. Бу гормонал ҳолат хужайраларнинг ортиқча ўсишига олиб келади.

Нинанинг экстроген даражасини минималга тушириш учун ўзига тўғри овқатланиш рационини тузиши даркор эди. Бунинг учун ҳайвон ёғи микдорини камайтириши керак эди, чунки айнан ҳайвон ёғи организмда катта микдорда экстроген ишлаб чиқишига сабабчи бўлади. У озиқлантирувчи тўқималарга бой рационга ўтди. Бу организмдан экстрогенни ахлат ёрдамида чиқариб юборишга ёрдам беради. Брокколи, карам, тўқ баргли сабзавотларни истеъмол қилиш, индол-З-карбинол ёрдамида организмдаги экстрогенни мувозанатлаштиради.

Экстрогенни ишлаб чиқишини камайтирадиган рациондан ташқари, Нинага организм учун фойда-

ли оқсил маҳсулотлари ейишни (масалан, денгиз маҳсулотлари, товук гүшти ва сут маҳсулотлари) маслағат бердик. Ундан ташқари нонушта, тушлик ва енгил кечки овқат углеводсиз бұлиши керак әди. Биз алкоголни кунига бир ёки икki порцияга чекладик.

Кейин озишига ёрдам бериш мақсадида аэробика билан шуғулланиши учун машқлар түпладик, ҳар куни 30 дақиқадан шуғулланди.

Сут безлари саратонининг олдини олиш учун унга антиоксидантлар, селен ва коэнзим Q10 буюрдик.

Нина депрессиядан даволаниши керак әди. Психиатрга қайғусини енгишга ёрдам бериш учун мурожаат қилди. Энг яхши дугонасидан “хиссиётли доя” бұлишина сұрады.

Нина атрофдагилар ва ўзи ҳакида ғамхұрлық қилиш балансини түғрилаш, күкрап саломатлигини тиклаш учун қуйидаги психологияк қоидадан фойдаланди: “Мен ёрдамни қабул қиласман ва ўзгаларга идеал ёрдам бераман”. Күкрап бези касаллигига қарши: “Мен эътиборли одамман. Мен аҳамиятливман. Энди мен ўзим ҳақимда ғамхұрлық қиласман, ўзимга қувонч ва муҳаббат билан күмаклашаман. Мен бошқаларга ўзлари ҳақиқатан ким бұлсалар шундай қолишига эркинлик бераман. Биз ҳаммамиз хавфсизликдамиз, ҳаммамиз эркинмиз”. Депрессияга қарши: “Мен бошқа одамларда бор күркүв ва чекловлар чегарасидан чиқаман. Мен ўзимнинг ҳаётимни ўзим яратаман”.

Ҳаёт тарзи ва фикрлашини ўзгартириб, Нина 20 фунтга озди, саломатлигини тиклаш йўлида факат қувончли ва ижобийларинигина әмас, ҳар қандай хиссиётларни түғри ифода қила бошлади.

**Түртінчи ҳиссіёт марказида
ҳаммаси жойида**

Юрак, сут безлари ҳамда үпкани соғломлаштириш ҳақида гап кетганида, тан олиш керакки, әркаклар ҳам, аёллар ҳам дориларни қабул қилишга тобе булыб қолмасликлари керак. Фақат озиқ ёки үсимликлар дамламаларидан ҳам күтилған натижажа бұлмайды. Саломатлик ҳақидаги бу муаммолар мудолжаси тиббий йүл билан шифокор назорати остида олиб бориши керак. Аммо түртінчи ҳиссіёт марказида саломатликка эришиш учун үз шахсий әхтийжаларингиз ва атрофингиздаги одамлар әхтийжаларини мувозанатда сақласангиз узок вактли самарага эришасиз.

Ҳиссіёт борасида сиз жуда кучлисиз. Демак, ҳаммаси жойида.



8-БОБ

ГАПЛАШИШГА МАВЗУ БОР



***Бешинчи ҳиссиёт маркази — оғиз
бүшлиги, бўйин, қалқонсимон безлар***

Бешинчи ҳиссиёт маркази саломатлиги, сизнинг нақадар яхши муомала қилишни билишингизни кўрсатади. Агар сиз мuloқot пайтида, эшишишни билмасангиз ёки ўз фикрингизни яхши ифодалай олмасангиз, оғиз бўшлиғи, бўйин ва қалқонсимон безларингизда муаммолар пайдо бўлади. Бешинчи ҳиссиёт марказидаги саломатлик калити — кундаклик ҳаётда мувозанатланган мuloқotга эришишdir.

* * *

Ёдингизда бўлсин, мuloқot — бу икки томонлама ҳаракатли йўл. Одамларни эшишиш ҳам, гапириш ҳам муҳим. Самарали мuloқot эшишишни билиш ва тингланиш имкониятига эга бўлишда кўринади. Ўз нуқтаи назарингизни сухбатдошингизга етказиш, шундай маълумотни тўғри талқин қилиш ва бошқалар билимларига мос равишда ҳаракатларингизни ўзгартира олиш муҳим аҳамиятга эга.

Заарланиш ўчоfiga ёмон алоқа кўникмалари таъсир кўрсатган бўлиб, улар бошланғич муаммони келтириб чиқарувчи фикрлаш тарзи ва ҳаракатларга боғлиқ. Учта алоқага оид муаммолар бешинчи ҳиссиёт марказида кўпинча касалликлар келтириб чиқаради. Оғиз бўшлиғидаги касалликлар, бунга

тиш, жағ ва милклардаги муаммолар ҳам киради, күпинча күнгли қолганини ифодалай олмайдиган ёки уни эплай олмайдиганларда учрайди. Умуртқа поғонасинг бўйин қисмидаги муаммолар, ҳатто доимий мулоқот кўникмалари бўлган тақдирда ҳам айрим вазиятларда ёмон мослашадиган ва кўпинча сухбатдошидан кўнгли совийдиган одамларга хос бўлади. Қалқонсимон безларида муаммоси бор одамларда кўпинча интуиция кучли бўлади, аммо уни ифодалай олмайдилар, атрофдагиларнинг маъқуллашига ёки ишончини орттиришига умид боғлади.

Бу бобда йўналишнинг ўзига хос хусусиятини мұхокама қиласиз, ҳар бир аъзо ва тананинг қисмларини англаб оламиз. Шунчаки буни эслаб қолинг. Агар сизда қалқонсимон безларингизда, жағ, умуртқа поғонасинг бўйин қисмida, томоқ, оғиз бўшлиғида муаммолар бўлса, унда танангиз алоқа кўникмаларингизни таҳлил қилиш вақти келгани ҳақида сигнал беради.

Бешинчи ҳиссиёт маркази фан ва ижобий кайфият назариясида

Луиза Хей томонидан шакллантирилган ижобий кайфият назариясига кўра умуртқа поғонасинг бўйин қисми, жағ, қалқонсимон безлар ва оғиз бўшлиғи саломатлиги фикрнинг овозда ифодаланишига боғлиқ. Аниқроқ гапирганда, томоқдаги муаммолар баланд ва аниқ гапиришнинг иложи бўлмаган ҳамда ижодий туйғуси бўғиб қўйилганда бошланади. Бодомсимон безлар атрофининг йиринглаши ўз қизиқишлигини ҳимоя қилолмаганингизда сизга нима зарурлигини кучли ишонч билан айта олмаслигинизга боғлиқ. Ўзингизни намоён қилишдан

қўркув “жони ҳиқилдоғига келди” ҳиссиётiga тўғри келади.

Томоқдан сал пастга тушсак умуртқанинг бўйин бўлимидаги муаммолар ўз фикрининг ҳақлигига ишонч билан боғлиқ. Бошқа одамнинг фикрлаш тарзини қабул қила олмаслик, энса мушаклари ва умуртқа поғонасида муаммолар борлигини билдиради.

Ижобий кайфият назариясига кўра, қалқонсимон безлардаги муаммолар одатда, агар одам доим камситилса ёки унга қилмоқчи бўлган нарсасини қилишга йўл қўйишмаса пайдо бўлади. Ўзининг айтганида туриб олмаслик гипотиреоз ривожланишига мойилликни ривожлантиради. Бундай касалликка умидсиз ҳамда истакларини тийишга мойил одамлар йўлиқадилар.

Тиббий фан бешинчи ҳиссиёт марказидаги бўйин, қалқонсимон безлар ва оғиз бўшлиғидаги касалликлар, айнан ақл ва тана орасидаги боғлиқлик ҳақида нима дейди?

Қалқонсимон безлар — одам организмидаги энг катта эндокрин безидир, у ҳамма гормонлар таъсирига жуда ҳам сезирдир. Одамнинг мулоқот қилиш қобилияти унга юқори даражада таъсир қиласиди.

Аёллар эркакларга қараганда қалқонсимон без касалига, айниқса менопауза пайтида берилувчан бўладилар. Илмий тадқиқотлар бу ҳолатни аниқлаштирганда, эркаклар ва аёллар биологик жиҳатдан фарқ қилишида эканликларини таъкидлайдилар. Қалқонсимон безларда муаммолар гормонал ривожланиш авжга чиққан пайтда, тестостерон, экстроген ва прогестерон даражаси ошганда кўринади, сўнг эса аёл организмидагормонлар энг паст даражага тушганида, олимлар гормонлар аниқ

нисбатда бүлмаслиги қалқонсимон безлар ишига халақит беради деб ҳисоблашади.

Агар умумий хулоса қылсақ, әркакларда тестостерон юқори бүлади, биологик ва ижтимоий жиҳатдан ғайратли бүлишга мойил, айниқса фикр алмашишга келганида. Ортиқча тиришқоқлик ва ўзини ҳимоя қилолмаслик, қизиқишиларини кўрсата олмаслик қалқонсимон безларда бузилишлар ривожланишига имкон беради. Аёллар менопаузага тушгунларича, уларнинг организмларида экстроген ва прогестрон даражаси кўтарилади. Аммо бошқа омиллар ҳам алоҳида роль ўйнайди. Фикрлаш тарзи, ҳиссиётлар ва тил бир-бири билан чамбарчас боғланган, гормонлар даражасига таъсир кўрсатади. Менопаузаси тугамаган аёлларда одамлар билан мулоқотдан, жizzакилик ва таъсирчанликдан қочишга ички мойиллик бор. Кўпинча улар яхши муносабат ва оила ришталарини сақлаш мақсадида, ўйлаётганларини очиқласига гапиравермайдилар. Бундай мулоқотнинг характеристи кескин вазиятни келтириб чиқаради, аммо аёл учун шахсий эҳтиёжларини қониқарли кильмаса-да, ёш пайтиданоқ қалқонсимон безлар касалликлари бошланишига сабаб бўлиши мумкин.

Менопаузадан кейин аёлларда мулоқот характеристи ҳамда қалқонсимон без касалликлари пайдо бўлиш частотаси ҳам кескин ўзгаради. Ҳақиқатан ҳам аёлларда менопаузадан кейин қалқонсимон безлардаги бузилишлар әркаклар ва ёш аёлларга нисбатан кўпроқ бўлади. Менопаузага кирганда экстроген, прогестерон ва тестостерон нисбати бузилади, биринчи иккитасиники кескин тушади, учинчисиники кўтарилади. Бу даврда аёллар таъсирчан бўлиб қоладилар, ўз хатти-ҳаракатлари ҳақида камроқ ўйлайдилар, атрофдаги одамлар ва оила аъзола-



рига муаммо туғдиради, қалқонсимон безларда бузилишлар частотаси кучаяди. Менопаузадан сүнг аёллар биологик жиҳатдан жамиятда ўз ўрнини кўрсата оладилар, шиддат билан жавоб берадилар, файратли бўладилар. Аммо ўз эҳтиёжларини ифода қилолмаслик ёки ўз истакларини айта олмаслик ва яхши мулоқот қилишни билмаслик қалқонсимон без касалликларига олиб келади. Агар одам ўз қизикишларини ҳимоя қилолмаса, ўзини чарчаган кўрсатса ёки доимо фалва қилса, шундай касалликлар хавфи ортади.

Бошқа илмий тадқиқотларда борига қаноат қилиш ва ўз эҳтиёжларини қаттиқ овозда, очик ифодалашга қодирсизлик билан қалқонсимон безлар патологияси ўртасида боғлиқлик борлиги кўрсатилган. Кўпинча қалқонсимон безлар касалликларига бошидан ўтказган шикастларни енгишта ҳаракат қилаётган ва ўтмишда ўзаро муносабатларда обру учун курашган одамлар мойил бўладилар. Ўтмиш тажрибасига кўра, бундай одамлар кўнгилчан, гапга кўнадиган, ўз қарашларини ҳимоя қилмайдиган бўлиб қоладилар. Ўз ҳаётларида ҳеч нарсани ҳал қилмайдилар, мустақилликка ва бойликка бўлган интилишлари бўлмайди.

Агар томоқ соҳасига қарасак, унда мулоқот ва саломатлик ўртасида боғлиқлик борлигини кўрамиз. “Жоним ҳиқилдоғимда турибди” — тиббиётда жазава дейилади. Сиз нима дейишни билмасангиз, бўйин мушаклари одатда тортишиб қолади. Экстремал ҳолатда, кўркувда ёки хавотирда бўйинда тил ости мушаклари тортишиб қолади, бундан ҳиқилдоқ сиқиласи ва томоқда тиқин бордай хиссиятни беради. Бундай ҳолатлар бадгумон ва одамовиларда бўлади.

* * *

Оғиз бүшлиги ва жағнинг соглом ҳолати яхши мuloқот қилиш, ўз қараашларини очиқ ва қизгин ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Бундай қобилият ва ҳаётдаги руҳий зарбани енга олиш ҳақиқатан ҳам пародонтоз хавфини пасайтира олади.

Милк касалликлари билан қийналадиган одам организмида күпинча кортизол ва бета адреналин — стресснинг биохимик маркерлари баланси бузилган бўлади.

Шунинг учун кўпроқ ва яхшироқ мuloқот қилиш керак. Гапириш ва эшитиш муҳим. Шунда сиз ўзингизнинг бешинчи эмоционал марказингизни соғломлаштирасиз.

Оғиз бүшлиги касалликлари

Оғиз бүшлиғида касали бор, масалан, кариес, милклар қонаши, жағ ёки чакка пастки жағ уланган жойда муаммо бўлса кўпинча мuloқот пайтида қийинчилик сезилади. Муаммолар кўнгли қолгани ҳақида гапирмаслик ва ўз хиссий эҳтиёжларини ҳал қилмаслик заминида ривожланади. Ўзларини қулай сезган жойларида улар нормал гаплашадилар. Аммо интим ўзаро муносабатларда уларни нима безовта қилаётгани ҳақида ҳеч қачон гапирмайдилар. Бундай жуда очиқ сухбатлар уларни хижолат қиласди ёки нафсониятига тегади. Ўзларига қулай бўлмаган вазиятда улар яккаланиб олишлари, индамас ва бошқалардан четлашиб олишлари мумкин. Оғиз бүшлиғидаги ҳамма муаммолар самарали мuloқот қила олмаслик ва ўз эҳтиёжлари, амалга ошмаган ниятларини ифода қилолмасликларидан вужудга келади.

Оғиз бүшлиғи ёки жағ соҳасида касали борлар терапевт ёки стоматологга учрашишлари ва бундай ҳолатни вужудга келтирган фикрлаш тарзи, хатти-харакатларини таҳлил қилишлари зарур. Ўз организмингиз сизга жұнатаётган интуитив хабарларга дикқат билан кулоқ солишингиз керак. Бўлмаса ўзингизни ёмон ҳис қилишингиз асосида ётган касаллик қайталайди.

Оғиз бүшлиғидаги саломатлик мулоқот, янги foяларни қабул қилиш ва ҳиссиётли түйиниш билан чамбарчас боғлиқ. Агар сиз ғазаблансангиз, мулоқот ўрнатилмайди. Бирорларнинг фикрларини очиқасига қабул қилмаганингизда, хафа бўлганингизда ёки ғазабланганингизда қарор қабул қилсангиз тишиларингизда муаммолар бўлади. Қатъиятсизликни енгишга харакат қилинг ва тишиларингизни мана бундай психологик ижобий дастурлар орқали мустаҳкамланг: “Мен қарорни ҳақиқат принципи бўйича қабул қиласман, мен фақат тўғри харакатларни бажаришга киришаман”.

Жағ соҳасидаги муаммолар, пастки жағ бўйими ёки чакка пастки жағ уланган жойидаги оғрикли синдром ўз туйфуларини бошқариш ёки уларни эркин ифода қилишдан бош тортишга боғлиқ бўлади. Жағ соҳасидаги муаммоларга қўйидаги ижобий дастурлар ёрдам беради: “Мен жаҳолатта олиб келган харакатларимни ва фикрлаш тарзимни ўзгартиришга ҳаракат қиласман. Мен ўзимга ёқаман, мен ўз ҳатти-харакатларимни қўллайман. Мен хавфсизликдаман”.

Кариец бўлган одамлар одатда баҳсларда тез таслим бўладилар, уларга қўйидаги психологик дастурлар тўғри келади: “Менинг қарорларим мухаббат ва ҳамдардликдан пайдо бўлган. Янги қарорларни қабул қилиш мени қўллаб турди ва соғайтиради.

Менда ҳаётта татбиқ этадиган янги роялар пайдо бўлади. Мен қабул қилган қарорларимни амалга ошираётганда хавфсизликдаман".

Кариец туфайли тишдаги нерви олиб ташланганларга илдиз отган ишончлари йўқ бўлиб кетгандек туюлади. Уларга энди бошқа ҳеч нарсага тиш-тирноғи билан ёпиша олмайдигандек кўринади. Ҳаётга ишончсиз қарашади. Ўз фикрлаш тарзларини ижобийроғига ўзгартиришлари куйидаги дастурлар орқали амалга оширилади: "Мен ҳаётимнинг мустаҳкам пойдеворини ўрнатаман. Менга қувонч келтирадиган ва мени қўллайдиган нарсаларга ишонишни бошлайман. Мен ўзимга ишонаман. Ҳаммаси жойида".

Сиз соғломлаштириш ҳақидаги ҳиссиётли идрокингизни, жисмоний танангизга йўналтирангиз, ҳаёт йўлидаги ўз ҳаракатларингизга ҳам ўзгартириш киритинг. Бунда қалбингизга яқин ва қадрли масалалар ҳақида гапиришни ўрганиб олган бўлингиз жуда муҳим. Мулоқотда баҳсли масалаларни шунчаки четга суриб қўйиш ярамайди.

Сиз маслаҳатчи ёки дўстингиз, "ҳиссиётли доя" билан яхшилаб ишлашингиз ва ўз ҳиссиётларингизни тўлақонли ифодалаш учун хавфсиз жой яратинг. Бошида сизга ноқулай бўлади, аммо кейин аста-секин бўшашасиз ва соғлом мулоқот одатига эришасиз.

Ундан ташқари ўз ҳиссиётларингизни аниқлашга ўрганиш жуда фойдали. Махсус адабиётлар қидиринг — китоб ҳолида босилгани ёки интернетдан, улар ҳиссиётлар тилини ҳамма деталларигача очиб беради. Агар сиз эмоционал соҳага тегишли ҳамма нарсалар маъносини билсангиз, бу ҳисларни анча енгил муҳокама қиласиз.

* * *

Ва ниҳоят сиз ташқи оламдан яшириниб олишга қаршилик қила бошладингиз. Ўз олдингизга мақсад қўйинг — бошқа одамлар билан реал алоқаларни яратинг ва бу алоқалар шахсингизнинг барча йўналишларини ифодалашга имкон берсин. Бошқа одамлар билан мулоқот қилаётганингизда ўзингизни босиқ тутсангиз, сиз жаг соҳаси ва оғиз бўшлигизни согломлаштирасиз.

Клиник амалиётдан оғиз бўшлиги касалликлари ҳолатлари тадқиқотига

Съерра менга мурожаат қилган пайтда 61 ёнда эди. У оғриқдан жуда қийналар ва доимо ёнокларига музли малҳам босиб турарди. У черковга шишиб кетган ёноклари билан кириб келганида дўстлари тезда тиш шифокорига учрашиши кераклигини тъкидлашди. Съерра бир неча ой давомида оғриқка эътибор бермаганини тан олди. Тиш шифокори унга остеомиелит — суюк тўқимасининг яллиғланиши ташхисини қўйди, бу тишиларнинг ёмон парвариши билан боғлиқ бўлган. Саккизта тиши кариес ва тўрттаси кучли яллиғланган эди.

Съерра баҳтли болалиги ва ҳозир ҳам шундай баҳтли ҳаёт кечираётганини айтди. Унинг ота-онаси ғамхўр бўлишган, эри ва болалари ҳам шундай. То эри ўлгунига қадар ҳаётида деярли ҳамма нарсаси бўлган. Болалари ва набиралари қадрдон уйларини тарқ этишган, улар жуда банд бўлишгани учун кам қўнғироқ килишарди. Съерра уларга юк бўлгиси келмасди. Уларни кам кўрарди, ҳаммаси ўзи билан ўзи овора. Мана умрида биринчи марта бир ўзи

қолди. У черков ишларига берилиб кетди ва бу қандайдир маънода унга ёрдам берди.

Съерра вазиятида жумбоқнинг ечими — болаларининг хат ёзмаслиги ва келмаслигидир. Эрсиз ва болаларисиз ҳаётида вакуум ҳосил бўлди. Бева Съерра янги ҳолатида ўзини жуда нокулай сезди. Катта бўлган болалари ҳаётига суқилиб кира олмади. Ўз ҳаётини эрининг ёрдамисиз қандай қуришни ҳеч ҳам тасаввур қилолмасди. Яқинларидан ҳеч ким унга томон биринчи қадамни ташламади. Съерра ўзини ташлаб кетилган ва ҳеч ким ёқтирмайдигандек ҳис қиласди. Ўзи биринчи қадам ташласа ва болаларига қўнғироқ қилиб, уларнинг кўргани келишини сўраса, ўз қадр-қиммати, фурури, ҳурматини оёқ ости қилгандек туюларди. Қадр-қиммати, фурур, қайғу, гина билан бирга қайсарлик ва кўнгли чўкиши оғиз бўшлиғида касаллик пайдо қилди.

Съерра организмини соғломлаштириш ва касалликларининг ғалати оғушидан чиқишига ёрдам бериш учун биз у билан ишлашни бошладик. Одамнинг 32 тиши бор. Ҳар бир тиш 70 фоиз суюк тўқимасидан иборат бўлади. Ҳар бир тишнинг дентин асоси асаб толаларидан иборат, устки қисми дунёдаги энг чидамли материал — эмаль билан қопланган. Тишнинг қаттиқ тўқимаси унинг илдизига ўтади, у жағ суюгидан ўсиб чиқади. Илдиз соҳаси — нервлар ва қон томирлар тишларни организмнинг бошқа аъзолари билан боғлайди.

Оғиз бўшлиғида яна милклар, тил ва сўлак безлари бор. Милкларда одатда бактерияли микрофлора мавжуд бўлади. Иммун тизими ёрдамида нормал шароитда улар кўпайиб кетмайди ва милкларни яллиғлантирмайди, яъни гингивит пайдо қилмайди.

Биз ишни гингивит билан шуғулланишдан бошладик. Оғиз бўшлиғи парвариши ёмон бўлгани

учун бактериялар күпайиб кетиб тишларни қоплаған, кислотанинг ортиқчалиги тиши эмалини еміриб юборган. Шунинг учун жағе сұяғига күпроқ бактериялар тушган. Мана шу бактерияли микрофлораны күпайиши натижасыда кариес, абцесс ва остеомиелит пайдо бўлган.

Оғиз бўшлиғи ёмон парваришидан ташқари, тишлар билан боғлик муаммолар хавфининг ошишига сабаб бўлган Съеррадаги одатларни кўриб чиқишимиз керак. У қунига бир неча марта овқат ейиши ва асосан ширин ичимликларни ичишини айтди. Үнда ошқозон-қизилўнгач рефлюкси ва йигирма ёшида булимия бўлганини айтди, шу туфайли тишлари ошқозон кислотасининг нордон таъсирига учраган.

Мана шу клиник маълумотлар асосида биз Съеррага ўз тавсияларимизни бердик. Биринчидан, уни жағе, оғиз бўшлиғи ва тишларни даволайдиган тажрибали тиши шифокорига юбордик. Жиддий қарорлар қабул қилиши керак бўлгани боис, ё стоматологик имплантлар қўйиш ёки тишларниң маълум қисмини сузуриб ташлаб, қолганларига пломба қўйиши керак эди.

Съерра тиши протезлари имплантациясини танлади. Шу боис оғзида иммун тизимини мустаҳкамлаш учун ва имплантлар яхши жойлашиши учун яна бир тиши шифокорига мурожаат килдик. Оғиз бўшлиғини кучли парваришаш ва тишларни озиқлантириш учун Q10 коэнзими, лаванда ёфи, календула, орегон узуми ҳамда фабрика маҳсус маҳсулоти — антиоксидант тавсия қилинди. Ҳаммасидан ташқари эхинацияли кремни яллиғланиш жараёнига, оғриқларни қолдириш ҳамда бактериал микрофлорани камайтириш учун милкларига суртарди. Тишлари чириб зааралангани туфайли оғзидан ёмон ҳид келиб турарди. Шунинг учун Съер-



ра овқатига петрушкани оғиз бүшлиғидаги ҳидни йүқотиш учун құша бошлади ва тишиларни чайиш учун уйда тайёрланган эликсирдан фойдаланди. Уни тайёрлаш учун 1 чой қошиқ қуритилган розмарин, 1 чой қошиқ фенхелга икки ярим чашка қайнаган сув қуиган ва 15–20 дақиқа дамлаган, сузіб олган.

Құшимчасига, биз Съеррага сүяк тұқымасини денситометриядан ұтказишини таклиф қылдик. Тишилар ингичкалашиб кетгани учун қимирлаб тушиб кета бошлайды, қолган тишиларнинг илдиз бүзzi яланғочлашади, тишилар эса бактериал заарланаңды. Тест натижаларига күра Съеррада остеопороз экани маълум бўлди. Беш йил давомида бўйи икки дюмга пасайди, жағ тишилар тұқилди.

Сүяк тұқымаси ва жағ сугарни мустаҳкамлаш учун нина мұолажаси бўйича мутахассис ва хитой табиби ёнига комплекс режа асосида даволаниш учун қатнай бошлади. Үнга құшимча озиқлантирувчи кальций, магний, Д витамины, дегидроэпиандростерон ҳамда витамин комплекси тавсия этилди.

Съерра булимия, ошқозон-қызилұнгач рефлюкси ва кариесни бир-бирига ҳеч қаңон боғламас эди. Аммо у тайёр маҳсулотларни ерди. Бу қисман касал бўлишига сабабчи бўлди. Саломатлик учун фойдали маҳсулотлар, масалан, қуритилган меваларни сумкасида олиб юрса-да, оғиз бүшлиғини соғайтира олмаган. Үнга “Тик-так” ва ялпизли нафасни янгиловчилардан фойдаланиш ёқарди. У оғзидаги ёқимсиз ҳидни йүқотиш учун ҳаракат қиларди.

Съерра жисмоний ва овқат рационы муаммоларини енгиш учун парҳезшунос билан бирга комплекс режа тузди. Кун бўйи бирон нарса кавшаб юриш ўрнига кунида ҳар уч соатда озгинадан овқат ейиши тавсия қилинди. Когнитив хатти-ҳаракатлар мутахас-

сиси ёрдамида ҳаётидаги ёқимсиз нарсаларни ва эри ўлганидан бери ҳаётининг қанчалик ўзгариб кетгани учун хафагарчиликларни енгишни ўрганди. Психиатр ҳузурига борганидан сўнг ўзининг болалари билан учрашиш учун биринчи қадамни босса, нафсонияти азоб чекиши ҳақидаги фикрини ўзгартирди. Болаларига кўнфироқ қилди, уларнига меҳмонга борди ва ўзиникига таклиф қилди. У дўстлари билан эски алоқаларни тиклашга ҳаракат қилди ва ҳатто чойга таклиф қилди, базм-кечаларга бориб, янги одамлар билан танишди.

Оқибатда у тишлар ва оғиз бўшлиғидаги муаммоларига боғлиқ фикрлаш тарзини ўзгартиришга ҳаракат қилди. Съерра жағ қисмидаги муаммоларни бартараф этиш учун ижобий фикрлар дастурига ўтди: “Мени шу ҳолатта олиб келган ҳаётим ва ҳаракатларимни ўзгартиromoқчиман. Мен ўзимга ўзим ёқаман ва ҳаракатларимни маъқуллайман. Мен тўлиқ хавфсизликдаман”, умумий яллиғланишга қарши: “Мен хотиржамман, мамнунман ва диққатим жамланган”, суюклар деформациясиغا қарши: “Мен ҳаётни қалбим билан тўлиқ ҳис этаман. Мен бўшашибаман, мени ҳаётнинг жўшқин оқими олиб юрсин”, кариесга қарши: “Қарорларни муҳаббат ва меҳрибонлик билан қабул қиласман”, остеомиелитга қарши: “Мен хотиржамман ва тез оқар ҳаётга ишонч билан қарайман. Мен хавфсизликдаман ва менда ҳамма нарса жой-жойида”.

Съерранинг овқатланишдаги янги одатлари, дори воситалари, ҳаракатларининг ўзгариши ҳамда ижобий психологик дастурлар оғриқни енгишга, оғиз бўшлиғидаги яллиғланишни бартараф қилишга ёрдам берди, шу билан бирга янги, мустаҳкам ва соғлом муносабатлар ўрнатди.



Бүйин соҳасидаги муаммолар

Бүйин атрофидаги оғриқ, артрит ва ригидлик ажойиб алоқа кўнималари бор одамларда пайдо бўлади. Улар гапиришни ҳам, эшишишни ҳам биладилар. Ҳар қандай вазиятнинг иккала томонини кўришга уриниб, кўпинча уларнинг истеъдодлари ўзлари истаганидек фикрларини тўғридан-тўғри ифодаламаса касал бўлиб қоладилар. Зиддиятларни сухбат давомида тўғрилай олмаса, ҳётлари йўлга тушиб кетмаса ва вазиятни назорат қила олишмаса, улар қайсарлик қилиб ўз фикрларида туриб оладилар ва бошқалар нуқтаи назарини кўриб чиқишдан қатъий воз кечадилар. Умидсизлик мулокотни туғатишга олиб келади, бу эса бўйиндаги оғриқларни келтириб чиқаради.

Агар сиз умуртқа дискининг пастга тушиши, бўйиндаги оғриқ, ригидлик, артрит, шикастлардан қийналаётган миллионлар ичida бўлсангиз, қатор терапевтик спектрлардан — жарроҳлик, хиропрактика, акупунктура, чўзиш ҳамда оғриқ қолдирувчи дори воситаларидан фойдаланган бўлсангиз керак. Бу амалиётлар вақтинча енгиллаштириш хусусиятига эга, аммо бутунлай даволай олмайди. Ҳолатни яхшилаш ва бўйин соҳасидаги шикастланишларни узоқ давом этувчи ремиссиясига қандай эришиш мумкин?

Кўшимча медикаментоз даволаниш, касаллик кечишини чукурлаштирувчи салбий фикрларни ва ҳаракатларни аниқлашингиз, ўзгартиришингиз керак. Луиза Хей ижобий кайфият назариясига кўра, бўйин ва умуртқа поғонасининг бўйин соҳасидаги саломатлик мулокот иштирокчиларининг иккала нуқтаи назарини кўра олиш ва мосланувчанликни намоён этади. Агар бу концепцияни оёғини бо-

шига ағдарсак, қайса́рлик ва қатъиятни танласа́к, саломатли́к касалли́кка ўтади. Бу вазиятда энса мушакларининг ригидлиги ва бўйин соҳасидағи оғриқлар пайдо бўлади. Бўйин соҳасида муаммоси бор одамлар сухбатдошини эшитмайдилар, чунки улар янги фикрларни инкор этиб, умум қабул қилингандарга ёпишиб оладилар. Уларнинг қайса́рлиги қолоқлиги билан ажралиб турадилар, ўзгаларнинг нуқтаи назарини тушуна олмайдилар. Бўйин соҳасидағи умумий муаммо, калтафаҳмлик ва қолоқликка қарши дастурлар: “**Мен янги foялар ва янги концепциялардан қувонаман, уларни ўзлаштиришга тайёрман. Мен ҳаётта хотиржам муносабатдаман**”. Асосий мавзу мулоқот, аниқ психологик дастурлаш оғриқ ва унинг асосида ётган ҳиссиётга боғлиқ. Масалан, бўйин соҳасидағи умуртқа дискларининг қўшилиб кетиши ҳаётда қатъиятсизлик, ожизлик, аниқ ва лўнда ўз фикрларини ифодалай олмасликда ёки эҳтиёжларини намоён этолмасликларида кўринади. Даволаниш учун куйидаги сўзларни такрорлаб кўринг: “**Мен ҳаётда ўз фикрдошларимнинг кўмагини оламан. Шунинг учун мен ўзимга ўзим ёқаман ва ўз ҳаракатларимни кўллайман. Менинг ҳамма ишларим жойида**”.

Кундалиқ ҳаётда ижобий кайфият психологик дастурларидан фойдаланиб сиз аста-секин фикрлаш ва идрок этишингизда ўзгаришларни сеза бошлай-сиз.

Бўйин соҳасидағи ҳолатингиз яхшиланганда, фундаментал ўзгаришлар олдинга қараб ҳаракат қилганингизда мувозанатни таъминлайди. Сиз диққат қилиб эшлиши, идрок қилиш ва мантиқий далиллар келтириш қобилиятига эгасиз. Бироқ соғлом фикрлаш ва мулоқотда ўз интеллектуал

имкониятингиз чекланганини тан олишни ўрганишингиз керак. Зиддиятлар пайдо бўлганида, уларни бартараф этолмасангиз, қайсарлик қилманг, ўз фикрингизда туриб олманг, бу янам вазиятнинг жиддийлигини чуқурлашириди. Бунинг ўрнига ҳар қандай муаммонинг ечимлари бўлишини эсланг. Сизнинг вазифангиз умумий қарорнинг бир қисми холос. Бундай вазиятларда қўл остингизда бўлмаган мувозанатни топиш ҳамда зиддиятдан қочиш, бешинчи ҳиссиёт марказида умумий саломатликка олиб келади.

* * *

Бўйин соҳасида муаммоси бўлганларга медитация ва ўйланган мuloқотларни бажариш фойдали. Медитация туфайли сиз ўз туйгуларингиз билан яқинроқ тўқнашасиз, ҳаётга ўйлаб муносабатда бўлиш сизнинг ҳолатингизга бу ҳиссиётлар қандай таъсир қилишини аниқлашга ёрдам беради.

Ўз характерингиздаги дипломатик муносабатлар диктаторликка қараб ўзгараётганини, ҳиссиётларингиз ва туйгуларингиз орқали аниқлашни ўрганиб, сиз онгли равишда қарор чиқаришни ва яна ҳам диққат билан тинглашни ўрганасиз. Сиз нотўғри хулоса чиқармаслик учун бор кучингизни сарфлайсиз. Шунинг учун мураккаб зиддиятли вазиятга сиз хотиржам бошқача кўз билан қарай оласиз. Қандайдир бир масалада одамлар тортишиб қолсалар ҳам бир-бирлари билан яхши муносабатда бўлишлари, бирга тинч яшашлари ва бир-бирларини хурмат қилишлари мумкинлигини тушуниш мухим. Мана концепциянинг моҳияти.

Бизнинг муносабатларимиз ўзимиз учун муаммолар келтириб чиқармаслиги керак. Қайсарлик, бўйусунмаслик, бошқа одамларнинг иродасига қарши харакатлар бўйин соҳасидаги муаммоларни келтириб чиқариши ёки уларни чукурлаштириши мумкин.

***Клиник амалиётдан умуртқа
погонасининг бўйин қисмидаги касалликлар
ҳолатларининг тадқиқотига***

Рэлинн эллик икки ёшида ҳар қандай оилавий келишмовчиликларни иккала томонни рози қилиб, бартараф этиш қобилияти билан машхур бўлган эди. Ҳар сафар янгиликларда ҳуқукий масала юзасидан баҳсли масалани муҳокама қилганида, оила аъзолари бу масалани Рэлинн бир зумда ҳал қиласди деб ҳазиллашардилар. Оилавий жанжалми ёки ишдаги низоларми, Рэлинн иккала томоннинг қарашларини объектив баҳолай оларди. Аммо у қайсар, худди суюкни қўриқлаётган итга ўхшаб ўжар бўла оларди, ён бермасди ва тингламасди ҳам. Шундай ҳолатларда етарли даражада жizzаки бўларди, жаҳли чиқарди, шу билан одамларни ўзидан нари тутарди.

Рэлинн ўз ҳаёти мисолида файратини намоён қиласди, икки болани тарбияларди ва тиббиёт ҳамишираси бўлиб ишларди. У ижобий фикрлаш кучига ишонар ва болаларига ҳам, ўз мижозларига ҳам файратли одамга қилиб бўлмайдиган ишнинг ўзи йўқ деб ўргатарди. Бирок болалари унинг сабоқларини уқишимади. Натижада ҳали ёш пайтиданоқ иккаласи ҳам қоидабузар бўлишди, Рэлинн уларга қандайдир ёрдам бериш учун чарчамасдан меҳнат қиласди.

Вояга етган болалар ҳали ҳам ҳаёт жангларини олиб боришар эди, Рэлиннда бүйин соҳасида кучли оғриқ ва кучдан қолиш пайдо бўлди, бармоқларининг учлари нина санчгандек бўлиб оғрирди, қўллари эса уюшарди.

Рэлиннинг умуртқа поғонаси, бўйин соҳасини соғломлаштириш учун биз унга соғлом бўйин қандай бўлишини кўрсатишимиш керак эди. Умуртқа поғонаси кўплаб суюкчалардан иборат бўлади — умуртқалар бир-бирининг устига жойлашади, диск зарбага қарши асос ҳисобланади. Умуртқалар ва дисклар ҳаёт учун жуда муҳим, улар миядан тананинг ҳар бир ҳаракатдаги аъзосига борадиган орқа мия ва асаб толаларини ҳимоя қиласди.

Тусатдан симптомларнинг пайдо бўлиши Рэлинни чўчитиб юборди. Ҳатто шифокорлар ҳам хавотирга тушдилар. Рэлиннагидек даражада бўйин соҳасидаги аҳволнинг ёмонлашувини одатда шифокорлар орқа мияни ёки асаб толаларини дискларми ёки бошқа нарса сиқиб қўйган деб шубҳаланишади. Рэлинн сайр қилгиси ё шунчаки чигалини ёзмоқчи бўлса ҳам биз унга бўйин соҳасида нима бўлаётганини билиш учун МРТ қилишни тавсия қилдик.

Иккита эҳтимол бор эди. Рэлиннда диск шакли деформация бўлиб, орқа мия сиқилиб қолишига етарли жой сақланишиб қолган бўлиши мумкин. Бундай унчалик оғир бўлмаган шикастланишда оғриқ қолдирувчи дорилар ёрдам бера олади, масалан, аспирин, авдил. Нина муолажаларини ўтказиб кўrsa ҳам бўлади, цигун ва Ямун машқлари, бўйиннинг тепа ва пастки қисмларини мустаҳкамлайди ва симптомларни бартараф қиласди.

Бошқа вариант — дискларнинг тушиб қолиши. Айнан шу муаммо Рэлиннда бўлган эди. Бу ташхис



МРТ натижалари асосида қўйилди: унда бўйиннинг еттинчи пофонасидаги диски тушиб қолган экан. Тушган диск орқа мияни босар ва умуртқа суякларини сикарди. Шифокорлар неврологик шикастга ўтишидан хавотирда эдилар.

Шиддат билан авж олаётган симптомларни, диск орқа мияни босаётганини ҳисобга олиб, шифокорлар бригадаси жарроҳлик операцияси энг маъқул қарор деб топдилар. Рэлинн ўзи ишонгандай нейрохирурглар бригадасини танлади, операциядан илгари анестезиолог билан учрашди.

Операцияга тайёрланиш учун биз Рэлиннга образли тасаввур қилиш амалиётини қўллашни таклиф қилдик. Визуализация ва тасаввур қилиш мижозларни тинчланишига ва бўшашига, операция даврида ва ундан кейин тўқималарнинг битиб кетишига ёрдам беради. Биз Рэлиннга жарроҳ унинг бўйини нима қилишини операция хонасида кўргазмали равишда кўрсатдик, у ҳатто анестезия ҳолатида бўлса ҳам жарроҳга психологияк томондан ёрдам бериши керак эди. Рэлинн жарроҳлик столовига ётишидан олдин нейрохирург бўйининг олд томонини кесиб, умуртқа суягини қисман, кейин дискни олиб ташлашини, умуртқани металл каркас билан мустаҳкамлаб қўйишини билиб олди.

Жарроҳлик операциясидан кейин Рэлинн умуман оғриқ сезмаётганидан ажабланди. Аммо бўйни соғлом ҳолда бўлишини истарди. Реабилитациянинг муҳим қисми бу жисмоний машқлар. Бу машқларни у бир неча ой токи жарроҳлик аралашмагунича бажара олмади. Унга югурмасликни, эллипсоидли тренажер ташлашини таклиф қилдик. Бўйин қисми шикастланган bemорлар учун Сувех ёйсимон тренажери олдинга қараб шикаст етишининг олдини олади. Биз яхши, юқори сифатли аморти-



заторли спорт оёқ кийими олишни тавсия қилдик, масалан, "Шокс", "Найк" ёки "ЭйсиксДжел-Кинсей" фирмасидан, улар товон ва умуртқа поғонасидан оғирликни олади.

Шахсий тушкунликлари бўлмаса-да, ўзини ўнглашга синовдан ўтган тренинг машқлари керак. Улар ёрдамида максимал ижобий натижага эришиш учун қанча ва қандай гапиришни, сўзлар танлашни, овоз модуляциясини ўзлаштириди. Бу амалиёт туфайли болалар, мижозлар, севимли одамлар билан мулоқотда бўлишни, қачон жим туришни ўрганди. Ҳар куни ўз хиссиётлари билан уйғун бўлиш учун медитация киларди. Бундай кўникмалар ёрдамида вазиятга таъсир ўтказа олмаганида умидсизликка тушмасликни ва керак бўлганида ўжарлик қилмасдан ён беришни тушунди. Ниҳоят Рэлинн стрессни енгиш учун қадимги хитой цигун соғломлаштирувчи тизимини ўрганиб олди.

Бошқалардан ташқари Рэлинн ижобий кайфият психологик дастури бўйича бўйин соҳасини умумий мустаҳкамлаш учун қўйидагини такрорлади: “Мен ҳаёт билан иноқман”. Бўйин умуртқа соҳаси муваммоларини йўқотиш учун: “Мен ҳар қандай масалани тезда ва ҳар томонлама оддий қилиб ўрганиб чиқишим мумкин. Ҳодисаларни баҳолашнинг ва қарор қабул қилишнинг кўплаб вариантлари мавжуд. Мен тўла ҳавфсизликдаман”. Умуртқа поғонаси зарарланганда ёки деформацияга учраганда: “Мен тўлиқ ҳавфсизликдаман. Мен ўзимга ёқишини истайман. Бу муҳаббат мен учун таянч бўлсин. Мен ҳаётга ишонч билан қарашга интиляяпман. Мен ҳаётнинг ҳамма томонларини қабул қилишга тайёрман. Мен ўтмишимга муҳаббат ила хайр дейман. Ҳамма эркин, мен ҳам мустақилман. Бундан буён менинг юрагим хотиржам. Мен ҳаёт-

жаммаси яхши бўлади даги ўзгаришларга қарамай енгил қадам ташлайман. Менинг ҳаётим илоҳий кучлар қўл остида. Мен оптимал йўналишда ҳаракат қиласяпман".

Рэлинн ижобий қарашларни саклаб қолгани учун ўзида касаллик ривожланишига сабаб бўлган ҳаракат ва фикрлаш тарзини ўзгартирди. Унга тўлақонли ҳаёт ва яхши муносабатлар қайтди.

Қалқонсимон безлар соҳасидаги муаммолар

Қалқонсимон безлар соҳасида муаммолари бор одамларда кўпинча ҳиссиётлари ривожланган ва интуицияси ўткирлашган бўлади, бошқалар билан мулоқотда уларнинг ҳаётида нима юз бериши мумкинлигини англайдилар. Афсуски, улар томонидан таклиф қилинган қарорларни атрофдагилар ҳар доим ҳам яхши қабул қилмайдилар, чунки таклифи киритганлар бошқаларга тушунарли қилиб ифодалай олмайдилар. Бундай одамлар одатда киноя қилиб гапирадилар, факат ўз истакларига шама қиласадилар, низолардан қочиш учун жуда тортинчоқлик қиласадилар. Аммо вазият ёмонлашса ёки улар кучли умидсизликка учрасалар ўзларини йўқотиб қўядилар ва ҳамма нарсадан жуда таъсирланадилар, бу одамларни бездиради. Қалқонсимон безлар соҳасида касаллиги бор одам билан ҳар қандай мулоқот услуги бундай вазиятларда самарасиз бўлиб қолаверади.

Қалқонсимон безлар касаллиги секреция гормонларининг камайиши ёки кўпайишига боғлиқ бўлади — кўпинча иккита ҳиссиёт маркази бир-бирига боғлиқ равишда ўзгаради. Бундай муаммолар мулоқот тури турғун бўлмаган оила ва дўстлар орасида — биринчи ва бешинчи ҳиссиёт марказларида кўрина-



ди. Биринчи ҳиссиёт маркази боғлиқлигининг сабаби баъзи бир қалқонсимон безлар касалликларида иммун таркиб бўлади. Шунинг учун қалқонсимон безларни даволамоқчи бўлганда иммун тизимиға эътибор бериш керак. Бироқ бу бобда қалқонсимон безга таъсир қилувчи мулоқот услубингиз ҳақида гапирилади.

Бошқа биз кўриб чиқкан касалликлар ёрдамида қалқонсимон безларида касалликлари бор одамларга қандай ҳаракат ва фикрлар таъсир қилишини аниқлашимиз ҳамда уларни шифоловчи томонга йўналтиришимиз керак. Масалан, қалқонсимон безидаги муаммолар одатда мулоқотда камситилишга, севган машғулоти билан шуғуллана олмасликка, доимо истаган нарсасини олишга навбат келишини ўйлашга боғлиқ. Агар сизга қанча вақт гапиришингиз ва қанча вақт тинглашингизни назорат қилиш қийин бўлса ёки ўзингизни келишмовчиликлар бўлганида жуда пассив тутсангиз, унда касаллик ривожланиш хавфига дучор бўласиз. Мулоқот характеристини ижобий дастур билан ўзгартиринг: “**Мен эски чекловларни енгаман, ўз фикрларимни эркин ва ижодий ифодалайман**”. Ижобий психологик дастур таъсири касаллик асосида ётган, фикр ва ҳаракат тарзини озгина ўзгартиришингизга боғлиқ бўлади. Шунинг учун гипертиреозда (қалқонсимон безларда секреция юқори бўлса) сиз билан атайлаб мулоқот қилишмаса, сиз дарғазаб бўлманг. Фазабингизни тийиш учун ўзингизга суҳбатнинг ҳақли аъзоси эканлигингизни эслатинг. Ижобий дастурни такрорланг: “**Мен ҳаёт қайнаган жойдаман. Мен ўз-ўзимга ёқаман. Мен ўз ҳаракатларимни ва кўраётган нарсаларимни маъқуллайман**”. Бошқа томондан гипотириеоз (қалқонсимон

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛДИ
без ишининг пасайиши) мағлублик ва умидсизлик туйғусига боғлиқ. Агар бу сизга тегишли бўлса, унда шундай дастур тавсия қиласиз: “Мен янги қоидалар бўйича, ўзимга таянч бўладиган ҳаёт қурмоқдаман”.

Ҳаётда, айниқса мулоқотда вазминликка интилинг. Шундай дақиқалар бўладики, иккинчи планга ўтиб туриб, бошқалар қарор чиқаришларига кўйиб берган маъқул бўлди. Ўша пайтда яхшиси фикрингиз ўзингизда қолаверсин. Вақт ўтиши билан етарли даражада бўлмаган қатъийлик саломатлигингизга, одамлар билан ўзаро муносабатларингиз ва молиявий фаровонлигингизга таъсир қилиб қолиши мумкин. Ўз нуқтаи назарингизда туришни ўрганишингиз, ҳатто гап фақат кечки овқатда ўтирадиган жойингиз ҳақида бўлса ҳам қатъий фикрлаш керак. Қачон жим туриш, қачон охиригача айтиб олишни ҳис қилиш лозим. Ёки ўртачасини танланг. Бунинг ҳаммаси анча мураккаб.

Фаҳмлашимизча, сизда бундай мулоқот услубига ўтиш мураккаб. Сиз йиллаб жим юрган бўлсангиз ўз нуқтаи назарингизни хавфсиз жойда озгина билдиринг. Масалан, оддий вазиятни олайлик: сиз Кола буюрасиз, официант “Пепси тўғри келмайдими?” – деб сўрайди. Сиз “Йўқ, менга бу тўғри келмайди”, – дейсиз. Бунда ўз ҳиссиётингизни бошқаларга кўрсатганингизни ҳис қиласиз. Сизга кўмаклашадиган дўстларингиз ёнингизда бўлса жуда яхши. Улар сизга алоҳида масалалар бўйича масъулиятни юклашсин. Гапираётганингизда қандай қарорга келишингиз аҳамиятсиз бўлган вазият яратишсин.

* * *

Атрофингиздеги одамлар үз фикрингизга әга бұлишиңгизни құйлашлари керак. Уларнинг реакциялари қандай бұлишига вақтингизни кетказишни бас қилинг, бунинг үрніга реал гояларни мұхсекама қилиш ҳақида үйланг. Чегарадан чиқиб кетмаслигингизга оғох бұлинг. Одамлар бирор нарсага мажбур қилинсалар, кам ҳолларда мамнун бүладилар. Эсингизда бұлсın, бошқа нарсаларда бұлғани каби мулоқотда ҳам асосий омил үйлаб ғапиришда.

Клиник амалиётдан қалқонсимон без қасаллуклари ҳолаттарининг тадқиқотига

Ральф үттиз саккыз ёшга кирганды қайнотаси Сәм унга оила бизнесини бошқаришни топширди. Сәм бошида нафақага чиқмоқчи бұлиб турған эди, аммо иқтисодий инқироз туфайли нафақага чиқиш қолдирildи.

Күп йиллар давомида Ральф Сәм билан биргаликда компанияни бошқарды, аммо тенг ҳуқуқли ҳамроҳ әмасди. Ҳатто Сәмнинг ишга боғлиқ қарорларини ёқламаса-да, уларни бекор қилишга ҳақкийүк әди, үзи ҳам бундай қилишга интилмасди.

Күп йиллик үз фикрига қарши муросасозлиги Ральфда саломатлиги билан муаммо келтириб чиқарди. У жуда тез өзінде таржымалашып, депрессиядан қийналарди. Құл-оёклари уюшиб қолар, семириб кетганди ва қабзиятдан азият чекарди. Биз билан учрашгунicha Ральфда Хасимото касаллигини топишганди, бу энг кенг тарқалған гипотиреоз сабабчиси. Дорилар қабул қилишига қарамай, ахволи яхшиланмаётгани учун бизга мурожаат қилибди.

Биз Ральфни даволанишга йұналтирумок мақсадида, биринчи галда қалқонсимон без нима экан-

лигини күрсатдик. Бир жуфт қалқонсимон безлар тироксин (Т4) ва трийодотиронин (Т3) гормонларини ишлаб чиқаради. Жигар орқали модда алмашинуви жараёнини бир тартибда сақлайди. Улар ҳамма мушакларни, қўл ва оёқлардан тортиб, овқат ҳазм қилиш тизими ва юрак фаолиятигача нормаллаштиради. Қалқонсимон безлар мия фаолияти, репродуктив аъзоларни, буйракни ҳам бир маромда ушлаб туради.

Хасимото касалида гормонлар секрецияси пасаяди, модда алмашинуви секинлашади, мушаклар бўшашган бўлади. Қалқонсимон без муаммолари белгилари чарчоқ, апатия, уйқу босиш, тана вазнининг ошиши, соч ва тери қопламаларининг қуруқлиги, аёлларда ҳайз циклининг бузилиши кузатилади. Гипотиреоздаги белгилар мушаклар заифлиги, қабзият, қўл оёқлар титраши, ҳаракатлар сусайиши ва паст овозда кўринади.

Хасимото гипотиреози атоиммун бузилишлари билан бирга бўлади. Шунинг учун биринчи ишимиз Ральфни терапевти ёнига гипотиреоз билан биргаликда бошқа даволаб бўлинмаган атоиммун касалликлари бор-йўқлигини аниқлашга юбордик. Буларга этиология бўйича Шегрен (сурункали кўз соҳасининг куриб қолиши), волчанка, артрит, саркоидоз, склеродерма ва қанд касаллиги киради. Бахтимизга, унда бошқа касалликлар аниқланмади. Энди факат қалқонсимон безни даволашга киришдик.

Кейинги босқичда қалқонсимон безларнинг гормон даражаси пасайишига сабаб бўладиган турли жисмоний омилларни, шунингдек, литий, тамоксифена, альфа-интерферон ёки стероидлар ва экспрессенларнинг тестостеронни ўрнини боса олишини билиш эди. Бу бузилишлар гипофиз ва гипоталамусдаги функциялар бузилишига сабаб бўлиши мумкин. Қалқонсимон безларни даволаш учун у

қандай дориларни қабул қылганини билиш мухим әди. Аниқладик ҳам. Даволовчи шифокор Ральфга Т4 терапиясини тавсия қылган экан. Баъзи касалларга бу ёрдам беради. Аммо баъзиларга иккала гормон Т4 ва Т3 зарур бўлади.

Т3 гормони таъсир қилиши ва мияда серотонин ишлаб чиқарилиши учун вақт керак бўлади. Шунингдек, Ральфни шифокордан серотонин дараҷасини кўтариш учун қандай қўшимчалар қабул қилиш кераклигини сўраш учун юбордик. Ральф 5НТР қабул қила бошлади. Агар унинг аҳволи енгиллашмаса, жигарини ҳимоялаш учун S-аденозил-L-метионин препаратини қабул қилиши мумкин әди.

Сўнг Ральфда Хасимото буқори келиб чиқмаслиги учун аутоиммун тизими билан шугулландик. Гипотиреоз қалқонсимон безларни яллиғлантирувчи антитела ишлаб чиқиш туфайли пайдо бўлган. Буни вируслар ёки аллергия келтириб чиқарган бўлиши мумкин. Иммун тизими ва қалқонсимон безлари бузилишига қарши даволаш самарасини кучайтириш учун нина муолажаси ва хитой табибларига юбордик. У ламинария, хитой ююба хурмоси меваларини ҳамда қабзият, шиш, чарчоқни йўқотиш ва заифликни камайтириш учун пинелл препаратини қабул қила бошлади.

Ниҳоят, биз Ральфни мураббий ёнига ўзини тутиш, қийин вазиятларда аниқ ва қатъий гапиришни ўрганишга юбордик.

Яна эски дўстидан ўзи ҳакида қайфуриш масъулиятини олишни илтимос қилди. У Ральф учун ҳамма фикрларини айта оладиган вазиятларни ташкил қилди.

Қалқонсимон безлар умумий касалликларига қарши психологик дастур: “Мен эски тўсиқларни енгаман, ўз фикрларимни эркин ва ижодий ифодалайман”. Гипотиреозга қарши: “Мен янги ҳаётимни ишончли

 ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛАДИ
таянч бүләдиган янги қоидалар билан қурмөчиман. Мен ўз ҳаётимни ўзим яратаман. Мен ҳаётта ишти-
ёқ билан қарайман, у қувват ва завқ-шавқقا тұла”. Оғек-құллар увишишига қарши: “Ўз мұхаббатим ва
түйғуларимни бошқалар билан бүлишаман. Мен бошқа бирорнинг мұхаббатига жавоб бераман”. Ор-
тиқча вазнга қарши: “Мен ўз ҳиссиётларим билан иноқман. Мен борган жойимда хавфсизман. Мен ўзимга
еңаман ва ўз ҳаракатларимни құллайман”.

Шифокорлар бригадаси билан озгина тайёргар-
лик күрганидан сүнг Ральф қачон ўз фикрини
очиқ ифодалай олиши керак бүлганида гапириб,
тийилиш керак бүлганида ўзини четта олди. Ўзига
соғлигини қайтарди, ҳаётини йўлга қўйди. Бу қай-
натасини унга ишни топширишига ишонтирди.

Бешинчи ҳиссиёт марказида ҳаммаси жойида

Сизда умуртқа поғонасини, қалқонсимон безлар
ва оғиз бўшлигини медикаментоз воситалар, интуи-
ция ва ижобий қайфиятлар ёрдамида соғломлашти-
риш учун имконият бор. Агар ўзингизни англаш би-
лан боғлиқ муаммоларни сезсангиз, сиз жуда сустсиз
ёки жуда жиззакисиз, шунинг учун сизда муаммолар
бор. Сиз организмингизга қулоқ солиб, шунга бино-
ан ўз фикрлаш тарзингиз ва ҳаракатларингизни ўз-
гартира олсангиз, алоқа кўникмаларингизни тартибга
соласиз, танангизни даволайсиз ва одамлар билан
ўзаро муносабатларингизни яхшилайсиз.

Оилангиз, болалар ва раҳбарингиз сизни тушу-
нишлари учун йўл топинг. Агар сизда мулоқот қи-
лишда муаммо бўлса, бешинчи ҳиссиёт марказини
соғломлаштириш учун нима қилишни, қандай ҳал
этишни аниқланг.

9-БОБ

НОГАҲОН КЎЗ ОЧИЛИШИ



**Олтинчи ҳиссиёт маркази — мия,
кўз-қулоқлар**

Олтинчи ҳиссиёт марказида мия, кўз ва қулоқлар жойлашган.

Бу марказдаги саломатлик сиз ҳамма соҳаларда — ерда ҳам, мистикада ҳам ахборотларни қандай идрок қилишингизга боғлиқ.

Ҳаммаси сизнинг онгингиз қанчалик теранлигига ва шахсий қарашларингизни ўрганишингизга боғлиқ.

* * *

Олтинчи ҳиссиёт марказидаги аъзоларингизни согломлашишингиз учун сиз ўзгаришларга тезкорлик билан жавоб қайтаришингиз, вазиятга қараб мос равишда ўзгартира олишингиз керак. Бундай баланс ўзишингизга, вақти келганида ўзгаришингизга, сизни олдинда нима кутаётганига эътибор беришингизга ёрдам беради, ўтмишга ёпишиб олиб, уни қайтаришга ҳаракат қилмайсиз.

Олтинчи ҳиссиёт марказидаги кенг муаммолар спектри мия касаллигидан бошлаб, кўз-қулоқларгача, таълим ва ривожланишдаги муаммоларгача қамраб олади. Бошқа ҳиссиёт марказидаги каби ҳар бир аъзодаги касалликка алоҳида фикр ва ҳаракатлар сабаб бўлади. Бироқ кенгроқ кўламдаги мавзу-

ларни мұхокама қилаётганды ҳаракатлар ҳам, фикр-лаш тарзи ҳам сабаб бұла олмайды. Улар шунчаки алоқида тенденцияларини чукурлаштиради, масалан, дикқатнинг кам жамланиши гиперактив бузилиш ёки дислексия. Биз тананинг түрли қисмлари ва уларға боғлиқ масалалар мұхокамасига үтамиз.

Олтинчи хиссiёт марказидаги саломатлик учун кураш олиб бораётган одамлар атроф оламни ватылымни идрок қилиши балансланмагани билан бошқалардан фарқ қиласылар. Айримларида жуда оддий турмуш тарзи, буюк коинотдан ажralиб қолишиган, бошқалари эса тескариси, жуда мистик оламга боғланиб қолиб, бу оламга қадам босгилари келмайди. Бу соҳалардаги мувозанат олтинчи хиссiёт марказини соғайтиради.

Олтинчи ҳиссият маркази фан ва ижобий кайфият назариясида

Луиза Хей шакллантирган яхши кайфият олтинчи ҳиссиёт маркази — мия, күз ва қулоклар — ахборотларни қабул қиласы да вазиятдан чиқиши учун фикрлайди, тезкор чора излайди.

* * *

Одам мияси компьютерга ўхшаши: маълумат олади, уни ўзлаштиради, сўнг зарурый операцияни бажаради. Бутун организмдан ахборотлар мияга боради, сўнг ундан ҳамма аъзоларга мос қарорлар қайтади.

Аммо мияни эмоционал омиллар — күркүв, ғазаб, мослана олмаслик йүлдан адаштириши мумкин. Масалан, Паркинсон касалига дучор бүлгән одам ҳаммани ва бор нарсаны күчли назорат қилишни истагани учун күркүв исканжасида бүләди.

Кулоқлар ва кўзлар орқали биз атроф оламни англаймиз. Ҳар бир аъзоларнинг саломатлиги улар орқали борадиган маълумотлар билан боғлиқ. Кўз билан боғлиқ ҳамма муаммолар кўркув ва одам тушиб қолган вазиятидан келиб чиқсан фазаб орқали пайдо бўлади. Кўзларида муаммолари бор болалар кўпинча уйидаги юз бераётган нарсаларни кўргилари келмайди. Каттароқ ёшдаги катарактаси бор одамлар келажакдан кўрқадилар.

Келинг, фан олтинчи ҳиссиёт маркази асосида ётган тана ва ақл ўртасидаги боғланишлар ҳақида нима дейишини кўриб чиқамиз.

Шахсий ҳаётига муккасидан кетган одамлар Меньер касали ҳамда қулоқ касалликларига берилиувчан бўлиши тўғрисида кўплаб адабиётлар мавжуд. Бу типга кирувчилар, яқин одамлари билан баҳслаша бошлаганларида гапирилаётган сўзларнинг фақат 20 фоизини эшлиши ишботланган. Ўзини назорат қилишларига қарамай Меньер касали бор одамлар ташки олам билан бутун ҳаёти давомида муаммоларга дуч келадилар. Кўпинча улар тўлақонли назорат қиломаслик ҳиссиётини, депрессия, фобия ҳамда хавотирни хис қиладилар. Уларда бу ҳолатлар мавхумлик ва ўзгаришлар юз берган пайтларда рўй беради.

Қадимги хитой асарларида ёзилишича, блефарит (қовоқлар яллиғланиши), кўз қуриши ҳамда глаукома қаттиқ ҳаяжонланиш, сержаҳллик ва қўзғалувчанлик билан боғлиқ бўлади. Ҳозирги пайтда олимлар кўз касалликларини психологик сабабларини ҳам кўриб чиқишияти. Бир тур кўз касаллигини ўрганишда, беморларнинг кучли оғриқ берадиган хавотир ҳисларини блокировка қилишларини қайд этишган. Паркинсон касалида одамлар бутун умри давомида депрессия, кўркув, хавотирларга берилиувчан бўла-

дилар, атрофдагилар билан мулоқотда ўз ҳиссиятларини тиядилар. Илмий тадқиқотлар натижалари бүйича бу беморларда туғилганидан бошлаб адреналин миқдори кам бўлади, шунинг учун хавфдан ҳамда ўзгаришлардан ўзларини олиб қочадилар. Паркинсон касали бўлган одамлар матонатга мойил, қонунга риоя қиласидилар. Улар тартибли, меҳнатсевар, кўп сонли ташкилотларга аъзо бўладилар. Раҳбарлик қилишни ва ҳаммасини назорат остида ушлаб туришни яхши кўришади.

Сиз организмнинг бу қисмидаги илмий қарашларни кўриб чиққанингиздан кейин олтинчи ҳиссият марказидаги аъзоларни соғломлаштиришингиз учун биринчи қадамингиз қандай бўлади?

Мия

Мия касалликлари — мигрень, бош оғриғи, уй-күсизлик, томир тортиши, ёмон хотира, инсульт, Альцгеймер, склероз ва Паркинсон касали бор одамлар хаётда иккала оёғида ерда қаттиқ туришга ҳаракат қиласидилар. Уларда ўнг ярим шарлар ижодий, чап ярим шарлар таҳлилий фикрлагани учун ижодкорлик жараёнига боғлиқ ишлар яхши чиқади. Кўпинча улар мусиқадан тортиб, тасвирий санъатгача, геометриядан тортиб тарихгача — ҳамма соҳаларни ўзлаштиришни истайдилар. Бундай хаёт инқирозга юз тутади: уларни хаётга янги-ча қарашга мажбур қиласидилар. Мия бузилишларида илгари фойдаланган қобилиятларидан фойдалана олмайдилар ва кўпроқ илоҳий кучлардан келадиган хабарларга умид қиласидилар.

Агар сизда айтиб ўтилган касалликлардан бири бўлса, шифокорга мурожаат қилинг. Ахир, самарали даволаш усуллари бор-ку. Бироқ тиббиёт ва

унга альтернатив даволаш усули маълум чегарагача даволайди. Сиз яққол белгиларни назорат остига олган бұлсанғиз, даволаниб кетиш учун кейинги қадамни босинг. Саломатлигингиз салбий фикрлаш тарзи ва ҳаракатларингизга боғлик бўлади. Улар даволаниш йўсими ва касалликлар келиб чиқиши сабабларига таъсир кўрсатади.

* * *

Ишонч билан оламга қарашини ва ҳис қилишини ўргансанғиз, мия фаолияти бузилиши эҳтимолини пасайтириш ва белгиларини юмшатиш имконияти пайдо бўлади.

Мия касаллиги ташхиси кўйилганлар кўркув ва хавотирга бериладилар. Яхши кайфият дастурлари мияни бундай фикрлаш тарзидан алаҳситгани учун жуда муҳимдир. Шу боисдан даволаш жараёнини ижобий фикрлаш яхшилаши мумкинлигини унумаслик керак.

Шахсий тажриба ва ишонч ҳосил қилиб ўзингизни ёмон ҳис-туйғуларидан халос этади. Масалан, яхши кайфият назариясига кура эпилепсия вақтида одамни кураш кайфияти ва ўзини таъқиб қилаётгандек ҳислар чулғаб олади. Сиз ҳаётга қалбингизни очинг ва яхши нарсаларга қуидаги дастурни такрорлаш ёрдамида эришасиз: “Бундан буён мен ҳаётта доим қувонч билан қарайман. Мен самимийман, қувноқ ва хотиржамман”. Уйқусизлик, айборлик ва қўркув тезкор ҳаётга бўлган ишончсизлик туйғуларига боғлик бўлади. Хавотир билан уйқусизлик биргаликда бўлганлар учун: “Мен кечаги кунни муҳаббат билан қузатаман ва эртага ҳамиаси яхши бўлишига ишониб тинч уйқуга кетаман”. Агар сизда мигренъ бўлса, қуидаги психологик қоидалар ёрдам беради: “Мен ҳаёт оқи-

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛДИ
мига хотиржам шүнгийман. Ҳаёт менга мухтож
бүлган нарсаларимни осон ва бемалол берсин.
Ҳаёт менга бағишиланган". Бу қоида танани бүш
күйгөн ҳолда такрорланиши керак.

Альцгеймер касали ва деменциянинг бошқа тур-
лари дунёни борича қабул қилишдан бош тортиш,
янги ғоялардан қочиш, тор фикрлаш, заифлик ва
ғазаб билан боғлиқ бүлди. Агар сизда шундай бел-
гилар бўлса, янги кўнгилсизликлар олдини олиш
учун ҳаётга қуидаги дастурлар ёрдамида қалбин-
гизни очинг: "Менда доимо ҳаётни ҳис қилиш-
нинг янги ва яхшироқ усули бор. Мен ўтмишдаги
ҳамма хафагарчиликларни кечираман, мен шод-
ликка чўмаман". Агар сизни қариш ва хотиранинг
пасайиши безовта қилса, ўзингизни ўрага йиқилиб
тушгандек ҳис қилсангиз, қуидаги ижобий дастур
билан қутулишга ҳаракат қилинг: "Мен ўзимга
ҳар қандай ёшда ёқаман. Ҳаётнинг ҳар дақиқаси
мукаммал". Паркинсон касаллигига қўркув, ҳамма
нарсани ва ҳаммани назорат қилишга интилиш куч-
ли бўлди. Озгина бўлса ҳам назоратдан воз кечиб,
такрорланг: "Мен хавфсизликдаман. Ҳаёт менга
бағишиланган ва шиддатли ҳаёт оқими яхшилик
олиб келишига ишонаман". Склероз иродасизлик,
ақлнинг чарчаб қолиши ва ҳаётга тез мослаша
олмаслик билан боғлиқ. Сиз ақлингизни дам ол-
дириш учун қуидаги психологик қоидадан фойда-
ланинг: "Кувонч ва муҳаббатга тўла фикрларни
танлайман, мен суюкли ва шодлик тўла оламни
яратаман. Мен хавфсизликдаман ва эркинман".

Фикрлаш тарзини соғломлаштириш учун, ўз
ҳаётингизга юксак маънавиятни олиб кириш учун
мехнат қилишингизга тўғри келади. Бунда фақат
илоҳият билан боғлиқ масалаларни назарда тутма-
япмиз. Сизни бу йўлда комплекс масалалар кутиб



турибди. Бу масалалар мантиқий йўл билан ҳам, тадқиқотлар билан ҳам ечишмайди. Буларни дуо қилиши ва медитация вақтида англаш мумкин. Тушунтириб бўлмайдиган кучлар борлигини ва ҳамма нарсани улар билан биргаликда ечишингизни англашингиз муҳим.

Агарда сиз даволанишни истасангиз, илоҳият билан боғланишингиз керак. Бунга қандай эришмоқчи-сиз — бу энди сизнинг шахсий ишингиз. Масалан, ҳар тонгни узок давом этмайдиган медитациядан бошланг. Балки сиз қандайдир маконни танларсиз ёки табиат қўйнида сайд этиб, хеч нарсани ўйла-май, ҳисоб-китоб қилмай амалга оширасиз. Шунчаки мавжуд табиат гўзаллигидан завқланган ҳолда.

Агар сиз дунё ва илоҳиятни мувозанатга келтира олсангиз, унда олтинчи ҳиссиёт марказидаги аъзо-ларингиз соғлом бўлади.

Клиник амалиётдан мия касаллиги ҳолатларнинг тадқиқотига

Ванесса фрилансер, веб-дизайнер, йигирма етти етти ёшда, ҳайратда қолдирадиган хотирага ва кимёдан тортиб санъатгача қизиқарди. Ўрта мактабни битирганидан кейин колледжа ўқишга маблағи йўқ бўлса-да, таълим олишга қатъий қарор қилгани учун коммунал колледжининг кечки машғулотлариға қатнарди. Жуда ақлли ва ҳозиржавоблиги туфайли ҳар қандай меҳмондорчилик ва зиёфатда кутилган меҳмон эди. Тезда янги дўстлар орттира оларди.

Расмий хужжати бўлмаса-да, Ванесса фрилансер даражасига кутарилди. У кўп пул топарди ва доимо кўп ижодий масалаларни ҳал этарди. Аммо кўп йиллардан сўнг ўз бизнесини очганида, қўллари ва курак атрофида санчиқлар пайдо бўлди. Кучли

бош оғриқлар безовта қилди. Тез чарчаб қоларди. Жуда күп вақт компьютер ёнида үтиргани учун бүйнидаги умуртқалари заараланган деб үйлаб, офис учун эргономик қурилмалар сотиб олишга юзлаб долларлар ишлатди. Аммо ҳеч нима ёрдам бермади. Бир кун әрталаб уйғонганида, күзлари хиралашганини ва оёқда зұрға турганини сезди. Шифокор қабулиға ёзилди, уни невропатолог хузурига жүнатди. Ташхис умуман тушунарсиз эди — ундан паришонхотирлик — склероз топиши. Шифокор ривожланаётган неврологик бузилиш деб қасалликка таъриф берди, унда нерв толалари бош ва орқа мияга үтадиган жойларда заараланаң экан. У күпроқ таҳлил қылдиргиси келарди-ю, шифокор хузурига боришга құрқарди.

Ванесса бизнинг ёнимизга келганида, унга бундай ташхис қўйилгани билан ҳали ҳаёт тугаганий йўқлигига ишонтирилди. Тўғри даволанса яна баҳтли, яхши ҳаёт кечириши мумкинлигини тушунтирилди. Шифокор Фил гапларини қайтарадиган бўлсак, “Агарда сиз бирор нарсанинг номини эслай олмасангиз, уни эплай олмайсиз”.

Ванессани невролог ёнига жұнатдик, марказий нерв тизими ва орқа мия ҳолатини аниқлаб берди. Бир ойдан сұнг МРТга тушиб, үзининг бош ва орқа миянинг заараланган қисмларини аниқлаш, маҳсус олигоклонал оқсиллар, күз хиралашига күрүв нервининг фаоллигини баҳолаш бүйича күрикден үтди. МРТ натижаларига күра склероз тасдиқланды. Күшимча қон тахлиллари унинг СПИД, Лайма, инсульт әмаслигини күрсатди.

Склероз касаллигидан даволаниши учун мия ва асаб тизими қандай тузилгани ҳақида Ванессага тушунтириш ишларини олиб бордик. Бизнинг марказий нерв тизимимиз, бош ва орқа мия чўпга ўр-

натилган апельсинга ўхшайди. Апельсинга ўхшаб, миянинг ташки қобиги, ичкарисида дағал түкроқ ҳужайралар қатлами очроқ нерв толаларини ўраб туради. Склероз аутоиммун касалилиги бўлиб, лейкоцитлар антителаларни қўпайтиради, улар очроқ ички қатламга ҳужум қилишади. Склерозда миядаги орқа миядан ўтадиган асаб толалари тошмалар билан қопланади ва улар нерв сигналларини мияга нормал етказиб беролмайдилар. Бу маълумотларни олганидан кейин Ванессага кўз олдида ўз нерв толаларини тошмаларсиз, заараланмаган ҳолатда визуализация қилишни таклиф қилдик. СД дискни қўйиб, аудиоверсиялардан “Склероз касалликларига ёрдам” психотерапиясини кўрсатдик.

Иккинчидан, биз Ванессага дорилардан шифокорлар учта сабабга кўра фойдаланишини айтдик: белгиларни бартараф қилиш учун, рецидивлар олдини олишга ва узоқ муддатли касаллик кечишини ўзгартириш учун.

Ванессанинг симптомлари орасида кўл-оёқлари уюшиб қолиши ва титраши ҳам бор эди. Тибиёт тилида бу “атаксия ва мушаклар спастиклиги” дейилади. Уни кучли чарчаш, аниқ кўрмаслик, кучли бош оғриғи қийнарди. Шифокорлар баклофен, дантролен ичишни, оёқ ва қўллардаги уюшишларни кетказиш учун физиотерапия муолажаларини буюришди. Чарчоққа қарши амантидин ва модафинил тавсия қилишди. Бош оғриқларининг тусатдан хуруж қилишига қарши ва кўзнинг аниқ кўрмаслигига стероидларни ичишни маслаҳат беришди. Касаллик асорати қолмаслиги учун бета-интерферон, глатирамер ацетат, натализумаб буюришди. Ҳаммасининг акс таъсири бўлгани учун у узоқ ўйлаб, қисқа гормонал курсни танлади.

Сўнг Ванесса парҳезшунос ёнига борди, у кальций, магний, мис, селен, В витаминлари комплекси.

сини истеъмол қилишни буюрди. Кофеини бор ичимликлар, натрий глутамат бор овқат ва ичимликлар тақиқланди, чунки улар касалликни кучайтиради. Буғдой маҳсулотларини ҳазм қилолмагани учун бу маҳсулотлардан воз кечди.

Кейинги босқичда нина муолажалари ва хитой доривор ўсимликлари билан даволанишга ўтди. Улар оёқ-құллар уюшиб қолиши, бош оғригини пасайтирувчи ва چарчоқни енгувчи ўсимлик дамламаларини тавсия қилишди. Хитой каштани яллигланишга ва шишишга қарши таъсир қиласы. У яна иммун тизимини мустаҳкамлаш учун макробиотик диета буюрди.


Охирги шифокор Тибет тиббиёти ўсимликлар комбинациясини тузишга құмаклашды. Мушак күчини күтарадиган ўтлар йиғмасини тайёрлаб берди.

Жисмоний машқлар билан биргаликда у фикрлаш тарзини ўзgartира бошлашды. Бекарор склерозда ижобий фикрлаш психотерапияси: “**Фикрларимни танлаб, қувонч ва мұхаббатта тұла оламни яратаман. Мен тұлық хавфсизликдаман ва эркинман**”, анемия симптомлари кузатилганда: “**Мен ўз ҳиссиётларим ва мұхаббатим билан бўлишаман. Ҳар бир одам мұхаббатига жавоб қайтараман**”, толиқищда: “**Мен ҳаётта жуда ташнаман**”, چарчоқ ва бош оғрифида: “**Мен ўзимга ёқаман ва ўз ҳаракатларимни маъқуллайман. Мен ўзимни, нима қилаёттанимни, мұхаббат тұла күзларим билан қарайман**”, күриш қобилияти яхшиланишида: “**Мен ҳаётта нисбатан ғайратта тұламан. Бундан бүён ўзимга ёқадиган оламни яратаман**”.

Ванессага илохиёт билан бояланишни маслаҳат бердик. Бошида у иккиланди, аммо синааб күришни маъқул топди. Ҳар куни әрталаб уйдан узок бўлмаган ўрмонда медитация қилди.

Таълим олиш ва ривожланишдаги муаммолар

Одамларнинг кўпчилиги таълим олиш ва ривожланишдаги муаммолар мия фаолиятининг бузилишида деб ўйлашади. Биз эса ўзгача қараймиз. Одамларнинг барчаси дунёга мия фаолиятининг алоҳида хусусиятлари билан келади. Баъзилар мия ўнг ярим шарлари бошқарадиган хиссиётли фикрлашдан кенгроқ фойдаланади, бошқалари эса чап ярим шарларга тегишли мантикий, структурали фикрлашни кўпроқ қўллашади. Гап таълим олиш муаммоси ҳақида бўлса, бу одамлар нормал таълим олиш жараёни бузилган шароитда яшашлари ва меҳнат қилишлари аниқланди. Мактаб ва ишдаги муваффакиятсиз уринишлардан кейин уларда но-соғлом фикрлаш шаклланади, улар ўзларини бе-фаҳм, дангаса ва омадсиз деб ҳисоблай бошлайдилар. Кўплаб дуч келадиган муаммолар, барча ҳаёт фаолиятлари уларни бир хил типда идрок қилишга — миянинг ўнг ёки чап ярим шарлари устунлик қилишига асосланган. Масалан, ўнг ярим шарлари устунлик қиласидиганлар вазиятни бутунлигича кўришга қодир ва уни одатланмаган бурчакдан янгича кўриш имконияти ҳам бор. Аммо улар юқори структурали жамият ҳаётининг майда деталларини кузатиши қийин. Фикрлашида чап ярим шарлари фаолияти устунлик қиласидиганлар кўпинча математика ва бошқа илмларнинг деталларини ажойиб равишда ўзлаштирадилар. Аммо хиссиётли томонини илғай олмайдилар. Бу ҳолатлар нафақат миянинг бир томони ривожланиши устунлик қилаётганидагина эмас, бир йўналишда — бир томон хусусиятларини илғаб, бошқа томонни идрок қилишга им-

 ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛАДИ
конияти йўқлиги ва кучли дисбалансга ҳам боғлик бўлади.

Таълим ва ривожланиш соҳасидаги бузилиш симптомларини енгиш учун ёрдам берадиган дори воситалари ва даволаш усуллари қандай? Факат бу услуб ва воситалар идеал қарор эмас. Олтинчи ҳиссиёт марказидаги саломатлик тўғрисидаги тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун ҳаракатларни ўрганиш ва бор муаммоларни чуқурлаштирувчи фикрлашни ўрганиш керак.

Когнитив ва ривожланиш соҳасидаги бузилишларни таҳлил қилаётганимизда, уларда яққол на-моён бўладигани дислексия (ўқишини ўргана олмаслик), диққат дефицити синдроми ва гиперфаоллик, Аспергер касали ва бошқалар борлигини кўрамиз. Дислексиядан қийналиш когнитив бузилиш бўлиб, ўқишини ўрганишга қобилият йўқлиги — чап ярим шарига нисбатан ўнг ярим шари ривожланганида, улар лингвистикани батафсил ўрганишга қодир эмасликларида. Аспергер синдроми билан касал бўлганлар (ривожланишда камчилиги бор) чап ярим шарлари ривожланган, улар деталларга диққатини жамлашга мойил бўладилар, бунга вужуди билан бериладилар, аъло даражада математик қобилиятга эгалар. Ҳар бир одам мияси бошқача ишлайди, ҳар бирининг ўз шахсий ютуқ ва камчилеклари бор, бироқ диққат етишмаслиги синдроми ва гиперфаоллик, Аспергер синдроми ва дислексияси бор одамларнинг фикрлаши бошқаларнидан жуда кучли фарқ қиласди. Мана нима учун Луиза Хей томонидан ишлаб чиқилган ижобий кайфият назариясида бу бузилишлар ҳақиқий бузилиш сифатида қаралмайди, чунки ҳомила пайтида бундай бузилишлар ҳар бир аёлда бўлади.

* * *

Муаммо ечимини миянинг оптималь — энг самарали ишлаш вақтига түргилаш керак. Бунга эришиш йўлларидан бири нормал яшашга халақит берадётган салбий фикрлаш тарзини аниқлаш ва уни ўзгартиришдан иборат.

Диққат етишмовчилиги ва гиперактивликка боғлиқ муаммони бартараф этиш учун Луиза Хеймана бундай ижобий психологик дастур белгилайди: “Ҳаёт мени эркалатади. Мен ўзимга қандай бўлсам шундайлигимча ёқаман. Мен ҳаётимни ўзим фойдали бўлиши учун қувноқ қилишга қодирман. Менинг оламимда ҳаммаси жойида”. Аммо бундан ташқари у яна бошқа дастурлардан ҳам фойдаланишни таклиф қиласди. Масалан, диққат пасайиши билан боғлиқ гиперактивлик кўпинча сизда босим ўтказадиган, қаттиқ жазавага туширадиган фикрлар пайдо қиласди. Агар сиз гиперактивликка мойил бўлсангиз, лекин диққатингизни жамлашга қодир бўлмасангиз, сизга хавотир ва қўркувни йўқотадиган, тинчлантирувчи психологик дастур керак бўлади. Мана яхши дастур: “Менга ҳеч нима хавф солаётгани йўқ. Ҳеч қандай босим йўқ. Мен ўзимни яхши ҳис қиласяпман”. Дудукланиш, нутқ бузилиши ўзини намоён қила олмасликка боғлиқ. Агар сиз дудуклансангиз, озгина сабр қилинг, ўз истакларингизни ифода қилиш учун қуйидаги дастурдан фойдаланинг: “Мен эркинман, очиқчасига ўз қарашларимни химоя қила олман, мен уларни керакли даражада ифодалашга қодирман. Мен одамларга муҳаббат беришга ва мулоқотларда уларни ифода этишга ҳаракат қиласман”. Аспергер касали кўпинча депрессия кайфиятида на-



моён бұлады, агар сиз ундан қийналастың бұлсанғиз, қуидеги дастурдан фойдаланишиңгиз мүмкін: “Мен күркүв ва бошқа одамлар тақиқлариниң ташқарисидаман. Мен үз ҳаётимни яратаман”.

Луиза тавсия эттән ижобий дастурлардан фойдаланиш сизни ҳаётсевар, қувноқ бұлишга созлайды. Сиз камроқ хавотир олишиңгиз ва ташвиш тортишингиз, аксинча вазмин ва эътиборли бұлишиңгиз керак. Табиийки, вақти-вақти билан сиз эски одат ва фикрларингизга қайтасиз. Сиз бутун умр давомида шундай бұлғансиз, шунинг учун бир пастда тузалиб қоламан деб умид қылманг. Үзингиз етган мэрраларингиздан ғуурланинг, аммо ниманинг устида ишлашиңгизга эътибор қаратынг.

Сизге қизиқарлы бұлған иш билан шуғулланишиңгиз учун әркинлик керак. Күтилмаган үзгаришлар, жиddий қоидалар, маслаҳатлар ва талаблар сизни одамови қилиб қўяди. Когнитив бузилишлар бор бұлса, бу доимо курашиш керак ёки сиз ҳаётда албатта баҳтсиз бұласиз дегани эмас. Дикқати бузилған ва когнитив ривожланишда камчилиги борлар, үзларининг қиёфаларини — ташки кўринишини ҳам ақлий, ҳам жисмоний томондан бутунлай үзгартыришга ҳаракат қиласылар, фикрлари тарқоқлиги ва тартибсизлиги туфайли қанча куч сарфлашларини эшишиб ҳайрон қоласиз. Үзларининг мажбуриятларини унұтмаслик, орттирган янги одатлари, онгларини үстириш учун бирмунча бұш вақт ажрата оладылар. Бу көнг күламда реалликни аник кўришга, шу пайтнинг үзида деталларигача шуғулланишга имкон беради. Гап шахсий фикрлаш ва хатти-ҳаракатлар ҳақида кетяпти. Ижодий ибтидо ва ҳаётга онгли қарааш үртасида баланс үрнатишга ҳаракат қилинг. Сиз қобилиятли ва кучли одамсиз. Доимо үзингизга шуни эсл-



тиб туриңг: “Мен миям ишини бошқараман. Мен үзимга қандай бұлсам, шундайлигимча ёқаман. Мен етарли даражада яхшиман. Менинг ҳамма ишларим жойида”.

Ижобий дастурлардан ташқари, когнитив бузилиши бор одамлар ҳаракатларини үзгартыриш орқали ҳам мия фаолияти ва ривожланишдаги бузилишларни яхшилаши мүмкін. Масалан, батағсил структуралы қабул қилиш миянинг чап ярим шарлари орқали бұлади, сиз ҳиссий ва ижодий соҳаларни озод қилиш учун имкони борича ҳаракат қилинг. Бу етарлича қийин, құрқинчли ҳам, шунинг учун мустақил равища үзингиз шуғулланманг. Үзингиз ишонган одам сизга бир соат ёки бир кунга ҳаракатларингиз режасини тузишга ёрдам берсин. Сиз кейин нима юз беришини билмасангиз ҳам қатъий қадам таштай оласиз, чунки сизнинг қизиқишликтарингизни ҳимоя қилаётган одам режалаштирган. Ички сабаб туфайли бу ҳолатга аста-секин үтиш хавфсиз ҳаётингизни таъминлайды, бу сезилмасдан үтади. Даволаниш учун психотерапевтни жалб қилишингиз керак. Бу когнитив ёки деалектив ҳаракатлар психотерапевти бұлсин, у қасалликнинг құрқув ва хавотир ҳолатини аниқлашга ва йүқотишига ёрдам беради.

Агар сиз үнг ярим шарлар ёрдамида әркін фикрлайдиган ижодий одам бұлсангиз, тескариси-ни қилишингиз керак. Ҳаётингизни секинлик би-лан тартибга — бир маромлилікка үтказинг. Жуда шошилмасдан ҳаракат қилинг, чунки воқеани тезлаштириш ҳамма ҳаракатларингизни йүққа чиқаради. “Икки усулда” деб номланадиган стратегия сизга мос келади. Агарда сиз хаёлан мұаммони хал этиш ва қарор чиқаришнинг уддасидан чиқмасан-гиз, шунчаки уни иккита усулда қилиб күринг. Бу-

нинг учун қўлингизга ручка ва қофоз олиниг. Ҳосил бўлган вазиятни характерловчи икки тўғри фикрини ёзинг. Бу омилга боғлиқ яна иккитасини, сўнг яна иккитасини ёзинг. Бу жараённи такрорласаңиз, сиз муаммонинг асосида пайдо бўласиз. Ҳатто етарли бўлмаган диққат концентрациясида ҳам бу ёндошув ёрдамида сиз муаммони тўғри еча оласиз.

Бундан ташқари ҳаётингизни тартибга соладиган одамга мурожаат қилишингиз мумкин. Когнитив кўникмаларни ўргатувчи мутахассис ҳаётни тартибга соловчи асосий принципларни тушунтириб беради. Бундай одам сизнинг ҳаётингизни тартибга келтирувчи воситаларни топишга имкон туғдиради. Деталларга диққатни жалб қилувчи ижодий иш топиб, ҳеч бўлмаса ярим ставкага ишга киришга ҳаракат қилиб кўрсангиз яхши бўлади.

Клиник амалиётдан когнитив бузилишлар ҳолатларининг тадқиқотига

Тара ҳозир ўтгиз ёшдан ошган, деярли қаттиқ ҳарбий интизом ўрнатилган оиласда тарбияланган. Отаси флотда хизмат қилгани учун уйида қаттиқ интизом, тартиб ва диққат-эътиборни талаб қиласарди. Баъзи болалар бундай тарбияга оддий қарайдилар, аммо Тарага бундай оиласвий муҳит ёқмасди. Энг ёмони, ўқиган мактаби ҳам ҳарбий база ҳудудида жойлашгани учун шундай қаттиққўллик талаб қиласарди, дарсларда ёд олишлар ва бошқа анъанавий услублардан фойдаланиларди. Таранинг доимо хаёли паришон бўларди. У диққатини жамлай олмасди. У диққатини жамлай олмаганидан, вақтида уй вазифаларини бажаролмасди. Ота-онаси фанларни ўзлаштира олмаганидан хавотирланиб, диққат етиш-



маслиги ва гиперактивликни ташхис қиласидиган психотерапевт ёнига олиб боришиди, у Тарага риталин ичишни тавсия қилди.

Таранинг диққатини жамлаши бир оз яхшиланди, аммо риталин унинг асосий муаммоси — анъанавий ўқитиш услубларини ўзлаштиришига салбий таъсир қилди. У вояга етиши билан Нью-Йоркка кўчишга қарор қилди ва ўша ерда дизайннерлар мактабига кириб, ижодий қобилиятларини ривожлантириб мода соҳасига ўқишига кирмоқчи бўлди. Аммо тезда таълим соҳасидаги талабларни бажаришда муаммоларга дуч келди. Дизайннерлик масаласи аъло дараҷада эди, лекин имтиҳонларни катта қийинчлилек билан топширади ва лойиҳаларини режалаштиришни билмагани учун кечикиб бажааради. Натижада академик қарзлари кўпайиб кетди, аммо ўқитувчилари дизайннерлик ишлари, ажойиб иқтидори ҳамда идрокини мақтар эдилар. Фикрини жамлай олмаслиги мактабдалигига ёқунинг учун муаммо туғдиради, энди эса яна бу ҳол қайталанди.

Тара ўз фикрлаш тарзини диққат дефицити синдромига қарши тавсия этилган ижобий дастурлардан фойдаланиб, ўзгартиришга уринди: “**Ҳаёт мени ардоқлайди. Мен ўзимга қандай бўлсан, шундайлигимча ёқаман. Мен ҳаётимни фойдали бўлган шодликка тўлдириб яшайман. Менинг оламимда ҳамма нарса ўз жойида**”.

Тара менга мурожаат қилганида хавотирни оладиган дастурдан ҳам фойдаланишни маслаҳат бердик: “**Мен ўзимга ёқаман. Мен ҳаётга ишонч билан қарайман. Мен хавфсизликдаман**”, гиперактивликка қарши: “**Мен хавфсизликдаман. Менга азоб бероётган нарсалар йўқолади. Мен жуда ҳам яхшиман**”.

Биз Тарага дори танлашигача ва ҳаракатларини ўзгартиришигача ёрдам бердик.

Биринчи ўринда унга диққатини жамлайдиган ва фикрларини бир жойга тұплай оладиган одамларда мия қандай ишлашини тушунтирдик. Бош миянинг ўнг ярим шарлари қабул қилишга мослашган, ранглар, ҳиссиёт, умумий мавзуларни, чап ярим шарлар күпроқ деталлар, сүз ва мантиқни қабул қилишга мослашган. Одам қуидаги диққат күринишиларига эга:

- **Диққатни тұплаш.** Биз алаҳситувчи омилларға әътибор бермасликка қодирмиз, биринчи галда, иккінчи галда ва охирида нимага әътибор қаратишни тушунишимиз керак.

- **Диққатни тақсимлаш.** Биз атрофимиздаги бир неча объектларға диққатимизни тарқатиш имконимиз бор.

- **Диққат турғунылиги.** Бу ҳолат огохлик ва чидамлилікка мүлжалланған.

- **Ҳиссиётли ва интуитив диққат.** Бу ўзимизни, эңг яқынларимиз ва суюкли инсонларимизни хафа қиласып, хавотирга соладиган нарсаларға диққат қаратишими.

Фикрлашимиз типи диққат тури ва характер хусусиятларини ҳам ҳисобға олади, бироқ вақт ўтиши билан ўзгаради. Уч-түрт ёшли пайтимизда интуиция ва ҳиссиёт диққатимизни бошқаради, биз ўзимиз истаган нарсага, шоколадли батончагами ёки ўйқугами диққатимизни жамлаймиз. Ривожланишга қараб диққатимиз марказига бошқа объектлар ҳам тушади. Бизда секин-аста диққатни тұплаш, тақсимлаш, турғун ва ҳиссиётли диққат пайдо булади. Масалан, умумий мактабға чиққунга қадар, биз ўқитувчининг гапи ва синфдошлардан иборат “үйинқароқ тұда”нинг шу пайтда нима қи-

лаётганига диққатимизни тақсимлай оламиз. Күпчилик диққатини алаҳситувчи омилларга эътибор бермайди, масалан, уй вазифасини бажараётган пайтда мусиқага эътибор бермаймиз. Мен кўпчилик деяпман, нимага деганда ҳамма ҳам унга ўргана олмайди. Аммо бу ҳар бир одам барча диққат турини ўзида шакллантира олмайди дегани эмас. Ҳамманинг ҳам афзаллик ва камчилик томонлари бўлади, уларга фармацевтик үсувлар, маслаҳат ва овқатланиш ёрдамида таъсир қилиш мумкин.

Демак, бизнинг тавсиямизга кўра Тара олдинига ҳамма томонлама нейропсихологик кўриқдан диққат турининг ривожланганлиги, таълим ва хотирасининг типини аниқлаш учун ўтди. Рассомлик иқтидори бор одамлар каби Тарада ўнг ярим шарлар билан боғлиқ уч ўлчовли обьект ва бошқа элементларни қабул қилиш ривожланганди. Бироқ у диққат марказига чап ярим шарларга хос элементлар дуч келганида, тезда хаёли бўлинарди. Унга оғзаки ёки ёзма йўриқлар кўрсатилганида ўзини йўқотиб қўяр эди. Унинг чап ярим шарига боғлиқ тил ривожланиши суст бўлгани учун илк текширувда дислексия деб ташхис қўйилди.

Нейропсихолог унинг ҳақиқий фикрлаш тарзи қандай эканини тушунтирганида, хурсанд бўлиб кетди. Бирданига у нима учун ўқишга берилган топшириқларни вақтида ва охиригача бажариш қийинлигини тушунди. Унинг ақли заиф эмасди, визуал-макон фикрлаши (ўнг ярим шарларга тегишли) интеллект коэффициентини аниқловчи тестлари ўртача кўрсаткичдан ошди, бу туғма рассомлик иқтидори борлигини кўрсатарди. У шунчаки ўқишдаги вазифаларни бажариши учун когнитив идрок қилишини деталларга аҳамият беришга мослаштириши керак эди.

Қатъиятлилик билан Тара ўзига мураббий қидира бошлади. Ўзида дислексия ва дикқат етишмоғынлиги синдроми бўлишига қарамай, илмда мувваффакиятта эришган профессорни излаб топди. Унинг бошчилигида ўзининг камчиликларини қоплай оладиган қатор услубларни билиб олди. Шу билан бир қаторда маҳсус графикка амал қилиш учун рангли календардан, бирор нарсада тўхтаб қолмаслик учун баланд овозли таймердан, маҳсус диаграмма ва структурали схемалар ёрдамида биринчи галда бажариладиган топширикларни топиш учун фойдаланди.

Шифокор раҳбарлиги ва кўмагида риталинга ўхшаш стимуллаштирувчи метадатни кучли зўриқиши бўлганида қабул қиласди, камроқ психологияк босим пайтида кучсизроқ таъсир қилувчи веллбутринга ўтди. Ҳатто шифокор ёрдамида қайси ойларда умуман дори қабул қилмаслигини аниқлади. Бари бир биз унга дикқат концентрациясини ошириш учун ҳар куни ацетил-карнитин, ДНА ва женъшен дамламаларини ичишни буюрдик.

Биз Тарага кофеинни минимумга туширишни айтдик, чунки унда дикқатни жамлашни пасайтирадиган стимулятор бор. Натижада Тара баъзи кофеинли маҳсулотлардан умуман воз кечишга қарор қилди.

Шундай турмуш тарзи ёрдамида Тара дизайнерлик мактабини тугата олди ва ҳозирда дизайнер бўлиб ишлайти. Ўз маҳсулотларини йирик савдо дўконларида сотмоқда.

Кўз ва қулоқлар

Эшитиш ва кўришда муаммоси борлар вақтларининг кўп қисмини маънавий фикр юритиш, дуолар ва мистикага кетказишга мойил бўладилар. Аммо



сиз маънавий соҳада доимо фикр юритсангиз, ердаги шодликлардан, масалан, машхур мусиқадан, сиёsat, бирон севган ва ҳамманинг муҳокамасидаги мавзулардан тўлақонли баҳра олмайсиз. Натижада сиз дўстларингиздан, таниш, суюкли инсонлар ва ҳамкасларингиздан узоклашиб қола бошлайсиз.

* * *

Кўз ва қулоқдаги бузилишлар фикрлаш тарзи ва ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ, улар сизга кўрсатаётган ёки гапираётган нарсаларга эътибор беришга тўйсунлик қилади. Шунинг учун бу фикр ва ҳаракатларни ўзгартириш керак.

Луиза кўриш ва эшитиш билан боғлиқ, кўркув ва хавотирини енгишга оид қатор ижобий дастурларни таклиф қиласди. Масалан, кўришнинг бузилиши хаётда кўраётган нарсаларга ижирғанишдан келиб чиқади. Уни енгиш учун психологик дастур: “Мен ҳамма нарсага муҳаббат ва қувонч билан қарайман”. Яқиндагини кўриш, келажакдан кўрқиш хасталиги унга ишонмасликдан келиб чиқади. Агарда сиз доимо келажак нима беришини ўйлаверсангиз, ҳозирги пайтда мана бундай ижобий дастурдан фойдаланинг: “Мен шиддатли ҳаётта ишонч билан қарайман. Мен тўлиқ хавфсизликдаман”. Унга қарши — ҳозирнинг ўзидан кўрқиш хасталиги ҳам бор. Агар сизда тўғрингиздаги нарсани кўришда муаммо бўлса, кўзларингизни очиб: “Мен бу ерда хавфсизликдаман. Мен буни аниқ кўряпман”, дея тақрорланг. Кўз касалликларида, масалан, катарактада, “биллурнинг хира тортиб қолишида” ҳамда ҳамма нарсани қора зулматда кўрсангиз, қуйидаги сўзларни тақрор-

ланг: “Ҳаёт абадий ва қувончга тұла. Мен ҳар дақиқаны сабрсизлик билан кутаман. Мен ханғасизликдаман. Ҳаёт мени ардоқлайди”. Глаукома, күз нервининг бузилиши узок давом этган шикастланишдан келиб чиқади. Үтмишдаги қалб яраларидан қутулишга ва даволанишга ҳаракат қилинг: “Мен ҳамма нарсага муҳаббат ва меҳрибонлик билан қарайман”. Ҳамма санаб үтилғанлар күз касаллікleri жиддий, аммо улардан шифо топса бұлади.

Кулоклар атрофдаги товушларни эшитиш қобиляйтимизни күрсатади, шунинг учун нормал эшишишнинг бузилиши ўз онгини ташқи оламга тұлық очмасликка ёки эшита олмасликка боғлиқ. Эшита олмаслик атрофдагиларга ишонмаслик ҳам билдиради. Үнга мана бундай психологияк дастур түғри келади: “Мана әнди мен ўзимга буюк мавжудотдек ишонч билан қарайман. Мен муҳаббатга тұла бўлмаган фикрларнинг ҳаммасидан воз кечаман. Мен ички овозимга муҳаббат билан қулоқ тутаман”. Карлик, ташқи оламдан ажралғанлик ёки қайсаңлик билан эшитмаслик қуйидаги янги ғояларга тұла ижобий дастур ёрдамида очилади: “Мен илохий қонунларни тинглайман ва ҳар бир нарсани кўрганда, нимани эшита олсан қувонаман, мен ҳамма мавжудотлар билан бир бутунман”. Кулокдаги оғриқ, эшитишни истамаслик бөшидан үтган кўнгилсизликлар, масалан, ота-оналар ўртасидаги уриш-жанжаллардан ғазабланиш билан боғлиқ. Ғазабдан халос бўлинг, қуйидаги дастур хақида ўйланг: “Мени уйғунылик ўраб турибди. Мен ҳамма нарсани муҳаббат билан тинглайман, ҳамма қабул қылган нарсаларимни ёқимли ва яхши деб биламан”. Ўрта қулоқдаги бузилиш, масалан, мувозанат ва бош айланиши тарқоқ ёки



турғун бўлмаган фикрлар билан боғлиқ. Агар сизнинг дикқатингиз кўп бузилса, ижобий дастурга жамланинг: “Мен бу ҳаётда дикқатимни жуда жамлаганман ва хотиржамман. Тирик ва шодмон бўлишнинг ҳеч қандай хавфли жойи йўқ”. Кулокдаги шовқин ва жаранг Меньер касаллигига кузатилади, қайсарлик ва у ички товушни эшитишдан бош тортишда боғлиқ бўлади. Ўзингизга жавоблар ичинги здалигини эслатинг ва қуидаги дастурни такрорланг: “Мен ўз шахсимнинг юксак қобилиятига ишонаман. Мен ички овозимга муҳаббат билан қулоқ тутаман. Мен муҳаббатга йўғирммаган ҳамма нарсадан воз кечаман”.

Сиз ўз харакатларингизда ўзгаришларга, яхши ҳаёт тарзига яқинлашиш учун уриняпсиз. Сиз маънавий жамланган ҳаёт тарзидан харакат бошлигиниз ва ўз хоҳишингиз билан олға интилишингиз керак. Шунинг учун атрофингиздаги оламга қаранг, сизнинг хиссиётларингиз юзаки эканини тушунасиз ва бу билан боғлиқ бирон нарсани бажаришга уриниб кўринг. Қатъиятли бўлинг. Сиз буни бажара оласиз. Юзаки қабул қилишда ҳам ўзининг афзаликлари бор. Мен мистик ёндошувдан бутунлай воз кечиш керак деётганим йўқ. Аммо атрофдаги одамлар билан мулоқот қилиш қобилиятини ривожлантиринг. Телевизор кўринг. Ўзингизга қандайдир бестселлер танланг. Радио тингланг. Бўлаётган дунё хабарларидан боҳабар бўлинг. Ҳавога нима айтмоқчисиз?

Ёлғизликка бўлган интилишдан қочишингиз керак. Янги билимлар билан қуролланиб, одамлар билан гаплашишни ўрганинг. Қандайдир ҳамма гапирадиган шоуни кўринг. Аммо факт кўриш учун эмас, эртаси куни у ҳақда гаплашиш ва ижтимоий ҳодисаларда иштирок этиш учун. Сиз ўз алоқа кўникмаларингиз-

ни ривожлантириш учун, масалан, дүкөндеги кассир билан об-хаво ҳақида гаплашинг. Об-хаво ҳақида нима дейсиз?

Якунида қандайдыр жисмоний ҳаракат талаб қи-ладиган фаолият билан шуғулланинг. Сизга массаж қилишсін. Гимнастика залига бориб құринг. Раңс тушинг. Ҳар қандай жисмоний фаоллик тананғиз билан алоқа ўрнатади ва ерга тушишга мажбур этади.

Клиник амалиётдан күз ва қулоқ касалліклари ҳолаттарининг тадқиқотига

Ванда қирқ түрт ёшда, мен билған энг сезгир кишилардан, маңнавиятли. Мен билан учрашған дақиқага қадар ўн йил давомида унда мистика-га мойиллик бўлган. Ванда болалигидан кўзойнак таққан. Ўсмирлик вақтида ортиқча вазн, хавотир ҳиссиёти, жizzакилик билан курашишига тўғри келган, шунинг учун китобларга берилиб кетиб борган сари ёлғизланиб қолган. У техник мактабни битириб, бухгалтер бўлган — ҳаётдан яширинмоқчи бўлганлар учун ажойиб иш. Кўп йиллар давомида бир хил иш бажаргани учун ҳисоб-китобда адаша бошлади. Бундан ташқари кўриш тизими бузилди — машинада уйига кетаётганида бирданига кўзлари чақнаб кетадиган бўлди. Ванда кўзойнак зарур деб ўйлаб, офтальмологга учрашди, унга катаректа ташхисини қўйишиди.

Биз Вандага соғлом кўз нима эканлигини ёки визуализация қилиш қандай кечишни тушунтирдик. Кўз соққаси — ёруғликка таъсирчан нервларга тўла шар, у мугуз парда дейилади, олдида линзаси бор, линза атрофидаги ўта сезгир парда ретина дейилади.



Нормал кўришда линза силлиқ ва шаффофф бўлади. Катаракта ривожланаётганида кўз линзаси хиралашади, баъзида кўриш блокировка қилинади. Айнан бу ҳодиса Вангага содир бўлаётган эди.

Катарактанинг ривожланиши кўз жарохати, аутоиммун кўз касаллиги, диабет, радиация туфайли, стероидлар қабул қилиш ва шунга ўхшаш қатор сабабларга кўра бўлади. Муаммони камайтириш учун катаректадан ташқари, чуқурлаштирувчи қандайдир бошқа омиллар Вангага таъсир қилмаётганини текшириш керак эди. Ванданинг вазни 50 фунгга ортиқчалик қиласади, у доимо шифокорлардан қочиб юргани учун қонида қанд миқдори ошганлигини билмасди. Бизнинг маслаҳатимизга кўра шифокорининг ёнига борди ва қон миқдорини аниқлаштириди. Иккинчи турдаги диабет топилди. Унинг озиши учун углевод миқдорини камайтирувчи интенсив диетотерапия курсини тавсия этдик. Биз унга 30 дақика давом этадиган машқлар комплексини таклиф қилдик. Ванда тавсия этилгланларни хурсанд бўлиб бажарди, қонидаги қон миқдори нормаллашди, юрак ҳолати яхшиланди ва охир-оқибат кўриш қобилияти ҳам тиклана бошлади.

Бошқа даволаш усусларини таҳлил қилиб, анъанавий даволашга ўтдик. Катарактани даволашнинг энг яхши йўли жарроҳлик аралашувидир. Бунда эски линза олиб ташланади ва янги синтетик линза қўйилади, бу унинг шаффофлигини таъминлайди. Ванда хирургия унинг муаммосини ҳал этолмаслигидан қўрқарди, офтальмолог эса муолажа унинг кўришини 95 фоиз яхшилашига ишонтириди. Бу маълумотни билгандан кейин Ванда операцияга кўнди.

Аммо у шу билан тўхтаб қолмади. Муҳими, иккинчи кўзида катаректа пайдо бўлмаслиги учун нима қилиши кераклигини билиб олди. Биз тана

вазнини оширмасликни тавсия қилиб, хитой шифо-корига ва нина муолажалари үтказишга юбордик. Хитойлик шифокор Huang Lian йифмасини ичишни айтди.

Диетолог мутахассиси күзни соғломлаштириш учун озик құшымчасини буюрди. Бу құшымча Е, А, С витаминлари, ДНА, рибофлавин, рух, селен, мис, куркұма бор маҳсулотлар, узум данаги экстракти, лютеин ҳамда глутатион буюрди. Бундан ташқари Ванда антиоксидантлар, альфа липа кислотаси, коэнзим Q10, ацетил-L-карнитин, флавин қабул қиласынан қоректене алады. Сут маҳсулотлари күриш қобилиятыни пасайтириши ва катаректани янада ёмонлаштиришини ҳисобға олиб, сут маҳсулотларидан воз кечди.

У ҳаракат ва фикрлаш тарзини ҳам үзгартырди. Ойда ҳеч бұлмаса икки марта кинога борарди. Атроф-дагилар унинг ҳолатини чуқурлаштирадиган фикрлар тарзидан қочишиңа ёрдам беріш учун ҳар қандай қулай пайтда гаплашишта мавзу топарди. Ванда ижобиي psychologist дастурларни құллай бошлади: “Мен ҳамма нарсага муҳаббат ва қувонч билан қарайман”, күришнинг бузилишига қарши: “Бундан бүён мен үзимга ёқадиган ҳаётни яратаман. Ҳаёт абадий ва қувончта тұла. Мен ҳар дақиқаны сабрсизлик билан кутаман. Мен тұлиқ хавфсизликдаман. Ҳаётим мени ардоқлайды ва әркалатади”, хавотирга қарши: “Мен үзимга ёқаман ва хатти-ҳаракаттаримиңи құллайман, ҳаётта ишонч билан қарайман ва у мени әркалатади. Мен шиддатли ҳаётта ишонаман. Мен хавфсизликдаман”.

Бу үзгаришлар ташқи олам билан яхшироқ боғланишта ёрдам берди, албатта бошқа сайёраликлар билан әмас, ерликлар билан. У 25 футта озды, қанд микдори нормаллашды ва күзида бошқа катаректа пайдо бўлмади.

Олтинчи ҳиссиёт марказида ҳаммаси жойида

Одамлар мия, эшитиш ҳамда кўриш қобилиятида муаммо пайдо бўлганида, албатта руҳий мувозанат ўрнатишга ҳаракат қилишлари керак. Олтинчи ҳиссиёт марказидаги саломатлик ахборотни ер ва осмондан қабул қилишга бевосита алоқаси бор. Бундай боғлиқликни билиш ҳаётда илдам қадам ташлашга ёрдам беради.

Сизнинг миянгиз ва қобилиятларингиз факат сизга мансуб бўлган муаммоларни ҳал этишга қодир. Ўз иқтидорингизга ишонинг, олинган ахборотни тўғри, ҳар томонлама ёндашув билан ишлаб чиқишига ҳаракат қилинг. Ишонишга ўрганинг, бунга медитацияни, дуо ёки дам олиш учун маҳсус танаффусларни қўшинг. Мантиқ, кун тартиби, умуман ҳар бир ишга ижодиёт билан ёндашинг.

Ҳаётга эътиборлироқ муносабатда бўлиш учун Луиза Хейнинг олтинчи ҳиссиёт марказига оид тавсиясига амал қилинг: “Мен ижодий қобилиятимни — идрок ва руҳиятимни мувозанатлаганимда, доимо мұваффақиятта эришаман”.

Сизнинг идрок ва юрагингиз дунё учун очик. Ҳаммаси жойида.



10-БОБ

ЎЗГАРИШЛАР



Еттинчи ҳиссиёт маркази — индивидуал, сурункали ва дегенератив бузилишлар ҳамда ҳаёт учун хавфли касалликлар

Еттинчи ҳиссиёт маркази бошқаларидан бирмунча фарқ қиласи, чунки бу марказ бошқа ҳиссиёт марказларида бошланган муаммоларга боғлиқ, аммо салбий кўринишлари яққол намоён бўлади. Масалан, сут безларининг саломатлиги тўртинчи ҳиссиёт марказига тегишли, аммо сут бези саратони ҳам тўртинчи, ҳам еттинчи ҳиссиёт марказида кўриб чиқилади. Худди шундай сурункали ҳар қандай касаллик ҳаёт учун хавф туғдиради — тана вазни ва иммун тизимиға боғлиқ муаммолар ҳакида ҳам фикр юритилади.

* * *

Еттинчи ҳиссиёт марказида саломатликка эришиш учун ўзингиздаги умидсизлик ва чорасизлик ҳолатларини батамом енгшинингиз зарур. Гап ҳаётда буюк мақсад билан яаш ва маънавий юксалиш ҳақида кетмоқда.

Агар сиз қандайдир буюклик билан, масалан, Худо билан ёки бошқа буюк куч билан алоқани йўқотсангиз, ўзингизни кучсиз ҳисобласангиз, унда сиз еттинчи ҳиссиёт марказидаги муаммоларга дуч келасиз. Ҳаёт учун хавфли касалликлар ёки ногиронликка олиб келадиган касалликлар ривожланиши, дилсиёҳликлар ва норозиликлар сизга қуд-

ратли ва илохий күчлар билан бирлашиш керак-лиги ҳақида сигнал берәтганидир. Соғлом ҳәёт илохиёт ва ўз танловингиз томонидан бошқарилишини англашингиз керак.

Салбий фикр ва ҳаракатлар хавфли сурункали ёки ногиронликка олиб келувчи касалликларни, сараторн, қўрқув, бесаранжомлик, умидсизлик, ўзидан кониқмасликни чақиради. Фикр ва ҳаракатларни тенглаштириш жараёнларида сиз касал бўлиб қоласиз ва асоратларининг ёмонлашиши виждан азобига олиб келади. Хар бир касаллик парҳез, атроф муҳит, генетика каби омилларга боғлик бўлади. Аммо ҳиссиётлар ҳолатингизни ёмонлаштириши ёки яхшилаши мумкин. Шу боис фикр ва ҳаракатларингизни даволовчиларга алмаштириш керак. Бунинг учун Луиза Хейнинг ижобий психологик дастурларини қўллаш ва ҳаракатлар характеристини ўзгартиришингиз зарур. Буларнинг барчаси идрокингизни юқори соҳаларга ўтказишингизга олиб келади ва кайфиятингиз яхшиланади.

Еттинчи ҳиссиёт маркази фан ва яхши кайфият назариясида

Гап еттинчи ҳиссиёт маркази ҳақида кетаётганда Луиза Хей томонидан шакллантирилган дастурлар, масалан, саратон, склероз (ёки Шарко касаллиги), ногиронликка олиб келувчи касалликлар, ҳәёт ёки никоҳда пайдо бўладиган муаммолар асосида ётган ҳиссиётларга қаратилган. Еттинчи ҳиссиёт марказидаги касалликлар фикрлаш тарзингиз хурматли ва яхши одам эканингизга ишончингиз йўқолганидан келиб чиқади.

Фан еттинчи ҳиссиёт марказига тегишли сурункали ва хавфли касалликлар, тана ва идрок ўртасидаги боғланишлар ҳақида нима дейди?

Ҳиссиётлар билан сурункали ва ханфли касалликлар ўртасида боғлиқлик борлиги тиббиётда ишботланган. Масалан, тадқиқотлар натижаларига кура дегенератив бузилишларда, яқин одамини йўқотгандага ёки ҳаётига мазмун бағишилаган нарсасидан айрилганда одамда депрессия, умидсизлик рўй беради. Бундай хавотирлар сурункали касалликларни авж олдириши мумкин, бир тадқиқот эса склероз келтириб чиқаришини исботлаган. Яқин одамининг ўлими ёки фарзандининг ўлими, хиёнат ҳақида хабар эшитганида одамда склероз пайдо бўлар экан.

Севимли кишиларингиз ўлими ва бошқа йўқотишлар одамга қаттиқ таъсир қиласиди. Тадқиқотлар кўрсатишича, бундай вазиятларда ҳамма одамлар тўғри қарорга кела олмайдилар.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, касаллик авж олиш даражаси ёки стрессни енгга олишингиз ҳаёт қийинчиликларида янги мақсад топишингиз таъсирига боғлик бўлади. Ҳаётни ўзгартиришга ишонадиган, соғлом мақсадли ва яхши кайфиятли одамлар склероз ташхиси қўйилганидан кейин ҳам касалликни енга оладилар.

Ижобий фикрлай олсалар тушкун кайфиятда қолганларга нисбатан 4 йил кўпроқ умр кўтаради. Бу изланиш натижаси кўпчилик тиббиёт ходимларини ҳам ҳайрон қолдирди.

Склероз ёки саратон касалликлари билан оғриган одамларда фарзандининг ўлими, ажралиш ёки ҳаётидаги даҳшатли ҳодиса кўпинча депрессия, сурункали хавотир билан кечади. Лекин бу ҳиссиётлар хавотирми, ғам-ғуссами, ҳатто саратон касалими, уларга қарши яхши кайфият дастури ёрдамида қарши кураша олса, ижобий натижа беради. Простата саратони бўлган эрқаклар билан визуализация ва стрессни пасайтирувчи терапия гуруҳи ишлаган-



да, бошқа шундай беморлардан анча фарқ қилиши кузатилган. Уларда иммун параметрлари яхшироқ, операциядан сўнг тикланиши тезроқ бўлган. Бу стрессни аниқлаш ва енгиш мумкинлигини кўрсатади. Тиббиётдаги барча воситалардан фойдаланиб, танани даволаш ва соғлом ҳаётни йўлга қўйиш мумкин.

Сурункали ва дегенератив бузилишилар

Фибромиалгия, Лайма касали ва амиотрофик склероз билан оғриган одамлар ўз ҳаётларини назорат қила оладилар. Уларнинг қатор ҳаётий мақсадлари бор — муваффақиятли мартаба, катта маош, озиш, ибратли шахсий ҳаёт. Лекин улар бари бир илохий кучларнинг аралашувини инобатга олмайдилар. Агарда сиз умрингизни фақат ўз қизиқиши ва режаларингиз бўйича яшаган бўлсангиз, бошқа нарсаларга эътибор бермаган бўлсангиз, ҳаёт сизни бейсбол коптогидек уради. Кутимаган воқеаларда заифлик ҳиссиётини енгиш учун илохиёт аралашуви ва ердаги мақсадлар ўртасида мувозанатни сақлаш керак.

Агарда сиз бедаво дардга йўлиққан миллионлар қаторида бўлсангиз, балки ҳамма нарсани синааб кўргандирсиз — анъанавий тиббиётдан тортиб, альтернатив терапиягача, лекин бу муаммони бартараф этишга қанча маблағу имкониятларни сарф қилишингизга қарамай аҳволингиз ёмонлашяптими?

Бошқа даволаниш йўлини топишдан умидингизни узманг. Бизнинг тажрибадан келиб чиқсак, тиббиёт фойдали, аммо тўла-тўқис кафолат бера олмайди. Лекин сизнинг измингизда Луиза Хейнинг ижобий кайфият дастури борлигини ҳам унутманг.

* * *

Агарда сиз тиббиёт билан бирга ижобий дастурларни құллаган ҳолда ҳаракатларингизни ўзгартира олсанғыз, саломатлик ва ўз ҳаётингизда кетта ўзгаришларга эриша оласыз. Ўтмиш, келажак ва ҳозирги пайтни қайта баҳолаш, афзаликкларингизни билиш учун саломатлықдаги инқироз вақтидан яхшироқ вақт бүлмайди.

Луиза шахсий ва рухий дисбаланс асосида эски одатлардан, ўтмишдаги фикрлаш тарзидан воз кечмаслик, эски яраларни унута олмаслик, ўзига ишонмаслик каби салбий хиссиётлар ётади деб ишонади. Сурункали касалликлар келажак олдидаги құрқұв билан боғлиқ бүлади. Ўзгариш қобилиятини құрқувларга қарамай сақлаб қолиш учун дастур: “Мен бажонидил ўзгараман, мен бажонидил ўсаман ва ривожланаман. Мен хавфсиз янги келажакни яратяпман”. Күп касалликларда шунга үхшаш құрқувни қүриш мумкин. Склерозда одамлар күпинча ўзларини симулянт деб ҳисоблашади. Улар: “Агар одамлар билишганида эди”, деган хаёл билан юришади. Улар ўзларининг тушкунликка тушганларидан чуқур афсусланадилар. Қанчалик муваффақиятга яқын бұлсалар, шунчалик ўзларини мұхокама қиласылар. Ўзингизни қудратли ва қобилиятли эканлигингизга: “Мен күп нарсага лойиқ эканимни биламан. Мен муваффақиятга эриша оламан. Ҳаёт менга меҳрибон”, – деган дастурлар билан ишонтиинг. СПИД касаллигига ҳимоясизлик, умидсизлик ва ёлғизлик ҳислари пайдо бүлади. Уларни енгиш учун дастур: “Мен — дунёнинг бир қисмиман. Мен мұхимман, ҳаёт менга меҳрибон. Мен иқтидорли ва қудратлиман”. Агар

сизда бедаво дард бўлса, ўзингизда умид уйғотинг: “Мўъжизалар ҳар куни бўлиб туради. Ичимда ҳосил бўлган шу касалликни туғдирган ҳолатими-ни ўзгартиришга ҳаракат қиласман. Мен илоҳий шифо топишни қабул қиласман. Майли, шундай бўлсин!”

Еттинчи ҳиссиёт марказида саломатликка эришиш учун фикрлаш тарзини ўзгартириш зарур. Салбий фикр ҳамда ҳаракатларингизни яхшироғига ўзгартиринг, ўз илоҳиёт ва мистикага муносабатларингизни кўриб чиқинг ва яаш учун эзгу мақсад топинг. Бундай ўзгаришга бўлган интилиш, агарда тайёр бўлсангиз ҳақиқий мақсадни топишга ёрдам беради. Мантиқдан фойдаланинг ва унга суюнинг. Илоҳий кучлар сизни қўллаб-қувватлайди ва ўзингизда бўлган ички интуициягингиздан фойдаланинг. Буюкроқ нарсага ишониш ҳаётингизда алғов-далғов бошланганида сизни қўрқув ва умидсизликдан халос этади.

Биз илоҳий тақдир билан боғланмоқчи бўлганларга “Ҳаётнинг буюк таклифи” деб номланувчи усулни таклиф қилмоқчимиз. Грант ва маблағ ундиримоқчи бўлган нотижорат ташкилотлари шундай тақлифларни тузишади. Аммо сиз бу тақлифларни Худога йўналтиринг ёки сиздан юқори бўлган истаган кучга. Сиз яна қанча яашашни исташингиз ва қолган умрингизда нималар қилмоқчилигингизни баён этинг.

Бунинг учун тоза варак олинг, исмингиз ва санани ёзинг. Сўнг “Ҳаётнинг буюк тақлифи” номини, масалан, қачонгача яшамоқчи эканингизни ёзинг. Мақсадингиз бундай кўринишга эга бўлиши мумкин: “1-босқич — 2017–2020...”, “2-босқич — 2021–2024...” ва ҳоказо.

Хар бир босқичда қандай илохий мақсадингизни борлигини ёзинг. Сўнг бу мақсадга эришиш учун нима кераклигини ёзинг. Сиз нима билан банд-лигингизни, масалан, ихтиёрий ёрдам, ошхонада кам таъминланганларга шўрва тарқатишингиз ёки табиатни кузатишингизни ёзманг. Бу янгиланиш формуласи — “Ҳаётнинг буюк таклифи” эмас. Эскиларини унутмасдан ўзингизга янги мақсад қўясиз. Масалан, “дунёни ўзгартириш” ёки “ўз набираларини севиш”. Ўз-ўзидан маълумки, набираларингизни яхши кўрасиз. Дунёни ўзгартириш эҳтимолдан узоқ нарса, лекин бу таклифингизнинг қадрини туширмайди.

Энг яхши тилак шундай:

“Мен суткада 12 соат, ҳафтада 7 кун ишлайман. Иш соатини 8 соатта, ҳафтадаги ишни 6 кунга камайтираман. Қолган умримни муҳаббат или ўтказаман, невараларим билан йилига икки марта ёзги санаторийга дам олишга бораман, уларни футбол командасини шуғуллантираман, балиқ тутишга ёки тикишга ўргатаман”.

Тушунарлим? Батафсилроқ ёзинг. Ҳиссиётларнинг аралашувига йўл қўйманг. “Ҳаётнинг буюк таклифи”ни ёзиш — бу катта иш. Сизнинг илохий дастурларингиз ҳаётни қайта баҳолашга, ўйлаганингизни амалга оширишга ва мақсад сари интилишга ўргатади.

Касалликнинг кўп томонлари сизнинг назоратингизда эмас. Аммо сизда катта имкониятлар бор. Сизни хавотир эгалламасин. Дўстларингиз, оиласиз билан алоқаларингизни узманг. Инстинктларингизга қулоқ солишини ўрганинг. Улар қўзланган мақсадга олиб боради. Ўзингизга ва нимагадир кўпроқ ишонинг. Ишонч билан интилсангиз, ҳаммаси яхши бўлади.

Клиник амалиёттдан дегенератив бузилишлар ҳолатларининг тадқиқотига

Иветт олтмиш икки ёшда, биз билан учрашганида жуда яхши жисмоний ҳолатда эди. Унинг оиласида ҳамма спортчи бўлган. Иветт спорт анъаналарини қадрлаган ва ўсмирлик ёшида узоқ масофага югуришни танлаган.

Вояга етса ҳам югуради, ҳатто ҳомиладорлик пайтида ҳам. Биз учрашган пайтимиизда ҳам югуриш билан банд эди. Ҳаёти давомида бир неча марта шикастланганди. Тизза, елкасидан, аммо уларни ишонч ва яхши кайфият ёрдамида енгган. Кўпинча у мамнун бўлиб юради. Катта уйида чиройли эри билан яшарди, пули кўп ва соғлом эди.

Сўнг ҳаммаси тезда ёмонлашди. Бир кун тунда Иветт бикинидаги қизиқ титроқдан уйғониб кетди. Оғриқ бир неча кун давом этди. Шифокорга учрашди, неврологга, кейин бошқасига. Аниқ жавоб бўлмади. Шифокорлар ён томонли амиотрофик склероз деб тахмин қилишди. Иветт умидсизликка тушди.

Биз унга ақлингни йиғиб олиб, ташхисга тайёрлан дедик. Шифокор унга ALS ташхисини кўйди, аммо бу ҳали аниқ хulosа эмасди. Иветтга бу яхши хабар эканини айтдик. Унинг белгилари факат кулранг моддага тегишли эканидан дарак берарди. Бу жуда ҳам қониқарли эмаску-я, аммо одамлар узлари билан нима юз берәётганини аниқ билишини исташади. Бизнинг нуқтай назаримиз бўйича бу унинг кайфияти учун калит эди, симптомларни қайтариш, касалликни заифлаштириш мумкин эди. Ён амиотрофик склероз (ALS) бундай касалликка мисол бўлади.

ALS орқа мия ва бош мия ҳаракат рефлексини бошқарувчи асаб хужайралари бузилишининг

ривожланишидир. Одамнинг қўл-оёқлари заифлашади, сўнг ютиниши ва гапириши қийинлашади. Бу касалликнинг давоси йўқ, аммо ҳозирги ахвол бошқача эди. Агар беморнинг ҳаётга бўлган қизикиши сақланиб қолса, жисмоний белгилар камаяди ва ҳаёти узаяди.

Иветтга ёрдам бериш учун тестлардан фойдаландик, бошқа муаммолар унда кузатилмади. Унинг умуртқа пофонаси ва қалқонсимон безида муаммолари бор эди, улар қариликка тегишли ўзгаришларга уччалик алоқадор эмасди. Шу боис биз ундаги ўзгаришлар олдини олиш учун юқорида такрорланган сабаблардан келиб чиқсан ҳолда тавсия бердик.

Уни неврологлар ёнига юбордик, қўшимча озиқ моддалар асаб тизими бузилиши олдини олади ва нерв толалари қайишқоқлигини оширади.

Биринчидан, шифокор гипербарик оксигенацияни таклиф қилди, у склерозда яхши самара беради. Қўшимчасига кучли таъсир этувчи антиоксидант терапевтик сеансларини, глютатион ва поливитаминларни тавсия қилди.

Иветт тай ва цигун машқлари билан даволаш муолажаларини давом эттирди. Бу амалиёт Хитойда қадимдан кексаларда руҳий тушкунлик олдини олишда қўлланиб келинган.

Иветт ижобий кайфият дастуридан ҳам фойдаланди: “Мен қадрли эканимни биламан. Мен бемалол илғор бўла оламан. Ҳаёт мени ардоқлайди ва эркалайди”, мияни мустаҳкамлаш учун: “Мен ўзимнинг ҳаётимни бошқараман”, тана аъзоларининг қалтирашига қарши: “Ҳаёт менга меҳр билан қарайди, ҳаммаси жойида. Мен хавфсизликданман”.

Ижобий фикр ва даволаниш самарасидан илҳомлаган Иветт ҳаётини қайта баҳолади ва нимага

эришмоқчилигини ўйлаб кўрди. Ҳар йиги шифокор назоратига боргани учун касали авж олмади. Баъзи бир руҳий зарбалардан кейин қўллари қалтиради, аммо ахволи ёмонлашмади.

Ҳаёт учун хавфли касалликлар

Касалликнинг авж олиб, одам ҳаётига хавф солишига нима сабаб бўлади? Хавфли касалликлар билан касал бўлган одамлар ўзининг кўмаксиз эканини касалланишдан анча олдин ҳис қила бошлидилар. Улар ҳаётдаги воқеалар тақдир қўлида эканига ишонадилар. Ўзларининг шахсий ҳаётларини яхшилашга қодир эмасдай сезадилар. Улар кутадилар, кутадилар, кутадилар. Яхшиликка умид киладилар. Аммо яхшилик юз бермайди.

Ҳар бир касални даволаш ажойиб ва турлича. Аммо фикрлашнинг айрим хусусиятлари касаллик кечишини оғирлаштиради. Терапияни танлашда интуитив фикрни эътиборга олиш ва шифокор билан биргаликда ижобий дастурларни танлаш даркор. Хавфли касалликлар ҳиссиёт марказидаги носоғломликни эслатади. Ҳар бирида фикрларни ўзгартириш керак. Сут безлари саратонида ҳаммага ғамхўрлик қиласвериш ётади. Бу вақтда улар ранжийди ва ҳафагарчиликни ҳис қиласди. Оғир фикрлардан озод бўлиш учун дастур: “Мен мухимман. Мен аҳамиятлиман. Мен ўзимни шодлик ва муҳаббат билан ардоқлайман. Бошқаларга ўзлигига бўлиншга имкон бераман. Биз ҳаммамиз хавфсизликдамиз ва эркинимиз”, саратонга қарши ва ўтмиш билан орани узиш учун: “Мен ўзимни муҳаббат билан кечираман ва ўтмиш юқидан озод бўламан. Бундан буён ҳаётимда фақат қувонч бўлади”.

* * *

Касалликнинг тезда авж олишига сабаб бўладиган сабабларни бартараф этиш учун ҳаётингизни назорат остига олиш ва уни согломлаштириш керак. Илоҳий қудрат ҳаётда сизни қўллаб турса ҳам ҳаммаси учун жавоб бермаслигини тушунишингиз керак. Ўзингизнинг ҳам кучингиз бор. Сиз ўз оламингизни яратишингиз мумкин.

Лейкемияни бартараф этиш учун тўртинчи бобдаги соғлом ўзаро муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги маълумотни ўқинг. Оғир вазнда халос бўлиш учун олтинчи бобни ва учинчи ҳиссиёт марказидаги балансни топинг. Еттинчи ҳиссиёт марказида ҳаммасидан муҳим қадам ўзингиз ва илоҳиёт ўртасидаги балансни англаш. Ҳаракат қилинг. Саломат бўлинг!

Клиник амалиётдан саратон касали ҳолатларининг тадқиқотига

Анжелина эллик ёшда. У кўп синовларга дуч келди — молия соҳасида, саломатлигида, ҳиссиёт борасида. Аммо у ҳали ҳам бардош қиляпти. Умр бўйи саломатлиги яхши бўлмаган. Бир бахтсизлик кетидан иккинчиси келарди. Болалигида перитонит ва қонида оғир заҳарланиш билан касалхонага тушган. Сурункали равишда боши оғрийди ва умуртқа поғонаси ҳам авариядан сўнг — йигирма ёшидан бошлаб хуруж килади. Ўттиз ёшида қалқонсимон безларида муаммо пайдо бўлди ва семириб кетди. Унда астма ривожланди. Қирқ ёшида сут бези саратонига йўлиқди. Ҳаёт учун курашди ва таслим бўлмади. Шишини олиб ташлаш учун жарроҳлик амалиётини ўтказди. Сўнг нурли терапия. Жисмоний томондан у соғлом эди, аммо ҳиссиёт борасида



түшкунликка тушганди. Доимо саломатлигига күнгилсизликни кутиб юрарди. Шунинг учун йўталишини бошлаганида, маммолог ўнг томонида қорайиш борлигини айтганидаёқ, ўзида саратон шиши борлигига ишонч ҳосил қилди.

Ўша пайтда бизнинг ёнимизга келганида Анжелинанинг касаллик тарихи шу китобнинг сарлавҳасини эслатарди. Ҳамма ҳиссиёт марказида касаллик бор: олдинига қони заҳарланган, кейин умуртқа поғонасида оғриқ, тана вазнининг оғирлиги, астма, гипотиреоз, сурункали бош оғриқлари, саратон... Жуда файратли бўлса ҳам, ҳаётга ижобий қараса ҳам у жуда чарчаган ва умидсизликқа тушган эди.

Биз Анжелинанинг соғайиши учун режа тузганимизда, у ажабланди. Бу режани иккига ажратдик: узоқ ва яқин муддатга.

Биз яқин муддатли ишлардан бошладик. Улар ҳаётга бўлган муҳаббат ва шодликка боғлик. У ҳар бир ҳиссиёт маркази учун бир соатдан, кунига етти соат ажратиши керак эди. Анжелина кун тартибини осонроқ тузиши учун радиокалендарь ва соатини мослади, янги тизимдан фойдаланишни унутмаслик учун уяли телефон харид қилди.

Биз Анжелина ҳаётига қувонч ва муҳаббат олиб киришимиз керак эди. Бу ҳиссиётлар қонни яллиғлантирувчи медиатор касалликлар авж олишини пасайтирувчи табиий киллер ҳужайраларни фаоллаштиради. Анжелина учун одатий кун тартиби режаси:

- **Биринчи ҳиссиёт маркази (қон).** Кўпроқ вақтини ўзининг яқин дўсти ёки дугонаси, ёки қариндоши билан кофе, чой ичиб ўтказиш, бўш вақтида оиласвий суратларни кузатиш.

- **Иккинчи ҳиссиёт маркази (умуртқа поғонасининг пастки қисми).** Яқин дўст билан учрашув ташкил қилиш. Ясаниб олиш ва шаҳар ташқарисида айланиш. Қиммат бўлмаган совға олиш ва ўзи-



га ёқадиган одамга бериш. Болалар майдончасида болаларнинг қувонишини кузатиш.

• **Учинчи ҳиссиёт маркази (тана вазни).** Уч кунгача 100 килокалория қуввати бўлган ёқимли нарса билан овқатланиш. Бир дўстингиз кийимларингизни тикувчига олиб бориб, қайта тўғрилацга буюртма берсин. Аэробика бўйича машқлар бажариш. Рақсбоп мусиқа қўйиш. Рақс тушишга ҳаракат қилиш.

• **Тўртиччи ҳиссиёт маркази (астма).** Кулгили кино қўришга бориш ёки телевизорда қўриш. Асосий вазифа кўпроқ қулиш. Рассомлик салонига боринг, қалам, бўёқлар сотиб олиш ва расм чизиш ёки бўяш.

• **Бешинчи ҳиссиёт маркази (қалқонсимон безларнинг пассивлиги).** Автомобилда юриш. Радио қўйиш ва бор овозда бирга куйлаш. Уй ҳайвонини (бировники бўлса ҳам) эркалating.

• **Олтинчи ҳиссиёт маркази (бош оғриғи).** Ҳаётингиздаги яқин одамларни меҳр билан эслаш. Ўтган ҳафтада нима ўзгарганини ўйлаб қўриш. Чет тилини ўрганишни бошлиш. Рақсга тушишни ўрганиш.

• **Етгинчи ҳиссиёт маркази (саратон бошланганидан кейин).** Яшаётганингиз учун хурсанд бўлиш. Янги нарса қилишга, янги радиостанцияни тинглашга, янги таом еб қўришга, янги телевизион дастур қўришга ҳаракат қилиш. Кўчага чиқиш ва юлдузли осмонни томоша қилиш, илохий кучлар билан боғланиб қўриш.

Бошқа вақтларда Анжелина узоқка мўлжалланган мақсадларни кўзлаши керак эди:

• **Биринчи ҳиссиёт маркази (қон).** Нина муолажаси бўйича мутахассис ва хитой табиби ёнига бориш, дори воситалари қон таркибини яхшилашга ёрдам беради. Тайёр поливитаминалар, фолий кислотаси, пантотен кислотаси, рибофлавин, тиамин,

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛДИ

мис, темир, рухли таблеткалар ҳамда А, В₆, В₁₂, Е витаминалари ичиш.

• **Иккинчи ҳиссиёт маркази: (умуртқа поғонасининг пастки қисми).** Поливитаминлардан ташқари анемияга қарши таблетка, глюкозамин сульфат, узум данаги экстратини умуртқадаги оғриқни олиш учун ичиш. Умуртқа поғонасининг пастки қисмидаги оғриқни олиш учун “Ямуна” машқларини бажариш.

• **Учинчи ҳиссиёт маркази (тана вазни).** Озиш, күпроқ нонушта, тушлик қилиш ва жуда кам кечки овқат тановул этиш. Ҳар бир таомининг учдан бир қисми углевод, учдан бир қисми оқсил ва учдан бир қисми сабзавотлар бўлиши керак. Кечки овқатга жуда кам оқсилли таом, сабзавотлар ейиш. Эрталаб соат ўнда ва кундуз учда энергетик батонча ва бутилкада сув ичиш. Соат учдан кейин оқсил истеъмол қиласизлигидан салом берадиган. Иммунитетни мустаҳкамлаш учун макробиотик тизим билан танишиб чикиш.

• **Тўртинчи ҳиссиёт маркази (астма).** Адвер ингаляторидан фойдаланиш. Нина муолажаси билан шуруулланадиган мутахассис ёнига бориш ва доривор ўтлар, билан даволаниш. Crocody Smooth Tea ва Andrographis, респирин дамламасини нафас сиқишини қамайтириш учун ичиш. Озиқ қўшимчасини коэнзим Q10 билан бирга иммун тизимини мустаҳкамлаш учун қабул қилиш.

• **Бешинчи ҳиссиёт маркази (қалқонсимон безлар пассивлиги).** Интегратив тиббиёт мутахассисига бориш, синтоидни (T4) тұхтатиш вақти келди, уни тиреоид гормонал восита билан алмаштириш, қисман Т3 билан.

• **Олтинчи ҳиссиёт маркази (бош оғриғи).** Мигренга қарши оғриқ қолдирадиган дориларни қабул қиласизми, масалан, имитрекс ёки топимакс. Агар

йўқ десангиз, нина муолажаси бўйича мутахассис ва хитой табиби ёнига боришингиз керак.

• **Еттинчи ҳиссиёт маркази (саратон бошланиш хавфи).** Бир неча жойда маммографиядан ўтинг ва солиштириш.

Мана шу тавсиялар билан Анжелина янги кун тартибига риоя қила бошлади. Биринчи қилган иши саратон ва келажакдан кўркув бўйича иккита мутахассисга фикрини билиш учун мурожаат қилди. Улар Анжелинада иккинчи шиш пайдо бўлганини аниқлашди ва кўкрак безларидан шишни олиб ташлашди. Нурли терапиядан сўнг саратон иккинчи лимфатик тугунга ўтди, Анжелина кимё терапиясидан воз кечди. Кўрқинчли шишлар Анжелинани хавотирга солди, ҳаётини сақлаш учун жиддий чора кўриш кераклигини тушунди. Ҳаётдаги мақсадини танлаши керак эди.

Анжелина маҳсус курсда мутахассислик бўйича ўқий бошлади, масалан, икки, уч, беш йилдан сўнг мартабасини оширмоқчи бўлди. Одамлар билан чала қолган ишларини, битириши керак бўлган юмушлар рўйхатини тузди. Кимдан хафа бўлған бўлса, муносабатларни тиклаш учун уларни тушликка чакирди.

Анжелина бир хафтага дўстининг ўрмондаги уйига ёлғиз яшаш учун кетди. Олий кучга мурожаат қилиб, “Ҳаётнинг буюк таклифи”ни ёзди, унда қанча молиявий маблағ кераклигини кўрсатиб ўтди. Дуолар қилди.

Сўнг Анжелина ижобий дастурлар устида ишлай бошлади. Саратон ўсмасининг пайдо бўлмаслиги учун ҳамда соғлири билан боғлик фикрларга чалғимаслик мақсадида куйидаги ижобий дастурни такрорлади: “Ўзимни ўзим мұхабbat ила кешираман ва ўтмишимни унутаман. Бундан буён ме-



нинг ҳаётим қувончга тұлади. Ўзимга ўзим ёқаман ва ўзимнинг хатти-харакатимни қўллайман”, руҳий зўриқишига қарши: “Одамларнинг қўркув ва чекловларидан ташқарига чиқаман. Ўзим шахсий ҳаётимни яратаман”, ўлимга қарши: “Қувонч билан мавжудликнинг янги даражасига ўтаман. Менда ҳаммаси яхши”, сурункали касалликларга қарши: “Мен ўзгаришга ва ривожланишга тайёрман. Менинг янги хавфсиз истиқболим бўлди”.

У ҳамма услубларни чарчамасдан бажариб, ўз ҳаётига қувонч ва муҳаббат қайтаради. Анжелина саратонни енгишга муваффақ бўлди.

Еттинчи ҳиссиёт марказида ҳаммаси жойида

Бу бобда биз еттинчи ҳиссиёт марказидаги аъзолар саломатлиги тадқиқотлари ҳақида гапириб ўтдик. Сиз ҳаёт учун хавфли касалликларга йўлиқкан бўлсангиз, ҳамма услубларни текшириб кўринг. Бу дунё ўткинчи эканини ўйлаб, ўз-ўзингизга савол беринг: “Менинг яшашдан мақсадим нима?”, “Қандай қилиб, одам қудратли куч билан бирга бўлди?”, “Бахт ва саломатликка таъсир қилувчи мушкул вазиятлар бўлмаслиги ёки уларни безарар енгиб ўтиш учун қандай яшаш керак?”

Еттинчи ҳиссиёт марказида саломатликка эришиш учун ҳаётдан мазмун қидиринг, ўқишида ва ўзгаришда давом этинг, эътиқодингиз бутун бўлсин. Агар касалликлар туфайли “Нима учун айнан мен?! саволига тўқнашсангиз, дилда такрорланг: “Дунё Яратувчиси паноҳида мен ҳиссиёт зиддиятларини йўқотиб, хотиржамликка интиляпман. Ўз интуицијамга қулоқ солиб, шу вақтнинг ўзида олий марҳаматни қабул қилишга ҳаракат қиляпман.

Мен яшаяпман, демак, ҳаммаси жойида”.

МУНДАРИЖА

1-боб. Даволовчи усуллар бирлашуви	3
Интуиция (ички ҳис)нинг муҳимлиги	5
Тана интуицияси	7
Ички ҳис билан сезиш шошилинч идрок қилишнинг асбоб-ускуна панели	11
Бу китобдан қандай фойдаланиш керак?	13
2-боб. “Ҳаммаси жой-жойидами?” саволномаси бўйича аниқлаш	17
Анкета	18
Баҳолаш шкаласи	23
3-боб. Дори-дармонларни қўллаш	30
4-боб. Биз — оиласиз	38
Биринчи ҳиссиёт маркази — суяқ тизими, бўғимлар, қон айланиши, иммун тизими, тери.....	38
Биринчи ҳиссиёт маркази учун ижобий йўл-йўриклар	40
Суяқ ва бўғим касалликлари	46
Клиник амалиётдан иммун тизимининг касалликлари холатларининг тадқикотига	49
Қон айланиши ва қон кетиш муаммолари	51
Клиник амалиётдан қон касалликлари ҳолатларининг тадқиқотларига	54
Иммун тизими ишидаги бузилишлар	57
Клиник амалиётдан иммун тизими касалликлари ҳолатларининг таҳлилларига	60
Тери касалликлари	64
Клиник амалиётдан тери касалликлари ҳолатларининг таҳлилига	67
5-боб. Зарурый мувозанат	70
Иккинчи ҳиссиёт маркази — қовуқ, репродуктив аъзолар, умуртка погонасининг пастки қисми, сон бўғимлари ва суяклар	70
Иккинчи ҳиссиёт маркази — назария ва амалиёт тасдиғи	72
Қовуқ билан боғлиқ муаммолар	76
Клиник амалиётдан қовуқ касалликларининг ҳолатларини ўрганиш бўйича тадқиқотга	79
Репродуктив аъзолар	83

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛДИ

Клиник амалиётдан репродуктив аъзолар касаллклари	86
ҳолатларини ўрганишга	86
Умуртқа поронаси пастки қисми ва тос-сон	89
бўғимларидаги оғриқлар	89
Клиник амалиётдан бел умуртқаси ва тос-сон	92
бўғимидағи оғриқлар ҳолатларининг таҳлилига.....	92
Иккинчи ҳиссиёт марказида ҳаммаси яхши	96
6-боб. Янги муносабатлар	97
Учинчи ҳиссиёт маркази — овқат ҳазм қилиш тизими,	
вазн, буйрак усти ва ошқозон ости безлари, ҳаддан	
ортиқ берилганлик ва тобелик	97
Учинчи ҳиссиёт марказига тегишли йўл-йўриқлар	
ва фан.....	98
Овқат ҳазм қилишдаги муаммолар.....	103
Клиник амалиётдан овқат ҳазм қилиш	
бузилишининг тадқиқотига	107
Вазн муаммолари ва ўзингиз ҳақингиздаги	
тасаввурларингиз	110
Клиник амалиётдан вазн бузилишларини ўрганишга	113
Буйрак усти ва ошқозон ости безлари.....	117
Клиник амалиётдан буйрак усти ва ошқозон ости	
беллари касаллклари таҳлилига	120
Носоглом тобелик	125
Клиник амалиётдан тобелик ҳолатларининг тадқиқотига ..	129
Учинчи ҳиссиёт марказида ҳаммаси жойида	133
7-боб. Ёқимли ҳиссиёт	135
Тўртинчи ҳиссиёт маркази — юрак, ўпка ва	
сут безлари	135
Тўртнчи ҳиссиёт маркази фан ва яхши кайфият	
назариясида	137
Юрак касаллклари	143
Клиник амалиётдан юрак касали ҳолатларининг	
тадқиқотларига	146
Ўпка касаллклари	151
Клиник амалиётдан ўпка касаллклари ҳолатларининг	
тадқиқотларига	155
Сут безларининг касаллклари	160
Клиник амалиётдан сут безлари касаллклари	
ҳолатларининг тадқиқотларига	163
Тўртнчи ҳиссиёт марказида ҳаммаси жойида	166

ҲАММАСИ ЯХШИ БҮЛЛДИ

8-боб. Гаплашишга мавзуу бор.....	167
Бешинчи хиссиёт маркази — оғиз бүшлиги, бүйин, қалқонсимон безлар.....	167
Бешинчи хиссиёт маркази фан ва ижобий кайфият назариясида	168
Оғиз бүшлиги касаллуклари.....	172
Клиник амалиёттдан оғиз бүшлиги касаллуклари холатларининг тадқиқотига	175
Бүйин соҳасидаги муаммолар	180
Клиник амалиёттдан умуртқа поғонасининг бүйин кисмидаги касаллуклари холатлар тадқиқотига	183
Қалқонсимон безлар соҳасидаги муаммолар	187
Клиник амалиёттдан қалқонсимон без касаллуклари холатларининг тадқиқотига	190
Бешинчи хиссиёт марказида ҳаммаси жойида.....	193
9-боб. Ногаҳон кўз очилиши	194
Олтинчи хиссиёт маркази — мия, кўз-кулоқлар.....	194
Олтинчи хиссиёт маркази фан ва ижобий кайфият назариясида	195
Мия	197
Клиник амалиёттдан мия касаллиги холатларнинг тадқиқотига	200
Таълим олиш ва ривожланишдаги муаммолар	204
Клиник амалиёттдан когнитив бузилишлар холатларининг тадқиқотига	209
Кўз ва кулоқлар.....	213
Клиник амалиёттдан кўз ва қулоқ касаллуклари холатларининг тадқиқотига	217
Олтинчи хиссиёт марказида ҳаммаси жойида	220
10-боб. Ўзаришлар	221
Еттинчи хиссиёт маркази — индивидуал, сурункали ва дегенератив бузилишлар ҳамда ҳаёт учун хавфли касаллуклар	221
Еттинчи хиссиёт маркази фан ва яхши кайфият назариясида	222
Сурункали ва дегенератив бузилишлар	224
Клиник амалиёттдан дегенератив бузилишлар холатларининг тадқиқотига	228
Ҳаёт учун хавфли касаллуклар	230
Клиник амалиёттдан саратон касали холатларнинг тадқиқотига	231
Еттинчи хиссиёт марказида ҳаммаси жойида	236



ҲАММА КАСАЛЛИКНИ
ЕҢГИШ МУМКИН!

ЛУИЗА Л. ХЕЙ

барчага саломатлик тилайди

- ◆ ИНСОН ТАНАСИ — БУ АЖОЙИБ МЕХАНИЗМ. ҲАР ҚАНДАЙ МЕХАНИЗМ ҚАБИ У ҲАМ ТҮХТАБ ҚОЛМАСДАН ИШЛАШИ ҮЧУН ПАРВАРИШ ВА ТАЪМИРГА МУХТОЖ.
- ◆ БИРИНЧИ ҚАДАМ — САЛОМАТЛЫК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲАММА МУЛЛМОЛАРДАГИ ЭМОЦИОНАЛ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА ДОИМИЙ АСОСДА ШИФОБАХШ ИЖОБИЙ КҮРСАТМАДАН ФОЙДАЛАНИШ.
- ◆ ҮЗ КҮН ТАРТИБИНГИЗДАН ЯНГИ ИШ БИЛАН ШУГУЛЛАНИШ ҮЧУН ВАҚТ ТОПИНГ.
- ◆ САЛОМАТЛЫК КАЛИТИ — ҚУНДАЛИК ҲАЁТДА МУВОЗАНАТЛАНГАН МУЛОҚОТГА ЭРИШИШДИР.
- ◆ МЕН ЯШАЙПМАН, ДЕМАК, ҲАММАСИ ҮЗ ЖОЙИДА.



ISBN 978-9943-4742-6-0



9 789943 474260